



ИБРАТ ВА САБОҚ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

*Рисола Искандар Тухлиевнинг
отаси иқтисодиёт фанлари номзоди,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқ-
тисодчи Суюн Тухлиевнинг ёрқин
хотирасига багишиланади.*

МАМАЮНУС ПАРДАЕВ, САРВАР АБДУХАМИДОВ

ИБРАТ ВА САБОҚ

ТОШКЕНТ – 2020

М.К.Пардаев, С.А.Абдухамидов. Ибрат ва сабоқ. Библиографик рисола. / Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар. –Т., 2020 й.

Устозларни боғбонга қиёс қилишади. Боғбон бοг яратади, устозлар шогирдлар тайёрлаш билан бирга асрларга татигулик асарлар яратади. Бундай олимларимиз кўп. Улардан бири истеъдодли олим, туризм соҳасининг дарғаларидан бири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович Тухлиевдир.

Мазкур китобнинг номини “Ибрат ва сабоқ” деб аталишида катта бир маъно бор. И.С.Тухлиевнинг ҳаёти олим бўлиш орзусидаги, одам бўлиш истагидаги одамлар учун ибратдир. Агар китобда битилган, бу кишини яхши билган инсонларнинг дил сўзларини ўқисангиз, ибрат бўлиш учун нима қилиш кераклиги хусусида сабоқ оласиз. Умуман мазкур китоб одамларни ўйлашга, фикрлашга, ибрат ва сабоқ олишга чорлайди.

***Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Илмий-услубий
Кенгашининг қарори билан нашр этилди.***

Тақризчилар: М.М.Муҳаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.;
Б.Н.Наврӯз-Зода – Бухоро ДУ профессори, и.ф.д.



Муҳиддин Эгамбердиевич Пўлатов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

ТУРИЗМ ИЛМИЙ МАКТАБИНИ ЯРАТГАН ОЛИМ (Сўзбоши ўрнида)

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори Искандар Суюнович Тухлиевнинг довруғи нафақат Самарқандда, балки бутун Ўзбекистонда тажрибали педагог, ўз фанини ва касбини яхши биладиган, уни қадрлайдиган ва доимо янгиликка интилувчи етук мутахассис сифатида таралган. Ҳозир туризм соҳасига стратегик соҳа мақоми берилди. Ушбу соҳа бўйича назарий масалалар ечимини ҳал қилишда Самарқандда катта мактаб яратилган. Айнан шу мактабнинг яратилишида ва унинг ривожланишида домланинг хизматлари бекиёс.

Бу йил Искандар Суюновичнинг таваллудига 70 йил, илмий-педагогик ва иш фаолиятига қарийб 50 йил тўляяпди. 1997 йилда ЎзРФА Иқтисодиёт институтида «Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий минтақасида илмий-техник салоҳиятдан фойдаланиш механизми» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган. 2006 йилдан “Макроиқтисодиёт” мутахассислиги бўйича профессор унвонини олган. 2006 йилдан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига ишга қабул қилинган. Дастреб “Хизматлар кўрсатиш соҳаси иқтисодиёти” кафедрасининг профессори, сўнгра танлов асосида 2008 йилда «Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедрасининг мудири этиб сайланган. Ҳозирда ушбу кафедранинг профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Профессор Искандар Суюнович илмий мактабининг шаклланиши давомида илмий ва замонавий ўқув адабиётларини тайёрлашда жуда катта жонбозлик кўрсатган. Ҳозиргача жами 300 дан ортиқ илмий-амалий мақолалари дунёнинг турли мамлакат-

ларида нашр қилинган: шу жумладан, 11 та мақолалар Брюссель, Мадрид, Караганда, Москва, Польша, Хиндистон, АҚШ, Малайзия каби хорижий шаҳар ва мамлакатларда; 27 та илмий мақолалари нуфузли журналларда ва 7 та монография нашр этилган. Ўқув адабиётларини тайёрлашда ҳам етакчи профессор-ўқитувчиларимиздан бири. У кишининг қаламига мансуб жами 48 та ўқув адабиётлар нашр этилган. Булардан 8 таси дарслик, 12 та ўқув қўлланмадир. Булардан ташқари 26 та услубий қўлланма ва 2 та туризм соҳасининг замонавий атамаларига бағишиланган изоҳли луғатларнинг ҳам муаллифидир.

Профессор Искандар Суюнович Тухлиев қатор йиллар давомида кўплаб фундаментал ва амалий давлат грантларига раҳбарлик қилиш жараёнида унинг кўплаб илмий ишланмалари туризм амалиётига жорий қилинган. Туризм соҳасидаги кўп йиллик олиб борган илмий тадқиқот ишлари натижасида “Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш иқтисодиёти” йўналиши бўйича Ўзбекистонда илмий мактаб яратилган.

Профессор И.С.Тухлиев илмий мактабининг шаклланиши давомида 8 нафар фан номзодлари, фалсафа докторлари ҳамда 1 нафар фан докторларига раҳбарлик қилган, унинг раҳбарлигидаги 5 нафар мустақил изланувчи туризм соҳаси бўйича ҳимоя арафасида турибди. Бу кишининг ўзига хос жиҳатларидан бири деярли барча назарий ишланмаларини амалиётга жорий қилиб, амалиёт билан назариянинг уйғунлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Хозирги пайтда профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига Инновацион ривожланиш вазирлигига Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган амалий ва фундаментал лойиҳалар 2020 йил танловига 4 та фундаментал ва 1 та амалий грант лойиҳалари тақдим этилди.

Одатда истеъдод эгалари ҳам, бир ота-онанинг фарзандлари. Аммо унинг хизматлари халқчил бўлганлиги туфайли бу инсонни халқ мулкига, миллат фаҳрига айланишига сабаб бўлади. Бундайлар жисмонан бу дунёни тарқ этганидан қатъи назар, иккинчи умри билан ҳалқ орасида, ташна қалбларда ҳамиша яшайверади. Мана қанчадан-қанча инсонлар, хусусан миллатимиз вакиллари ўзларининг илмий ижоди билан мангаликка дахлдор

бўлган. Улар кимлар, улар асосан истеъдод соҳиблари, олимлар ва бошқа ижодкорлардир.

Мен И.С.Тухлиевга ҳам узоқ умр тилаш билан бирга катта олим, бир соҳанинг соҳиби сифатида халқнинг ардоғида бўлиб юришлигини тилайман. Яратганга ҳамду санолар бўлсинки, шунча берган неъматларини зиёда ва бардавом қилсин. Шу неъматлар эвазига эриштирган мартабасини бунданда улуғ қилиб адаштир-масин. Ҳеч ҳам ижоддан тўхтаманг, берган умр шунчаки эришган нарсаларга маҳлиё бўлиб, тамоша қилиб яшаш эмас, уни кундан кунга, соат сайин ҳар бир дақиқасини қадрлаб, фан оламининг сultonига айланиш учун чинакамига меҳнат қилишдан иборат бўлмоғи лозим. Бундай саодат ва шижаот Сизни ҳеч маҳал тарк этмасин.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор И.С.Тухлиевнинг хизматлари муносиб тақдирланган. 2001 йилда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги» ва 2016 йилда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги» кўкрак нишонлари билан мукофотланган. Кўп йиллик самарали ва ҳалол меҳнати ҳамда ўз хизмат вазифасига бўлган садоқати учун 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги фахрий ёрлиғи, 2017 йилда “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” муносабати билан вилоят тарракиётига қўшган самарали ҳиссаси ҳамда ижтимоий-иктисодий ҳаётдаги фаол иштироки учун Самарқанд вилояти ҳокимининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Оилали, 5 нафар фарзанднинг отаси. Ибратли оила бошлиғи.

Биз Искандар Суюновични таваллуд кунига 70 йил тўлиши муносабати билан қизғин табриклаймиз. Бу кишига соғлик, оилавий хотиржамлик, фарзандлари ва набиралари қуршовида узоқ йиллар баҳтли ҳаёт кечиришини тилаймиз.

...*...

Ҳаёт бу тупроқ, ҳеч кимнинг оёғи тупроқдан узилмасин, чунки барибир тупроққа қайтишимизни унутмаслигимиз керак.

...*...

Ҳаёт бу орзу, бу дунёда зам-зам, у дунёда кавсар сувини ичишга мұяссар бўлиш.

...*...

Ҳаёт бу ақл чархи, бунинг учун ёдлаш, фикрлаш, тафаккур қилиш лозим.

КИРИШ

Китобнинг биринчи бўлими “Ҳаёт йўлининг ўчмас лаҳзалири”га бағишланган бўлиб, бунда асосан олимнинг ҳаёти ва фаолиятига қисқача тўхталган. Иккинчи бўлим, “Олим устозлари ва сафдошлари назарида”, деб номланган бўлиб, бунда устозларининг ва бирга фаолият олиб борган ва бораётган сафдошларининг самимий фикрлари ёритилган. Ушбу китобнинг учинчи бўлими бевосита “Олимни замондошлари шундай идрок этади”, деган мавзуга бағишланган бўлиб, бундаги мақолаларда ҳам қаҳрамонимиз билан ҳаётда бўлган воқеалар, ибратли ҳодисалар ҳақида ҳар бир муаллиф ўзининг кечинмаларини ёзган. Тўртинчи бўлимда “Олим ҳақида шогирдлар эътирофи” ёритилган. Бунда шогирдларнинг миннатдорчилик руҳида битилган дил сўзларини ўқийсиз. Охирги бешинчи бўлим у киши эъзозлаган яқинлари ва қариндошларининг фахрга лиммо-лим тўла ҳаёжонли гаплари билан танишасиз.

Мазкур китобда қаҳрамонимизнинг умр дафтаридан айrim саҳифаларгина ёритилган. Олим ҳаётини бир денгизга қиёс қилса бўлади. Бу ерда ёзилган сўзлар шу денгизнинг бир томчиси холос. Аммо ана шу томчилар ҳам қанча-қанча илмга ташна қалбларнинг чанқофини қондиришга қодирдир. Ўқинг, бу сўзлардан сабоқ оласиз. Ўрганинг булар Сизга қандайдир маънода ибрат бўлади.

Инсон “Бешиқдан то қабргача илм излаб яшаши керак”, дейдилар. Чунки инсон азиз ва мукаррам қилиб яратилган. Ана шу азиз ва мукаррамликни илми етарли бўлмаган одам тушунмайди, бу дунё маттоҳи деб, нафсининг қулига айланиб азиз ва мукаррамликка путр етказиб қўяди. Илмли одамларгина азиз ва мукаррамлик нималигини тушунади. Борига шукур қилишни, ҳали етмаган орзуларига сабр қилишни билади ва шунга амал қиласди. Бундайлар Яратганинг энг яқин бандаларидан, Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг энг яқин умматларидан бўлиб қолади. Ана шундай саодатни биз бугун 70 ёшни қаршилаётган биродаримиз Искандар Суюнович Тухлиевга тилаймиз.

Мехр-оқибат, садоқат, чинакам меҳнат, қатъиятлик, одамийлик, интилувчанлик каби фазилатлардан дарс берувчи “Ибрат ва сабоқ” китоби ҳар бир ўқувчининг кўнгил мулкидан мустаҳкам

ўрин эгаллашига, унинг ҳаётий томойилига айланишига ишончимиз комил.

Аммо ушбу китобни тайёрлаш ва тизимлаштириш жараёнида албатта хатоларга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Бандалармиз, хатолардан холи эмасмиз. Агар Сизга шундай хатолар учраб қоладиган бўлса, Сиздан узр сўраймиз. Сиз бизнинг хатоларимизни кечиринг, Яратгандан эса, авф этишини сўраймиз.

Қуйида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Самарқанд вилояти туризмни ривожлантириш департаменти томонидан Олимни 70 йиллик юбилейи билан табриклиш учун юборилган фахрий ёрлиқ ва табрикномалар илова қилинмоқда.

Ҳаёт бу сабр, негаки, сабрли инсон ҳаётда қўп нарсага эришиши аллақачон исботланган.

Ҳаёт бу қадр, зеро, ҳаёtingнинг ҳар бир онини, учратган ҳар бир одамингни қадрласанг, сен ҳам қадр топасан.

Ҳаёт бу муаллим, Рўдакий бобомиз айтганлариdek, “агар киши олмаса ҳаётдан таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим”! Ҳаёт – энг кучли муаллим!

Ҳаёт бу меҳнат, чунки тинимсиз меҳнат қилмаган киши қўп нарсага эриша олмайди.

Ҳаёт бу саодат, агар саодатли кунлари бўлмаганда яшашнинг маъноси қолмаган бўлар эди!

Ҳаёт бу бозор, ҳақиқатдан ҳам туғилгандан то қабрга қадар катта бир бозор ичida юргандай бўласан...

Ҳаёт бу ташвиш, бу қандай ўйлашга боғлик. Агар шундай ўйласанг, ҳаётнинг турган-битгани ташвиш...

Ҳаёт бу иш, тўғри, муносиб яшаш – жуда катта меҳнат талаб қиласиган ишдир...



**Ko‘p yillik samarali va halol mehnati
hamda o‘z xizmat vazifasiga bo‘lgan
sadoqati uchun**

Tuxliyev Iskandar Suyunovich

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGINING**

FAXRIY YORLIG‘I

BILAN TAQDIRLANADI

O‘ZBEKISTON



A handwritten signature in black ink, appearing to read "I. Madjidov".

I.Madjidov

**Oliy va o‘rta maxsus
ta’lim vaziri**

Toshkent shahri 2020 yil



Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривојлантириши давлат қўмитаси

ТАБРИКНОМА

Хурматли Искандар Суюнович!

Сизнинг Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институтидаги туризм соҳаси кадрларини етишишириши ва илм-фан ривојланишига қўшган ҳиссангиз учун миннатдорчилик билдирамиз.

34 йил давомида кадрлар тайёрлаши ҳамда ёш авлод таълим-тарбияси, маънавиятини юксалтишидаги жонкуярлигинги, шунингдек, 12 йил давомида Институтнинг “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси мудири сифатида иш фаолиятини олиб бориб, соҳадаги билимларни педагогик технологиялар асосида талабаларга етказиб келаётган фидокорона меҳнатингиз таҳсинга сазовор.

Кўп йиллик илмий тадқиқот ишларингиз натижасида “Туризм соҳасини инновацион ривојлантириши иқтисодиёти” йўналиши бўйича Ўзбекистонда янги илмий мактабга асос солинди.

Мазкур илмий мактабнинг шаклланиши давомида 8 нафар фан номзоди, 1 нафар фан доктори тайёрланди, 300 дан ортиқ илмий-амалий мақолалар дунёнинг турли мамлакатларида нашр этилди. Шунингдек, раҳбарлигингида талабалар учун 48 номдаги ўқув адабиётлари, 8 та дарслик, 12 та ўқув қўлланмаси, 26 та услубий қўлланма ва 2 та туризм соҳасининг замонавий атамаларига оид изоҳли лугатлар нашр этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Юқоридағилардан келиб чиқиб, соҳада кадрлар тайёрлашида фаол ва фидокорлик билан ёш авлод таълим-тарбиясини юксалтишига қўшган ҳиссангиз учун, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривојлантириши давлат қўмитаси номидан табаррук 70 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз!

Бошлаган илмий фаолиятингиз шогирдлар томонидан муносаб давом эттирилишини ҳамда оиласигиз, фарзандларингиз ва набираларингиз баҳтига доимо сог-саломат бўлишингизни ва узоқ умр кўришингизни тилаймиз!

Келгусида илмий фаолиятингизни шогирдларингиз билан биргаликда Ватанимиз равнақи йўлида сермаҳсул давом эттиришингизни ҳамда оиласигиз, фарзандларингиз ва набираларингиз баҳтига доимо сог-саломат бўлишингизни ва узоқ умр кўришингизни тилаймиз!

Самимий эҳтиром билан,
Туризмни ривојлантириши давлат қўмитаси
раисининг биринчи ўринbosari A.Ақкулов



Хурматли Искандар Суюнович!

Сизни табаррук 70 ёшиңгиз билан Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва жамоатчилиги номидан самимий муборакбод этаман!

Вилоятимиз аҳли Сизни Республикамиз ҳамда Самарқанд вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш, уни янги босқичга олиб чиқиш, туризм ривожи йўлидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, соҳани инновацион - инвестицион ривожлантириш, шунингдек, туризм соҳаси учун юқори салоҳиятли мутахассис кадрлар тайёрлашга муносаб ҳисса кўшган масъулиятли устоз сифатида яхши билади.

Сиз туризм соҳасидаги кўп йиллик олиб борган илмий - тадқиқот ишларингиз натижасида “Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш иқтисодиёти” йўналиши бўйича Ўзбекистонда илмий мактаб яратдингиз.

Ушбу асосдан 8 нафар фан номзодлари, фалсафа докторлари ҳамда 1 нафар фан докторларига илмий раҳбарлик қилганлигингиз, илмий-тадқиқотларингиз натижасида тайёрланган 300 дан ортиқ илмий-амалий мақолаларингиз дунёнинг турли мамлакатларида нашр қилинганилиги эътирофга сазовордир.

Мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш учун бундан кейинги илмий фаолиятингизга ва муносаб кадрларни тайёрлаш борасидаги ишларингизга янги зафарлар тилаймиз!

Сизга сиҳат-саломатлик, оиласигизга фаровонлик, шогирдлар эъзозидаги устоз бўлиб юришингизни Яратгандан сўраб қоламиз!

Самимий эҳтиром бўлан

Самарқанд вилояти ҳокими

Э.О.Турдимов

Самарқанд шаҳри,
2020 йил 3 июнъ





Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси

Фахрий ёрлик

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти профессори
Тухлиев Искандар Суюнович

Туризм соҳасида кадрлар етиштириши ва илм-фан ривожланишига қўшган муносиб ҳиссаси учун

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг
Фахрий ёрлиги билан тақдирланади.

Раиснинг биринчи ўринbosari
Акргузов Абдулазиз Ўролбоеvich



Олий таълим тизимидағи кўп йиллик ҳалол меҳнати ва Самарқанд вилоятининг туризм соҳаси ривожига қўшган самарали ҳиссаси учун
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

ТУХЛИЕВ ИСКАНДАР СУЮНОВИЧ

Самарқанд вилояти туризмни ривожлантириш департаменти

ФАХРИЙ ЁРЛИК

билин тақдирлайди.

Самарқанд вилоят туризмни
ривожлантириш департаменти
директори



Самарқанд 2020

Д.Нарзикулов

ХАЁТ ЙЎЛИНИНГ
ЎЧМАС ЛАҲЗАЛАРИ



**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Туризм”
кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, таниқли
олим Тухлиев Искандар Суюновичнинг 70 йиллик ҳаёт
йўлига бир назар**

ОТАМНИНГ ҲАЁТИ – ИБРАТ МАКТАБИ

Инсон болалигига ота-онаси-нинг комиллиги учун фахрланиши, ота-она кексайганда фарзандларининг одиллиги, яхшилиги ва азизлиги учун фахрланиши – бу Аллоҳнинг инояти. Чунки фарзандлар яхши ота-онадан дунёга келган, яхши ота-онанинг болалари комил инсонлар бўлиб етишган бўлади. Ҳаёт шундай, Ота ва Она ҳаётлигига кексайиб қолган дамларда бу дунёни тарк этиш арафасида бўлган ер юзидаги хазинадир, дейилади. Биз отамиз ким бўлганлигидан қатъи назар, улар билан фахрланишимиз лозим экан. Чунки Аллоҳнинг инояти билан бу дунёга келишимизга сабабчилар айнан шулардир. Шу туфайли уларнинг розилиги орқали Аллоҳнинг розилигига эришилар экан. Шу туфайли муқаддас китобларда, жаннатга кириш, дунёдаги муваффакият, хотиржамлик, мўл ризқ келиши ва балоларни дафъ қилиниши - Ота-онага яхшилик қилиш миқдорига боғлиқдир, деб таъкидланади. Қаҳрамонимизга бугунги кундаги мавқеи, унга берилган неъматлар, эриштирган саодати шуни кўрсатиб турибдики, бу киши ўзининг борлиги билан ота-онанинг розилигига эришган, энди Аллоҳ рози бўлсин.

Фарзанднинг яна бир бурчи ота-она ўтиб кетгандан кейин ҳам уларнинг орқасидан доимо дуо билан йўқлаб туришдан иборат экан. Мен бу фазилат ҳам Искандар Суюновичда мужассам эканлигига амин бўлдим. Чунки ўзи ҳақида ёзиш давомида, Мамаюнус



Олимнинг Отаси

ака, биринчи бўлимга ота-онам ҳақида икки оғиз фикрингизни ёзиб кетинг. Чунки каломни шу кишилардан бошласак, деб қолди. Мен албатта отасини 5-синфда ўқиб юрган пайтимизда кўрган эдим. Ўша хотира ҳамон ёдимда муҳрланиб қолган. Бизни Ғаллаоролнинг ўша пайтлардаги доҳий номи билан аталадиган колхозига пахтага олиб келган. Қаранг 5-синф деб ёзаяпман. Шунга эътиборингизни қаратмоқчиман. Бугунги ўқувчилар билан бир қиёслаб кўрингчи, биз бугун қандай замонда яшаяпмиз.

Хуллас, пахтага райком секретари келар эмиш, деб қолишиди. Биз пахтадамиз, бўйимиз ғўздан салгина баланд. Деярли энгашмасдан пахта терадиган палла эди. Бир пайт райком келди. Хизмат машинаси ВИЛИС, деб номланадиган ўша даврнинг энг нуфузли машинасидан бири эди, чамамда. Ундан раис бобо яна бир киши ва Суюн Тухлиев деган райком келиб тушди. Пахтазорни қўздан кечириб, нималарнидир гаплашдию, бизга ҳорманглар, деб мурожаат қилди. Хотирамда қолгани – “Райком секретарлари жуда чиройли, нурли одам бўлар экан”да деган тушунча калламга ўрнашиб қолган. Чунки шу пайтда райком секретарини биринчи бор кўрган эдим. Энди ўйласам, бугунги қаҳрамонимиз, шундай одамнинг ўғли экан.

Искандарнинг отаси Суюн Тухлиев бешта туманга райком секретари бўлган экан. Булар: Ғаллаорол, Оқдарё, Хатирчи, Каттақўргон туманлари, кейинчалик Сирдарё вилоятининг Боёвут туманларидир. Қаранг, ўша пайтларда ҳам битта туманда бир муддат райком секретари бўлишнинг, унинг уддасидан чиқишнинг ўзи бўлмаган. Аммо бешта туманда раҳбар бўлиб ишлашнинг ўзи бўлмайди. Бунга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Мен мақоламнинг бошида бизнинг дунёга келишимизга сабабчилар бўлган ота-онамиз ким бўлишидан қатъи назар, улар билан фахрланишимиз лозим эканлиги хусусида эслатган эдим.



Олимнинг Онаси

Энди қаранг, Аллоҳнинг инояти билан шундай одамнинг фарзанди бўлиш кимни фахрлантирмайди. Искандар отаси билан ҳақиқатда фахрланса арзийдиган инсон эканлигига ортиқча изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.



Олим Отаси ва Отасининг шогирдлари билан

Искандар бежиз олим бўлиб қолмаган. Қаранг отаси шунчалик банд бўлишига қарамасдан илм билан шуғулланиб, иқтисодиёт фанлари номзоди деган илмий даражага ҳам сазовор бўлган. Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий соҳасининг ривожига улкан ҳисса қўшганлиги туфайли у кишини “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи” фахрий унвони билан ҳам тақдирлашган.

Энди ўйласам Суюн Тухлиев Худо ёрлақаган инсон экан. У улуғ ватан уруши қатнашчиси, фронтда ҳам қатор орден ва медаллар билан Ватанига қайтиб келган. Қанча йигитларимиз фронт майдонида ҳалок бўлиб, бедарак йўқолиб кетишли. Лекин Аллоҳнинг асрори туфайли шундай жангоҳлардан эсон-омон қайтиб келиб, қанча ишларни қилган. Агар Суюн Тухлиев жангдан қайтиб келмаганда бизда бешта райкомга секретар билмадим ким

бўлар эди. Муҳими бугунги қаҳрамонимиз Искандарнинг бугун юбилейини ҳам нишонлаб ўтиргмаган бўлардик. Буларнинг ҳаммаси Яратганинг инояти, бандасига берган мукофоти.

Қаҳрамонимиз Суюн Тухлиев ўзининг фидокорона меҳнати туфайли халқ орасида катта ҳурматга сазовор бўлганлигининг намунаси Ўзбекистон Олий Кенгашининг, халқ депутатлари Самарқанд ва Сирдаръё вилоятлари Кенгашлари депутатлигига бир неча бор сайланган. Шу билан бирга ҳукуматнинг қатор орден ва медалларига сазовор бўлган, халқ орасида катта ҳурмат ва эъзозга эга бўлган, жамоат арбоби сифатида тан олинган инсон. Суюн Тухлиев ўз вақтида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда катта хизмат қўрсатган иқтисодчи бўлганлиги туфайли юқорида таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган иқтисодчи” фахрий унвони бежиз берилмаган.

Суюн Тухлиев ҳақида Анвар Абдуллаев “Зарафшон” газетасида “Қишлоқдошлар унутмайди” деб номланган мақоласида (2019 йил 9 май) у киши раҳбарлик қилган туманлар иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий, маънавият соҳаларида пешқадам туманлар қаторидан ўрин олган. Жумладан, йўллар, мактаблар, боғчалар, шифохона, савдо, майший хизмат обьектлари кўплаб қурилган. Аҳоли замонавий ўй-жойларда яшашни бошлаган онлари шу даврларга тўғри келади. Аҳолининг турмуш даражаси, маданияти юксалиш билан бирга саноат ва қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳа обьектлари кўпайди. Махсулот ишлаб чиқиш қўрсаткичлари ўсди, сифати яхшиланди, таннахи арzonлашди, хўжаликлар иқтисодиёти тикланди.

Ватан равнақи, эл баҳти-саодати йўлида ибрат қўрсатган Суюн Тухлиев 1999 йил 14 май куни бу фоний дунёни тарқ этиб, Яратганинг ҳузурига риҳлат қилди. Аммо бу кишининг хизматларини халқ унутмайди, унинг издошлари, муносиб зурриётлари бор. Отасининг халқимизга, давлатимизга муносиб хизмат қилишдек, хайрли ишларини давом эттириб келмоқда.

Искандар Суюнович отасининг ҳар бир гапини, харакатлари ва ўғитларини фаҳр билан эслайди. Менинг ҳаётда ўз ўрнимни топишмда у кишининг ҳаёти Мен учун ибрат мактаби, деб тан олади. Фарзандларнинг отага муносиб бўлиши ҳам Яратганинг иноятидир.

Ҳикматларимнинг бирида “Ҳаёт бу хизмат, яшашнинг ўзи умр бўйи хизматдан иборат. Кимдир хўжайиннинг айтганини қил-

са, кимдир, Парвардигорнинг айтганини қилиб хизмат қилади. Саодатли одамлар иккаласини ҳам бажаришга улгуради”. Бу дунёда бирортасидан воз кечиб бўлмайди. Мен ҳурматли Искандар Суюновичга айнан шундай саодат тилаб, у ҳақдаги фикрларимни бошлайман.

Мазкур рисолани “**Ибрат ва сабоқ**” деб номлаганимизнинг сабаби бор. Искандар Суюнович бир куни “Мен бу йил 70 га тўламан, дўстларни тўплаб бир кичик даврада сухбат уюштироқчиман”, деб қолди. “Ўзингиз ҳақингизда дўстларнинг фикрлари жамланган битта китоб чиқарасизми?” – деб сўраган эдим, иккиланди. Маълум вақт ўтгач, майли битта китоб чиқарайлик, бўлмаса, деб розилик билдириди. “Мен ҳақимда батафсилроқ бутун ҳаётим бўйича қисқагина Сиз ёзинг”, деб менга қаради. Мен рози бўлдим. Шунда мен айрим ҳолатлар хотирамда яхши сақланган эмас, деган эдим. Искандар ҳам: “Менинг ҳам ҳаммаси ёдимда эмас. Бир эслаб кўрамиз, кейин бир учрашайлик”, деб келишдик. Шу тариқа мен у киши ҳакида билганларимни қафозга тушира бошладим.



**Олим Отаси ҳамда укалари Баҳриддин ва Нуриддин
Тухлиевлар билан**

Маълум вақт ўтгач яна сухбатлашиш имкони туғилди ва менга “Жуда кўп нарсани эсладим, анча гаплар хотирамда кечагидай гавдаланиб турибди”, деб қолди. Буларни бирма-бир айтиб берди. Айрим мен учун янгилик бўлган нарсаларни астасекин ёзиб бордим ва ниҳоят у кишига бериб, қолган жойларини тўлдиринг, ҳаётингизда кимлар билан учрашган (бирга ишлашган) бўлсангиз, ёдимиизга тушмаган нарсаларни ҳам бир қаранг, деб яна қўлига қайтариб бердим. Ҳаётий фактларнинг бир қисмини телефон орқали, бир қисмини телеграм орқали қўшимча тарзда олиб, хуллас шу рисолани тайёр қилишга киришдик. Ушбу рисоладаги далиллар (фактлар) менинг ва Искандар Суюновичнинг ёрқин хотирасида сақлаб қолганларининг бир қисми ҳолос. Ҳаммасини ёзишга вақт нуқтаи назаридан ҳам имконият бўлмади.

Эсласам, Искандар Суюнович Тухлиев билан танишганимизга ҳам қарийб 40 йил бўлибди. Яқиндан илмий ҳамкорлигимиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Самарқанд Илмий марказида бўлим мудири, сўнгра унинг раҳбари бўлиб ишлаган даврига тўғри келади. Ўша йилларда қаҳрамонимизнинг ташаббуслари билан кўплаб илмий анжуманлар, илмий семинарлар ташкил қилинар эди. Ўша жараёнларда танишиб, илмий ҳамкорлигимиз бошланган бўлса, кейинчалик дўстлигимиз ҳам илдиз ота бошлади. Хуллас, Искандар билан бир-биримизга “...ивич, ивич”, деган чақириқни қўлламасдан қўйдик. Менга у Искандар ука, унга мен Мамаюнус ака бўлиб қолдик.

Унинг ҳаёт йўлига назар солиб, одам аллома бўлиб ҳам аҳмоқ бўлиб ҳам туғулмаслигига яна бир бор амин бўлдим. У қандай тарбия олса, ўшандай улғаяди. Уни қайси йўлга солсанг шу йўлдан кетади. Агар у иқтидорли бола бўлсаю, ўғрилар галасига тушиб қолса, “шеф”нинг тарбияси билан у иқтидорли ўғри бўлиб етишади. Агар фозиллар билан бўлиб, тўғри тарбия олса, ақлихуши жойида инсонга хос тарзда вояга етади. Бундайларнинг ҳаётида инсонга хос бўлган битта фазилат, қатъиятлилик шаклланади. Қатъиятли инсон агар бораётган йўлида тўсиқлар пайдо бўлиб қолса ҳам орқага қайтмайди, манзилга етиш учун чинакамига курашадиган бўлади. Бундайлар албатта кўзлаган маррага етадиганлардан бўлади. Биз қаламга олаётган инсонда шу ҳислат мавжудлиги уни манзил сари оғишмай боришга ундади. Бир қанча тўсиқлар, турли бекатлар, нотекис йўлларга дуч келгани

билан орқага қайтмади. Шу туфайли фанда у охирги чўққисигача, яъни фан доктори даражасини олишгача ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Искандарнинг ҳаёт йўли бошқаларга нисбатан бироз фарқ қиласди. Айрим иқтидорли кишилар бор, фақат маъмурий йўл билан поғонама-поғона кўтарилиб боради, айримлар фан йўлида чинакамига меҳнат қилиб, фан доктори, профессор даражасигача етади. Бундайларнинг бутун умри фанга бағишлиланган бўлади. Лекин Искандар икки йўналишда ҳам оғишмай фаолият кўрсатди. Фанда фан доктори, маъмурий йўналишда вилоят ҳокими ўринбосари, вазирликларда мутасадди лавозимларда ҳам ишлади. Буни унинг қисқагина ифода этилган таржимаи ҳолига, ҳаёт йўлига назар ташласангиз ҳам яққол кўришингиз, аниқ фактлар орқали билиб олишингиз мумкин.

Тухлиев Искандар Суюнович 1950 йилда Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида, хизматчи оиласида таваллуд топди. Каттақўрғон шахридаги саккиз йиллик ўрта мактабни тамомлагач, 1969 йилда Тошкент электро-механика техникумiga ўқишига кирди, уни аъло диплом билан тамомлагач, шу йилнинг ўзида битта математика фанидан аъло баҳога имтиҳон топшириб, Тошкент Политехника институтининг механика факультети талабаси бўлди. Ўзининг хотирлашича, талабалик йиллари жуда завқли ўтган. Институтда аъло ўқиш билан бирга жуда кўплаб дўстлар орттирган, ўша жойда жамоат ишларига фаол иштирок этиш кўникмасини ҳам шакллантирган.

Ўзимнинг битикларимнинг бирида: “Ҳақиқий дўст шуки, сенда бирор яхшилик кўrsa ҳаммага айтади, бирор айб кўrsa яширади, дунё сенга кулиб боқса ҳасад килмайди, дунё сендан юз ўгирса ташлаб кетмайди, сенга бирор мусибат бўлса, ёнингда туради, чин кўнгилдан Сенга яхши бўлишини Худодан сўраб дуо қиласди. Шу жумлаларни ўқиган дўстларимизнинг шундай дўстлари кўпайсин. Ният қилинг”, деб ёзганман. Мен Искандарнинг ҳаётига назар солиб, шундай садоқатли дўстлари борлигига амин бўлдим. Унинг ёшлигидаги дўстлари, ўспирин пайтидаги дўстлари билан ҳамон борди-келди қилиб юрганлигига гувоҳ бўлганман. Бу ҳам инсондаги инсоний фазилатларнинг энг олийси.

Буюк мутафаккир, Жалолиддин Румий инсонларга қаратада:
“Ҳаёт уйқудир, ўлимла уйғонур инсон.

Сен шошил, ўлмасдан аввал уйғон”, деган пурмањо даъватига амал қилиб яшаган одам икки дунёда ҳам хор бўлмагай. Ҳаёт – бу бебаҳо неъмат. Унинг ҳар бир лаҳзасини қадрлаб яшаш лозим. Шундагина инсонларнинг ҳаёти ҳаётга ўхшайди.

ЁШЛИК – ҲАЁТ ЙЎЛИНИ ТАНЛАШ ПАЛЛАСИ

Энди институтни битириб, мустақил ҳаётга қадам босган онларини эсладик. Институтни 1974 йилда муваффақиятли битиргач 1974-1976 йилларда Ўзбекистон Республикаси «Гўштсұсаноати» вазирлиги қошидаги Марказий лойихалаштириш ва конструкторлик бюросида катта муҳандис лавозимида амалий фаолият кўрсатди. Шу ерда ишлаб юрган палладаёқ унда илмга бўлган иштиёқ уйғонган эди. Буни англаган раҳбарият шу Марказнинг йўлланмаси билан 1976 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси иқтисодиёт институтининг аспирантурасига ўқишга юборди. Аспирантурага киргач, ЎзРФА академиги О.Х.Хикматов раҳбарлигига «Ўзбекистон гўшт саноатида техника тарақиётининг иқтисодий самарадорлиги» мавзусида 1981 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва Собиқ Иттифоқ ОАҚ Президиумининг 1982 йил 27 январдаги ЭК 110835-сон қарори билан унга иқтисодиёт фанлари номзоди, деган илмий даражা берилди. Ушбу институт унда илмга бўлган иштиёқни уйғотди.

Ушбу туйғу уни ЎзРФА иқтисодиёт институтида фаолиятини давом эттиришга жазм қилди. Шу тариқа у 1980-1985 йилларда кичик, сўнгра катта илмий ходим бўлиб ишлади. Ёш олимнинг 1984 йилда “Фан” нашриётида чоп этилган “Экономические проблемы технического прогресса в мясной промышленности Узбекистана” номли дастлабки монографияси нашрдан чиқди. Ушбу монография Бутуниттифоқ Марказий Комсомол Қўмитасининг танловига тавсия қилинди ва унда совринли ўринга сазовор бўлди. Ушбу мукофотни олиб, Москвадан ўзига сифмай нечоғлиқ хурсанд бўлиб қайтган дамларини завқ билан сўзлаб бериши, ўша пайтларда қанчалик шодон бўлганлигидан далолат бериб турибди.

Шундай қилиб, у илм йўлига бутунлай ўтиб олди. Мазкур соҳада қилган ишлари бесамар кетмади. Унга 1988 йилнинг 29 марта СССР Фанлар Академияси Президиумининг 236-64-14000 сонли қарори билан 08.00.26. – “Илмий-техника тараққиёти иқтисодиётини бошқариш, ташкил қилиш ва режалаштириш”

мутахасислиги бўйича катта илмий ходим унвони берилди. Бу унвон илм соҳасида қилган ишлари ва эришилган ютуқлари учун берилган эди. Аммо бу Искандарга жуда катта масъулият ҳам юклади. Айрим одамлар борки, бирор нарсага эришса, маррага етдим, деб ўйлайди. Аммо айримлар борки, бирор нарсага эришса, шуни оқлашим керак, деб ўзига янада оғир масъулиятларни ҳам юклаб олади. Искандар айни шундайлардан бири сифатида ўзини намоён қилди.

Ўтган асрнинг 1980-1990 йилларида Ўзбекистон Фанлар Академияси Иқтисодиёт институти мамлакатимизда етакчи илмий марказлардан бири эди. Бунда шу йилларда ажойиб иқтидорли ёшлар, аспирантлар ва бўлажак олимлар групхи шаклланган эди. Ушбу групхда Тангриберган Дўстжонов, Раҳмон Каримов, Ирисбек Иватов, Тохиржон Иминов, Алишер Расулов, Равшан Алимов, Генадий Лян, Виктор Шепелев ва бошқа тадқиқотчилар илм билан машғул эди. Ўша йиллардаги пойдеворнинг мустаҳкамлиги шундаки, кейинчалик буларнинг барчаси иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олишга муваффақ бўлишди. Босқичма-босқич ҳар бири ўзларининг йўналишлари бўйича профессор илмий унвонларини ҳам олишди ва бугунги кунда буларнинг ҳаммаси миллий иқтисодиётимизнинг равнақи йўлида турли соҳалар йўналишларида самарали меҳнат қилиб келишмоқда. ЎзРФА Иқтисодиёт институтида бундай илмий мактабнинг шаклланишига асосий сабаб, бу даврда салоҳиятли иқтисодий илмий муҳитнинг мавжудлиги эди. Иқтисодиёт фанининг етук олимларидан Ўзбекистон Фанлар Академияси академиклари И.Искандаров, О.Ҳ.Ҳикматов, Р.А.Убайдуллаева, иқтисод фанлари докторлари, профессорлар А.Сафаев, А.Ишмуҳаммедов, Р.М.Раззаков, Т.Эргашев, Р.Шодиев, К.Н.Бедринцев каби устозлар айнан шу институтда фаолият кўрсатаётган эди. Бундан ҳам кўриниб турибдики, иқтисодиёт институтида жуда катта илмий салоҳият тўпланган эди. Буларнинг ҳар бири жуда катта илмий мактаб яратиш билан бирга ҳамкорлигида жуда катта илмий тадқиқот ишларни ҳам олиб борарди.

Искандар айнан шундай муҳитда шаклланди. У омадли йигит экан. Юқорида, “агар иқтидорли бола ўғрилар галасига тушиб қолса, иқтидорли ўғри бўлиб етишиши мумкин”, деган иборани ишлатган эдик. Бу кишинг омади, қандай илмий муҳитга ва қандай

олимлар галасига дуч келганлигига қаранг. Албатта бундай мұхитда инсон үзининг илмий салоҳиятини тўлиқ намоён қилиш имкониятига эга бўлади. Шу тариқа илм йўли, унчалик осон йўл бўлмасада, Искандар юрадиган йўлга айланди.

Искандарнинг илм йўли уни 1985 йилда Самарқандга етаклаб келди. Унинг илмий ишларни ташкил қилиш маҳоратига алоҳида аҳамият беришни хоҳлардим. Олимнинг бу ҳислати 1985-1993 йилларда ЎзРФА Самарқанд илмий марказида фаолият кўрсатиб юрган пайтларида намоён бўлди. У олдин бўлим мудири, сўнгра унинг раҳбари этиб тайинланди. Бу давр мобайнида илмий марказ ўз фаолиятини вилоятда олиб борилаётган барча илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш, бажарилган илмий ишлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга қаратди. Шунингдек, илмий марказ олимлар ишланмаларини амалиётга жорий этиш, ҳалқ хўжалиги учун зарур бўлган илмий ишлар билан шуғулланишни мувофиқлаштириш бўйича мухим йўналишларни белгилаш билан шуғулланди. Тугалланган илмий ишлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун ҳалқ хўжалигига зарур бўлган илмий ишлар йўналишларини аниқлаш билан ҳам шуғулланди. Илмий марказ ҳайъати раислигини ЎзРФА академиклари, СамДУ ректорлари А.К.Отахўжаев, Ш.А.Алимов, СамДАҚИ ректори Т.Ш.Ширинқуловлар олиб боришган эди. Булар билан бамаслаҳат ишлаш соҳада анчагина илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш имконини яратди.

Олимнинг илмий ишлар билан бирга шу соҳани ташкиллаштириш бўйича ташкилотчилик қобилияtlари ҳам намоён бўла бошлади. И.С.Тухлиев ва устозлари и.ф.д., профессор К.С.Сайдов ва ЎзРФА академиги О.Х.Хикматовнинг ташаббуслари билан 1985-йилда Самарқанд шаҳрида ташкил қилинган Илмий марказда тўртта йўналиш бўйича мақсадли дастурлар асосида илмий ишлар олиб борилди. Биринчи йўналиши “Капитал қурилиш” дастури бўлиб, унга ЎзРФА академиги Т.Ш.Ширинқулов раҳбарлик қилган. Иккинчи йўналиши “Озиқ-овқат” дастурига бағишлиланган бўлиб, унга ЎзРФА академиги И.Х.Иргашев раҳбарлик қилган. Учинчи йўналиш “Иккиласми ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф мұхитни ҳимоя қилиш” дастурига ф-м.ф.д., проф. Г.И.Икрамов раҳбарлик қилган. Мухим дастурлардан бири

“Медицина” йўналиши бўлиб, унга т.ф.д., проф. Нью-Йорк фанлар академияси аъзоси А.М.Шамсиев раҳбарлик қилган эди.

Эндиғи вазифа ушбу мақсадли дастурларга мувофиқ Жанубий-Гарбий миңтақанинг олий ўкув юртларида ва илмий тадқиқот институтларида 200 дан ортиқ тугалланган илмий-тадқиқот ишлари мавжудлиги аниқланган. Кейинги мураккаб масала, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун маҳаллий вилоят раҳбарларининг ёрдами билан тегишли ташкилотларга тадқиқот натижаларининг апробацияси учун тақдим этилган эди. Бу тадбир самарасиз кетмади. И.С.Тухлиевнинг таклифига асосан, фандаги ютуқлар амалиётга жорий қилишга қаратилди. Унинг инновацион жараёнда бундай мақсадли комплекс миңтақавий дастурлар билан ишлаш усули, ўша даврдаги ОТМ ва Фанлар Академиясининг илмий тадқиқот институтларининг 40 дан ортиқ муҳим фундаментал ва амалий илмий тадқиқот ишланмаларини амалиётга жорий қилишга имконият яратилди. Ўша пайтлардаёқ илм-фан ютуқларини тижоратлаштириш масаласига қадам қўйилган эди.

Юқоридаги тадбирлар ўзининг натижасини бермасдан қолмади. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Президиумининг сайёр мажлиси Самарқанд шаҳридаги собиқ шаҳар партия қўмитасининг, ҳозирги “Истиқболли таълим” хусусий мактаб биносининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Фанлар Академияси Президиумининг сайёр мажлисида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Президенти, академик М.С.Салоҳиддинов, Президиум аъзолари, миңтақанинг барча институт ректорлари ва етакчи олимлари, амалиётчилардан йирик корхона, ташкилот раҳбарлари ва вилоят раҳбарлари қатнашган эди.

Президиум мажлис жуда қизғин ўтди. Мажлис охирида миңтақанинг илмий-техник салоҳияти масалалари муҳокама қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг янги ташкил этилган Самарқанд вилоят бўлими раислигига очиқ овоз бериш натижаси ЎзРФА академиги Т.Ш.Ширинқулов ва бош илмий котиблигига и.ф.н., катта илмий ходим И.С.Тухлиевлар сайланди. Айнан ана шу лавозим унинг илмий салоҳияти билан бирга ташкилотчилик фазилатларини ҳам янада ёрқинроқ кўрсата бошлади.

Қаҳрамонимиз Бош илмий котиб лавозимида илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва илмий ишланмаларни амалиётга

жорий қилиш билан бирга мамлакатимизнинг Жанубий-Ғарбий минтақасида олий ўқув юртларида олиб бориладиган илмий-тадқиқот йўналишларини академия фанидаги илмий ишланмалар ва ихтиrolар билан бирга қўшиб олиб боришга эришди. Ўзи ҳам муентазам равишда фундаментал илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, 1994 йилдан ЎзРФА Иқтисодиёт институтининг бўлим бошлиғи сифатида ЎзР ИТДҚ 7.1. Давлат илмий-техник гранти асосида “Ўзбекистон Республикасининг табиий ва иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишига раҳбарлик қилди. Бу билан унинг илмий грантлар бўйича ҳам ишлаш йўналиши очилди.

Юқоридагиларнинг исботи сифатида, унинг 1995 йилгача олиб борилган илмий тадқиқотлари натижасида “Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий минтақаси илмий-техник салоҳиятининг ташкилий-иктисодий механизмини жорий қилиш” мавзусидаги илмий монографияси Ўзбекистон Республикаси Давлат Фан ва технологиялар қўмитасининг “Фан ва технология” нашриёти-да чоп этилди. Бу ҳам фанда янги бир йўналишнинг эшигини очиб берди, десак хато бўлмайди.

И.С.Тухлиевнинг раҳбарлигига минтақадаги барча фан йўналишлари бўйича долзарб муаммолар мавзулари шакллантирилди. Ушбу мавзулар бўйича 25 та илмий-техника лойиҳалардан грант дастурлари тайёрланди. Ушбу дастурлар 1993 йилда янги очилган Фанлар Академиясининг Самарқанд бўлими олимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат фан ва техника қўмитаси эълон қилган танловга тақдим этилди. Шу йилда ушбу илмий лойиҳалардан 17 таси қўмитанинг экспертиза синовларидан муваффакиятли ўтиб, молиялаштиришга муваффақ бўлинди. Бу минтақа олимлари учун тарихий воқеа ҳисобланиб, айниқса, янги очилган Фанлар Академиясининг Самарқанд бўлими олимлари учун катта ғалаба бўлган эди. Ушбу ҳолат мазкур минтақада илмий тадқиқот ишларини давом этиришда асосий молиявий манба бўлиб ҳисобланган эди.

Тадқиқотчи олимнинг илмий-тадқиқот ишлари билан тизимли ишлашлари натижасида илмий давоннинг навбатдаги босқичини ҳам босиб ўтишга муюссар бўлди. И.С.Тухлиевнинг Ўзбекистонда илмий-техника тараққиёти иқтисодиётини бошқа-

риш, ташкил қилиш ва режалаштириш борасидаги кўп йиллик илмий изланишларининг мантиқий натижаси сифатида 1997 йилда ЎзРФА Иқтисодиёт институтида «Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий мин-тақасида илмий-техник салоҳиятдан фойдаланиш механизми» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга муваффақ бўлди. Докторлик диссертацияси тадқиқотларининг амалиётга жорий қилиш натижалари:

Ўзбекистон Республикаси давлат илмий-техник сиёсати концепциясини такомиллаштириш бўйича таклифлари ЎзРФА Президиуми томонидан концепциянинг асосий вариантига қўшиш учун қабул қилинган;

Жанубий-Ғарбий минтақадаги илмий-техник салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш мақсадида ЎзРФА Самарқанд бўлимими ташкил қилиш ва унинг қошида Минтақавий муаммолар комплекс илмий-тадқиқот институтини очиш бўйича илмий асоснома ЎзРФА Президиуми томонидан очиш бўйича қарор қабул қилишга хизмат қилган.

Самарқанд бўлимининг Минтақавий муаммолар комплекс илмий-тадқиқот институтининг директори лавозимиға ЎзРФА Президиуми томонидан ф-м.ф.д., профессор Б.Х.Хўжаёров тайинланди ва кейинчалик Б.Х.Хўжаёров ЎзРФА Самарқанд бўлимига ҳам раҳбарлик қилди. Ушбу институтнинг иқтисодий-ижтимоий фанлар бўлими бошлиғи лавозимида и.ф.д., профессор М.М.Мухаммедов фаолият кўрсатди. Самарқанд бўлимининг тўртта мақсадли дастурлари асосида олиб борилган илмий йўналишлар танловдан кейин Давлат грантлари маблағи ҳисобидан тадқиқотлар давом эттирилди.

“Ҳаётнинг ўзи муаллим. Унинг таълимоти бўйича инсонларга ишонмасликнинг иккита сабаби бор экан. Биринчиси, уларни танимаслик ва иккинчиси, уларни яхши танишликда намоён бўлар экан. Ҳаммаларингизга яхши танишларингизга ишонишдек саодат насиб қилсин”, деб ёзганман. Искандарни барча дўстлари яхши билади ва унга ишонади. Бу инсонга берилган катта саодатdir.

РАҲБАРЛИК ҲАМ ОГИР ЮК, ИЛМИ БЎЛМАСА КЎТАРИШ ҚИЙИН

И.С.Тухлиевнинг докторлик ҳимояси, унинг фан оламидаги чўққини забт этганлигидан далолат эди. Энди уни раҳбарлик лавозимига таклиф қилишди. У 1997 йилда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт Миллий сугурта компаниясининг Самарқанд шўъба корхонаси директори лавозимига тайинланди. Бу даврда ушбу сугурта корхонаси зарар билан ишлаб, молиявий аҳволи ночор холатга келиб қолган бир ҳолатда эди, деб эслайди қаҳрамонимиз. Қисқа вақт ичида бу кишининг раҳбарлиги ва иқтидорли ёш менежерлар билан биргаликда вилоят иқтисодиёт тизимиға кириб борди. И.С.Тухлиев раҳбарларлигига хорижий инвесторлар, йирик қўшма корхоналар, банклар ва тадбиркорлар билан ишончли ҳамкорлик сугурта шартномалари тузилди. Бу ерда ҳам ўзининг катта ташкилотчилик фазилатларини намоён қилди. Шу туфайли корхона бир йилда республикада Миллий сугурта компаниясининг рентабелли ва етакчи корхонасига айланди ва Самарқанд шўъба корхонасига янада самарали сугурта хизматлари кўрсатиш учун компания томонидан мукофот тариқасида иккита енгил автомашина ажратилган эди.

Қаҳрамонимизнинг мазкур иши бежиз кетмади. У мамлакатимиз раҳбарларининг эътиборига тушди ва у 1998 йилда Самарқанд вилоят ҳокимининг 85-Қ-сон қарори билан вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш бошқармаси бошлиғи (вилоят ҳокимининг ўринбосарига тенглаштирилган) этиб тайинланди. Бу давр мобайнида вилоятнинг кичик ва ўрта тадбиркорлари олдида турган қатор муаммоларни ҳал қилиш лозим эди. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида вилоятга бир қанча хорижий инвестицияларни жалб қилишга эришди. Хорижий инвесторлар, хорижий мамлакат элчиҳоналари ва консулликлар иштирокида Самарқандда катта халқаро симпозиум ўтказди. Бу ҳам анча инвестицияларни минтақага жалб қилиш имконини берганлигига ҳаммамиз гувоҳ бўлганмиз.

Ҳукумат қарори билан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тассаруфидан чиқариш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш масаласи қўйилган эди. Вилоят ҳокимлиги

ва ЎзР Давлат мулк қўмитаси қўмаги билан И.С.Тухлиев барча бозор инфратизилмалар фаолиятини мувофиқлаштиришга эришди. Самарқанд вилоятининг вилоят товар ишлаб чиқувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази, Вилоят кўчмас мулк биржаси, “Вақт” миллий Депозитарийси вилоят бўлими, “Бизнес фонд” АЖ вилоят бўлими, “Мадад” сугурта агентлиги вилоят бўлими, “Нотуар жой бинолардан фойдаланиш ва ижарага бериш” бошқармаси, “Тошкент” фонд биржаси вилоят бўлими, Кўчмас мулк ва сармоялар агентлиги вилоят бўлими, “Саммаслаҳат-аудитахборат” вилоят Маркази, “Давинком” Давлат инвестицион фирмаси вилоят бўлими, хўжалик ҳисобидаги баҳолаш Маркази каби ташкилотлар вилоят Мулк Қўмитасига бирлашиб, уларнинг фаолияти шу ерда мувофиқлаштириладиган ҳолатга олиб келинди.

Вилоят ҳокимининг ўринbosари И.С.Тухлиевнинг ташабbusи билан ушбу масалаларни бажариш учун ва вилоятга хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш мақсадида 2001 йилда Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва республика Давлат мулк қўмитаси билан биргаликда **“Самарқанд – хорижий мамлакатларнинг қадими ҳамкори”** шиори остида халқаро симпозиум ўтказилди. Симпозиумга қўйилган йўналишларнинг муҳокамасида чет эл мамлакатлари элчихона вакиллари, халқаро ташкилотлар, компаниялар ва 20 дан ортиқ хорижий мамлакатлар инвесторлари қатнашди. Турли тармоқ вазирликлари раҳбарлари, маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар билан биргаликда акциялари республика фонд биржасига сотувга қўйилган корхоналарга ташрифлар ҳам ташкил қилинди.

Симпозиумга тайёргарлик кўриш жараёнида бошқарма томонидан вилоят ҳокимиятининг ёрдами билан хорижий инвесторлар эътиборини жалб қилиш мақсадида инглиз, рус ва ўзбек тилларида **“Хорижий инвесторларни жалб қилишнинг минтақавий имкониятлари”** номли рисола ва **“Самарқанд – асрлар чорраҳасида”** номли тарихий-маданий китоби нашр қилинди. Булардан ҳам кўриниб турибдик, олимликнинг маҳсали бевосита амалий ҳаётида ҳам асқотмокда. Барча амалий жараёнларга чуқур ўйлаган ҳолда ёндошиш билан бирга, уларни илмий нуқтаи назардан ҳам етти ўлчаб бир кесадиган бўлди.

ЎзР Давлат мулк қўмитаси кўмаги билан и.ф.д. И.С.Тухлиев турли биноларда ижарада турган барча бозор инфратузилма обьектлари фаолиятини хусусийлаштириш ва давлат тасаруфидан чиқариш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўйилган вазифаларни бажаришни мувофиқлаштириш ва энг муҳими тадбиркорларни овора қилмасдан бир жойда, муаммоларини тезкор тарзда ҳал қилиш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан бошқармага ажратилган марказий майдондаги етти қаватли бинога кўчириб келишга эришди. Ушбу бинонинг биринчи қаватида минтақада биринчи марта очик савдоларни ўтказиш учун товархом ашё биржасининг электрон таблоси ўрнатилганлиги, ўша давр учун катта қулайликларни туғдирган эди.

Натижада вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси тассаруфидаги: вилоят товар ишлаб чиқувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Қимматли қоғазлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази, вилоят кўчмас мулк Биржаси, “Вақт” миллий Депозитарийси вилоят бўлими, “Бизнес фонд” АЖ вилоят бўлими, “Мадад” сугурта агентлиги вилоят бўлими, “Нотурап жой бинолардан фойдаланиш ва ижарага бериш” бошқармаси, “Тошкент” фонд биржаси вилоят бўлими, Кўчмас мулк ва сармоялар агентлиги вилоят бўлими, “Саммаслаҳатаудитахборат” вилоят Маркази, “Давинком” Давлат инвестицион фирмаси вилоят бўлими, хўжалик ҳисобидаги баҳолаш Маркази ташкилотлари ягона етти қавватли бинода ўз фаолият-ларини олиб боришга муваффақ бўлган эди.

Амалга оширилган ишлар натижасида Самарқанд худудий бошқармасининг иқтисодий қўрсатгичлари республикада иккинчи ўринга кўтарилди ва ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 18-ноябрь 2000-йилдаги 451-сон қарори билан И.С.Тухлиев Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳайъатининг аъзоси этиб тасдиқланди. 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланди. Олим ва амалиётчининг фидокорона ва чуқур таҳлилларга асосланган меҳнати энди Ҳукуматимиз томонидан эътироф этила бошлади.

Қаҳрамонимизнинг илмий ва ташкилотчилик салоҳияти намоён бўлгач, уни яна Тошкентга чақириб олишди. 2002-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Қўмитаси кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди. Бош бошқарма бошлиғи лавозимида Бош вазир ўринбосари ва ушбу қўмита раиси топшириғига асосан кичик ва ўрта тадбиркорлар фаолиятида қатнашадиган барча ташкилотларнинг вазирлик ҳамда қўмита раисларининг ўринбосарлари билан биргаликда республикада тадбиркорлик фаолиятини очишдаги мавжуд буюракратик тўсиқларни бартараф этувчи дастлабки янги “Ягона дарча” тизимини тайёрлашни мувофиқлаштириди ва ушбу ҳужжатни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритишда қатнашди. Ушбу ҳаракат бюрократик қўргонни синдириш учун биринчи қадамлардан бири эди. Айнан ана шундай қадамни масъуллар билан бирга қўйгани ҳам ва бунда етакчилик қилгани ҳам эътиборга молик ишлардандир.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантиришда хорижий тажрибалардан ҳам фойдаланиш зарурати пайдо бўлган эди. Ушбу зарурият И.С.Тухлиевни ЎзР Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси раисининг ўринбосари билан Туркияning Истамбул шахрида “МДҲ мамлакатларида қимматли қофозлар бозорини шакллантириш ва ривожлантириш” мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашди ва маъруза қилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган тажриба билан бирга хорижий давлатлар тажрибасини ҳам ўрганиб қайтди. Мазкур масала бўйича бир қанча меморандумларга имзо чекилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, амалиёт билан бирга назарияни уйғунлаштириган қаҳрамонимизни яна таълимга қайтариб олишди.

ҲАҚИҚИЙ ОЛИМДА ИЛМГА ИШТИЁҚ СҮНМАГАЙ

Миллатимизни неча асрлардан буён бутун инсоният танийди, тан олади ва тан бериб келмоқда. Савол: нима эвазига? Ягона сабаб илм ила дунё тамаддунига пойdevор қўйдилар. Айнан шулар бизнинг аждодларимиз. Бугунги илм аҳлини эртага авлодларимиз ҳам шундай эслашади.

Миллатни ўз даврида танитиб, тан олдириб кетган улуғ зотлар орқали бугун ҳам миллатимиз номи тараннум этилмоқда. Бизни келажакда унутмаслиги учун бугунги авлод ҳам дунё аҳамиятига молик ишларни қилишлари лозим. Чунки, алломанинг танаси тупроқ бўлиб кетганда ҳам, унинг номи авлоддан-авлодга

ўтиб, тилдан-тилга кўчиб юраверади. Бундан хулоса, танани семиртиришга хизмат қилгандан кўра, маънавий оламини бойитишга, илм олишга хизмат қилиш лозим экан.

Яхшидан яхши, ёмондан ёмон ном қолади. У дунёда кимнинг ҳоли не кечишини Худо билади. Бироқ илмли одам иймонли бўлади. Иймонли одам адолатли бўлади. Илм инсон сийратида жойлашган бўлади. Илмий даража илм либоси, агар у сотиб олинган бўлса, вужуди бўм-бўшлигича қолаверади. Бундай “олимлар” жамият учун кони зарап, – дейди Искандар Суюнович.

Агар бу кишининг илм йўлига назар ташлайдиган бўлсак, илмий ва педагогик фаолиятини узилган жойидан яна қайта тиклаб давом эттирган пайти 2003-2005 йилларга тўғри келади. Шу йилларда Абу Райхон Беруний номли Тошкент давлат техника университети “Иқтисодиётда ахборот тизимлари” кафедраси профессори ва 2005-2006 йилларда танлов асосида Тошкент давлат техника университети “Маркетинг” кафедраси мудири лавозимида ишлади. Кафедрага раҳбарлик қилиш даврида таълим жараёнинг сифатига, кафедра таркибидаги профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишга, маънавий-психологик муҳитнинг яхшиланишига алоҳида эътибор берди ва илмий-тадқиқот ишларни бажаришда ишчанлик муҳитини ташкил қилди. Натижада кафедранинг илмий салоҳияти анча кўтарилди. Ёш олимлар илмий даражаларга эга бўлди.

Қаҳрамонимизнинг табиатида ҳамиша яратувчинлик кайфияти ҳукм суриб турарди. Бу руҳият уни Тошкент давлат техника университетида (ТДТУ) ҳам тинч қўймади. И.ф.д. И.С.Тухлиев ташуббуси билан ТДТУда 5А340107-“Иқтисодиётда ахборот тизимлари” мутахассислиги бўйича магистратура очилди. Бунга унинг илмий даражаси ҳам мос келар эди. Ушбу мутахассислик бўйича 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб, иқтисодиёт билан шуғулланадиган барча ташкилот ва корхоналар учун магистрлар тайёрлаш бошланди, уларни ўқитиш учун тегишли фанлар бўйича ўқув дастурлари ва ўқув режалари тайёрланди ва таълим жараёнига тадбиқ қилинди. Зоро, ТДТУ мазкур соҳа бўйича республикамизда етакчи олий ўқув юрти ҳисобланар эди.

Қисқа вақтда кафедрани юқори илмий поғонага кўтарди. Битта фундаментал илмий тадқиқот лойиҳаси ва битта хўжалик шартномасидаги илмий тадқиқот ишини бажаришга киришди. Энг

муҳими, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш борасидаги ишлари ҳам анча жонланди. Хўжалик субъектларининг инновацион фаолиятига ҳам катта аҳамият берилиб, уларнинг самарадорлигини ошириш борасида ҳам сезиларли ишларни амалга оширди. Бунинг тасдиғи сифатида 2004-2006 йилларда и.ф.д. И.С.Тухлиев ва ТДТУ илмий ишлар бўйича проректори т.ф.д., профессор К.Т.Нарқулова ҳамкорлигига Тошкент давлат техника университети қошида республикада дастлабки “Инновацияларни тижоратлаштириш маркази”ни очиш бўйича Давлат фан ва технологиялар қўмитасига грант лойиҳасини тайёрлади. Ушбу илмий ҳамкорликда бакалаврлар учун “Стратегик режалаштириш” фанидан ва магистрлар учун “Илмий ижодиёт методологияси” фанидан ўқув қўлланмалар тайёрланди. Муҳими, ушбу адабиётлар республикамиизда ilk бор нашрдан чиқсанлиги учун ҳам аҳамиятли эди.

Педагогик фаолияти давомида “Менежмент” кафедраси мудири и.ф.д., профессор М.Л.Турсунхаджаев билан ҳамкорликда “Производственный менеджмент (исследование и проектирование)” фанидан талабаларга рус тилида ўқув қўлланма тайёрланди. Барча ўқув қўлланмалар вазирликнинг Мувофиқлаштирувчи Кенгаши томонидан ОЎЮ учун ўқув қўлланма сифатида тавсия қилинди. Ушбу китобнинг ҳам нашр қилиниши ўзига хос янги йўналиш эшигини очган эди.

ТДТУда олимлар билан илмий ҳамкорлик жуда яхши йўлга қўйилди. Яна бир ҳамкорлик доирасида и.ф.д. И.С.Тухлиев кафедранинг таълим жараёни билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини 2002-2005 йилларда и.ф.д., профессор А.М.Қодиров раҳбарлигига ГНТП-2. «П-2.8. Разработка организационно-экономического механизма формирования и реализации инновационной политики и его влияние на эффективность развития экономики страны» рус тилида давлат илмий-техник грантининг ижрочиси сифатида давом эттирди. Тадқиқотнинг асосий мақсади иқтисодиётнинг ўтиш даврида инновацион жараёнларни ривожлантиришда методологик ёндошувларни асослаш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Агар эътибор қилган бўлсангиз инновацион жараёнларга мамлактимизда 2018 йилдан бошлаб киришилган бўлса, қаҳрамонимиз ҳамкорлари билан бирга бундан чамаси 15 йил муқаддам ушбу ишга пойdevor қўйилган.

САХОВАТЛИ ОЛИМ СЕРШОГИРД БЎЛАР, шогирдлари бор одам, устоздир. Устоз отангдан улуғ.

“Устоз отангдан улуғ” иборасини бир қанча олиму-фузалолар эътироф этган ва ўз асарларида қайта-қайта таъкидлаган. Ота, албатта фарзанд учун улуғ. Аммо унинг шундайлигини ҳам устоз ўргатади. Саводсиз, жоҳил, устоз кўрмаган фарзандлар ота-онани ҳам, Ватанни ҳам сотганларининг кўпига тарих гувоҳ. Демак, отанинг улуғлигини ҳам ўргатувчи устоздир. Шундай экан, ўйлаб кўринг устоздан улуғ зот борми, дунёда?

Бу саволга жавобни топиш учун адабиётимиз тарихига, бугунига бир назар ташлаймиз. Уларда устознинг улуғлиги хусусида жуда кўп гаплар ёзилган. Жумладан, Абдураҳмон Жомий ҳазратлари ҳам устозсиз олам қоронғу бўлишини таъкидлаб, қуидагиларни ёзади:

*“Устоз муаллимсиз қолса бир замон,
Нодонликдан қора бўлади жаҳон”.*

Бунда буюк устоз Абдураҳмон Жомий ҳазратлари отасиз қолса олам демаяпти, балки устозни улуғлаб, жаҳоннинг оқлиги, унинг қора бўлиб қолмаслигининг бош сабаби устозлар эканлигини улуғлаб кўрсатганлар. Бундан ҳам кўриш мумкинки, устознинг улуғлигига қиёс йўқ. Аммо шуни тушунишимиз керакки, устоз отангдан улуғ деганда, отанинг улуғлиги ота сифатида камайиб қолади, дегани эмас. Ота шунчалик улуғки, ундан ҳам устоз улуғдир, демоқчимиз.

Саъдий Шерозийдек аллома ҳам устозни улуғлаб қуидагиларни таъкидлайди:

*“Юборди ўғлини мактабга подио,
Қилиб қўйнига нуқра тахтacha жо.
Кумуши ул лавҳага зардин битиб ёд,
Ато меҳридан афзал жабри устод”.*

Устоз жабри ота меҳридан афзаллигини таъкидланган ушбу тўртликка шарҳ бериб ўтиришнинг ўзи ортиқча, деб биламиз. Моҳир сўз заргари, ҳазрат Алишер Навоий ҳам устозни улуғлаб бир қанча ғазалларни битган. Улардан биридан бир парчасини келтирамиз:

*“Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиши ранж ила,
Айламоқ бўлмас онинг ҳақин адo юз ганж ила”.*

Бундай дурдона сўзларни тўплаб, “Устоз отангдан улуғ”, деб хитоб қилган, маънавиятшунос олим Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори М.Усмановдир¹. бунга яна бир қанча мисолларни келтириш мумкин.

Мумтоз шоирларимиздан бири Биноий ҳам ўзининг битта тўртлигини устознинг падардан ортиқ ҳаққи бор, деб таъкидлайди:

“Устод падардан илгор,
Ундан ортиқ ҳаққи бор.
Падар ҳаёт беради,
Устод нажом беради”.

Ҳақиқатда одамда нажот бўлмаса, оддий ҳаётда инсон камол топмайди. Шунинг учун устознинг падардан ортиқ ҳаққи бор, деб хитоб қилиши ҳам бежиз эмас, экан.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти У.Х.Худайбердиев ўзининг “Оила бюджети” номли рисоласига ҳалқ орасида ёд бўлиб ҳамиша айтилиб юриладиган битта тўртликни эпиграф сифатида келтирган. Бунда қуидагилар битилган².

“Дедилар, дунёда асли ким азиз,
Айтдилар, устоздир, устоз бегумон.
Тагин айтдиларки, азиз шубҳасиз
Устозин қадрига етолган Инсон”.

Мазкур тўртлика устознинг азизлиги ва улуғлиги қайта-қайта таъкидланади, унга ҳеч қандай шубҳа ёки гумон бўлмаслиги керак, деб эътироф этилади.

И.Ф.д. И.С.Тухлиев шогирдлар тайёрлаш борасида ҳам сермаҳсул олимларимиздан. У ҳақиқатда улуғ устоз. У кишининг ўнлаб шогирдлари бор. Олимнинг **биринчи шогирди** Х.А.Ясавий номли Халқаро қозоқ-турк университети катта ўқитувчиси **Утаров Кайрат Олимтаевич** “Жанубий Қозоғистон машинасозлик корхоналарида товар номенклатураси менежментини такомил-лаштириш” мавзусида 08.00.05 – «Менежмент» ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияни 29 ноябрь 2005 йилда Тошкент Давлат техника университети қошидаги К.067.07.06. Ихтисослашган Кенгашда ҳимоя қилди.

¹ Усманов М. Одбонома. 1-қисм: Олам аро одам азиз. – Т.: “Фан”, 1991. – 57-61-бетлар.

² Худайбердиев У.Х. Оила бюджети. Рисола. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти. – 3-бет

Иккинчи шогирди Каримова Феруза Нурмуҳаммадовна
“Ўзбекистон Республикасининг минерал-хом ашё салоҳиятини ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб қилиш” мавзусида 08.00.04 – «Микроэкономика» ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияни 29 март 2006 йил Ўзбекистон Республикаси ФА Иқтисодиёт институти қошидаги Д.015.06.01 Ихтисослашган Кенгашда ҳимоя қилди.

“Маркетинг” кафедраси мудири и.ф.д. И.С.Тухлиевга профессор унвонини бериш масаласи 04.07.2006 йилда Тошкент давлат техника университети Илмий Кенгаши мажлисида кўриб чиқилди ва ҳисоб комиссия кенгашининг 2-сон баённамаси асосида 100% овоз билан сайланди. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатция комиссияси Тошкент давлат техника университети Илмий Кенгашининг тавсиясига кўра И.С.Тухлиевга “Макроиқтисодиёт” ихтисослиги бўйича профессор илмий унвони тасдиқлади (05№001146.2006 йил 28 декабр, 130/1-сон баённома).

Учинчи шогирди Синдоров Шерзод Эгамбердиевич
“Тадбиркорлик фаолиятида инновацион жараёнларни қўллашнинг иқтисодий механизмлари” (Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мисолида) мавзусида 08.00.03.- «Индустрисал тармоқлар иқтисодиёти» ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияни 10 октябр 2010 йил Ўзбекистон Республикаси ФА Иқтисодиёт институти қошидаги Д.015.06.01 Ихтисослашган Кенгашда ҳимоя қилди.

Профессор И.С.Тухлиев 2006-2018 йилларда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Ҳалқаро туризм ва туризм сервиси» кафедрасига танлов асосида кафедра мудири этиб сайланди. 2007 йилда очилган янги кафедрада ўқитиладиган фанларнинг бирортаси бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар йўқ эди. Умуман ишни нолдан бошлиш керак эди. Кафедрадаги “Туризм маркетинги”, “Туризм менежменти”, “Туризм операторлик хизматларини ташкил этиш” ва “Сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги)” таълим йўналишлари бўйича ўқув жараёнини ташкил қилиш учун тегишли ўқув режалар, дастурлар ва Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш лозим эди. Шу туфайли дастлаб ишни профессор И.С.Тухлиев туризм таълим соҳасидаги хорижий

тажрибани ўрганиш ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш учун Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори и.ф.д., профессор F.X.Қудратовнинг топшириғи асосида ўқув ишлари бўйича проректор А.Бектемиров, тадбиркорлик ва молиявий ишлар проректори А.Х.Ходжаевлар билан 5 декабр, 2006 йилда Москва шаҳрига хизмат сафарига жўнатилди.

Хизмат сафари давомида Туризм ва меҳмонхона-ресторан бизнеси Москва академияси, Туризм ва меҳмонхона менежменти халқаро Институти, Москва давлат сервис университети ректорлари билан туризм таълим йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув жараёнининг дастур ва режалари билан ўзаро тажриба алмашиш бўйича ҳамкорлик шартномалари тузилди. Ушбу таълим даргоҳларининг проректорлари билан қўшма илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, аспирантлар тайёрлаш, уларнинг илмий журнал ва тўпламларида мақолалар чоп этиш хақида келишиб олинди. Талабаларни ўқитиш учун университет кутубхоналардаги сервис ва туризмга доир адабиётлардан ва ўзлари нашр қилган дарслик, ўқув қўлланма ҳамда таълим йўналишларининг фанлар бўйича ўқув-методик мажмуаларнинг электрон версиялари олиб келинди.

Москва олий ўқув юртлари фаолияти билан танишиш жараёнида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг иккала проректори ва профессор И.С.Тухлиевлар ўзларининг шахсий жамғармаси хисобидан шаҳарнинг барча китоб расталаридан, айниқса Арбатдаги китоблар олами дўконидан СамИСИ кутубхона-си учун ўта зарур бўлган, ноёб хорижий ва рус тилидаги китобларни сотиб олишди ва махсус багаж орқали 200 тадан ортиқ китоблар Самарқанд шаҳрига етказилди.

Қиска вақт ичида профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига профессор-ўқитувчилар ёрдамида янги очилган кафедрада бакалаврлар учун “Туризм маркетинги”, “Туризм менежменти”, “Туризм операторлик хизматларини ташкил этиш”, “Сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги)”, “Туризм (фаолият турлари бўйича)” ва “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналишлари бўйича Давлат Таълим Стандартлари ва ўқув режалари тайёрланди. Энг муҳими кафедрада барча фанлар бўйича замонавий ўқув адабиётларининг янги авлоди яратилди.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида туризм соҳалари бўйича узлуксиз таълимни давом эттириш мақсадида бу соҳадаги педагог ва илмий даражали кадрларнинг етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда профессор И.С.Тухлиев ташаббуси ва унинг илмий даражасидан фойдаланган ҳолда магистратура таркибида 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб, республикада биринчи маротаба “Халқаро туризм операторлик хизматлари” ва “Хизмат кўрсатиш ва туристик хизматларни ташкил этиш” мутахассисликлари бўйича магистра-туралар ташкил қилинди.

Професор И.С.Тухлиев кафедранинг янги фанларини ўқитиши учун авваломбор ишни профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берди ва бугунга келиб уларнинг барчаси туризм таълим йўналишларида қайта тайёрланиб, туризм соҳаси бўйича маъruzалар ва амалий машғулотлар ўқитиши ҳуқуқини олишди.

Ушбу ишларни амалга ошириш натижасида 2011 ўқув йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 308-сон қарори асосида бакалаврият босқичида “Туризм (фаолият турлари бўйича)” ва “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналишларига ҳамда магистратура босқичида “Туроператорлик хизматларини ташкил этиш” ва “Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)” мутахассисликларига Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч олий ўқув юрти сифатида эътироф этилди. 2014-2015 ўқув йилидан “Туризм (халқаро ва ички туризм)” ҳамда “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” мутахассисликлари бўйича магистратура ташкил қилинди ва профессор И.С.Тухлиев раҳбар-лигига уларнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режалари тайёрланди.

Професор И.С.Тухлиев кафедрадаги мавжуд масалаларни ечишда ўз атрофига ёш изланувчан ва иқтидорли ходимларни тўплади ҳамда улар билан илмий тадқиқот ишларини олиб бориши туфайли, 2007 йилда туризм соҳасида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари бўйича Республика даражасида ўтказилган танловнинг ғолиби бўлди, 2007-2011 йиллар мобайнида ДИТД ОТ-7Ф-130 «Туризм хизматлар бозорининг ижтимоий-иктисодий механизмини модернизациялаш» мавзусидаги фундаментал грантга раҳбарлик қилди. Фундаментал грант тадқиқотининг якуни билан

учта иқтисодиёт фанлари номзоди диссертациялари тайёрланди ва тўртинчи, бешинчи ҳамда олтинчи шогирдларининг номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди. Жумладан:

Тўртинчи шогирди Сафаров Баходирхон Шахриёрович “Минтақавий туризм хизмат бозорининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш” мавзусида 08.00.05. – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияни 9 июль 2011 йил Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги К.067.12.01-рақамли Ихтисослашган кенгашда ҳимоя қилди;

Бешинчи шогирди Амридинова Райхона Садриддиновна “Мехнат ресурсларини бошқариш асосида туризм хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари (Самарқанд вилояти туризм корхоналари мисолида)” мавзусида 08.00.05. – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияни 26 май 2012 йил Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги К.067.12.01-рақамли Ихтисослашган кенгашда ҳимоя қилди;

Олтинчи шогирди Раҳимов Зафар Одилович “Туризм дестинацияларида стратегик режалаштиришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш (Самарқанд шаҳри мисолида)” мавзусида 08.00.05. – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияни 9 июнь 2012 йил Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги К.067.12.01-рақамли Ихтисослашган кенгашда ҳимоя қилди.

Шунингдек, фундаментал давлат гранти доирасида “Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий–иқтисодий муаммолари” мавзусида колектив монография 2012 йилда Т. “Иқтисодиёт” нашриётида (18,8 б.т.) чоп этилди.

Профессор И.С.Тухлиевнинг таклифи билан «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгиланган ўкув жараёнини амалиёт билан боғлаган ҳолда таълим хизматларини амалга ошириш мақсадида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошида 2008 йилда туризмни ривожлантириш илмий-ўкув Маркази ташкил этилди. “Ўзбектуризм” МК Самарқанд минтақавий бўлими

билин ҳамкорликда Марказ ўқув курсларида туроператор ва турагентлар ҳамда меҳмонхона администраторлари, меҳмонхона хоналар бекалари, официант, бармен ва бошқа туризм соҳасига хизмат қилувчи ходимлардан иборат жами 185 киши ўз малакасини оширди ва тегишли сертификатларини олишди.

Хар йили ўтказиладиган, 2010 йилдаги XVII Тошкент Халқаро туристик ярмаркасида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Лучшее учебное заведение сферы туризма” номинациянинг ғолиби бўлди ва маҳсус ярмарканинг совфаси билан тақдирланди. 2011 йилда XVIII Тошкент Халқаро туристик ярмаркасида “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси мудири, профессор И.С.Тухлиев “Лучший учитель-наставник в сфере туризма 2011” номинациясининг ғолиби бўлди ва халқаро ярмарканинг сертификати билан тақдирланди.

2017 йилда профессор И.С.Тухлиевнинг раҳбарлигида “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси жамоасининг самарали меҳнатлари туфайли, кафедра Республика олий таълим муассасалари кафедралари фаолиятини баҳолаш натижаларига кўра Самарқанд вилоятидаги олий таълим муассасалари кафедралари ичida фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Профессор И.С.Тухлиев 2005-2020 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсати қарори билан 2004-2006 йилларда «Менежмент» ихтисослиги бўйича Тошкент Давлат техника университети ҳузуридаги К.067.07.06. Ихтисослашган Кенгаш аъзоси, 2006-2010 йилларда 08.00.04 – «Микроэкономика» ва 08.00.03.-«Индустрисал тармоқлар иқтисодиёти» ихтисосликлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ф.А. Иқтисодиёт институти ҳузуридаги Д.015.06.01 Ихтисослашган Кенгаш аъзоси, 2011 йилдан ҳозирги кунгача Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги 08.00.05 “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича ДСК.27.06.2017. 1.18.01.К.067.12.01-рақамли Илмий Кенгаш аъзоси.

Илмий Кенгашларга аъзо бўлиш билан бирга профессор И.С.Тухлиев 2007-2018 йилларда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 08.00.05 – «Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти» ихтисослиги бўйича Илмий кенгашнинг илмий котиби сифатида Кенгашга келиб тушган еттита иқтисодиёт фанлари докторлари

Г.М.Шодиева, К.Дж.Мирзаев, О.М.Пардаев, Б.Ш.Махкамов, О.Х.Хамидов, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимоваларнинг ва 24 та иқтисодиёт фанлари номзодлари ишларини ОАК талаблари асосида, ўрнатилган тартибда хужжатларини расмийлаштириб, ҳимоясини ташкил қилди (ҳимоя қилганлар маълумоти илова қилинади).

Професор И.С.Тухлиев кейинги йилларда М.Н.Абдуллаев, Б.Х.Тураев кабиларнинг номзодлик диссертацияларига, Д.В.Тростянский, Р.А.Рахманбаеваларнинг докторлик диссертация-ларига ва Б.Д.Олланазаров, Ш.Д.Джуракулев, Т.В.Ким, Р.Ж.Курбанова, З.Т.Абдулҳакимовларнинг иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияларига расмий оппонентлик қилди.

Професор И.С.Тухлиев 2015-2017 йилларда А-1-128. «Туризм таълим тизими самарадорлигини оширишга оид электрон дарслик яратиш ва уни амалиётга жорий этиш» номли амалий лойиҳанинг илмий раҳбари. Амалий лойиҳа бўйича олинган натижалар: туризм бўйича электрон дарсликнинг гиперматинли электрон шакли тайёрланди ва мультимедиа тасвирни тайёрлаш учун тегишли материаллар танлаб олинди. Электрон дарсликнинг диаграмма ва чизмалари анимация шаклига келтирилди. Дарсликнинг ҳар бир мавзуси бўйича тест саволлари тайёрланди ва ISpring free дастуридан фойдаланиб электрон дарслик таркибиға киритилди. Туризм бўйича дарс берувчи ўқитувчилар учун “Туризм: назария ва амалиёт фанидан электрон дарслик яратиш технологияси” бўйича услубий қўлланма чоп этилди.

Лойиҳа якуни билан “Туризм: назария ва амалиёт” фанидан тайёрланган электрон дарслик учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ЭҲМлар учун дастурга гувоҳнома берилди (№ ДГУ 2017 0502).

Лойиҳа доирасида профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигида **еттинчи шогирди, лойиҳа иштирокчиси Б.Ш.Сафаров томонидан** “Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари доктори диссертациясини 2016 йил 8 июнида ҳимоя қилди.

Професор И.С.Тухлиев ҳозирги пайтда ҳам “Ўзбекистонинг туристик-рекреацион салоҳиятини ривожлантиришда минтақавий геоахборат тизимини шакллантириш” мавзусидаги фундаментал Давлат гранти лойиҳасининг раҳбари ҳисобланади. Лойиҳа бўйича

олиб борилган илмий тадқиқот натижалари бўйича иштирокчилар томонидан “Туризм: назария ва амалиёт” фанидан дарслик тайёрланиб, Мувофиқлаштириш Кенгашининг гувоҳномаси асосида Т.: “Фан ва технологиялар” нашриётида чоп қилинди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсияси билан ушбу дарслик қайта нашр қилиниб, барча туризм таълим йўналишлари мавжуд бўлган ОЎЮга тарқатилди.

Лойиҳа режаси бўйича “Туризмда геоахборот тизими” номли янги ўқув фани шакллантирилди ва “Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)” ҳамда “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларига киритилди ва “Туризмда геоахборот тизими” фани бўйича ишчи дастурлари тузилди, ўқув режа, маъruzалар курси тайёрланди ва ЎУМси ишлаб чиқилди.

Лойиҳа раҳбари и.ф.д., профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига саккизинчи шогирди, лойиҳа иштирокчиси З.И.Усманова томонидан “Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бажарилди ва 2018 йил 8 июнида ҳимоя қилди.

Тўққизинчи шогирди, лойиҳа иштирокчиси С.А.Абдухамидов “Минтақавий туризмнинг ташкилий-иктисодий механизми такомиллаш тириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини тугаллади ва кафедрага муҳокамага қўйишга тайёр бўлди.

Ўнинчи шогирди, лойиҳа иштирокчиси А.А.Аблакулов “Туризм хизматлари рақобатбардошлигини оширишда маркетинг қарорларидан самарали фойдаланиш механизми” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини тугаллади ва кафедрага муҳокамага қўйишга тайёр бўлди.

Ўн биринчи шогирди, лойиҳа иштирокчиси З.Б.Наврўззода “Туристик ҳудудлар негизида зиёрат кластерларини шакллантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмлари” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация ишини 75% га бажарди.

Ўн иккинчи шогирди, лойиҳа иштирокчиси М.Х.Хамитов “Меҳмонхона хўжалигига сервис фаолиятини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари

бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация ишини 45% га бажарди.

Ўн учинчи шогирди, лойиҳа иштироқчиси А.А.Абдувалиев “Туризм соҳасида геоахборот тизимидан фойдаланиш механизм-ларини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация ишини 35% га бажарди.

Шунингдек лойиҳа режаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 25 февралдаги фармойишининг 2-иловасига биноан 2019 йил 20 май куни давлат гранти доирасида «Ўзбекистоннинг туризм соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўtkazildi ва анжуман материаллари (17,5 б.т.) тўплам шаклида чоп этилди.

Профессор И.С.Тухлиев ҳар йили ўtkaziladigan “Инновацион ғоялар ва ишланмалар” республика ярмаркаларида фаол иштирок этиб, 2017 йилда шогирди, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) З.И.Усманованинг Самарқанд вилоятида жойлашган туристик-рекреацион объектларнинг (тарихий-маданий, зиёратгоҳ масканлар, дам олиш ва соғломлаштириш масканлари, спорт ва кўнгилочар объектлар, археологик ва архитектура ёдгорликлари) геоахборот тизими ишланмаси ва хорижий туристлар учун Online мобил иловаси билан қатнашди ҳамда ушбу ишланмага турли ташкилотлар билан 40 миллиондан ортиқ шартномалар имзоланди. Инновацион ярмарка якуни билан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг маҳсус дипломи билан тақдирланди.

Профессор И.С.Тухлиев томонидан 2015-2017 йиллар мобайнида миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантириш бўйича олиб борган илмий тадқиқот ишларининг амалиётга тадбиқи натижаларига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг қўйидаги гувоҳномалари берилди: Самарқанд вилояти туристик-рекреацион ресурсларининг геоахборотли тизимининг маълумотлар базасига (№ БГУ 00320), Ўзбекистон ҳудудларида туризм тараққиёти интенсивлигининг коэффицентини ҳисоблашнинг ЭҲМлар учун дастурга (№ ДГУ 03562), Туризм хизмат бозори бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари ЭҲМлар учун дастурга (№ ДГУ

03563), Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган турфирма ва меҳмонхоналарнинг маълумотлар базаси (№ БГУ 00327), Туристик корхоналар бошқарув самарадорлигини динамик меъёрлар модели ёрдамида баҳолашнинг ЭҲМлар учун дастурга (№ ДГУ 03656) ва “Туризм: назария ва амалиёт” фанидан электрон дарсликнинг ЭҲМлар учун дастурга (№ ДГУ 04690).

Профессор И.С.Тухлиевнинг туризм соҳасидаги кўп йиллик олиб борган фундаментал ва амалий илмий тадқиқот ишлари натижасида **“Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш иқтисодиёти”** йўналиши бўйича Ўзбекистонда илмий мактаб яратилди. Илмий мактабнинг иштирокчилари авалломбор, ҳимоя қилган Қозоғистондаги ва Тошкент шаҳридаги шогирдлари бўлса, кейинги галда Самарқанд, Хоразм, Нукус, Бухора, Наманган, Қарши давлат университетларининг туризм соҳасида ҳимоя қилган ва тадқиқотчи-изланувчилари ҳисобланади.

Профессор И.С.Тухлиевнинг илмий мактабига шунингдек, магистрлар ва иқтидорли талабалар ҳам жалб қилинган. Улар билан биргаликда хорижий нуфузли журналларга, илмий анжуманларга мақолалар тайёрлашда ва фан олимпиадаларда муваффакиятли ўринларни эгаллашда ёрдам бериб келмоқда.

Ҳар йили анъавий тарзда ўтказиладиган “Сервис” фанидан Республика олипиадасида “Туризм” кафедрасининг иқтидорли талабалари қатор йиллар давомида фахрли биринчи ўринни эгаллаб келишмоқда. 2017-2018 ўқув йилида кафедра мудири, и.ф.д., профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига илмий изланиш олиб бораётган талаба Суяров Абдулазиз Навоий номли Давлат стипендияси соҳиби бўлди.

Профессор И.С.Тухлиев илмий мактабининг мавзулари доирасида 2010-2020 ўқув йиллар давомида «5А610201 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш» ва «5А610301 – Туризм (фаолият турлари бўйича)» мутахассисликлари бўйича жами 35 та магистрларнинг диссертацияларига илмий раҳбарлик қилди.

Профессор И.С.Тухлиев илмий мактабининг шаклланиши давомида илмий ва замонавий ўқув адабиётларини тайёрлашда жами 300 дан ортиқ илмий-амалий мақолалар нашр қилинди, шу жумладан 11 та мақолалар Брюссель, Мадрид, Караганда, Москва, Польша, Хиндистон, АҚШ, Малайзия каби хорижий мамлакат-

ларда, 27 та илмий мақолалар нуфузли журналларда ва 7 та монография нашр этилган. Дарслик ва ўқув қўлланма, услубий ишлар бўйича жами 48 та талабалар учун ўқув адабиётлар нашр этилган. 8 та дарслик, 12 та ўқув қўлланма, 26 та услубий қўлланма ва 2 та туризм соҳасининг замонавий атамаларига бағишлиланган изоҳли луғат шулар жумласидандир.

Меъёрий ва ўқув-услубий ҳужжатлар ишлаб чиқишидаги иштироки: Профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига кафедра таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув ва ишчи ўқув режалари тайёрланди. Жумладан, 5610200 - Мехмонхона хўжалигини ташкил етиш ва бошқариш, 5610300 - Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) таълим йўналишлари, 5A610201 - Мехмонхона хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш, 5A610301 - Туризм (халқаро ва ички туризм) магистратура мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режалари халқаро хорижий тажрибалар, туризми ривожланган мамлакатлар ОТМлари тажрибалари асосида ишлаб чиқилди. Профессор И.С.Тухлиев томонидан хорижий тажрибалар асосида яратилган 25 дан ортиқ янги фанларнинг фан ва ишчи дастурлари, илғор инновацион педагогик технологияларга асосланган 10 га яқин ўқув-услубий мажмуалар, 20 дан ортиқ услубий кўрсатмалар, луғат, масалалар (кейслар, тестлар) тўплами ва бошқалар тайёрланди.

Булардан давлат грантлари доирасида тайёрланган “Туризмни режалаштириш” (лотин ва кирилл алифбосида 16,5 б.т.), “Халқаро туризм” (кирилл алифбосида. 16,5 б.т.), “Туризм асослари” (кирилл алифбосида. 18,5 б.т.), “Туризм: назария ва амалиёт” фанларидан дарсликлар (биринчи ва иккинчи нашрлари 24,75 б.т.), “Туризмда стратегик маркетинг” (12,8 б.т.), “Туризм хизматлар бозори” (18,2 б.т.), “Экскурсия хизматларини ташкил қилиш” (17,5 б.т.), “Мутахассисликка кириш” (13,0 б.т.) фанларидан ўқув қўлланмаларни, «Словарь современных терминов в сфере туризма» справочно-методическое пособие, рус тилидаги луғатни (25,5 б.т.), “Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий–иқтисодий муаммолари” мавзусидаги монографияни (18,8 б.т.) алоҳида қайд қилиш лозим.

Профессор И.С.Тухлиев ва шогирдлари томонидан бакалаврлар учун тайёрлаган “Туризм асослари” дарслиги “Йилнинг

энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” республика танловининг ғолиби бўлди, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда “Истебод” жамғармаларининг II-даражали дипломи билан тақдирланди. Мазкур китоб Республиканинг олий ўқув юртлари томонидан дарслик ва ўқув қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан “Туризм” таълим йўналиши талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган “Туризм: назария ва амалиёт” фанидан электрон дарслик яратилди ва малакавий амалиёт дастурлари ишлаб чиқилиб, ўқув-амалиёт жараёнида кенг кўлланилмоқда.

Профессор И.С.Тухлиев кўплаб илмий конференциялар ташаббускори ва ташкилотчисидир. 2009 йилда давлат гранти доирасида “Ўзбекистон: туризм, иқтисодиёт ва экология” республика, 2010 йилнинг ноябрь ойида “Туризм барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва инсон салоҳияти ўсишининг омили сифатида” мавзусидаги халқаро, 2011 йилда “Туризмни ривожлантиришда халқаро илғор тажриба ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш муаммолари” мавзусидаги республика, 2014 йилда “Туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг методологик, услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги халқаро ва “Туризм хизматлар бозорини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги республика, 2018 йилда “Туризм хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг халқаро илғор тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллаш масалалари” мавзусидаги халқаро, 2019 йилда “Ўзбекистоннинг туризм соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш” мавзусидаги республика ва “Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда табиий ва этнографик ресурслардан самарали фойдаланиш муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференциялар шулар жумласидандир.

Хозирги пайтда профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига Инновацион ривожланиш вазирлигига Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган амалий ва фундаментал лойиҳалар 2019 йил танловига қуйидаги лойиҳалар тақдим этилди: “Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида туризм геоахборот тизимининг электрон платформасини шакллантириш” мавзусидаги 1 та амалий ва “Ўзбекистонда геотуризмни шакллантириш ва ривож-

лантиришнинг методологик асослари”, “Рақамлаштириш иқтисодиётининг методологик асослари ва уни Ўзбекистон туризми ҳамда меҳмондўстлик соҳасида ривожлантириш хусусиятлари”, “Ўзбекистон ички ва кирувчи туризмини барқарор ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари” ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб виртуал турларни ташкил қилишнинг назарий ва амалий асослари” мавзуларидаги 4 та фундаментал лойиҳалар.

Профессор И.С.Тухлиев илмий ва таълим бериш фаолиятида мунтазам равишда малакасини ошириб, хорижий стажировкаларда қатнашиб келмоқда. Жумладан, 2009 йилнинг апрель ойида Қохира шаҳрида Миср Араб Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг МДҲ давлатлари билан ҳамкорлик фонди томонидан икки хафталик “Туризм” соҳаси бўйича ўқув курсларини ўтаган, 2010 йилда ТДИУда ташкил қилинган “Олий ўқув юртида таълим технологиясини лойиҳалаштириш, режалаштириш ва амалга ошириш” мавзусидаги 50 соатлик ўқув семинарида қатнашган. 2012 йилда UNWTO томонидан ташкил қилинган “Regional tourism: current situation, problems and outlook” халқаро туризм форуми, 2014 йилда BRITISH COUNCIL ва “Ўзбектуризм” МК билан ҳамкорликда ташкил қилинган “Social Partnership in Tourism Sector: Education and Employment Market” халқаро форумида мұвафақиятли иштирок этган, 2016 йил Бosh илмий методик марказ томонидан ташкил қилинган 108 соатлик педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари профессор-ўқитувчилари учун ташкил этилган ўқув курсида, 2016 йил 8-18 ноябрь кунлари Туркияning ТИКА ташкилоти ташкил қилган “Меҳмонхона сервисини ташкил этиш” бўйича 80 соатлик халқаро малака ошириш курсида ҳамда 2018 йилда Бosh илмий методик марказ томонидан ташкил қилинган 288 соатлик “Таълим тизими менежменти” курси бўйича малака оширган. 2019 йилнинг 4-5 декабрь кунлари Ипак йўли халқаро туризм университетида ташкил қилинган “Cultural heritage conservation as a driver for tourism development” мавзусидаги биринчи халқаро илмий ва амалий симпозиумларда қатнашди.

Профессор И.С.Тухлиев жамоатчилик асосида бир қанча вазирлик ва идораларда илмий эксперт сифатида ҳам иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Давлат илмий-техника дастурлари

доирасидаги тадқиқотлар дастурлари бўйича эксперталар аъзоси, Ўз.Р Тест маркази томонидан ташкил қилинадиган олий ўқув юртларини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш бўйича ҳам эксперт аъзосидир. Профессор И.С.Тухлиев Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг хизмат кўрсатиш (сервис) соҳаси ўқув-услубий бирлашмасининг Илмий котиби сифатида Олий ва ўрта махсус, касб ҳунар таълими тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш ва Давлат таълим стандартларини тайёрлаш бўйича фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашри бўлган “Сервис” журналининг ҳайъат аъзоси бўлиб ҳисобланади.

Профессор И.С.Тухлиевнинг юқорида кўрсатилган асосий фаолиятини ҳисобга олиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўп йиллик самарали ва ҳалол меҳнати ҳамда ўз хизмат вазифасига бўлган садоқати учун 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фахрий ёрлиғи, 2017 йилда “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” муносабати билан вилоят тарракиётига қўшган самарали ҳиссаси ҳамда ижтимоий-иктисодий ҳаётдаги фаол иштироки учун Самарқанд вилояти ҳокимининг фахрий ёрлиғи билан мукофатланди.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий ва ижтимоий ҳаётидаги самарали меҳнати учун профессор И.С.Тухлиев раҳбарлик қилаётган «Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси 2017 йилнинг энг яхши кафедраси танловининг 1-дараҷали ғолиби сифатида институт ректори томонидан компьютер билан тақдирланди.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор И.С.Тухлиев 2001 йилда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги» ва 2016 йилда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги» кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Буюк мутафаккир Жалолиддин Румий инсонларга қаратада: “Ҳаёт уйкудир, ўлимла уйғонур инсон. Сен шошил, ўлмасдан аввал уйғон” деган пурмаъно даватига амал қилиб яшаган одам икки дунёда ҳам хор бўлмас”, деб таъкидланади.

Искандар Тухлиев жон берган, қиз берган ва нон берган ОТА! Бешта жон берган фарзандлари, қиз берган ота сифатида забардас куёвлари, нон берган ота сифатида минглаб шогирдлари бор. Турмуш ўртоғи Манзурахон Тухлиева билан барча фарзандларни вояга етказиб, ҳозир ўн учта невара ва чеваралар қуршовида. Искандар Тухлиев ҳақиқий баҳтли инсон экан. Кўз тегмасин. Битта ёсиқдоши сиймосида севикли ёр, фарзандлари, невара ва чевараларнинг меҳрибон Онаси бўлиши билан биргаликда, тайёр шифокори ҳам ёнида. Шогирдларининг саноғи йўқ. Битта стратегик соҳа туризмнинг ҳам отаси шу одам.

Туризмнинг отаси шу одам деганда Искандар Суюновичнинг институтга келиш билан боғлик воқеа ёдимга тушда. У киши Тошкентдан келди. Кўчада мен, Баратали Абдукаримов учаламиз учрашиб қолдик. У киши Мен Тошкентдан энди келдим. Яқинда СамДУга ишга кираман, деб қолди. Биз у кишини бизнинг институтта келинг, ҳар ҳолда Сиз иқтисодчи олимсиз, институтимиз иқтисодиёт йўналишдаги олийгоҳ деган эдик, иккиланиб бошлади. Ниҳоят ўзимизга “ағдариб” олдик. Шу тариқа бизнинг институтта ишга жойлашган эди. Агар шу воқеа содир бўлмаганда, бугун қаҳрамонимиз қайси фаннинг отаси бўларди? Аниқ “Туризмнинг отаси” бўлмас эди, чунки у ерда туризм энди ўқитилмоқда. Бу ҳам Яратганинг инояти бўлса ажаб эмас.

Шу тариқа Искандар Суюнович бугун 70 йиллик таваллуд кунини нишонламоқда. Шу даврда юқорида кўрганингиздек, қуруқ қўл билан келмади. Ўзининг соҳаси бўйича сермаҳсул ижод қилиб, жамиятимизга туризмга оид кўплаб илмий маҳсулотларни етиштириб берди. Муҳими кўплаб шогирдларни тайёрлаб, уларни фан йўлида мустақил юрадиган, ўз йўлини топиш билан бирга, улар ҳам бирорларга йўл кўрсатадиган даражага етиб бормоқда.

Профессор И.С.Тухлиев томонидан йиллар давомида нашр қилинган адабиётлар, Интеллектуал мулк агентлигининг гувоҳномалари, малака ошириш сертификатлари, мақтov ёрлиқлари ва дипломлар Илова қилинади (Олимнинг илмий-тадқиқот меҳнатлари маҳсули бўлимига қаранг).

•••✿•••

Ҳаёт бу гүллик, чунки гүдак билан масқарабоз қизиқчига ғап топиб бериш қийин.

•••✿•••

Ҳаёт бу куч, агар қонуний ҳуқуқингизни яхши билсангиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу қуёш, агар атрофингизда асосан меҳр бергувчилар бўлса.

Ҳаёт бу тажриба, агар ундан тўғри хулоса чиқара олсанг, албатта.

•••✿•••

Ҳаёт бу ётиш, шундай ўйлайдиган инсонлар бесамар яшаб ўтганини умрининг поёнида тушуниб етади.

•••✿•••

Ҳаёт бу юриш, зеро, тинмай юрмасанг, кўлмак сувдай бир жойда қотиб қоласан ва дунёни кўрмай, ҳаётни тушуммай ўтиб кетасан...

•••✿•••





Хасан Норбекович Нормуродов
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси,
Ўзбекистон Қаҳрамони

МЕҲНАТДАН КЕЛГАН БАХТ!

Мен Каттақўрғон шаҳар Комсомол қўмитасида ишлаб юрган йилларим ғалла ўриш баҳона Каттақўрғон туман партия комитетининг биринчи котиби Суюн Тухлиевич Тухлиев билан учрашишга тўғри келди. 1964 йил ғалла мавсумига вилоят Комсомол комитети бизни ҳам жалб қилган эди. Туманинг биринчи раҳбари бизни жуда илиқ кутиб олди ва ғаллани тезроқ ўриб, ўрнига маккажӯхори экиш ва икки ҳосил олиш ташаббуси ҳақида тушунча берди. Мен Суюн Тухлиевичдаги билим, иқтидор ва инсонга меҳр ҳислатларини кўриб шу инсондай бўлишни хавас қилган эдим.

Фаришта омин деган эканми, кейинроқ Жомбой ва Нарпай туманларига раҳбарлик қилган йилларим Суюн аканинг иш услуби жуда қўл келди. Шу йиллари Суюн аканинг баркамол, одобли фарзандлари ҳақида тассавурим кенгайди. Бу сўзларни ёзишдан мақсад ота йўлидан бориб иқтисодиёт фанига меҳр қўйиб бугунги кунда фан доктори, профессор бўлиб ўзининг 70 йиллик юбилеини нишонлаётган укамиз Искандар Суюнович Тухлиев хусусида дил сўзларини айтаяпман. Падарибузрукворлари иқтисодиёт фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи унвонларига эга эдилар. Суюн ака Каттақўрғон туманидан кейин Сирдарё вилоятининг энг қолоқ Боёвут туманига биринчи раҳбар этиб тайинланди. Боёвутликлар Суюн Тухлиевич ҳаёт даврида туман марказидаги истироҳат боғига у кишининг номини берган эди. Ҳозиргacha Боёвутликлар борди-келдини канда қилмайди. Жўшиб меҳнат қилган инсонни ҳалқ ҳамма вақт ҳам ҳурмату эъзозлайди.

Искандар Суюнович ўрта мактабни ҳам, Тошкент электромеханика техникумини ҳам, Тошкент политехника институтини ҳам аъло баҳоларга тугатиб иқтисодиёт илмига меҳр қўйиб, устозлар сабоғини олиб кам бўлмади ва бугунги кунда эл назаридаги иқтисодчи олимга айланди. Иқтисодиёт фанининг машаққатли зинапояларидан дадил одимлади. Дастьлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иқтисодиёт институтининг аспиранти бўлди ва номзодлик диссертациясини юқори савияда ҳимоя қилди. Ёш иқтидор эгасига ўша вақтдаги Бутун иттифоқ Комсомол Марказий қўмитасининг лауреати увонининг берилиши катта воқеа бўлди.

Бир унитилмас воқеа ҳамон ёдимда. 1980 йили вилоятимизга СССР Фанлар Академиясининг Президенти, уч марта Мехнат қахрамони, дунёга машҳур физик Анатолий Петрович Александровнинг Самарқандга ташрифи хақида Республика раҳбариятидан топшириқ олдик. Ўша йиллари мен Самарқанд вилоят Партия қўмитасининг мафкура бўйича котиби бўлиб ишлардим. Вилоятимизнинг биринчи раҳбари, иқтидорли олим ва йирик ташкилотчи устозимиз Бектош Рахимович Рахимов менга қуидагича топшириқни бердилар: “Эртага Самарқандга СССР Фанлар Академиясининг Президенти А.П.Александров ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Президенти О.С.Содиковлар келадилар. Самарқанд Республиkanинг азалдан илму фан марказларидан бири хисобланади. Самарқандда Академиянинг бўлимини очишимииз керак, шу хусусида олимлар билан маслаҳатлашиб асосли хат тайёрланг, Академия бўлимини очиш учун бундан қулай имконият бўлмайди”, дедилар.

Бектош Рахимович ўzlари ҳам иқтисодиёт фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи увонларига эга, фан ва ишлаб чиқариш соҳаларининг катта билимдони эдилар. Мен университет ректори, Академик А.Қ.Отахўжаев ва Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтининг ректори Академик Т.Ш.Ширинқулов билан бамаслаҳат бир ярим вараг ҳажмида хат тайёрладим ва Бектош Рахимович хатни эътибор билан ўқиб имзоладилар. Юксак мартабали меҳмонларни кутиб олдик, Самарқанднинг диққатга сазовор тарихий ёдгорликларини зиёрат қилдириб, туш пайти дастурхон устида илму фан тараққиёти хақида мазмунли сухбат бўлди. Б.Р.Рахимов Самарқанднинг

илемий салоҳияти ҳақида жўшиб гапирдилар ва Республика Фанлар Академиясининг Самарқанд бўлимини очиш ҳақида таклиф киритдилар. Академик А.П.Алексадров хатни ўқиб кўриб, уни маъқуллаб Обид Содиковичга аниқ топшириқ бердилар. Шу тариқа Самарқандда илм ва фан тараққиётига хизмат қилиши лозим бўлган илм маркази очилди. Мен бу ҳақида асосли гапларни ёзаётганимдан мақсад янги ташкил этилган илемий марказ устоз олимларни, ёш иқтидорли, фанимиз жонкуярларини ўз атрофига йиғиб фанимиз ривожида ўз ўрнини топа олди.

Юбилияримиз Искандар Суюнович Тухлиевнинг ҳам 1985-1993 йиллардаги фаолияти ҳам шу илемий марказ билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Марказ бўлим мудири, сўнгра унинг раҳбари вазифаларида ишлаб унинг илемий қалами чархланди. Мана бугун Самарқанднинг иқтисодчи олимлари шодасида битта мунчоқ бўлиб ўз билими тафаккури ва иқтидори билан ҳурмату эъзозга сазовор бўлиб ишляпти. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўз нуфузи билан Республикамиз ташқарисида ҳам маълум ва машҳур.

Кейинги йилларда туризм тараққиётига кенг йўл очилди ва Самарқанд шаҳри бу соҳанинг марказларидан бири эканлиги барчамизга маълум. И.С.Тухлиев бу соҳа ривожига ҳам сезиларли хиссасини қўшяпти. Унинг илемий ишлари, ҳаммуаллифликда ёзган китоблари туризм соҳасини тараққий эттиришга хизмат қилмоқда. Ўзининг 70 ёшини нишонлаётган талантли инсонни, устоз олимни – Сизни Искандар Суюнович табриклиш, Сизга эзгу истакларни изҳор қилиш мен учун ғоят шарафли. Умрингиз боқий бўлсин, оиласизга баҳту саодат ёр бўлсин, барча қувонч ва шодлик Сизга бўлсин.

Самимий табригу эҳтиром ила, Хасан Нормуродов

•••✿•••

Ҳаёт бу буюклиқ, агар умрини илм олишга ва маърифатли бўлишга бағишиласа.

•••✿•••

Ҳаёт бу вақтинча, чунки унинг нихояси бор.

•••✿•••

Ҳаёт бу нисбийлик, бир кишига ҳақиқат бўлиб туюлган нарса, иккинчи кишига ёлғон бўлиб туюлиши мумкин.

•••✿•••

Ҳаёт бу хатарли, фақат ўзингиз мувоффақиятга эришаверсангиз, яқин дўстларингиз ҳасадчи бўлса, душманга айланиши мумкин.

•••*••

Ҳаёт бу толиқиш, ишдан ҳам, дам олишдан ҳам, ейишишдан ҳам, сухбатдан ҳам чарчаш мумкин.

Мардиев Алишер Мардиевич

*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
юрист, 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси,
1-даражали меҳнат фахрийси*

ИЛМ-ФАНГА САДОҚАТИНИ САҚЛАБ ҚОЛГАН ОЛИМ

Тўқсонинчи йилларнинг охирида мамлакатимиздаги каби Самарқанд вилоятида ҳам ўз ечимини кутиб турган иқтисодий-ижтимоий масалалар талайгина эди. Шулар қаторида ҳукумат қарорлари асосида жойларда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида давлат мулки ҳисобланган корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш лозим эди. Очиқ акционерлик жамиятларнинг акция пакетларини хорижий инвесторларга ва маҳаллий тадбиркорларга сотиш учун фонд биржаси орқали савдога жойлаштириш керак эди.

Мустақилликка қадар юртимизда умуман мавжуд бўлмаган, бугунги кунда эса жамиятимизнинг кудратли таянчига айланиб бораётган ўрта синф – мулкдорлар синфининг жадал ривожланишини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Самарқанд вилоятида ташкил бўлиш фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш ишларини амалга оширадиган ташкилотнинг раҳбарини танлаш керак бўлди.

Шу ўринда менга бир неча номзодлар қаторида иқисод фанлари доктори Искандар Тухлиевнинг ҳам номзодини таклиф қилишди. Ушбу номзод бозор инфратузилмаси бўлган «Ўзбекинвест» экспорт-импорт Миллий сугурта компаниясининг Самарқанд шўъба корхонаси директори лавозимида ишлаб келган экан. Ушбу лавозимда ишлаш даврида вилоят иқтисодиёт тизимидағи раҳбарлар, хо-

рижий инвесторлар, йирик қўшма корхоналар, банклар ва тадбиркорлар билан ишончли ҳамкорлик суғурта шартномалари тузган ва шартнома шартларини ўз вақтида бажаргани маълум бўлди. Шу туфайли корхона бир йилда республикада Миллий суғурта компаниясининг рентабелли ва етакчи корхонасига айланган.

Вилоят ҳокимияти ўрганиш ва атрофлича кўриб чиқиши натижасида И.Тухлиев номзоди Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасига тақдим қилинди ва Кўмитанинг ишга тайинлаш хақидаги буйруғидан кейин вилоят ҳокимининг қарори билан Искандар Суюнович Тухлиев вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди (вилоят ҳокимининг ўринbosарига тенглаштирилган).

Қисқа вақт ичida вилоят ҳокимининг ўринbosари И.Тухлиев вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси тассаруфидаги: вилоят товар ишлаб чиқувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Қимматли қофазлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази, вилоят кўчмас мулк Биржаси, “Вақт” миллий Депозитарийси вилоят бўлими, “Бизнес фонд” АЖ вилоят бўлими, “Саммаслаҳат аудитаҳборат” вилоят Маркази, “Давинком” Давлат инвестицион фирмаси вилоят бўлими, хўжалик ҳисобидаги баҳолаш Маркази ташкилотлари фаолиятини қулай тадбиркорлик мұхитини яратишга қаратди.

Кейинчалик и.ф.д. И.С.Тухлиев илм-фанга бўлган иштиёқини ва бозор таркибий тузилмасида орттирган амалий тажрибасини илмий-тадқиқот ишларига бағишлиб, профессор илмий унвонига сазовор бўлди.

Бугунги кунда профессор И.Тухлиев иқтисодиётимизнинг турли соҳаларига замонавий кадрларни етиштиришда, айниқса, туризм соҳасини ривожлантиришда ва унинг илмий асосларини шакллантиришда шогирдлари билан самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш иқтисодиётини ва бозор инфратузилмадаги тажрибани мукаммал эгалаган профессор И.С.Тухлиевнинг ҳали 70 ёшидаги режалари улкан бўлиб, истиқболда уларнинг барчасини амалга ошишига катта зафарлар тилаб қоламан.

...*...

Ҳаёт бу ҳакам, чунки вақт ўтиши билан тегишли баҳосини беради.

...*...

Ҳаёт бу давр, чунки ҳар бир даврнинг ўзига яраша ҳаёти бор. Олдинги энг яхши ҳаёт, бугунги ўртачадан ҳам пастроқ бўлган.

...*...

Ҳаёт бу норозилик, агар адолат ҳукм сурмаса бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.



Ёрқин Абдуллаев

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор*

ЎЗ ИСМИНИ ОҚЛАБ КЕЛАЁТГАН ЗАБАРДАСТ ОЛИМ

Кўринишидан ҳамма одамларга ўхшаш феъли бор. Жиддий ва синчковликда ўз байроғи бор. Мулоқотда қувваи ҳофизаси юксак. Илмда креатив қарашлари беҳисоб. Иқтисодиёт боғида, хусусан, туризм соҳасида кўплаб тайёрлаган шогирдлари (фан докторлари ва фан номзодлари, магистр ва бакалаврлар) ҳам жуда мўл. Ва бўртиб чиққан, худо берган иқтидор ва қобилияти бор. Пухта ёзилган илмий асарлари (7 та монография, 8 та дарслиқ, 26 та ўқув қўлланма, 2 та туризм соҳасининг замонавий атамаларига бағишиланган изоҳли луғат, 27 та хорижий мамлакатлар журналларида чоп этилган илмий мақолалар, бажарилган грантлар)ни айтмайсизми. Жуда сероб.

Узок йилардан (яъни, 2000 йилларда Тошкент давлат техника университетида кафедра мудири лавозимида ишлаган даврдан) бери билганим, 20 йилга яқин давр мобайнида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис (олдинги кооператив) институтининг куйди-пишди профессори Искандар Тухлиев тўғрисида дил изҳоримни баён этгим келди. Очиги, у инсон ҳақида икки оғиз сўз айтгим келди.

Хосатан, минглаб талабалар, бўлажак олимлар, замондошлар, билган-билимларни истадим.

Бундан 70 йил муқаддам Нарпай туманида хизматчи оиласида туғилган жажжигина чақалоққа Тухли бобонинг ўғли Суюн ота ва волидаи мухтарама Каромат ая жаҳоннинг яримини адолат йўлида забт этган Искандар шоҳга ўхшасин деб унга яхши ният ила Искандар деган ном қўйиши. Ақлини таниганидаёқ Искандар бу исмнинг маъноси нимани англатиши билан қизиқди. Ва у бу сўзнинг юонончадан олинганини, маъноси эса: мард, қўрқмас, довюрак, жасурларнинг сардори ёки ҳимоя қилувчи, муҳофазакор тушунчаларни англатишини билиб олди.

Демак, у шу фазилатларга эга бўлиши, яъни ҳаётда мард, қўрқмас ва довюрак бўлиши, нафакат жасур шу билан бир қаторда у жасурларнинг сардори, шунингдек, ҳимоячи ёхуд муҳофаза қилувчи ҳам бўлиши керак. Буни у бутун бўй-басти билан англади. Ота-онанинг орзу истакларини руёбга чиқариш, уларнинг ишончини оқлаш йўлида мардлик камарини маҳкам боғлаб олди.

Ва бу ишончни Искандар Суюнович қойил-мақом даражасида бажаришга эришди ҳам. Бунга қуйидаги 70 йиллик сарҳисоб гувоҳ.

Биринчидан, исмнинг ўта масъулиятли эканини, уни оқлаш эса, жуда катта шижаот талаб қилишини ҳис этган Искандар ўнинчи синфни тугатмасданоқ, саккизинчи синфни битириб отона бағри-дан узоққа, яъни Тошкент шаҳрига йўл олади. У ўзи қизиққан касбга эга бўлиши учун конкурсни жуда юқори бўлган Тошкент электро-механика техникумига ўқишига киради. 1969 йилда эндиғина 19 ёшга тўлган Искандар техникумни имтиёзли диплом билан битириб ўша йилнинг ўзиёқ Тошкент Политехника институтига битта математика фанидан аъло баҳога имтиҳон топшириб талабалик сафига қабул қилинади.

Бу қадамлар Искандарнинг қўрқмасдан, довюраклик билан босган илк қадамлари эди. Бу қадамларда катта ишонч ва сублимация даражасидаги ҳис-туйғу муҳрланган эди. Бундай ҳистуйғу унга қанот бағишилади ва бу қанотлар уни юксак парвозлар сари етаклади. 1974 йилда эндиғина институтни битирган ёш кадр назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Гўштсутсаноати” вазирлиги қошидаги Марказий лойиҳалаштириш ва конструкторлик бюросида ишга юборилади.

Катта муҳандис лавозимида ишлаган Искандар учун бу давр ўз касбининг сир-синоатларини ипидан игнасигача ўрганиш даври бўлди. Бу ерда ҳам Искандарнинг синчковлиги, илмга бўлган ташналиги тегишли мутасадди раҳбарлар назаридан четда қолмади. У илм одами, уни давом эттириши, олим бўлиши керак деган яхши ният билан Марказ Искандар Суюновичга Ўзбекистон фанлар Академияси иқтисодиёт институтининг аспирантурасига киришга йўлланма берди.

1978 йилда аспирантурага кирган Искандар Суюнович илм деб аталувчи катта қозонда “қовурила бошлади”, яъни иқтисодиёт илмининг етакчи олимлари қуршовида пишди. Орадан кўп ўтмай 1981 йилда номзодлик диссертациясини ва 1997 йилда докторлик диссертациясини ёқлади. Бу натижаларга Искандар Суюнович ўзининг ҳаракати, танлаган йўлига ишонч, довюраклик ва жасурлик билан ёндошгани туфайли эришди.

Иккинчидан, у хаётда ҳимоячи, муҳофазакор бўлиши керак. Бу ҳислат бағрикенгликни намоён қилувчи фазилатдир. У бутун ҳаёти давомида кимгadir кераклигини ҳис этиб яшаб келмоқда. Унинг 35 нафар магистрларнинг, 13 нафар аспирантларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилгани, ихтисослашган кенгашда илмий котиблиқ даврида 32 нафар фан номзодлари ва докторлик диссертацияларини ёқлаш жараёнидаги хизматлари, илмий ишлар ва диссертацияларга кўплаб ижодий тақризлар бериб оппонентлик қилганлари – буларнинг ҳаммаси уларга беғараз ёрдам бергани, керак бўлса уларни ҳимоя, яъни муҳофаза қилганларидан далолатдир.

Демак, исмдаги бу шарт ҳам ўз ижобатини топиб келмоқда.

Учинчидан, исмдаги яна бир шарт. Искандар Суюнович сардорлик даражасига кўтарилиши керак эди. Ота-онанинг бу ниятлари ҳам армонга айланмади, амалга ошди. Марҳамат, сананг. 1985-1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси ФА Самарқанд илмий маркази бўлим мудири, сўнгра унинг раҳбари; 1997 йилда “Ўзбекинвест” экспорт-импорт Миллий суғурта компаниясининг Самарқанд шўъба корхонаси директори; 2002-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қувватлаш Кўмитаси кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи; 2005-2006 йилларда Тошкент давлат техника университети “Маркетинг” кафедраси мудири; 2006-2018 йилларда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис

институти “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси мудири кабилар сардорликни тасдиқловчи далиллардир.

Бу давр давомида Искандар Суюнович туризм соҳасидаги кўп йиллик олиб борган фундаментал ва амалий илмий ишлари ҳамда кўплаб тайёрлаган шогирдлари кўлами билан “Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш иқтисодиёти” йўналиши бўйича Ўзбекистонда ўз илмий мактабини яратди. Туризм сўзи тилга олиниши билан кўз ўнгингизда энг аввало, Искандар Суюнович гавдаланади ва аксинча, Искандар Суюнович деганда Ўзбекистон туризмининг илми ва амалиёти кўз олдингизга келади.

Ҳа, дўстимиз Искандар Суюновичнинг босиб ўтган ибратли йўли ва амалга оширган бекиёс ишлари билан танишар экансиз, қани-ки ҳар бир касб эгаси ўз исми-жисмига мос келса, уни оқлашга эришса деб айтгингиз келади. Ахир ҳар бир ота-она фарзандининг иқболи баланд, мартабаси улуғ, касби-кори ўз хоҳиш-истакларига мос бўлсин деб эзгу ниятлар билан унга энг чиройли, энг гўзал жанговар ва улуғ инсонларга ўхшасин деб жуда катта умид билан уларнинг исмини қўйишади. Ота-онанинг фарзандига энг мақбул, гўзал исмни қўйиши фарз саналади.

Афсуски, айрим фарзандлар масъулиятни, ота-она орзу-истагини рўёбга чиқариш лозимлигини ҳатто ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Шунчаки исм деб қарайдилар. Натижада улуғ инсонлар, алломалар номларига иснод келтиришади. Шу маънода, ҳар бир киши ўз исмининг мазмун-моҳиятини тушуниши ва уни оқлашга ҳаракат қилиши шарт. Шундагина ҳаёти ундан рози бўлади. Шундагина яратган эгам ҳам бандасига бир мартагина берган ҳаётдек неъмати учун рози бўлади.

Яна бир гап. Искандар Суюновичнинг бундай натижаларга эришишига қандай кучлар кўмак берди ёхуд омил сифатида нималар асос вазифасини бажарган экан деган савол туғилиши мумкин. Жавоби жуда жўн. Искандар билан институтда докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлаш бўйича ихтисослашган илмий кенгашга рухсат берилган кундан бошлаб бирга аъзо сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдаман.

Бу даврдаги ҳамкорлик юқоридаги саволга жавоб беришга имкон беради.

Хусусан, бундай ютуқларга эришилганнинг асоси шундаки, дастлабки қадам жуда тўғри қўйилган, яъни илм йўли аниқ танлан-

ган, қаттиқ ишонч билан мақсад аниқ белгиланган, иккиланиш бўлмаган. Шу ўринда дўстимиз, илм йўлини танлаган шогирдларига бот-бот такрорлайдиган қуидаги эслатмаларини эътироф этиш жуда ибратлиdir.

“Илмнинг нони жуда қаттиқ. Бу йўл нотекис йўл. Буни босиб ўтиш учун қўлингда ован учли асос, оёғингда эса темирдан этик кийишинг лозим. То ован ва темир этик емирилмагунига қадар юришга бардош берсанггина мақсадга эришишинг мумкин”, дейди Искандар Суюнович.

Иккинчидан, у зиёли инсон. Бағри кенг. У менинг наздимда, одамларга ёруғлик бериб, ўзи куядиган чироқ пилигига ўхшайди. Бировларнинг ютуғи уни қувонтиради. Муомалада ўта маданиятли. Ҳар бир сўз дона-доналаб айтилади. Сўзлашувларида бирон бир марта бегона сўzlарини ҳеч ҳам эшитмаганман. Муаммоларни муҳокама қилишда ўзининг сўзи бор. “Ожизгина бўлса ҳам ўзингнинг шахсий фикринг бўлсин”, дейди у. Бирор марта кескин айтишувларга борганларини билмайман. “Жанжалга мойил бўлган кишиларнинг боши бўм-бўш бўлади”, дейди дўстим.

Искандар Суюнович дилбар шахс. Бу сўз биринчи марта Жавоҳирлал Неру томонидан ватандошимиз Захириддин Мухаммад Бобур шахсига нисбатан, сўнг давлат ва жамоат арбоби Ўлмас Ўмарбеков шахсига нисбатан қўлланилган. Мен бу сўзни дўстим Искандарга нисбатан айтмоқчиман. У ҳақиқатдан ҳам шу сўзга муносиб. Унда дилни мафтун этадиган, ўзига тортадиган ёқимли хислат мужассам. Бундай кишиларнинг сухбати ҳар қандай кишига олам-олам маънавий озуқа беради.

Ва, ниҳоят, Искандар Суюнович, оилапарвар, фарзандларнинг ардоқли падари бузруквори, неваларнинг севимли бобоси, турмуш ўртоқларининг меҳр-муҳаббатли умр йўлдоши. Айнан шундай муҳит дўстимга қаноат бағишлигар, унинг ўз исмини оқлашга замин яратган.

Резюме. Искандар ака турли лавозимларда, ҳар хил мансабларда ишлади, турли туман эзгу, хайрли ишларни адо этди, бироқ қаерда ишламасин, қай мансабда фаолият кўрсатмасин, ҳамма жойда ўз вазифасига жуда теран бир масъулият билан қаради, зиммасидаги ишларни сидқидилдан ҳалол бажаришга ҳаракат қилди. Шу билан бирга у ҳамиша ўзининг инсоний фазилатларга,

адолат туйғусига, оддий одамларга дардкашлигига содик қолиб келди ва келмоқда.

Бернард Шоу 60 ёшга түлганида мухлисларидан бири унга:

• Сиз ҳозир олтмиш ёшга әмас, балки уч маротаба йигирма ёшга түлдингиз, дебди.

• Ҳа-да,-деди буюк адіб бунга жавобан. Худо хоҳласа 80 га кирганимда йигирма маротаба түрт ёшга түлган болакай бўламан, деган экан.

Дўстим Искандар Суюнович! Сиз бугун икки маротаба ўттиз беш ёшга түлган навқирон йигитчасиз. Менинг ниятим Аллоҳ берган умрни яшанг, исмингизни оқлаш йўлидаги шиҷоатингиз ҳеч қачон сўнмасин. Табриклиш баробарида Сизга ва оила аъзоларингизга икки дунё саодатини Яратгандан тилаб қоламан. Ваасалому алайкум ва раҳматуллоҳ.

•••✿•••

Ҳаёт бу санъат, чунки унда ҳамма тури мавжуд.



Азамат Шамсиев
*Самарқанд давлат медицина институтининг
профессори, медицина фанлари доктори.*

ИЛМИЙ МАКТАБ ЯРАТГАН ОЛИМ

XX асрнинг 50-60-йилларида Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида Бектош Рахимов, Суюн Тухлиев, Мухитдин Шамсиев сингари партия, ижроия ҳокимияти ташкилотлари, юриспруденция соҳаларида самарали меҳнат қилиб элу-юрт ҳурмат эътибори ва ардоғига сазовор бўлган буюк инсонлар ишлаб ўзларидан яхши ном чукур из қолдирганлар.

Шулардан бири иқтисодиёт фанлари номзоди Нарпай, Каттақўргон, Хатирчи туманларида кейинчалик Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида собиқ партия Кўмитасининг биринчи котиби лавозимларида ишлаб катта жамоат арбобига айланган

Суюн Тухлиевнинг оиласида 1950 йилда тўнғич ўғил фарзанд дунёга келади. Унга замонасининг забардаст инсонларидан бири бўлсин деган орзу-ниятда Искандар деган исм кўйишади. Ёшлигидан зукко, илмга чанқоқ Искандар Каттакўргон шахридаги ўрта мактабнинг 8-синфини имтиёзли тамомлаб, 15 ёшли йигит Тошкент электромеханика техникумига ўқишига кирди.

Искандар Суюнович 1969 йилда Тошкент политехника институтига ўқишига кириб, уни 1974 йилда имтиёзли тамомлагандан кейин конструкторлик бюросида катта муҳандислик лавозимида ишлаб, 1976 йилда Ўзбекистон Фанлар Академяси иқтисодёт институтининг аспирантурасига ўқишига киради. 1981 йилда иқтисодиёт фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, илм даргоҳида кичик илмий ходим, катта илмий ходим увонларига сазовор бўлади.

1985 йилда И.С.Тухлиев Ўзбекистон Фанлар Академяси Самарқанд Илмий маркази бўлим мудири, сўнгра унинг раҳбари этиб тайинланганда ҳамкорликдаги илмий фаолиятимиз бошланди. Чунки илмий марказнинг тўртта йўналишларидан бири «Медицина» йўналишига мен раҳбарлик қилар эдим. Ҳамкорликдаги иш фаолиятим давомида мен ўзимга ўта маданятили, маънавий етук, фозил инсонга хос барча фазилатларга эга, ширин сўз, хушмуомила инсонни кашф этдим. Искадар Суюнович шу каби барча ҳислатлар соҳиби, тўғри сўз, одамохун инсон эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Ўтган йиллар давомида Искандар Суюнович ҳамда ЎзФА Самарқанд бўлимининг раҳбарлари ва етакчи олимлари Т. Ширинқулов, И.Х Эргашев, Т.К. Хамракулов, Б.Х Хўжаёров, М.М. Мухаммедлар билан биргаликда илм-фаннинг турли соҳалари ривожига муносиб ҳисса қўшиб келдик. Кейинчалик И.С.Тухлиев 1997 йилдан ташкилий бошқарув тизимига ишга тайинланганида ҳам илмий изланишлардан тўхтамай, уни жадаллик билан давом эттирди.

«Ўзбекинвест» сұғурта компаниясининг Самарқанд шўъба корхонаси директори, Самарқанд вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи (вилоят ҳокимининг ўринбосари лавозимига тенглаштирилган) лавозимига тайинланди. Бу даврда корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнига хорижий инвес-

торларни жалб қилган ҳолда кенг кўламли ишларни амалга ошириди. Амалий ишларни илм-фан билан боғлаб, бир неча рисола ва китоблар чоп эттириди. 1997 йилда иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияни муваффақиятли ёқлади.

И.С.Тухлиев қайси лавозимда ишлаган бўлмасин (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни ривожлантириш Бош бошқармасининг бошлиғи, Тошкент давлат техника унверситети кафедра мудири, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти кафедра мудири, профессори) хамиша илмий изланиш, шогирдлар тайёрлаш, иқтисодиёт соҳасини ривожлантириш бўйича изланишларни сусайтирмади. Унинг илм-фандаги сермаҳсул қирралари Самарқандда ишлаган даврларда юқори чўққиларга чиқди.

Иш фаолияти давомида ўндан ортиқ ўқув қўлланма ва дарслар, янги йўналишлар бўйича тармоқ таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлар тайёрлаб Республикадаги олий таълим муассасаларига тадбиқ қилиш, илмий изланишлари натижасини амалётга жорий этиш ва иқтисодий самарадорликка эришиш борасида тиним билмай ишлайдиган, 20 дан ортиқ фан номзодлари, фалсафа докторлари ва фан докторларига илмий раҳбарлик қилган, «Туризим соҳасини инновацион ривожлантириш иқтисодиёти» йуналиши бўйича Ўзбекистонда илмий мактаб яратган етук олим сифатида эътироф этиладиган Искандар Тухлиевга ҳар бир олимнинг, илмий изланувчининг ҳаваси келади. Искандар Тухлиев томонидан яратилган рисолалар, монографиялар, ўқув адабиётлари, Ўзбекистон Республикаси мулк агентлигининг гувоҳномалари, вазирликлар ва вилоят ҳокимликларининг фахрий ёрликлари фикримнинг ёрқин далилидар.

Искандар Тухлиевни оиласпарвар инсон сифатида ҳам яхши биламан. Умр йўлдоши Манзураҳон Раимовна билан ширин турмуш қуриб, оқил, баркамол фарзандларни тарбиялаб, ҳаётга йўлланма бердилар. Манзураҳон Раимовна мен раҳбарлик қилган Самарқанд вилояти болалар хирургияси илмий марказида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган пайтларида ўзини билимдон, моҳир шифокор сифатида намоён этиб, марказ жамоаси ўртасида ҳурмат эътиборга сазовор бўлган эди. Кейинчалик поликлиника бош врачидек масъулятли ташкилотчилик вазифасини аъло даражада

бажариш билан бирга Искандар Тухлиевнинг ташкилий ва илмий ишларини самарали давом эттиришга етарлича шарт-шароитлар яратиб берган оқила аёл сифатида Тухлиевлар оиласида муносиб ўрин эгаллаган. Укалари Бахриддин фалсафа фанлари номзоди, доцент, узоқ йиллар иқтисодиёт ва сервис институтида маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор, Нуриддин эса Андижон, Самарқанд, Жиззах вилоятларида адолат тарозисини тўғри ўшлаш билан обрў қозониб келмоқда.

Мен дунёга таниқли иқтисодчи олим туризм соҳаси ривожига муносиб ҳисса кўшган илмий ходим, эл-юрт, жамоатчилик ва қасбдошлари орасида ҳурмат эътиборга сазовор бўлган Искандар Суюнович Тухлиевни таваллуд кунига 70 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий табриклайман ва илмий-ижодий ишларига улкан муваффақиятлар, ўзига ва оила аъзоларига мустаҳкам соғлик тилайман.

•••✿•••

Ҳаёт бу синов, одамларни турли ҳолатда синайди, айниқса, унга лавозим бериб кимлигини аниқ билиб олиш мумкин.

•••✿•••

Ҳаёт бу синов, Раббимиз турли неъматларни ва тушкунликларни бериб ҳам бандаларини синайди.

•••✿•••



Аллаёров Яхшинор Норбобоевич
*Самарқанд давлат медицина институти
доценти, I даражали “Соғлом авлод учун” ва
“Эл юрт ҳурмати” орденлари соҳиби*

ЗАЛВОРЛИ УМР ЗИЙНАТИ

Инсоннинг баркамол бўлиб ўсиб, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топа олишида у туғилиб ўсган, вояга етган маънавий-маърифий ва адабий мухитнинг ўрни бекиёсдир.

Самарқанд вилояти билан бир қаторда ташкил этилган ҳозирги Пахтачи тумани худудларини ҳам ўзига бирлаштирган, маркази Зирабулоқ қўрғончаси бўлган Нарпай тумани ҳам шундай муҳитлардан саналади.

Махаллий халқ тилида Зирабулоқ, баъзи манбаларда Зарбулоқ аталувчи бу аҳоли пунктининг номида ҳам қандайдир бир иқтисодий, маънавий бойликка ишора қилувчи сирлар яширин. XX асрнинг 60-йилларида Хатирчи туманининг Оқтов ҳудудидаги Вольфрам кони мавжуд бўлган Лангар аҳоли пункти ва Зирабулоқ қурхончасини бирлаштириб вилоят бўйсинувидаги Оқтош шаҳри ташкил этилган эди. Кейинчалик туман тасарифига ўтказилган шаҳар ҳозирги кунда туман маркази ҳисобланади.

Бу адабий муҳитда яшаб ижод қилган, халқ оғзаки ижоди намоёндаларидан бири бўлган, кўплаб достонларни ҳалқ оғзидан қоғозга кўчирган бахши шоир Ислом шоир Назар ўғли, Республикализмнинг Хоразм, Андижон, Самарқанд вилоятларида 20 йилдан ортиқ биринчи раҳбар бўлиб ишлаган, кейинчалик Республикализм миқёсида раҳбарлик лавозимларида ишлаб етук давлат ва жамоат арбоби даражасига эришган, Социалистик меҳнат қаҳрамони унвонига вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби лавозимида ишлаб турган пайтида сазовор бўлган, Гидлянчилар репрессияси даврида ҳам мардоновор туриб, кейинчалик бутунлай оқланиб, меҳнат қаҳрамони унвони ва орден-медалларини тақиб юриш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотчи раҳбар, иқтисод фанлари номзоди Бектош Рахимов, Республикализмнинг кўплаб туманларида биринчи раҳбар бўлиб ишлаган, иқтисодиёт фанлари номзоди Суюн Тухлиев, асли Бухоронинг Шофрикон туманидан Нарпай тумани ижроия қўмитаси раиси лавозимида ишга келиб, шу жойда абадий қўним топган, фарзандлари илм-фан чўкқиларини забд этган, ташкилотчи раҳбарлик лавозимида ишлаган Абдуғани Набиев, Ўзбекистон халқ артисти Саттор Ярашев (асли бухоролик), ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан эл-юрт хурматига, ҳукуматимиз эътиборига сазовор бўлган ака-ука Социалистик меҳнат қаҳрамонлари Абдулла ва Иноят Туробовлар юқорида қайд этилган муҳитда униб-ўсиб, вояга етиб, ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллаб, чукур из қолдириб, солих фарзандларни дунёга келтириб, таълим-тарбия бериб ўз даврининг ютуқ олимлари, мутахассислари бўлиб шаклланишига катта замин яратганлар.

Ана шундай инсонларнинг бири Суюн Тухлиевлар хонадонида 1950-йилда Искандар Суюнович Тухлиев дунёга келди. Шу мұхитда тарбия топиб, дунёга танилған иқтисодчи олим дара жасига эришди. Искандар Суюнович Тухлиев билан ўтган асрнинг 80-йилларидан яхши танишман. Күп йиллар Нарпай туман партияси құмитасида масъул вазифаларда ишлаб, кейинчалик Самарқанд шахрига ишга келған қариндошим Рустам Тоғаев билан қадрдан дўст бўлғанлиги туфайли Рустамнинг хонадонида бўлған давра сұхбатларида ҳамиша ўта босиқ, кам гап, маънавий дунёси кенг, маданиятли йигит Искандар даврадошларнинг эътиборини ҳамиша ўзига жалб этар эди.

Искандар Суюнович қайси мавзуда сўз очмаса, воқеа ходисаларни илм-фан, иқтисодиёт самарадорлиги билан боғлаб гапирав, ўзининг эгаллаган соҳаси бўйича етук мутахассис эканлигини исботловчи далилларга бой мисоллар билан боғлаб тушуниришга ҳаракат қиласар эди. Шунинг учун ҳам барча даврадошлар, жумладан менинг ҳам ихлосим баланд эди.

Искандар Тухлиев Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд илмий маркази бўлими мудири, сўнгра унинг раҳбари лавозимларида ишлаш жараёнида илм-фандаги инновацион жараёнларнинг мақсадли комплекс минтақавий дастурлар билан ишлаш усули Республикадаги Олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларининг мухим амалий-илмий тадқиқот ишланмаларини амалиётга жорий қилиш имкониятини яратди.

Искандар Тухлиевнинг Самарқанд вилоят ҳокимлиги Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган даврларида унинг ташкилотчилик, бошқарув тизимидағи қобилияtlари ёрқин намоён бўлди.

Ўзининг фаолияти давомида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратди.

Бу дунёқараш XX аср 90-йилларининг энг илғор фикрларидан ҳисобланар эди. Искандар Тухлиев қайноқ ташкилотчи раҳбарлик жараёнидан ажralмаган ҳолда илмий фаолиятини давом эттириб, иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини ҳам олиб, илм-фани амалиётига жорий қилиш борасида ҳам тер тўкиб ишлади.

Илмда эришган ютуқлари бесамар кетмади. Тошкент давлат техника университетида, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида кафедра мудири, профессори лавозимларида ишлаб келаётган даврларида таълим жараёнининг сифатини ошириш, кафедра профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, маънавий-психологик муҳитни яхшилаш, соҳа учун малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга муҳим аҳамият қаратди.

Айниқса иқтисодиёт ва сервис соҳаси мутаҳассисларини тайёрлашга ихтисослаштирилган олий таълим даргоҳида янги йўналишларнинг ташкил этилиши институт профессор-ўқитувчиларининг олдига тармоқ таълим стандартлари, шунга мос ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқишдек мураккаб, масъулиятли вазифаларни қўйган эди. Хусусан, Туризм соҳаси бўйича ҳали Республика миқёсида тажрибага эга бўлган олий ўқув юртининг йўқлиги бу борада биринчилардан бўлиб, янги тизим яратилиши олимлар зиммасидаги катта машаққатли иш эди.

Бу вазифаларни амалга оширишда ташаббускорликни қўлга олган профессор Искандар Суюнович масаланинг ечими учун енг шимариб ишга киришди ва катта муваффакиятлар билан мақсадга эришди. Туризм соҳаси учун етук малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйди ва бу борада ҳам катта ютуқларга эришди. 20 дан ортиқ фан номзодлари, фалсафа докторлари, фан докторларини тайёрлашга илмий раҳбарлик қилиб, Ўзбекистонда биринчи бўлиб “Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш иқтисодиёти” йўналиши бўйича илмий мактабнинг асосчиси бўлди.

Янги йўналишда кадрларни тайёрлаш учун таълим стандартларига мос ўқув адабиётлари энг зарурий омил ҳисобланади. И.Тухлиев бу масалани ҳам энг долзарб ҳисоблаб, талабалар учун ҳам давлат тилида ҳам рус тилида ўқув дарслклари ва қўлланмаларини тайёрлаб, нашрдан чиқариб ва ўқув жараёнига тадбиқ этди. Илмий ходимлар учун эса монографиялар ёзиб чоп эттиради.

Ўзининг тинимсиз, фидокорона меҳнатлари эвазига Республикамиз иқтисодчи олимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, халқ хўжалигининг турли соҳа ходимлари ўртасида катта ҳурмат эътиборга сазовор бўлди.

Бир неча бор олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, вилоят ҳокимлигининг фаҳрий ёрликлари билан тақдирланди. Шогирдларининг севимли устози бўлишдек мартабага эришди. Искандар

Тухлиев ўзининг ҳаётдаги сермазмун залворли ижод йўлини илм-маърифатга бой зебу-зийнати билан безаган олимлар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Ҳозирги кунларда 70 ёшни қаршилаган бўлса ҳам, куч қувватга тўла ҳолда илмий изланишдан чарчамай, ишга чанқоқ ёшларни илмий тадқиқотга жалб қилиб, уларга илмий раҳбарликни жадал суръатлар билан давом эттираётган Искандар Суюновичга куч-қувват, сиҳат-саломатлик, ижодий ишларига улкан муваффақиятлар тилайман.

...*...

Ҳаёт бу мажбурлаш, бунда ё кучи ёки ҳуқуқи устун бўлганларга дуч келиш.

...*...

Ҳаёт бу ойна, одамнинг кимлар билан дўст бўлганлиги унинг кимлигини яққол кўрсатиб туради.

...*...

Ҳаёт бу мунозара, асосан мухолиф томоннинг хатоларини бўйнига қўйишга қаратилган ҳаракат.

...*...

Ҳаёт бу синов, чунки инсоннинг ёмон кунларида шерикларининг кимлиги аён бўлади.

...*...

Ҳаёт бу ишонч, шеригингиз нопок бўлса панд бериб қолиши ҳам мумкин.



Нозир Алиевич Ибрагимов
*Самарқанд вилояти ҳокимининг ишлаб
чиқаршини маҳаллийлаштириши
ва саноатда кооперация алоқаларини
кенгайтириши масалалари бўйича
ёрдамчиси, иқтисодиёт фанлари
доктори*

МОҲИР РАҲБАР, ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ

И.С.Тухлиев ўзининг тиришқоқлиги, адолатлилиги, камтарлиги билан ўз ҳамкаслари, институт жамоаси, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари орасида ҳурмат қозониб келмоқда.

Мен илк бор ўз ҳаёт йўлимда Искандар Суюнович билан Самарқанд вилояти ҳокимлиги Ахборот – таҳлил гуруҳи раҳбари – ҳоким ўринбосари сифатида ишлаган давримдан биламан.

И.С.Тухлиев Самарқанд вилояти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи лавозими-да ишлар эдилар. Ўша даврда ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар энди-энди ривожлана бошлаган, иқтисодий ўсиш суръатлари жаҳон ҳамжамиятига қўрина бошлаган давр эди. Ислоҳотларни жадал амалга ошириш учун қонунчиликдаги камчиликлар, бозор механизмини юритишдаги чекланишлар, кадрлар масаласи етарли шароит яратмас эди.

Мен ўз лавозимимда вилоятдаги амалга оширилайтган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар мониторингини олиб бориб, уларни жадаллаштириш бўйича раҳбариятга таклифлар ва тавсиялар тайёрлар, бир қатор янги, истиқболли йўналишлардаги лойиҳаларга раҳбарлик қиласар эдим. Иқтисодий ислоҳотларга боғлиқ аксарият масалалар давлат мулки борасидаги муносабатларга боғлиқ бўлганлиги сабабли, И.С.Тухлиев билан тез-тез турли йиғинларда, муҳокамаларда учрашар эдик, биргаликда муҳим ҳужжатлар тайёрлаш амалиётлари ҳам кўп бўлган. Барча ҳолларда И.С.Тухлиев ўзининг билимдонлиги, масала тубига тушиб, муаммони кўра билиши билан ажralиб турар эди.

И.С.Тухлиевнинг ҳаёт йўли билан танишганда унинг доимо изланишдалиги, ўзининг устида доимо ишляйтгани, бугунги ҳолатда қониқмасдан янгликларга интилиб юрганлигининг гувоҳи бўла-

сиз. У ўз ғояларини чоп этилган илмий мақолаларда, дарсликларда, дарс бериб тарбия қилган талабаларда, магистрлар ва докторлик ва номзодлик диссертацияларда ҳаётга тадбиқ этиб келган.

Мен бевосита И.С.Тухлиевнинг яна бир ташкилотчилик ва олимлик фаолияти билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражани берувчи 08.00.05 – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича Илмий кенгашнинг илмий котиби сифатида бевосита тўқнаш келдим. Ҳимояга чиқаётган номзодлар ҳужжатларини тайёрлаш, уларни ОАҚ талаблари асосида кўриб чиқиш ўта машаққатли ва масъулиятли иш бўлиб ҳисобланади. Бу вазифани ҳам И.С.Тухлиев муваффақитли бажариб келган.

И.С.Тухлиевни турли илмий анжуманларда, семинарларда ва муаммолар мухокамаларида чиқишиларини тинглаганмиз, уларни мантиқ, муаммолар ўртасида боғлиқлик, асосланган ҳолда фикр юритишлар доимо бўлиб келган.

Шу кунларда И.С.Тухлиевнинг ҳамкарабалари, яқин дўстлари, қон-қариндошлари, оила аъзолари олимнинг 70 йиллик юбилейларини олқишлиашмоқда. Мен ҳам ўз навбатимда Искандар Суюновичга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, сермазмун ҳаёт, уйлаб қўйган барча профессионал ва шахсий режаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни тилаб қоламан.

...*...

Ҳаёт бу нисбийлик, дақиқалар, соатлар, кунлар жуда узундай, аммо ойлар ва йиллар жуда тез ўтади.

...*...

Ҳаёт бу ғалаба, лекин адоват билан эмас, адолат билан енганга.

...*...

Ҳаёт бу ёлвариш, биз Худлдан ҳаётимизни ўзгаришини сўраймиз, аммо бунга эришиш учун бизнинг ўзимизни ўзгартириб қўяди.

...*...

Ҳаёт бу тартиб, зеро ўзининг қонун ва қонуниятларига асосланади.

...*...

Ҳаёт бу афзаллик, кўп нарсани тушунмай чалкашиб яшагандан кўра оз нарсани тушуниб тўғри яшаган яхши.

...*...

Ҳаёт бу мантиқ, инсонда тафаккур етарли бўлмаса, бунга тушуниш қийин.

Икрамов Мурат Акрамович
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
“Маркетинг” кафедраси профессори

УСТОЗ-БРЕНД

Биз илмий мақоламизни тўпламга берганда брендни Ўзбекистонда шакллантириш муаммоларига бағишилаган эдик. Профессор Тўхлиев Искандар Суюнович ҳам брендни шаклланиш барча босқичини ўтаб, ҳозирги кунда миллий брендгача эришиш имкониятига эга бўлди. Аммо, Искандар Суюновичнинг босиб ўтган даврни назардан ўтказсак мактабда математика фанига меҳр қўйганлиги, конкрет фикрлаш қобилияти мавжудлиги уни электромеханика техникумига, кейинчалик эса Тошкент политехника институтининг механика факультетига чорлади.

Ўқиши жараёнидан кейин инженерлик касбини мукаммал ўрганиш ва эгаллаш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг иқтисодиёт институтига аспирантурага кириб, конкрет фикрларни иқтисодиёт тармоқларида қўллаш учун тадқиқотлар ўtkазишга қарор қилди. Бундай қадам бўлажак олим Тухлиевнинг илмга ташналиги, инженер ғоясини реал ҳаётга татбиқ этиб, иқтисодий самарадорлигини кўришга ҳаракатидан далолатдир. Энг асосийси, марҳум академик, Иқтисодиёт институти директори О.Х. Ҳикматов раҳбарлигига илмий тадқиқот ишларини олиб борилиши, Искандар Суюновичнинг нақадар меҳнаткашлиги, тиришқоқлиги ва интилевчанлигини ифодалайди. У даврда, яъни сobiқ Иттифоқ даврида қанчалик илмий иш қилишини ўзимизнинг амалиётимизда синаб кўрганимиз учун, қанчалик осон иш эмаслигини биламиз.

Аммо ушбу босқичларни босиб ўтилиши бўлажак туризм илмининг бренди бўлишига бошланғич қадамлар бўлади.

Энг қизиқарли томони шундаки, бўлажак профессор ҳаётини фақат илмий-тадқиқотлар ишлари билангина бўлиб қолмай, жамоа ишларида, айниқса, ўша даврдаги комсомол ва партия вазифаларини аъло даражада бажариб келгани, балки йирик ташкилотчи, раҳбар бўлиб шаклланишига асос бўлди. Бунга мисол тариқасида Самар-

қанд шаҳрида илк бор Ўз.Р. Ф.А.нинг “Илмий маркази” ташкил этилди, унинг асосчиларидан бири профессор И.С.Тухлиев эди.

Проф И.С.Тухлиев илмий-техник салоҳиятидан иқтисодиётда самарали фойдаланишга умри давомида хизмат қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда интеграцион жараёнларни ривожлантиришга 90-йилларнинг бошида катта эътибор берганлиги, ҳозирги кунда қўрган илмий ютуқлар асосида бўлиб қолди десак муболаға бўлмас.

Мен шахсан проф.И.С.Тухлиевни 1998 йилдан, яъни Самарқанд вилоят ҳокимиятида давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш бошқармаси бошлиғи бўлиб тайинланганидан бошлаб биламан, у маҳалларда мен Фарғона политехника институтининг инженер-иктисодиёт факультети декани лавозимида ишлаб, Фарғона вилоятини ривожлантириш концепцияси бўйича маслаҳатлашгани Самарқандга қўплаб ташриф бўрганмиз.

Ҳозирги кунда миллий туризмни ривожлантириш бўйича етакчи олимларимиздан бренд тариқасида қабул қиласиз. Шундай бўлса керак ҳозирги кунда Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Маркетинг” кафедрасида ўриндош профессор лавозимида ишлаши унинг бой тажрибасидан фойдаланиш имкониятини беради. Нафақат бакалавриат ва магистратурада ўқувчиларга балки педагог ҳодимларга устозлик қилишлари барча ҳамкарабаларга ижобий таъсирини ўтказмоқда. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига жорий йилда 100 ўрин маркетинг йўналишига берилиши хурматли устознинг катта улуши бор.

Сизга соғ бўлинг деб, доимий ишларингизга муваффақият, ўзингизга омад, аъло фазилатларингизни янада бойитишингизни тилакдошимиз! Биз учун доимий равишда Устоз-брэндсиз!

***••*

Ҳаёт бу қафас, чунки унинг чегараси бор, ундан чиқиб бўлмайди. Бунинг қафасдан нима фарқи бор?

***••*

Ҳаёт бу баҳт, чунки ҳаётда инсон моддий, маънавий бой, оилавий хотиржам, сиёсий тинчликда яшашни орзу қиласи ва шунда у батни ҳис қилиб яшайди.

***••*

Ҳаёт бу югуриш, ҳаётингнинг катта қисмида югуриб яшашинг керак бўлади.

***••*



Навруз-зода Бахтиёр Негматович
*Бухоро давлат университети профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори*

ИҚТИСОДИЙ КОМИЛЛИККА ЭРИШГАН ТУХЛИЕВ

Коронавирус пандемияси ва глобал инқирозининг салбий оқибатларини юмшатишнинг муҳим омили сифатида инсон иқтисодий салоҳиятини ошириш хизмат қилади. Инсон иқтисодий салоҳияти кишининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик қобилиятларга эга эгалиги ва уларни ўзининг, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги ва манфаати йўлида самарали рӯёбга чиқаришdir.

Мен Тухлиев Искандар Суюновични 2006 йилдан буён, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси мудири лавозимида ишлаган вақтимдан биламан. Бу инсон ўша вақтда Ўзбекистон олий таълим тизимида туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлашда “Туризм маркетинги”, “Туризм менежменти”, “Туризм операторлик хизматларини ташкил этиш” ва “Сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги)” таълим йўналишлари бўйича ўқув жараёнини ташкил қилиш учун тегишли ўқув режалар, дастурлар ва Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишида ҳамда мутахассислик фанларидан замонавий ўқув адабиётларининг янги авлоди яратишида катта хизмат кўрсатганлардан бири ҳисобланади.

Туризм соҳалари бўйича узлуксиз таълимни давом эттириш мақсадида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида профессор И.С.Тухлиев ташабbusи билан 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб, республикада биринчи маротаба “Халқаро туризм операторлик хизматлари” ва “Хизмат кўрсатиш ва туристик хизматларни ташкил этиш” мутахассисликлари бўйича магистратуралар ташкил этилди у кишининг бевосита раҳбарлигига уларнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режалари тайёрланди.

Профессор И.С.Тухлиев фаол илмий тадқиқот ишларини узликсиз ва самарали олиб бораётган олим сифатида республикада тан

олинган. У киши кафедрадаги мавжуд масалаларни ечишда ўз атрофига ёш изланувчан ва иқтидорли ходимларни тўплади ҳамда улар билан илмий тадқиқот ишларини олиб бориши туфайли, 2007 йилда туризм соҳасида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари бўйича Республика даражасида ўтказилган танловнинг ғолиби бўлди, 2007-2011 йиллар мобайнида ДИТД ОТ-7Ф-130 «Туризм хизматлар бозорининг ижтимоий-иқтисодий механизмини модернизациялаш» мавзусидаги фундаментал грантга раҳбарлик қилди. Фундаментал грант тадқиқотининг якуни билан бешта иқтисодиёт фанлари номзоди диссертациялари тайёрланди. Ушбу грант доирасида “Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари” мавзусида коллектив монография 2012 йилда – Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриётида (18,8 б.т.) чоп этилди.

Ҳозирги пайтда профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига Инновацион ривожланиш вазирлигига Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган амалий ва фундаментал лойиҳалар 2019 йил танловига қўйидаги лойиҳалар тақдим этилди: “Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида туризм геоахборот тизимининг электрон платформасини шакллантириш” мавзусидаги 1 та амалий ва “Ўзбекистонда геотуризмни шакллантириш ва ривожлантиришнинг методологик асослари”, “Рақамлаштириш иқтисодиётининг методологик асослари ва уни Ўзбекистон туризми ҳамда меҳмондўстлик соҳасида ривожлантириш хусусиятлари”, “Ўзбекистон ички ва кирувчи туризмини барқарор ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари” ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб виртуал турларни ташкил қилишнинг назарий ва амалий асослари” мавзуларидағи 4 та фундаментал лойиҳаларни бажариб келмоқдалар.

Профессор И.С.Тухлиев илхор новаторлик фаолияти билан ҳам машҳур бўлган. Ҳар йили ўтказиладиган, 2010 йилдаги XVII Тошкент Халқаро туристик ярмаркасида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Лучшее учебное заведение сферы туризма” номинациянинг ғолиби бўлган ва маҳсус ярмарканинг совғаси билан тақдирланган. 2011 йилда XVIII Тошкент Халқаро туристик ярмаркасида “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси мудири, профессор И.С.Тухлиев “Лучший учитель-наставник в сфере туризма 2011” номинациясининг ғолиби бўлиб, халқаро ярмарканинг сертификати билан тақдирланган. У киши ҳар йили ўтказиладиган “Инновацион ғоялар ва ишланмалар” республика

ярмаркаларида фаол иштирок этиб, 2017 йилда шогирди иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) З.И.Усманованинг Самарқанд вилоятида жойлашган туристик-рекреацион объектларнинг (тарихий-маданий, зиёратгоҳ масканлар, дам олиш ва соғломлаштириш масканлари, спорт ва кўнгилочар объектлар, археологик ва архитектура ёдгарликлари) геоахборот тизими ишланмаси ва хорижий туристлар учун Online мобил иловаси билан қатнашиб, ушбу ишланмага турли ташкилотлар билан 40 миллиондан ортиқ шартномалар имзолашга эришганлар.

Олий таълимнинг нуфузи педагогларининг илмий салоҳиятига боғлиқдир. Профессор И.С.Тухлиев туризм соҳаси учун илмий изланиш олиб борилаётган тадқиқотчилари диссертацияларини ҳимоя қилишларини ташкил этишда ҳам ўз салмоқли ҳиссасини қўшгандардан бири ҳисобланади. У киши 2005-2020 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузури-даги ОАК Раёсати қарори билан 2004-2006 йилларда “Менежмент” ихтисослиги бўйича Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги К.067.07.06. Ихтисослашган Кенгаш аъзоси, 2006-2010 йилларда 08.00.04 – “Микроэкономика” ва 08.00.03 – “Индустрисал тармоқлар иқтисодиёти” ихтисосликлари бўйича ЎзРФА Иқтисодиёт институти ҳузуридаги Д.015.06.01 Ихтисослашган Кенгаш аъзоси, 2011 йилдан ҳозирги кунгача Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги 08.00.05 – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича ДСК.27.06.2017.1.18.01.К. 067.-12.01 рақамли Илмий Кенгаш аъзоси сифатида муваффақият билан фаолият кўрсатиб келмоқдалар. 2007-2018 йилларда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 08.00.05 – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича Илмий кенгашнинг илмий котиби сифатида Кенгашга келиб тушган еттига иқтисодиёт фанлари докторлари Г.М.Шодиева, Қ.Д.Мирзаев, О.М.Пардаев, Б.Ш.Махкамов, О.Х.Хамидов, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимоваларнинг ва 24 та иқтисодиёт фанлари номзодлари ишларини ОАК талаблари асосида, ўрнатилган тартибда ҳужжатларини расмийлаштириб, ҳимоясини ташкил қилганлар.

Профессор И.С.Тухлиевнинг туризм соҳасидаги кўп йиллик олиб борган фундаментал ва амалий илмий тадқиқот ишлари натижасида “Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш иқтисодиёти” йўналиши бўйича Ўзбекистонда илмий мактаб яратилган устоз

ҳисобланадилар. Илмий мактабнинг иштирокчилари авалломбор, ҳимоя қилган Қозоғистондаги ва Тошкент шаҳридаги шогирдлари бўлса, кейинги галда Самарқанд, Хоразм, Нукус, Бухора, Наманган, Қарши давлат университетларининг туризм соҳасида ҳимоя қилган ва тадқиқотчи-изланувчиларидир. Ушбу илмий мактабига шунингдек, магистрлар ва иқтидорли талabalар ҳам жалб қилинган. Улар билан биргаликда хорижий нуфузли журналларга, илмий анжуманларга мақолалар тайёрлашда ва фан олимпиадаларда муваффақиятли ўринларни эгаллашда ёрдам бериб келмоқдалар. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган “Сервис” фанидан Республика олипиадасида “Туризм” кафедрасининг иқтидорли талabalари қатор йиллар давомида фахрли биринчи ўринни эгаллаб келишмоқда. 2017-2018 ўқув йилида кафедра мудири, и.ф.д., профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига илмий изланиш олиб бораётган талаба Суяров Абдулазиз Навоий номли Давлат стипендияси соҳиби бўлган.

Професор И.С.Тухлиев илмий мактабининг шаклланиши давомида илмий ва замонавий ўқув адабиётларини тайёрлашда жами 300 дан ортиқ илмий-амалий мақолалар нашр қилинганлар: шу жумладан, 11 та мақолалар Брюссель, Мадрид, Караганда, Москва, Польша, Хиндистон, АҚШ, Малайзия каби хорижий мамлакатларда; 27 та илмий мақолалар нуфузли журналларда ва 7 та монография нашр этилган. Дарслик ва ўқув қўлланма, услубий ишлар бўйича жами 48 та талabalар учун ўқув адабиётлар нашр этилган. 8 та дарслик, 12 та ўқув қўлланма, 26 та услубий қўлланма ва 2 та туризм соҳасининг замонавий атамаларига бағишлиланган изоҳли лугат шулар жумласидандир. У киши раҳбарлигига яратилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги грифи билан “Туризм” таълим йўналиши талabalари учун дарслик сифатида тавсия этилган “Туризм: назария ва амалиёт” фанидан электрон дарслик мамлактимизнинг барча олий маълумотли туризм кадрларни тайёрлайдиган ОТМларда кенг қўлланиб келмоқда.

Искандар Суюновичнинг 70 ёшлигини нишонлаш арафасида шундай холосага келдимки, у киши на факат жисмоний, маънавий ва ақли жиҳатдан комил, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам комилликка эришган инсон ҳисобланади. Одатда, инсон иқтисодий камолотига босқичма-босқич етади. Болалигидан меҳнат тарбияси натижасида дастлаб ишчи кучи сифатидаги инсон сифатида, кейин ўсмирлик ёшида қасб-хунарга эга бўлиб профессионал сифатидаги инсон

сифатида, сўнгра комиллик ёшида ўз меҳнат қобилияти билан бир қаторда тадбиркорлик ва менежерлик лаёқатларини ривожлантириб тадбиркор ва менежер сифатидаги инсон сифатида шаклланади. У кишига 100 ёшга киришни тилаб, давлатманд кексаликка эришини ва доимо иқтисодий муаммолар билан банд бўлиб жамиятимиз равнақи йўлида хизмат қилиб юришларини орзу қилиб, қуидаги муаллифлик у кишига шеъримни тақдим этаман.

ДАВЛАТМАНД КЕКСА БЎЛИШ СИРЛАРИ

Ушбу ўнта қоидага қатъий амал қил,
Кексаликда буни давлатмандлик сири бил.
Тирикликтининг ўзи сенга берилган неъмат,
Ҳаётий тажрибанг бўлсин барчага ибрат.
Соғлигингни бебаҳо хазинадек аспа,
Турмуш ўртоғингнинг соғлигин тила.
Ота-оналик бурчини бажар, фарзандларни тинч қил,
Кексаларга мос тураг жойни маскан бил.
Даромаддан камроқ сарфлаб яшашни ўрган,
Севимли бир машғулотинг билан шуғуллан.
Билгин, маъюс рух қуритар суюгингни,
Қувончли юрак эса узайтирас умрингни.
Ўз Ватанингда хотиржам бўл Искандаржон,
Ўзбекистон бағрида яшаб юргин фаровон.
Бу ўгитлар туфайли кексаликни Бахтиёр сурганда,
Наврӯззодага миннатдорчилик билдиришни унутма.

•••✿•••

Ҳаёт бу устунлик, унинг табиатдан устунлиги шундаки, яхши билан ёмоннинг фарқига боради.

•••✿•••

Ҳаёт бу жанжал, агар уни чиқарган одам ғалаба қилса ҳам уни оқлаб бўлмайди.

•••✿•••

Ҳаёт бу камтарлик, фақат унинг ҳам меъёрини билиш керак.

•••✿•••

Ҳаёт бу ҳурмат, чунки ҳурмат қилсанг, ҳурмат қўрасан.



Бахтияр Рўзметов

*УрДУ профессори, иқтисодиёт
фанлари доктори, АҚШ Нью-Йорк
Фанлар Академиясининг аъзоси,
минтақавий иқтисодиёт соҳасида
халқаро эксперт*

СУЮКЛИ УСТОЗ, ФИДОЙ ОЛИМ, ЮКСАК ТАШКИЛОТЧИЛИК КОБИЛИЯТЛИ РАҲБАР

Мен Искандар Суюновични Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги илмий кенгаш аъзоси сифатидаги фаолиятим даврида яқиндан таниганман.

Унинг бу илмий кенгашни тузишдаги, фаолият юритишидаги хизматларини, ОАҚ талаблари асосида ҳимояларни ташкил қилишларини кўриб, бу ишларни факат юксак раҳбарлик, ташкилотчилик қобилиятига, илмий салоҳиятга, қўп йиллик тажрибага эга инсонгина қила олишига амин бўлганман.

Ёшлидан дўстим профессор Тангиберган Дўстчановдан Искандар Суюновични юксак фазилатлари тўғрисида кўп эшитган бўлсамда, ҳимоялар жараёнидаги мулоқотларимда унинг кенг қамровли қирраларини кашф қилдим.

Ундаги илм йўлини танлаган ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш, айниқса, вилоятлардан келган изланувчиларга илмий маслаҳатлар бериш каби жуда ноёб, бебаҳо ҳислатлар соҳиби эканлигини англадим.

Машақкатли ҳимоя жараёнини ташкил этиш, ОАҚга қатнаш, топшириладиган 40 дан ошиқ ҳужжатларни талаб даражасида тайёрлаш, ҳимоя қилган илмий даражага даъвогар дипломини олгунга қадар масъулиятни ҳис этиш Искандар Суюновични бебаҳо ҳислатларидан десам янгишмайман.

Менимча, ҳар бир ҳимоя қилган изланувчи Искандар Суюнович учун бир умрга шогирдидек, фарзандидек, дўстидек қадрдон бўлиб қолган.

Унинг шогирдларини Ўзбекистонни барча вилоятларидан топиш мумкин.

Профессор Искандар Тухлиевни кенг кўламли илмий, педагогик, халқаро, республика анжуманларидағи самарави фаолиятига назар ташлаб, бундай муввафакиятлар тагида тинимсиз меҳнат, изланышлар, юксак ташкилотчилик қобилияти ётганлигини гувоҳи бўламиз.

Ҳозирга қадар унинг 300 дан ортиқ илмий мақолалари эълон қилингани, уларни 30 дан ортиғи АҚШ, Испания, Белгия, Россия, Польша, Корея, Малайзия, Хиндистон ва бошқа хорижий давлатларда чоп қилингани, 7 та монография, 50 дан ортиқ дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар яратилгани, унинг раҳбарлигига 8 та иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) тайёрлангани, 5 та катта илмий ходим - изланувчилар докторлик диссертацияси устида ишлаётгани, 20 дан ортиқ халқаро илмий анжуманларда маърузалар билан қатнашгани, халқаро ва республика грантлар соҳиби бўлганлиги уни мамлакатимиз ва бошқа давлатлар иқтисодчи олимлари орасида ўзига яраша ўрни, обрўси борлиги ва уларнинг ҳурматига сазовор бўлиб келаётганлигидан далолат беради.

Таваллудининг 70 йиллигини, илмий - педагогик фаолиятини салкам 50 йиллигини нишонлаётган профессор Искандар Тухлиев ўзининг хушфъеллиги, камтарлиги, маданиятлилиги, самимилилиги билан бой тажрибаси, билими ва куч ғайратини илм - фаннинг ривожига, мустақил Ўзбекистоннинг равнақи, минтақаларни илмий салоҳиятини ошириш учун юқори малакали илмий, илмий – педагогик кадрлар ва иқтисодиётни барча тармоқлари учун билим-дон бакалавр ва магистрларни тайёрлашга сафарбар этмоқда.

Ушбу муборак айёмда Устозга узоқ умр, оиласвий баҳт - саодат, сиҳат - саломатлик, куч-қувват, илмий, илмий-педагогик, ижтимоий фаолиятига куч-ғайратлар, мамлакатимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларига муваффакиятлар тилаймиз!

*Таббарук бир ёшга етибсиз бугун
Оллоҳим кун берса саноги бўлмас!
Кишилар қалбидан жой олса инсон
Бундайин умрнинг адоги бўлмас!*

•••✿•••

Ҳаёт бу интилувчанлик, шу туфайли одамлар истаган мувоффакиятларига эришади.



Мурод Мухаммедов
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти профессори, иқтисодиёт
фанлари доктори*

ИБРАТГА ЛОЙИҚ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Ҳар бир инсон ёшлик чоғлариданоқ ўқимишли, билимли бўлишни, халқ орасида обрўли ва мартабали бўлишни, ўзининг ёқимли хулқу-автори билан атрофидагиларга намуна бўлишни, ўзидан яхши ном, келажак авлодлар учун ибрат қолдиришни орзу қилади. Лекин бундай улуғ орзу-ниятларга эришиш, орзуларни рўёбга чиқариш баҳтига жуда камдан-кам одамлар мұяссар бўладилар. Чунки бундай баҳтга сазовор бўлиш учун инсонда бир вақтнинг ўзида иккита буюк фазилат мужассамланган бўлмоғи лозим: биринчидан, улкан, нодир ақлий қобилият, теран фикрлаш санъати, иқтидор, иккинчидан, эса ушбу фазилатни рўёбга чиқаришга қодир тиришқоқлик, тинимсиз меҳнат қила олиш, илмий изланиш қобилияти.

Искандар Суюнович босиб ўтган сермазмун ҳаёт йўлига диққат билан назар ташлар эканмиз, у киши олимлик даражасига эришгунга қадар қанча довонларни матонат билан енгиб ўтиб, улуғ унвонга – фан доктори илмий унвонига сазовор бўлганлигининг шоҳиди бўламиз. Профессор Тухлиев Искандар Суюнович билан Ўзбекистон ФАНИНГ Самарқанд бўлимида анча йиллар бирга ишладик, ҳамкорликда катта илмий тадқиқот ишларини бажардик. Вилоятда раҳбарлик лавозимларида ишлаб юрган паллаларда институт фаолиятига оид айrim масалаларни мухокама қилганмиз. Ўта маданиятли, ҳозиржавоб, бирорвга яхшиликнираво кўрадиган инсон. У кишининг фан соҳасидаги катта хизматларидан бири – ўз билимларини хайриҳоҳлик билан ёш авлодга улашиш. Бир олимни таёrlаб вояга етказиш, уни муносиб олим қилиб шаклантириш устоздан қанча маҳорат, қанча меҳнат талаб қилишини илм аҳли жуда яхши билади. Профессор Тухлиев Искандар Суюнович босиб ўтган саргузашларга ва ютуқларга бой

машаққатли ва сермазмун ҳаёт йўлини ёшларимиз учун ибрат олишга ва тақлид қилишга арзигулик ҳаёт мактаби деб биламан.

Бугунги катта тантана билан профессор Искандар Суюновични чин қалбимдан самимий табриклар эканман, у кишининг илмий ижодларига барака ва узоқ умр тилаб қоламан.

•••✿•••

Ҳаёт бу донолик, аммо доно фикрлаш билан қилинган аҳмоқона иш тўғри келмаслиги мумкин.

•••✿•••

Ҳаёт бу янглишиш, ёшлиқда бўлса кексайганда тажриба, кексалиқда бўлса, фожиа.

•••✿•••

Ҳаёт бу йўқлик, зеро инсон ҳаётидан олдин у йўқ эли.

•••✿•••

Ҳаёт бу беш кунлик, чунки ислом таълимотида ҳаёт беш босқичдан иборатлиги қайд этилган. Биринчи босқичи, она қорнидаги ҳаёт, иккинчи босқичи, инсоннинг тириклик пайтидаги ҳаёти, учинчи босқичдаги ҳаёт бу қабрдаги ҳаёт, тўртинчи босқичдаги ҳаёт қайта тирилгандан кейинги сўрок ҳаёти ва ниҳоят бешинчи босқичдаги ҳаёт бу қиёматдан кейинги абадий ҳаёт, яъни жаннат ёки жаҳаннам ҳаёти. Илоҳим ҳаммамизнинг ҳаётимизни жаннатда давом этишлигини насиб қилсин. (Вилоят бош имоми Зайнитдин домла Эшонқуловнинг “БЎШ ВАҚТ ҚАДРИ” номли маъruzасидан).

•••✿•••

Инсоннинг тирик давридаги ҳаёти бу имтиҳон даври бўлиб, ҳаммаси сўраладиган ҳаёт экан. Биринчиси умрни қандай ўтказдингиз, шундан ёшлиқ даври қандай ўтган, қандай илм эгалладингиз ва ундан қандай фойдаландингиз ва ниҳоят мулкни қандай топдингиз ва уни қаерга, нимага сарфладингиз, деган саволларга жавоб беришга тўғри келар экан. Абадий ҳаётимиз шу имтиҳондан қандай ўтганлигимизга боғлиқ экан. (Вилоят бош имоми Зайнитдин домла Эшонқуловнинг “БЎШ ВАҚТ ҚАДРИ” номли маъruzасидан).

•••✿•••

Ҳаёт бу абадийлик, туғулгандан кейин абадий қолар экан. Ўлим – ҳаётнинг бир босқичидан, иккинчисига ўтиши.



Махмудов Носир Махмудович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириши” кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

ИҚТИСОДЧИ ОЛИМ, МОҲИР ПЕДАГОГ — 70 ЁШДА

Мен иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюновични 1995 йилдан бери биламан. Ўзбекистон Фанлар Академиясидаги “Иқтисодиёт” илмий тадқиқот институти таркибидаги Ихтисослаштирилган илмий кенгаши аъзоси эдик, ёнма-ён ўтирад эдик.

Профессор И.С.Тухлиев барчага ўрнак бўладиган ҳаёт йўлини босиб ўтмоқда. 10 дан ортиқ шогирдларнинг устози бўлмиш Профессор И.С.Тухлиевнинг илмий фаолияти ҳам таҳсинга сазовордир.

И.С.Тухлиев 1984 йилда ҳали ёш бўлишига қарамасдан “Фан” нашриётида чоп этилган “Экономические проблемы технического прогресса в мясной промышленности Узбекистана” дастлабки монографияси Москвадаги Бутуниттифоқ Комсомол Марказий Қўмитасининг лаурияти бўлди.

И.С.Тухлиевнинг Ўзбекистонда илмий-техника тараққиёти иқтисодиётини бошқариш, ташкил қилиш ва режалаштириш борасидаги кўп йиллик илмий изланишларининг мантиқий натижаси сифатида 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иқтисодиёт институтида **“Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий минтақасида илмий-техник салоҳиятдан фойдаланиш механизми”** мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга муваффақ бўлди. Докторлик диссертацияси тадқиқотларининг амалиётга жорий қилиш натижалари:

Ўзбекистон Республикаси давлат илмий-техник сиёсати концепциясини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президиуми томонидан концепциянинг асосий вариантига қўшиш учун қабул қилинган;

Жанубий-Ғарбий миңтақадаги илмий-техник салоҳиятдан са-марали фойдаланиш ва илмий тадқиқот ишларини мувофиқ-лашти-риш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Са-марқанд бўлимини ташкил қилиш ва унинг қошида Минтақавий муаммолар комплекс илмий-тадқиқот институтини очиш бўйича ил-мий асоснома Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Прези-диуми томонидан очиш бўйича қарор қабул қилишга хизмат қилган.

Профессор И.С.Тухлиев томонидан хорижий тажрибалар асосида яратилган 25 дан ортиқ янги фанларнинг фан ва ишчи дас-турлари, илғор инновацион педагогик технологияларга асосланган 10 га яқин ўқув-услубий мажмуалар, 20 дан ортиқ услубий кўрсат-малар, луғат, масалалар (кейслар, тестлар) тўплами ва бошқалар тайёрланди.

Булардан давлат грантлари доирасида тайёрланган “Туризмни режалаштириш” (лотин ва кирилл имлосида 16,5 б.т.), “Халқаро туризм” (кирилл имлосида. 16,5 б.т.), “Туризм асослари” (кирилл имлосида 18,5 б.т.), “Туризм: назария ва амалиёт” фанларидан дарсликлар (биринчи ва иккинчи нашрлари 24,75 б.т.), “Туризмда стратегик маркетинг” (8,5 б.т.), “Туризм хизматлар бозори” (18,2 б.т.), “Экскурсия хизматларини ташкил қилиш” (17,5 б.т.), “Му-такассисликка кириш” (13,0 б.т.) фанларидан ўқув қўллан-маларни, «Словарь современных терминов в сфере туризма» справочно-методическое пособие, рус тилидаги луғатни (25,5 б.т.), “Ўзбекис-тонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий–иқтисодий муаммолари” монографияни (18,8 б.т.) алоҳида қайд қилиш лозим.

Кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда фидоийлиги учун иқтисодиёт фанлари доктори, профессор И.С.Тухлиев 2001 йилда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги” ва 2016 йилда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги” кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

И.С.Тухлиев кўп йиллар давомида турли лавозимларда ўзи-нинг фидоийлиги билан мамлакатимизга хизмат қилиб келмоқда. И.С.Тухлиев ўз ишига содик ҳамда барча ишларига масъулият билан қарайдиган инсон сифатида бошқалардан ажралиб туради.

Биз И.С.Тухлиевни барчага ўрнак бўладиган иқтисодчи олим ҳамда моҳир педагог сифатида яхши биламиз. Профессор И.С.Тух-лиев ўз илмий фаолияти билан Ўзбекистонда илм-фан ривожига

катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бундан ташқари профессор И.С.Тухлиев тайёрлаган шогирдлар ҳозирги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқларида ҳамда илм-фан соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ривожланишига ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Иқтисодиёт соҳасидаги забардаст олим, иқтисодиётнинг хизмат қўрсатиш-сервис йўналиши бўйича ўнлаб илмий-педагогик кадрлар тайёрлаган профессор И.С.Тухлиевга сиҳат-саломатлик, илмий ва педагогик фаолиятларида улкан зафарлар тилайман, доимо шогирдлар ардоғида бўлсин.

...*...

Ҳаёт бу истак, инсон Аллоҳдан ўзини ўзгартиришдан кўра атроф муҳитни ўзгартиришни кўпроқ сўрар экан. Атроф-муҳим ўзгариши учун, ушбу ўзгаришни англашимиз учун олдин ўзимизни ўзгартиришимиз керак экан. Аммо бунга кам аҳамият берар эканмиз.

...*...

Ҳаёт бу имтиҳон, аммо саволларга жавобни у дунёда сўрар экан.

...*...

Ҳаёт бу дарс, ҳаётда ёмон одамлар билан бирга бўлиб қолсангиз, эҳтиёткорлик бўйича тажриба ортирасиз.

...*...

Ҳаёт бу дарс, ҳаётда яхши одам билан бирга бўлсангиз, баҳтга эришиш йўлинни ўрганасиз.

...*...

Ҳаёт бу дарс, ҳаётда етук аллома билан бирга бўлсангиз, тажрибангиз ҳам ортади, баҳтли бўлиш йўлинни ҳам ўрганасиз, ширин хотиралар билан яшайсиз.

...*...

Ҳаёт бу жазо, агар ота-она боласининг ўқишидан пулинни аяса, умр бўйи ўзи боқади ва дунёдан ўтгандан кейин ланат эшитади.

...*...

Ҳаёт бу ойна, ойнани тозалаб турмасангиз, қўчадан уй хира, уйдан эса, кўча ғубор кўринади.

...*...

Ҳаёт бу сабр, буюк орзуларга қачон эришар эканман, деб ҳаракат қилинади.



Рахматулла Хайитбоев
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти «Туризм» кафедрасининг
катта ўқитувчиси*

МЕРОСДАГИ АСЛЛИЛИК

Биз ҳаммамиз касбимиздан, жамиятдаги тутган ўрнимиздан, ишимиз қўп ёки озлигидан, шахсий сифатларимиздан қатъий назар ота ва она деган юксак номга эгамиз. Биз ота-оналар умримизнинг меваси фарзандларимиздир. Ҳаётимизнинг энг азиз, ширин борлиғи, воқеълиги ҳам фарзандларимиздир. Бу хақда шоирларимиз қўп ва хўб ёзишган:

*Осмон кенглиги, беғуборлиги,
Одамнинг тенглиги, баҳтиёрлиги.
Ҳаётнинг ҳамиша чин баҳорлиги,
Яшасин келажак- фарзанд борлиги.*

Ота-она номимиз сўзсиз ҳаммамизга катта масъулият юклайди. Иш кунимиз тугагандан сўнг, биз уйимизга, болаларимиз олдига, бизнинг муқаддас оиламиз олдига шошиламиз.

Шундай кунларнинг бирида, 1969 йилнинг кузида ота ишдан кейин уйига қайтди. Кечки нонуштадан сўнг ота ва катта ўғил ўртасида- (“оилада мукаммал тарбия, одоб ва ахлоқий сифатларни такомиллаштиришда тўнғич фарзанднинг ҳам муҳим ўрни бор”) қуидаги сұхбат қайд қилинган:

Ота- хўш, ўғлим, мана мактабни ҳам аъло баҳолар билан тамомлабсан, жуда хурсандман. Энди ким бўлмоқчисан, қайси касбни танладинг?.

Ўғил-ота биласиз, иқтисодчи бўламан.

Ота-иқтисодчи касбини танлаганинг учун кейин афсуслан-майсанми?.

Ўғил-иқтисод инсон ҳаётининг пойдевори, пулнинг эгаси уни сарфлашдан олдин у қаерга, нимага сарфланишини ва ундан қанча даромад олиш мумкинлигини ҳисоблаши ва.....

Ота-баракалла ўғлим, келажакда иқтисод бўйича фан доктори. профессор бўлишинг керак. Мен фан соҳасидаги ишимни давом эттирмоқчи эдим. Лекин амалиёт ташвишлари имкон бермади. Мен эришмаган нарсага сен эришсанг бошим осмонга етади ўғлим.

Ўғил-мен фан доктори, профессор бўлиб сизнинг топшириғингизни албатда бажараман.

Ота-айтганинг келсин болам, айтганинг келсин (ота ўғилни дуо қилди).

Хозир 2020 йилнинг ёзи. Келтирилган сухбат 51 ёшга тўлди.

Бу сухбатдаги:

Ота-ўзбекнинг буюк фарзанди Шароф Рашидовнинг ишончига, ҳурматига сазовор бўлган, Ғаллаорол, Оқдарё, Хатирчи, Каттақўрғон, кейинчалик Сирдарё вилоятининг Боёвут каби бешта туманларда (қаерда аҳвол оғир туман бўлса, ўша туманга Шароф Рашидовнинг тавсияси билан юборилган, иккинчидан, республикамизда бешта туманга раҳбарлик қилган иккинчи киши қайд қилинмаган) райком котиби бўлган, бу туманларнинг обод бўлишига раҳбарлик қилиб, элимизнинг ҳурматига, эъзозига сазовор бўлган, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи”, иқтисод фанлари номзоди - Суюн Тўхлиев эди.



Қайд қилишимиз лозимки, Шароф Рашидов қатнашган давлат ийгилишиларида албатда райкомнинг биринчи котиби Суюн Тўхлиевга сўз бериларди.

Суюн Тўхлиев Сирдарё вилоятининг Боёвут туманига райкомнинг биринчи котиби вазифасига тайинлангандан кейин хам,

бу туманда қисқа муддатлардаги кескин ижобий ўзгаришларни кўриш учун ҳам давлат раҳбари Боёвутга келиб кетди ва хурсанд ҳолатда Суюн Тўхлиевнинг кўп йиллик яратувчилик меҳнатларини муносиб тағдирлади.

Ўғил-bugungi кунда ҳаммамиз таваллудининг 70 йиллиги билан қалдан табриклиётган ҳамкасбимиз, таниқли олим, иқтисод фанлари доктори, профессор Искандар aka Суюнович Тўхлиев эди.

Ҳозирдан ярим аср олдин Искандар аканинг отасига-иктисод фанлари доктори, профессор бўламан деб жавоб беришида қаттий асос бор эди. Ўшанда отасининг-“Мен фан соҳасидаги ишимни давом эттироқчи эдим. Лекин амалиёт ташвишлари имкон бермади. Мен эришмаган нарсага сен эришсанг бошим осмонга етади ўғлим”-деган сўзларида қандайдир маҳзунлик, армон бордек туйилганди. Иккинчидан, ота-онага бўлган эъзоз, хурмат ва эҳтиромни ҳамиша ўз ўрнига қўйишнинг шартлилигини У мактабдаги ҳаётида ўз қалбига муҳрлаб олганди.



Шароф Рашидов Суюн Тўхлиевга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи” унвонини топшироқда

Мактабда адабиёт ўқитувчиси Алишер Навоийнинг болаларнинг ота-оналарига ҳурматни сақлашлари зарурлиги ҳақида, болаларга хитобан - “Ота-оналарингни ҳурмат қил, бирини ой, бирини қуёш деб билиб, уларнинг сўзларидан, насиҳатларидан чиқма, барча хизматларинг одоб билан бўлсин” мазмундаги машҳур шеърини доимо такрорлашини ўсмир Искандар бутун вужудига сингдирганди.

*Бошини фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға..
Тун-кунунгга айлагани нурпош,
Бирисин ой англа, бирисин қүёш.*

Учинчидан, Искандар aka фан доктори, профессор бўлишлик мухтарам отасининг топшириғи эканлиги, бу топшириқни албатда бажариши шартлилигини ҳаётининг ўзгармас шиори қилиб олганди. Бу шиор отадаги барча комилликни ўзига олиш ва давом эттириш даври бўлиб келди ва ҳозир ҳам давом этмоқда.

Фарзанднинг ота-онасини улуғлаши, оила обрўсига обрў қўшишига доимо ҳаракат қилишининг асосларида отаси ва онасидаги асллилик ётади. Искандар aka оиланинг қобил тўнгич фарзанди бўлиб, ота-онасидаги асллиликга болалигидан содик бўлиши ва ҳозирда ҳам давом эттираётганлиги натижасида укалари ҳам болалигидан то ҳозиргача у кишининг орқасидан эргашиб келмоқда. Фан номзоди Бахриддин ҳам, Нуриддин ҳам эл таниган раҳбарлар бўлиб етишди.

Искандар aka оиласидаги бугунги шодиёнада бу оиланинг «Бекажони» Манзурахон янганинг муносиб ва ҳал қилувчи ўрнини албатда эҳтиром билан қайд қилишимиз шарт. Искандар аканинг ҳозирги даражаларига етишишида элга таниқли ва катта обрўли оиласида ўсиб-улғайган Манзурахон янганинг ҳам муносиб меҳнатлари бор.

Манзурахон янга ҳам ҳаётида юксакликларга интилиб меҳнат қилиб келди. Самарқанд вилояти болалар хирургияси илмий марказида бўлим бошлиғи, поликлиника бош врачи вазифаларида ишлаган вақтларда қанчалик мураккаб бўлмасин, мусиқадаги “до” нотасига эга бўлган Искандар aka баъзида томдан тараша тушгандек овозини баралла қўйган вақтларда ҳам бир зумда ва ҳозиргача у кишининг барча фаолиятларига сокин шароитлар яратди ва яратиб келаяпти. Оиласидаги бешта фарзандлари, ўн учта невара ва чеваралар уларнинг ортидан келмоқда.

Инсонни улуғлайдиган ҳурмат, эътибор, иззат, обрў, мардлик, одамийлик, самимийлик, хушмуомалик, меҳмондўстлик, ёрдам беришга интилиш, бир сўзлилик ва ҳоказо ва ҳоказолар яъни, инсоний комиллик даражаларининг бутун бир мажмуаси Искандар акада мужассамлашганлигини анлаганим у киши билан кафедра ташкил қилинган кундан бирга ишлаб келаётганлигимдан. Искандар

дар акага нисбатан бизлардаги ишонч, яқинлик, хотиржамлик ҳам, кўнглимизниң тўлиқлиги ҳам аслида шундан иборат.

Яқиндаги сухбатларимизниң бирида- Домла шунча илмий унвонлар, катта-катта илмий ва бошқарув ташкилотларига раҳбарлик, мансаблар”.... шу ерда Искандар ака гапимни бўлди ва шундай деди –“Мен сизни тушундим ука. Доимо Оллоҳга беҳисоб шукроналар айтаман, болаликдаги ўртоқларим, мактабдаги синфдошларим, институтдаги курсдошларим, ишлаш жойим ва ҳаёт йўлларида учрашган, танишган дўсту-биродарларим, қариндош-уругларим, ошно-оғайингарчилик қилиб келаётганларнинг бирортаси билан ҳам узоқлашмадим, борди-келдимиз бор”.

Искандар ака билан кўп йиллар ишлаб келаётганим учун Укишининг таваллуд куни тўйига табрикнома ёзишда англағаним шу бўлдики, оиласидаги барча фарзандларнинг элга таниқли бўлишида, комилликга интилишидаги асос, бу оиласада инсонни улуғлайдиган авлоддан-авлодга ўтувчи хислат улуғ ва мустаҳкам *меъросий аслилик* экан деб биламан.

Халқимизниң “Қарийсан-қартасан-охир аслинга тортасан” деган фалсафий ҳикматини мушоҳада қилиб бугунги шодиёнада Искандар аканинг ҳаётий-фаолиятини Тўхлиевлар оиласидаги меъросий аслиликга содик бўлган, аслиятини улуғлашга бағишлиған, илм-фанимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишнинг уддасидан чиқа олган, жамиятимиздаги номдор, таниқли олим деб баҳоласак тўғри бўлади. Бундай инсонларга ҳавас қилиш лозим.

Искандар ака таваллудингизниң қутлуғ 70 йиллиги билан, оиласидаги муродбахш шодиёна билан оиласидан табрик-лайман. Сизга мустаҳкам соғлик, тинчлик, осойишталик, баркамоллик ва улкан мувваффақиятлар тилайман.

•••✿•••

Ҳаёт бу билим, зеро, ҳар бир қадаминг, ҳар бир ишинг билимга таянади.

•••✿•••

Ҳаёт бу илм, зеро, тинмай илм олмасанг, кейин умринг давомида илмингни ошириб бормасанг, кўп нарсага эриша олмайсан!

•••✿•••

Ҳаёт бу тарбиячи, шундай, ҳаёт ҳар қандай одамни тарбиялай олади...

Ҳаёт бу офтоб, зеро, офтобнинг ортиқча иссиғи ва нури одамга ёқмагани каби ҳаётнинг ўта яхши бўлиши ҳам айрим инсонларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин...



Тангриберган Дўстжонов
*Урганч давлат университети
профессори, иқтисодиёт фанлари
доктори*

НУФУЗЛИ ИЛМИЙ МАРКАЗДАН ЕТИШИБ ЧИҚҚАН, ЎЗ МАКТАБИНИ ЯРАТГАН САЛОҲИЯТЛИ ОЛИМ

Ўтган асрнинг биринчи ярмидан ўз фаолиятини бошлаган республика фанлар академияси таркибидаги илмий-тадқиқот Иқтисод институти ўз соҳасининг нуфузли илмий марказларидан бўлди. Бу марказнинг илмий тараққиётини, салоҳиятли олимларини шартли равишда тўртта “тўлқин”га ажратиб ўрганиш мумкин. Мана шу катта марказнинг кейинги етук намоёндалари тўғрисида фикр юритилганда биринчи навбатда, албатта, профессор Искандар Тухлиев гавдаланади.

Агарда бу даргоҳни ташкиллаштиришда республикамизнинг дастлабки иқтисодчи олимларидан бўлган биринчи “тўлқин” етакчи вакиллари С.Черданцев, О.Аминов, О.Жамолов, К.Лапкин, К.Бедренцев, Ф.Расулов, Б.Пальмин ва бошқаларни алоҳида айтиш лозим. Шу даврда бу таниқли олимларнинг шогирдлари, издошлиари бўлган мамлакатимиз иқтисодиёт фани ва унинг устувор соҳалари бўйича ўз тадқиқотлари билан танилган академиклар И.Искандеров, А.Хикматов, Р.Убайдуллаевалар, профессорлар А.Сафаев, К.Яқубов, Р.Разақов, И.Блиндер, А.Ишмуҳаммедов, Т.Эргашев, Р.Шодиевлар иккинчи “тўлқин”нинг ёрқин вакиллари сифатида тан олинади.

Ўтган асрнинг 70 йилларига келиб бу илмий-тадқиқот институтининг илмий салоҳияти яна ошди, бу илмгоҳ собиқ иттифоқнинг етакчи академик ва тармоқлар илмий даргоҳлари бўлган Иқтисод институти, Марказий иқтисод-математика институти, ишлаб

чиқариш кучларини жойлаштириш Кенгаши, Г.Плеханов номидаги Москва халқ хўжалиги институти, Москва халқаро алоқалар ва халқаро муносабатлар институтлари билан ҳар томонлама кенг ўзаро ҳамкорлик тадқиқотлари йўлга қўйилди. Шунингдек, кадрларни ўзимизда ва бу институтлар аспирантураси, докторантураларида устоз-домлалар раҳбарлигига ўқитиш амалиёти кенгайтирилди.

Иқтисод институтининг бу даврда устувор фундаментал иқтисодий тадқиқотлари йўналишларидан бўлган иқтисодий назариялар, меҳнат ва меҳнат ресурслари, иқтисодиётни оптимал режалаштириш ва бошқариш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, капитал маблағлар ва капитал қурилиш самарадорлиги каби соҳаларига кўплаб иқтидорли ёшлар қабул қилинди.

Бу йўналишлар бўлимлари ёш тадқиқотчилари институт ёш олимлари кенгашининг энг фаол аъзолари бўлиб улар институтда ўтказиладиган халқаро, иттифоқ ва республика анжуманлари ҳамда институт ёш олимлар симпиозиумларининг энг ишchan, ғайратли иштирокчи ва маъruzачиларидан бўлдилар. Айниқса, институт ёш олимлар кенгаши раислиги таникл ташкилотчи, мураббий бўлган устоз Б.Пальминдан кейин кўп йиллар каминага юқлатилгандан кейин биз ёшлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ўз салоҳиятини намоён қилиш бўйича харакатлар янада кучайди. Кенгашининг кўплаб илмий, ташкилий ва тарғибот-ташвиқот ишларida кенгаш-нинг фаол ташкилотчиси ва билимли аъзоси, институт директори, академик О.Хикматовнинг аспиранти Искандар Тухлиев билан бизнииг ҳамфирлигимиз ва дўстлигимиз янада мустахкамланди ва ривожланди.

Бу даврга келиб, биз институт иқтидорли ва талантли ёшларидан Кенгаш хайъати шакллантирилди. Кейинчалик, бизнинг бу фаол Кенгаш хайъати аъзолари сафидан ўз йўналишлари бўйича академик, профессор унвонларига ва номзодлик, докторлик даражаларига эришганлар кўплаб олимлар етишиб чиқди. Шунингдек, улардан бир қатори, шу жумладан, Искандар Тухлиевлар собиқ иттифоқ ва республика ёш олимлари кўрик-танловининг биринчи лауреатларидан бўлдилар ҳамда миллий ва халқаро, соҳалар академиялари академиклигига сайландилар. Бу катта илмий тадқиқот марказининг бу даврдаги таникли олимлари П.Носиров, Р.Мухитдинов, Т.Дўстжонов, М.Тажимуратов, Г.Лян, И.Тухлиев, И.Иватов, Т.Иминов, Р.Каримов, А.Бедринцев, В.Шепелев, А.Расулов, Р.Алимов ва бошқалар елкама-елка, дўстлик билан самарали фаолият олиб

бордилар ҳамда уларни ҳақли равишда бу нуфузли илмий даргохнинг учунчи “тўлқини” вакиллари сафига киритиш мумкин.

Бу “тўлқин” вакиллари институтни деярли 40 йил самарали раҳбарлик қилган академиклар О.Жамолов, И.Искандеров ва А.Хикматовлар даврида замонавий илмий тадқиқот фаолиятини олиб бориб, улардан катта гуруҳи таниқли олимлар бўлиб етишдилар. Бу “тўлқиннинг” етук вакиллари томонидан кўплаб монография, рисола, дарслик ва ўқув қўлланмалар чиқарилди, йирик илмий лойихалар, дастурлар амалга оширилди ва қатор талантли изчил шогирдлар тайёрланди. Салоҳиятли бу “тўлқин” намоёнда-лари зукко ва изчил издошлари билан ўз илмий мактабларини яратишга эришдилар.

Улардан дўстим, профессор Искандар Тухлиев кўплаб йирик ҳалқаро, минтиқавий ва маҳаллий лойихаларнинг раҳбари ва масъул ижроқиси бўлди. Бу изланишларни белгиланган муддатларида амалга ошириш учун вақтинчалик илмий тадқиқот жамоаларини ташкил қилди ва унга ўз шогирдлари билан бир қаторда иқтидорли ёшларни, ҳатто қўшни республикалардан ҳам жалб қила билди. Шулар таркибидан, бизнинг мамлакатимиз таниқли илмий марказлари Иқтисод ва Кибернетика институтларига даҳлдор бўлган қозоқистонлик қадрденимиз, профессор Олимтой Утаровнинг ўғли Қайрат Утаров ҳам бўлиб, у домланинг чет эллик шогирдларидан биринчиси бўлди. Ҳозирги даврга қадар профессор Искандар Тухлиевнинг тайёрлаган шогирдлари сони 15 нафардан ошиб кетди ва олим бундай машаққатли ва фидойи мураббийлик фаолиятини бугунги кунда ҳам сидқидилдан самарали давом қилмоқда.

Устоз Искандар Тухлиев ва унинг ўз даврида Иқтисод институтдаги сафдошлари томонидан тайёрланган фан номзодлари ва докторлари бу нуфузли илм даргохи намоёндаларининг тўртинчи “тўлқини”ни ташкил қиласди.

Олимнинг кенг кўламли меҳнат ва самарали, серқирра илмий фаолияти ҳозирги ёш тадқиқотчиларга намуна бўлишига лойиқ хаётдир.

Шу билан бирга профессор Искандар Тухлиев ва камина Тошкентдаги ўз илмий, ўқув-педагогик ишларимизни мустақиллигимизнинг дастлабки даврида бозор муносабатларини шакллантириш ва инфратузилмасини яратиш каби долзарб соҳалар бўйича фаолият олиб бориш мақсадида, юқори ташкилотлар тавсияларига биноан ўзларимиз туғилиб ўсган жонажон Самарқанд ва Хоразм вилоятларимизга кўчирдик ва уларни амалий раҳбарлик ишлари

билин уйғунликда олиб боришига эришган ва эл-юрт ҳурматига сазовор инсонлар қаторидан ўрин олдик.

Қадимдан жаҳон цивилизациянинг бешикларидан бўлган Самарқанд элиниңг асл фарзанди, профессор Искандар Тухлиевни 70 ёши билан табриклийман. Дўстимни юртимиз иқтисодиёт фани, истиқболи йўлидаги тадқиқотчилик ва устозлик фаолиятида янги муваффақиятлар, ўзига ва хонадон аъзоларига мустаҳкам соғлик-саломатлик, ҳар доим фарзандлари, набира-чеваралари, дўстлари ва шогирдлари доирасида ва эл-юрт ҳурмат эътиборида бўлиб узоқ умр кўришини тилайман.

Ҳаёт бу сабр, дуо қилиб, у қачон ижобат бўлади, деб кутиб ўтирумасдан ҳаракат қилиб яшайди.

•••✿•••

Ҳаёт бу натижа, бир кун эътибор берган бўлсангиз қилган орзулингиз ва дуоларингиз ижобат бўлганини англамасдан яшаётганлигингизга гувоҳ бўлиб қоласиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу пул, деб ўйлама, текин ҳавони ҳам сотиб ололмайсан.

•••✿•••

Ҳаёт бу пул, деб ўйлама, бекор ўтган бир лаза вақтингни ҳам сотиб ололмайсан.

•••✿•••

Ҳаёт бу пул, деб ўйлама, агар ўзингда бўлмаса виждонни ҳам сотиб ололмайсан.

•••✿•••

Ҳаёт бу пул, деб ўйлама, текинга бериладиган иймонни ҳам сотиб ололмайсан.

•••✿•••

Ҳаёт бу пул, деб ўйлама, инсоннинг текинга бериладиган шаънини сотиб ололмайсан.

•••✿•••

Ҳаёт бу пул, деб ўйлама, инсоннинг текинга бериладиган орини ҳам сотиб ололмайсан.

•••✿•••

Ҳаёт бу меҳроб, агар меҳробга сажда қилганинг каби ҳаётинг-нинг ҳар бир онини қадрласанг, ҳаётинг ҳам сени қадрлайди!



Уразов Комил Бахрамович
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтининг «Бухгалтерия
ҳисоби ва аудит» кафедраси
мудири, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор*

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИНИНГ ЗАБАРДАСТ МУТАХАССИСИ ВА ЕТУК ОЛИМИ

Иқтисод фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович Тухлиев ўзида жуда кўплаб ажойиб хислатларни мужассам этган инсон. Биринчи навбатда, эътироф этиш жоизки, у киши ўзининг ота-онаси орзуларини амалга оширган ўғил. Табиий равища, ҳар қандай ота-она ўз фарзандини ўқимишли, етук инсон, одамлар, эли-юрти, оғайни-қариндошлар, устозу-шогирдлар фахрланадиган шахс бўлишини хохлайди. Партия ва давлат органларида таниқли раҳбарлардан бири бўлган Суюн бобо ўғли Искандарнинг ҳам эл-юртда таниқли инсон бўлишини истаган.

Искандар Суюнович ота-онаси хавас қилган жиҳатларнинг барчаси эришган инсондир. У киши серқирра ҳаётида жуда кўплаб ютуқларга эришган. Собиқ СССРда ва Мустақил Ўзбекистонда ҳам илм-фан муассасалари, ҳам партия, ҳам давлат органларида ўта масъулиятли ишларда, раҳбарлик лавозимларида фаолият юритган. Искандар Суюнович давлат мулкини бошқариш, кўчмас ва кўчар мулкни баҳолаш, хусусийлаштириш, акция бозори, биржа савдолари, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ташкил қилиш соҳаларининг етук мутахассиси, бевосита иштирокчиси ва ташкилотчиларидан бири ҳисобланади.

Искандар Суюнович давлат ва хўжалик органларида раҳбарлик лавозимларида доимо банд бўлганлигига қарамасдан, узлуксиз илм-фан билан шуғулланган инсондир. Шу боис ҳам, у киши илм-фандага катта ютуқларга сазовор бўлган. Искандар Суюнович собиқ СССР ва Мустақил республикамиизда тан олинган етук иқтисодчи олим ҳисобланади.

Искандар Суюновични республикамизда туризм илм-фанининг забардаст олимларидан. Охирги 10-15 йил мобайнида у кишининг бевосита раҳбарлигига туризм кафедраси ҳар тарафлама ривожланди. Бевосита Искандар Суюновичнинг ўзи ва у кишининг умумий раҳбарлигига туризм соҳаси бўйича кўплаб дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмалари, монографиялар, илмий мақолалар чоп этилди. Шу йиллар ичida Искандар Суюнович раҳбарлигига кафедрада кўплаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

Искандар Суюнович раҳбарлигига республикамизда кўплаб инновацион туристик маршрутлар, маҳсулотлар, ишланмалар яратилди. У киши халқаро грантларни ютиб олиш ва улар асосида ИТИларни олиб боришда ҳаммамизга намуна бўлиб келмоқда.

Искандар аканинг яна иккита хислатини айтмасам бўлмайди. Бу-эътиқод ва ибратдир. Домладаги эътиқод деганда бошлаган ишини сидқидилдан, пухта, аъло даражада бажаришини тушунаман. Буни бевосита кўп йиллар мабойнида илмий кенгашда докторант ва аспирантларнинг ўз диссертацияларини ҳимояяга тайёрлаш, улар ҳужжатларини ОАКга юбориш ва у ерда тадқиқотчиларни ҳимоя қилишда кўриш мумкин. Шунингдек, Искандар Суюновичнинг институтда ҳар йилда ўтказиладиган битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича ўтказиладиган Ярмаркаларда, яъни карьера кунларини ўтказиш тартибларига қойил қолганман. Искандар Суюновични жуда кўп масалаларда ибрат намунасиdir. Менинг ёшим улуғ, ёшлар қилсин демасдан, ҳозирги кунгача кафедрадаги ишларда, илмий кенгашдаги ишларда, замонавий адабиётларни тайёрлашда, одамларга муносабатда илфор ва хавас қилса бўладиган инсон.

Азиз Искандар Суюнович! Сизни қутлуғ 70 ёшингиз билан чин дилдан мубарокбод этаман. Сизга соғлиқ-саломатлик, оилавий баҳт-саодат, фарзандларингиз, невара ва чеварадарларингиз равнақини янгам билан биргаликда кўришларингизни, илмий-педагогик фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.

•••✿•••

Ҳаёт бу хурмат, чунки кимларнидир хурмат қиласиз, кимларнингдир ҳурматига сазовар бўлиб яшашингизнинг ўзи ҳаётингизни хурматдан иборатлигини таъминлайди.

•••✿•••

Ҳаёт бу нафас, чунки ҳар бир инсон сийратида бор нарса, инсон умр бўйи шу нафсни қондириш учун яшайди гуё.



Гулбахор Панжиевна Эркаева
Қарши давлат университети
“Иқтисодиёт ва сервис” кафедраси
доценти, Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
бошқаруви академияси доценти,
иқтисодиёт фанлари номзоди.

ИЛМ-ФАНГА БАХШИДА УМР

Мен устоз Искандар Суюнович Тухлиев билан биринчи марта 2012 йил май ойида Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида ташкил қилинган халқаро конференцияда танишган эдим. Бу конференцияга Россиядан бир груп академиклар ва профессорлар, шунингдек, Марказий Осиё давлатларидан етук олимлар иштирок этишганди. Анжуманда профессор И.С.Тўхлиев жуда сермазмун илмий маъруза билан иштирок этиб барча иштирокчиларнинг эътиборига тушди.

Конференция ташкилотчиси, и.ф.д. профессор Р.Х.Эргашев узоқ ва яқин хориждан келган ҳамда республиканизнинг бошқа олий таълим муассасаларидан таклиф этилган меҳмонларни ўзаро танишириб бир муддат илмий сұхбат қилишимиз учун имконият яратиб берди. Ўша пайтда Искандар Суюнович Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасида мудири лавозимида иш олиб бораётган эдилар. Ўзаро сұхбат чоғида у барча олимларни туризм дунёсига олиб кирдилар десам хато қилмайман. Ўшанда мен эндиғина Қарши давлат университетининг “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири лавозимиға танловдан ўтиб иш бошлаган эдим. Олимларнинг бу сұхбати туризм соҳасига эътиборсизлик катта хато эканлигини англаб этишимга олиб келди.

Конференциядан сўнг менинг кафедра мудири сифатидаги дастлабки қадамим кафедранинг истиқболли режасини қайта қўриб чиқиб, туризм соҳасида кадрлар тайёрлашни мўлжал олишдан бошланди ва бу борадаги ташкилий, моддий ва услубий таъминотни йўлга қўя бошладим. Бу орада Қашқадарё вилоят ҳокимлигига, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигига Қарши давлат университетида Туризм йўналишини очиш учун асос-

нома тайёрланди. Нихоят 2014-2015 ўқув йилидан бошлаб университетда Туризм йўналиши бўйича қабул квоталари тасдиқланди. Шу пайтдан бошлаб И.С.Тухлиев таянч олий таълим муассасасининг кафедра мудири сифатида бизга устозлик қила бошладилар. Мен у кишининг ҳузурларига услугбий таъминот юзасидан ёрдам олиш ва илмий ҳамкорлик қилиш таклифи билан борганимда, кафедранинг барча аъзоларига мамнуният билан Қарши давлат университетида ҳам туризм йўналиши очилганлигини эълон қилди-лар, сўнгра кафедра аъзоларидан қўлларидан келган барча ёрдамни аямасликни сўрадилар. Туризм (халқаро ва ички туризм) таълим йўналиши бўйича ўқув жараёнини ташкил қилиш учун тегишли ўқув режалар, дастурлар ва Давлат таълим стандартлари ва ўқув-услубий мажмуаларни борини очиқлик билан тақдим этдилар. Кафедранинг салоҳиятли профессор-ўқитувчилари бўлган шогирдларидан иқтисодиёт фанлари номзодлари Р.Амриддинова, З.О.Рахимов ва асистент С.Абдихамидовларни соатбай асосида Қарши давлат университети талабаларига дарс бериш ҳамда ўқитувчиларга тажриба алмашиш ва мастер-класслар ўтиш орқали услугбий ёрдам кўрсатишга кўндирилар. Қарши давлат университетининг “Иқтисодиёт ва сервис” кафедраси билан тўлақонли ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Шу йилдаёқ устоз раҳнамолигида фанлар бўйича яратилган замонавий янги авлод ўқув адабиётларидан “Туризмни режалаштириш”, “Халқаро туризм”, “Туризм асослари”, “Туризм: назария ва амалиёт” фанларидан дарсликлар ва “Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий муаммолари” мавзусидаги монографияни сотиб олиш учун олий таълим муассасалари ўртасида икки томонлама шартнома имзоланди ва бу адабиётлар етказиб берилди.

Бугунги кунда Қарши давлат университети талабалари туризм соҳасида республика миқёсида ўтказилаётган олимпиадалар ва турли танловларда муваффакиятли иштирок этишиб, фахрли ўринларни қўлга киритишаётганини ҳақли равишда устознинг меҳнатлари билан чамбарчас боғлаш мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб устозимиз, етук олим, ажойиб ташкилотчи ва фидойи инсон бўлган Искандар Суюнович Тухлиевни муборак 70 йилликлари билан ўз номидан ва Қарши давлат университети жамоаси номидан чин қалдан муборакбод этаман. Ёш авлодни тарбиялаш ва республика илмий салоҳиятини оширишдаги фаолиятингизга улкан муваффакиятлар тилайман.

**ОЛИМНИ
ЗАМОНДОШЛАРИ
ШУНДАЙ ИДРОК
ҚИЛАДИ**





Мирзаев Кулмамат Джанзакович
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректори, и.ф.д., профессор

ҲАҚИҚИЙ ИНСОН, МАЛАКАЛИ РАҲБАР, ИҚТИДОРЛИ ОЛИМ И.С.ТУХЛИЕВ 70 ЁШДА!!!

Самарқанд ерининг иқтидорли инсони, республика иқтисодчилари орасидаги етук олим, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович Тухлиев таваллудининг 70 йиллиги билан самимий табриклиётганимдан жуда мамнунман.

Мен ҳамкасб, устоз профессор И.С.Тухлиевнинг ҳаёт йўли, илмий-педагогик фаолиятининг энг муҳим қирраларини ўрганиб, ибрат олса бўладиган ҳаёт мактабини яратган, деб ҳисоблайман.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор И.С.Тухлиевнинг эришган ютуқлари, давлат бошқарувидаги раҳбарлик фаолияти, ёш авлодни тарбиялаш ва илмиёт соҳасидаги муваффақиятларининг қуидаги жиҳатлари эътиборга молик ва эътирофга сазовордир:

Биринчидан, Тухлиев Искандар Суюнович ўта иқтидорли, салоҳиятли ёш кадр сифатида, ўзи ўқиган техникумни “аъло” диплом билан, институтга кириш имтиҳонларини “аъло” баҳога топшира олган ҳамда дастлабки монографиясини яратгани учун ўша даврнинг Комсомол Марказий Кўмитасининг ЛАУРЕАТИ бўлган инсон.

Иккинчидан, Тухлиев Искандар Суюнович малакали раҳбар сифатида давлат бошқарувининг турли жабҳаларида фаолият юритган. Айниқса, иқтидорли раҳбар сифатида дастлаб 1985-1993-йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд Илмий Маркази бўлим мудири, сўнгра бош илмий котиб вазифаларида ишлаган. У 1997-йилда “Ўзбекинвест” экспорт-импорт Миллий суғурта компаниясининг Самарқанд шўъба корхонаси директори, 1998-йилда Самарқанд вилоят ҳокимининг 85-Қсон қарори билан Самарқанд вилояти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқарма бошлиғи (бу вазифа ўша даврда Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари вази-

фасига тенглаштирилган), 2000 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 451-сон қарори билан Республика давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ҳайъатининг аъзоси вазифасида фаолият юритган. Шунингдек, И.С.Тухлиев 2002-2003-йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Қўмитаси кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган. И.С.Тухлиев қайси раҳбарлик вазифасида ишламасин, ўзининг ҳалоллиги, принципиаллиги, ўз ишига садоқатлилиги билан жамоа ўртасида обрўга эришган.

Учинчидан, и.ф.д., профессор И.С.Тухлиев иқтидорли олим сифатида республикамиз илм-фан тарққиётига хизмат қилган инсон. У 1981 йилда номзодлик диссертацияси, 1997-йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Унинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Самарқанд бўлимидағи илмий фаолияти билан бирга 2003-2005 йилларда Тошкент давлат техникауниверситетидаги “Иқтисодиётда ахборот тизимлари” кафедраси профессори, 2005-2006 йилларда шу университет “Маркетинг” кафедраси мудири ҳамда 2006-2018 йилларда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси мудири вазифаларидағи фаолияти ёшлар учун ибратлидир.

Тўртинчидан, и.ф.д., профессор И.С.Тухлиев самимий ва меҳрибон устоз сифатида қатор йиллар шогирдлар тайёрлаш шарафига эга бўлган. Унинг раҳбарлигига 6 нафар фан номзоди (фалсафа доктори - PhD), 2 нафар фан доктори тайёрланган. Айниқса, домла И.С.Тухлиев Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтидаги илмий Кенгашнинг илмий Котиби вазифасида ишлаган пайтида 7 нафар фан доктори, 24 нафар иқтисодиёт фанлар номзодлари, фалсафа докторлари тайёрлашда, диссертация ҳимояларини ташкил этишда фаол қатнашган ҳамда ўз инсонийлик бурчини самимий бажарган иқтидорли олим ҳисобланади.

Бешинчидан, профессор И.С.Тухлиев замон билан ҳамнафас инноватор олимдир. У ўзининг илмий, илмий-педагогик ва илмий тадқиқот фаолиятида республикамиз ҳалқ хўжалиги иқтисодиёти учун кўплаб янгиликларга эга бўлган илмий ишланмалар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий-амалий лойиҳалар яратади. Жумладан, профессор И.С.Тухлиев бошлигига яратилган 20 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалар,

республикада ўтказиладиган инновацион ғоялар ва ишланмалар республика ярмаркаси учун 10 дан ортиқ илмий-амалий ишланмалар, халқаро ва давлат грантлари доирасидаги инновацион ва амалий илмий-тадқиқот ишларини эътироф этиш мумкин.

Олтинчидан, профессор И.С.Тухлиев намунали оила бошлиғи, севимли бобо сифатида ўз фарзандаларини, набира ва эвараларини ватанга содик инсон сифатида тарбиялай олган ҳақиқий самимий инсон.

Еттинчидан, Саккизинчидан, Тўққизинчидан, Ўнинчидан ...

Менинг назаримда домла, профессор И.С.Тухлиев бугун ҳам ўз олдига қатор вазифаларни қўйган ва бу вазифаларни муваффақиятли бажаришига ишонаман: Шогирдлар сонини янада ошириш; Янги рақамли иқтисодиётга мос инновацион фаолиятни давом эттириш, “Start up”лар ва янги лойиҳалар билан давлат илмий грантларда қатнашиш; “КАМИДА 100 ЁШГА КИРИШ” ИЖТИМОЙЙ ДАСТУРИ асосида соғлом турмуш тарзини давом эттириш ва Ҳ.К.

Мен, ҲАҚИҚИЙ ИНСОН, МАЛАКАЛИ РАҲБАР, ИҚТИДОРЛИ ОЛИМ и.ф.д., профессор И.С.ТУХЛИЕВни таваллудининг **70 ЁШЛИК ЮБИЛЕЙИ** билан муборакбод этаман.

•••✿•••

Ҳаёт бу омонат, олган нафасимизни ҳам чиқариб бераяпмизку?

•••✿•••

Ҳаёт бу яшаш, яшашни ҳам чидаганга чиқарган.

•••✿•••

Ҳаёт бу умр, гаштини суриб қол, номоз ўқи, иймонни бутла жаннатий бўлиб ол.

•••✿•••

Ҳаёт бу муҳаббат, шундай севгинки, кундиз ўзинг оиласиг учун меҳнат қил, тунда охират учун ибодат.

•••✿•••

Ҳаёт бу тинглаш, сенга дахлдор бўлса унутмайсан, бўлмаса бефарқ.

•••✿•••

Ҳаёт бу адолатсизлик, чунки ким қаттиқ севса шу кўпроқ изтироб чекади. Севмаган учун бари бир.

•••✿•••

Ҳаёт бу кулги, зеро, кулги – ҳаётдан розилик, хурсандлик белгиси!



Асланова Дилбар Ҳасановна
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

СЕРМАҲСУЛ ОЛИМ ВА ИҚТИДОРЛИ РАҲБАР

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Туризм” кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори Искандар Суюнович Тухлиев мамлакатимиз илмий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган сермаҳсул олимлардан биридир.

Халқимизда “Олимлик – игна билан қудук қазиш билан баробар”, – деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам, том маънодаги олим бўлиш учун инсон, аввало, сабр-тоқатли, меҳнатсевар, иқтидорли ва қатъиятли бўлиши лозим. Бундай ҳислатлар И.С.Тухлиевда мұжассамланган ва мен ўйлайманки, айнан шу ҳислатлари туфайли у киши шундай даражага мұяссар бўлган.

И.С.Тухлиев томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотларда, шунингдек, шогирдларининг изланишларида ҳам яққол кўриниб турганидек, олим мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, унинг турлари, чунончи, халқаро туризм, экологик туризм, туризм инфратузилмаси, геоахборот тизимлари асосида соҳани янада тараққий эттириш муаммоларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва бу усувларини шогирдларига тинимсиз ўргатиб келади.

Домлага хос мұхим хусусиятлардан бири шундаки, у ҳар бир илмий йўналишни чуқур ўрганиш, атрофлича тадқиқ этиб, масалани охиригача ҳал қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва албатта, ушбу мақсадга эришади.

Домла жуда талабчан устоз. Шунинг учун бўлса керак, у ҳар бир муаммонинг ечими билан боғлиқ жаҳатларга алоҳида эътибор билан қарайди ва комплекс тадқиқ йўлидан боради. Олим учун бу – битирув малакавий ишими, магистрлик диссертациясими, докторлик диссертациясими ёки грант лойиҳалари бўладими барчаси

тўлиқ ўрганилган илмий-тадқиқот бўлиши, амалиётга жорий қилинган ва ниҳоят якунланган иш бўлиши керак.

Профессор И.Тухлиев учун хос фазилатлардан яна бири, ҳар бир шогирди билан вақтни аямасдан, айниқса, докторантлар билан ишдан кейин кафедрада уларнинг диссертациясига доир масалаларни ўрганади, улар билан ўтириб илмий муаммоларни муҳокама қиласди, ҳар бир адабиётни излаб топиб таҳлил қиласди ва унинг ушбу ишда ёритилиш масаласи бўйича зарурийлик даражасини кўрсатиб беради.

Профессор И.Тухлиев нафақат етук олим, шу билан бир қаторда, талабчан ва иқтидорли раҳбар сифатида ҳам эътироф этилишга лойиқ инсон. 2006 йилда институтнинг “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасининг раҳбарлигига киришгандан буён кафедрада нафақат ўқув жараёнини юқори савияда ташкил этди, балки илмий-тадқиқот ишларини ҳам самарали тарзда мувофиқ-лаштириб келмоқда. Ушбу давр ичида кафедрада 2 та фундаментал ва 2 та амалий лойихалар унинг раҳбарлигига бажарилди, 15 дан ортиқ докторлик ва номзодлик, 100 га яқин магистрлик диссертациялари доирасида илмий-тадқиқотлар олиб борилган ва натижалари бўйича кўплаб монография ҳамда илмий мақолалар чоп эттирилган.

Туризм мутахассислиги бизнинг институтимизда янги йўналиш бўлганлиги сабабли ўзбек тилидаги ўқув адабиётларга эҳтиёж сезирларли даражада катта эди. Айнан И.С.Тухлиев раҳбарлигига кўплаб ўқув адабиётларнинг янги авлоди яратилди: 12 та ўқув қўлланма, 8 та дарслик ва 20 дан зиёд ўқув-услубий қўлланмалар яратилди. Шунинг учун ҳам, кафедра бир неча йил давомида институт рейтингида биринчи ўринларни эгаллаб келган.

И.С.Тухлиев, ҳақиқатан ҳам, туризм соҳаси бўйича илмий мактаб яратган олим ҳисобланади. Унинг раҳбарлигига 1 та докторлик диссертацияси, 8 та PhD ва номзодлик диссертациялари, шунингдек 35 та магистрлик диссертацияси ҳимоя қилинган.

Олим 7 та монография, 2 та туризм соҳасининг замонавий атамаларига бағишлиланган изоҳли луғат, республика ва нуфузли хорижий нашрларда эълон қилинган 300 дан ортиқ илмий-амалий мақолалар, патент ва муаллифлик гувоҳномаси, илмий-амалий тавсиялар муаллифидир.

И.С.Тухлиев 2011 йилдан ҳозирги кунгача Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги ДСК.27.06.2017.1.18.-01.K.067.12.01-рақамли, 08.00.05 – «Хизмат кўрсатиш тармоқлари

иқтисодиёти» ихтисослиги бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгашнинг аъзоси. 2007-2018 йилларда ушбу Кенгаш илмий котиби сифатида 7 нафар иқтисодиёт фанлари докторлари Г.М.Шодиева, К.Дж.Мирзаев, О.М.Пардаев, Б.Ш.Махкамов, О.Х.Хамидов, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимоваларнинг ва 24 та иқтисодиёт фанлари номзодлари ишларини ОАК талаблари асосида, ўрнатилган тартиб даражасида ҳужжатларини расмийлаштириб, ҳимоясини ташкил қилган. Бу эса, олимнинг ташкилотчилик қобилиятини қўрсатадиган алоҳида жиҳатлардан биридир.

И.С.Тухлиев фазилатлари ва хислатларини тавсифлаганда, шоирнинг қуидаги сатрлари хаёлимдан ўтади:

Олим маърифатнинг сайқали бўлур,
Олим ҳар китобнинг сайқали бўлур.
Донолик таърифин қанча ёзсан оз,
Олим камтарликнинг ҳайкали бўлур.

Ҳурматли устоз! Сизни улуғ 70 ёшингиз билан табриклар эканман, Сизга мустаҳкам соғлик, оиласвий тинчлик, мамлакатимизнинг бугунги ва келажаги учун шарафли бўлган таълим – тарбия соҳасидаги фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Ҳаёт бу нафс, агар шундай бўлса, хулқидан, чиройидан қатъи назар бойлиги учун севади.

Ҳаёт бу ҳавас, шу туфайли бирорларни фақат ақл-заковати учун севади.

Ҳаёт бу севги, нима учун севганлигинизни билмасдан севсангиз ҳақиқий севги шу.

Ҳаёт бу синов, лекин ҳамиша бирорларни синаймиз. Ўзимизга ҳам бир эътибор қилиб, синаб кўрайликчи, биз киммиз?

Ҳаёт бу тақвадорлик, бундайлар рост сўлайди ва вадага вафо қиласди.

Ҳаёт бу меҳрибонлик, зайниф ва бечораларга раҳимли бўлиб, қариндошларга силлаи раҳм қиласди.



Муродова Нодира Куллиевна
*Навоий давлат педагогика институти
Магистратура бўлими бошлиги
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор*

ҚАЛБИ ЗИЁГА МАСКАН

Дунё ҳам, одам ҳам нурдан яралган деган қараш бор. Нур, зиё моҳиятан ҳам, рамзан ҳам эзгуликни, тараққиётни, илдамликни англатади. Шу боис халқ ўзининг истеъдодли, ўқимишли, билимли, маданиятли фарзандларини «зиёли» деб атайди.

Зиёли бўлиш — буюк «қисмат». У бамисоли юрак - бағрини ёкиб атрофни ёритувчи шамга ўхшайди. Зиёли бўлиш ғоят оғир, бироқ зиёли киши кўпчилик англаб етмаган, идрок этолмаган, ҳатто кўпчилик билмаган нарсаларни билади. Табиат ва жамиятнинг анча - мунча сир - асрорларидан боҳабар бўлади. Юксак дид ва улкан қалб соҳиби эканлиги, ўткир ақл-заковати уни оммадан ажратиб туради. Лекин у нақадар қатъиятли ҳам. Унинг бутун ҳатти - ҳаракати эзгуликка қаратилган. У жамиятдаги жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишига қарши фақат маърифат билан курашувчи инсон бўлади. Дейдиларки, қуёш бутун оламга нур таратса, одамзод қалбига ана шундай беминнат нурни зиёли инсон таратади.

Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт йўли бўлади. У дунёга келганидан сўнг ўсиб - улгаяди, камол топади. Етарли даражада ақл - заковат эгаси бўлганидан сўнг ўз имкониятларига лойик тарзда касб - кор танлайди. Ҳар бир ишнинг, касб - корнинг ўз машаққати бўлганидек, илм - фаннинг нони ҳам жуда қаттиқ бироқ, жуда totli эканлигини амалда исботлайди.

Одатда, илм - фан оламига ҳақиқий истеъдодли бир тадқиқотчининг кириб келиши муҳим воқеа ҳисобланади. Эл орасида шундай нақл бор: агар бирор жойда бир тоғ ўсиб чиқса, ўша тоғ бағридаги тошлар, дарахт - майсалар ҳам тоғ билан биргаликда кўкка кўтарилади. Бу тоғ эса атрофидаги дов - дарахтларни довуллардан асрайди, униб - ўсиши учун ўз бағрида замин ҳозирлайди. Умрини илму ирфонга бағишлаётган яна бир УСТОЗ ўз ҳаётининг 70 баҳорини қарши олдилар.

Устозлар таъкидлайдиларки, ҳақиқий олим ўз фанининг, соҳасининг чин фидойиси, билимдони бўлмоғи, унга умрини баҳшида қилмоғи, йирик асарлар, маҳсулотлар яратмоғи лозим. Умри давомида қалб қўрида сақлаган орзу - ниятларига эришиш йўлида тинмай изланиши ва интилиши уни мақсадлари сари етаклайди. Инсон онгли мавжудот сифатида турли жабҳа ва соҳаларда ўз истеъдоду қобилиятини намоён этади.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюнович ана шундай бетакрор ижод соҳибидир.

Профессор Искандар Тухлиевнинг туризм соҳасидаги кўп йиллик олиб борган фундаментал ва амалий - илмий тадқиқот ишлари натижасида **“Туризм соҳасини инновацион ривожлан-тириш иқтисодиёти”** йўналиши бўйича Ўзбекистонда илмий мактаб яратилганлиги соҳа олимлари мамнуният билан эътироф этадилар.

Профессор Искандар Суюнович илмий мактабининг шаклланиши давомида илмий ва замонавий ўқув адабиётларини тайёрлашда жами 300 дан ортиқ илмий - амалий мақолалар нашр қилинган: шу жумладан 11 та мақолалар Брюссель, Мадрид, Караганда, Москва, Польша, Хиндистон, АҚШ, Малайзия каби хорижий мамлакатларда; 27 та илмий мақолалар нуфузли журнал-ларда ва 7 та монография нашр этилган. Дарслик ва ўқув қўлланма, услубий ишлар бўйича жами 48 та ўқув адабиётлар нашр этилган. 8 та дарслик, 12 та ўқув қўлланма, 26 та услубий қўлланма ва 2 та туризм соҳасининг замонавий атамаларига бағишланган изоҳли луғатларнинг ўқув амалиётида фойдаланилётганлиги иқтисодчи олимнинг фандаги ўрни нақадар бекёслигини англаради.

Устознинг 70 йиллик ҳаёт йўлининг сарҳисобини ўқиганда “инсон умри қисқа” деган фикрларга бироз мулоҳазали қарайсан киши. Яратганинг берган умридан, ақл - заковатидан шунчалик сермаҳсул ва сермазмун фойдаланган инсоннинг умри узоқ эканлигига, қилган меҳнат фаолиятининг натижаларига қараб эса шунчалик жамият ривожига наф келтириши мумкинлигига ҳайратга тушасан киши.

Мен Искандар Суюновични узоқ йиллардан буён илмий - ижодий фаолиятлари орқали танирдим. Ҳавас қилардим, фидойи олимлик ҳислатларини қадрлардим. Шу билан бирга Устознинг сұхбатларида бўлишни, ҳамфикр бўлишни ният қилардим. Ниятнинг холислиги ва Устознинг илм - фанни ривожлантиришга

бўлган ўзига хос қарашларига мувофиқ 2018 йилда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги 08.00.05 – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича ДСК. 27.06.2017.1.-18.01.K.067.12.01-рақамли Илмий Кенгаш аъзоси сифатида Устоз билан ҳамсухбат ва ҳамнафас бўлдим.

Искандар Суюновичнинг қутлуғ таваллуд кунларида барча эзгулик ва бунёдкорлик негизи бўлган мустаҳкам соғлик тилаб қоламан. Навоий давлат педагогика институтининг катта бир жамоаси номидан ижодий бардавомлик тилайман.

Мен Устозга эҳтиром ила бугунги 70 йиллик умр сархисобини бераётган, ҳали эндиғина 70 ёшли таваллуд кунларини нишон-лаётган қутлуғ айёмда шогирд сифатида, ҳамкасб сифатида чин кўнгилдан муборакбод этиб, эзгуликка йўғрилган, сермазмун умр йўлларингиз бизга, шогирдларингизга ҳамиша ҳаёт мактаби бўлиб қолаверади, таъзим қиласман.

•••✿•••

Ҳаёт бу ҳаёжон ошкоралиги, ҳамма нарсани яшириш мумкин, лекин бошқа нарсаларни кўздан яшириб бўлмаганидек, кўздаги ҳаёжонни ҳам яшириб бўлмайди.

•••✿•••

Ҳаёт бу бурч, энг маъсулиятлиси ўзига нисбатандир.

•••✿•••

Ҳаёт бу садоқат, зеро она ҳеч маҳал фарзандига хиёнат қилмас экан.

•••✿•••

Ҳаёт бу ҳақиқий севги, аммо буни топиш қийин.

•••✿•••

Ҳаёт бу пул топиш, бунга эришиш учун тадбиркор бўлиш керак, пулни саклаш учун ақилли бўлса етарли, аммо уни ишлатиш учун ҳам тадбиркор, ҳам ақилли ва энг муҳими, санъаткор бўлиш керак.

•••✿•••

Ҳаёт бу хавотирлик, бир қиз ҳар куни тазияларнинг эълонини кутади, чунки бир йигит, унга “агар сен менга тегмасанг ўламан”, деган экан.

•••✿•••

Ҳаёт бу жумбок, узумнинг ўзини есангиз зўр таъом, ундан тайёрланган винони истеъмол қилсангиз – ҳаром.

Махкамова Мамлакат Абдуқодировна

*И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети
“Корпоратив бошқарув” кафедраси мудири, и.ф.д., профессор*

УСТОЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАР.....

2003 йилнинг куз ойлари...

Тошкент давлат техника университети...

Мен фан номзоди, яқиндагина доцент илмий унвонини олган, ўзимга ишончим баланд ёш олима университетнинг бош биноси 6 қаватида жойлашган кафедрамизга шошаётган эдим...

Коридор бўйлаб шошиб кетаётиб ўнг қанотдаги катта ўқув аудиториясида ҳеч ким бўлмаса керак, кимdir равон текис ва аниқ овозда ўзининг маъruzасини такрорляяпди деб, ўйладим. Аудитория эшиги олдидан маъruzачига бепарво кўз қиримни ташлаб ўтаёт-ганимда хона тўла талабалар, улар жуда диққат билан маъruzани эшитаётганининг гувоҳи бўлдим. Хона пашша учса эшитилгудек эди. Бехосдан тўхтаб қолдим...

Маъruzачи ўқитувчи берилиб дарс ўтар, эшикдан ким қарайапди деган хаёлга вақти йўқ, маъруза худди мусиқа ноталари каби бирин-кетин ҳавода сузар эди. Талабалар эса қизиқарли эртакни эшитаётгандек диққат билан берилиб тинглар эдилар.

Бу менинг устоз билан биринчи учрашувим эди...

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети иқтисодиёт кафедрасининг имтиёзли битирувчиси, университет, факультет ҳаётининг фаол иштирокчisi, ўша йилларда ўзим ҳам кафедра доценти бўлиб ишлаётган менга университетнинг аксарияти профессор-ўқитувчилари таниш эди. Бу домлани мен биринчи кўришим ва унинг ўтаётган дарсидан қаттиқ таъсирланган эдим.

Маъruzачи иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюнович эдилар.

Кейинги учрашувимиз устоз билан “Иқтисодиёт ва менежмент” факультетининг навбатдаги йиғилишида бўлди. Ўша даврда Искандар Суюнович Тухлиев факультетимизнинг “Иқтисодиётда ахборот тизимлари” кафедрасининг профессори бўлиб иш

бошлаган, факультетда тез кунларда фаол ва жонкуяр педагог сифатида кўзга ташланган эдилар.

Устоз дарс ўтганда, турли йиғилишлар ва мажлисларда кўриб қолганимда ўзининг босик, маъноли ва билимдон чиқишилари билан барчанинг дикқатини тортар эдилар. Аста-секин иш фаолиятида уларни янада кўпроқ таниганим сари, унинг очиқлиги, билимдонлиги ва доимо маслаҳатларини аямайдиган инсон, педагог ва устоз эканлигини билиб бордим.

Кейинги йилларда университетимизнинг “Маркетинг” кафедра-си мудири лавозимида фаолият олиб бордилар.

Искандар Суюнович кўпчилик ўқитувчилардан фарқли педагогик фаолияти билан бирга илмий ишларни ҳам фаол олиб борар эдилар. Кафедрада ёшларни бирлаштирган, уларнинг кўпчилигига раҳбар сифатида илмий-тадқиқот ишларни олиб боришига сабабчи бўлган устозлардан эдилар.

Тухлиев домланинг ушбу саъй-ҳаракатлари натижасида кафедранинг қатор ёш педагог ўқитувчилари докторантлар, мустақил изланувчилар бўлишди, диссертацияларни ҳимоя қилишди.

Искандар Суюнович кафедрада иш ва таълим жараёнини яхши ташкиллаштирган, жамоани бирлаштирган, унинг маънавий муҳити-ни яхшилаган раҳбарлардан эдилар. Улар кафедрага мудирлик қилган йиллари кафедра аъзолари доимо аҳил, бир-бирини қўлловчи жамоага айланган, ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва маънавий-аҳлоқий ва тарбиявий ишлари жадал олиб борилаётган жамоа эди. Устознинг саъй-ҳаракатлари билан жамоада ишчанлик муҳити ва ишга жавобгарлик муносабатлари кучайган эди.

Ўша йилларда профессор И.С.Тухлиев ташуббуси билан университетда 5A340107-“Иқтисодиётда ахборот тизимлари” мутахассислиги бўйича магистратура очилди. Унинг раҳбарлигига ушбу мутахассислик бўйича 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб, иқтисодиёт билан шуғулланадиган барча ташкилот ва корхоналар учун магистрлар тайёрлаш бошланди, уларни ўқитиш учун янги замонавий фанлар белгиланди ва тегишли фанлар бўйича ўқув дастурлари ва ўқув режалари тайёрланди ва таълим жараёнига тадбиқ қилинди.

Устоз ташаббуси билан ўша йилларда Тошкент давлат техника университети қошида республикада дастлабки “Инновацияларни тижоратлаштириш маркази” очилиб давлат гранти ва қатор

илмий лойиҳалар амалга оширилди. Унинг раҳбарлигига кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан дарсликлар, ўқув қўлланмалар тайёрланди, кафедра фанлари бўйича ўқув-услубий таъминот яхшиланиб борди.

Устоз Тухлиевга қандай масала билан мурожаат қилмайлик, у доимо ўз маслаҳатларини аямайдиган, барча масалаларга ўз позицияси ва фикрини билдирадиган принципиал олимлардан эдилар.

Йиллар ўтиб ўзим ҳам фан доктори, профессор унвонларига эга бўлдим, қатор фан номзодлари, фан докторларига раҳбар бўлдим. Лекин ҳануз устозим иқтисодиёт фанлари доктори профессор Тухлиев Искандар Суюнович берган маслаҳатлари ва ўгитларига амал қилишга ҳаракат қиласман.

Бугун таниқли олим, ўз ишининг жонкуяри, истеъоддли раҳбар, ажойиб инсон бўлган устозим Искадар Суюнович Тухлиев 70 ёшни қаршилабдилар.

Менинг эса ҳамон кўз олдимда университетнинг Бош биноси бекаватида берилиб дарс бераётган жонкуяр устозимнинг сиймоси...

Устоз! Табарруқ 70 ёшингиз муборак бўлсин. Сизга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик ва сизни қадрловчи шогирларингиз баҳтига доимо омон бўлишингизни тилаб қоламан. **Сизга таъзим билан, Махкамова Мамлакат Абдуқодировна.**

...*...

Ҳаёт бу чақиши, энг заҳарли илон ҳам, чаён ҳам бир-бирини чақмайди. Аммо одамлар бир-бирини аёвсиз чақиб олади.

...*...

Ҳаёт бу вахшийлик, энг вахший бўри молнинг гўштини ейди, аммо бир-бирининг гўштини емайди. Одам молникини ҳам бир-бирининг ҳам “гўштини” ейди.

...*...

Ҳаёт бу меъёр, одамни меъёридан ошириб, кўкларга кўтарма, уни ҳамиша шундай ушлаб тура олмайсан.

...*...

Ҳаёт бу орзу, бунга эришиш жуда узок туюлади. Унинг интиқоси жуда яқиндай туюлаверади. Аммо узоқлаштиришнинг имкони йўқ.

...*...

Ҳаёт бу ибодат, ибодат мажбурият эмас, у баҳт.

...*...



Гулнора Шадиева

*Автомобиль транспорти кадрлари
малакасини ошириши ва қайта
тайёрлаши институти ўқув- услугий
ишлар бўлими бошлиги, иқтисодиёт
фанлари доктори*

ОЛИМ БЎЛСАНГ – ОЛАМ СЕНИКИ

Гап СамИСИ “Туризм” кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори Искандар Суюнович Тухлиев ҳақида кетмоқда. Олимлар миллатнинг мулки. Улар нафақат бугун, балки эртага ҳам элнинг ардоғида. Олимлар нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда ҳам тан олинади. Халқни, миллатни танитадиганлар ҳам шу олимлардир.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўзининг атоқли, жонкуяр, фидой олимлари, уларнинг илмий ишлари, салоҳияти билан нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам донг таратган илм маскани. Чунки собиқ иттифоқ, бугунги МДҲ мамлакатларидағи олий ўқув юртларида ўз ўрни, салоҳияти ва нуфузига эга бўлган таълим муассаси ҳисобланади. Маълумки, жамиятнинг ривожланишига комил инсонлар орқали эришилади. Комил инсонларнинг илми мукаммал ва иймони бутун, вижони пок бўлади. Демакб, комил инсонда мавжуд бўладиган фазилатлардан бири, унинг илмий салоҳиятининг юксаклигидир. Шундай олимлардан бири иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович Тухлиевдир.

Мен, Искандар Суюновични 2007 йилдан бери биламан. 2007 йилда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузурида фан доктори илмий даражасини берувчи 08.00.05 – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича бир марталик Илмий Кенгаш ташкил этилди. Айнан шу ташкил этилган илмий кенгашда менга докторлик дисертациямни ҳимоя қилиш шарафи насиб қилган эди. Мен, Искандар Суюновичга илмий кенгашнинг илмий котиби сифатида барча хужжатларимни топширдим. Менинг докторлик ишларим устознинг тўғри маслаҳатлари ва

кўмаклари ёрдамида ОАК талаблари асосида, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилди ва ҳимояни ташкил қилиш ишлари амалга оширилди. Устозни мен ҳар бир вазифага вижданан, масъулият билан ёндашадиган ҳар қандай ҳолатда ўз ёрдамини аямайдиган, тўғри йўл кўрсатадиган фидойи олим сифатида қадрлайман. Бу гаплар бирорлардан эшитиб қилган холосам эмас. Ўзим гувоҳ бўлиб, бевосита алоқа қилиб қилган холосаларим.

Устоз иқтисодчиларнинг фаол намояндаларидан бири сифатида илмий муҳитда ўзининг алоҳида ўрнига эгадир.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович-нинг меҳнат фаолияти ҳақида сўз юритилганда серқиррали илм соҳиби, катта ташкилотчи ва юксак маънавиятли инсон сифатида гапиргим келади. Чунки Менинг кўз олдимда у киши шундай гавдаланади. Қатор йиллар давомида масъул лавозимларда ишлаш билан бирга, талабаларга таълим бериш сифатини оширишга, талабаларнинг ўз мутахассислигини эгаллашларига ва маънавий етук бўлишлари учун ўз меҳнатларини аямайдилар. Бу ҳақда устоз билан бирга фаолият юритаётган ҳамкасларининг фахрланиб эътироф этишлари ҳақиқатдир. Бундай муваффақиятлар устоздаги илм-фан, тафаккур, маънавият каби мужассам бўлган хислатлар тўпламининг мавжудлигидандир.

Таъкидлаш жоизки, Искандар Суюнович бугунга келиб мамлакатимизда иқтисодиёт фанини ривожланиши учун улкан ҳиссанни қўшган ва қўшиб келаётган ардоқли олимларимизданdir.


Устоз бугун табаррук 70 ёшларини қаршилаяпдилар. Муҳтарам Искандар Суюнович, сизни ушбу табаррук ёш билан чин қалбимдан табриклайман. Сизга ва оила аъзоларингизга узоқ умр, соғлик ва саломатлик, тинчлик, хотиржамлик, бахту-саодат, илмий ва ижодий ишларингиз ривожига улкан ютуқлар тилайман. Фарзандларингизнинг бахту камолини кўриб юришдек саодат насиб айласин.

Мен гапимнинг охирида устозим Мамаюнус Пардаевнинг бир гапини келтирмоқчиман: “Олим дунёни кўрмаса ҳам, дунёни анлайди, бугун яшаб туриб, узоқ ўтмишни инсоният тарихини билади, одамларнинг бугунини кўриб, келажаги ҳақида тасаввурга эга бўлади”. Демак инсон нимани тасаввур қилса, шуни билади, шунга эгалик қиласи. Олим оламни, унинг ўтмиши, бугуни ва келажагини билади, демак олам олимникидир. Мен Искандар

Суюновични олам Сизники, дея оламан. Чунки у хаёлан дунёни сайр қилиб, турист сифатида ер құррасини “кезган” инсон.

•••✿•••

Хаёт бу ҳаяжон, инсон ҳар қанча үзини босиб олган ва мuloҳазали бўлмасин, баъзан ҳаяжонга берилиши ҳам табиий...



Назарова Фотима Хакимовна
*Иқтисодиёт фанлари доктори, Тошкент молия
институти «Менежмент» кафедраси
профессори*

ИЛМДА ТОБЛАНГАН ОЛИМ

70 ёш босиб ўтилган умр йўлини баҳолаш ва сархисоб қилиш учун энг чиройли чўққидир. Профессор И.С.Тухлиевнинг сермаҳсул ҳаёт йўли Ватанга хизмат қилишнинг энг ёрқин намунаси деб хисоблайман.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти нафақат республикамиизда, балки хорижда ҳам үзининг етук, жонкуяр олимлари билан танилган олий таълим масканидир. Таълим муассасининг илмий салоҳиятини оширишда ҳамда мамлакатимиз ривожи учун етук кадрлар тайёрлашда профессор И.С.Тухлиевнинг хизматлари бекиёс.

Профессор И.С.Тухлиевнинг мамлакатимизда илм-фанинг ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳам таҳсинга лойиқдир. У кишининг самарали ва серқирра илмий фаолияти ёш тадқиқотчиларга намунадир. Профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигида 15 га якин номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. У киши томонидан яратилган монография, ўкув қўлланма ҳамда дарсликлар мамлакатимизда туризм соҳасида етук мутахассис кадрлар тайёр-лашда хизмат қилиб келмокда.

Ҳозирги кунда профессор педагогик фаолият билан бир қаторда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришда ҳамда соҳа ривожида юзага келаётган муаммоларни бартараф

этишга қаратилган бир қатор илмий лойиҳалар ва илмий тадқиқотларга раҳбарлик қилиб келмоқда. У кишинг туризм соҳасидаги илмий тадқиқотлари Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида туризм хизмат-лари улушини ошириш учун хизмат қиласи.

У киши билан сұхбатда бўлганимда олимнинг жонкуярлигига, билимлилига ҳамда юксак маънавият соҳиби эканлигига, барчага ўрнак бўлувчи олим эканлигига яна бир бор шоҳид бўлдим.

У кишининг ҳаёт тажрибасига таяниб теран фикрлаши, мамлакатимиз ривожи учун жон беруб меҳнат килиши ҳамда шогирдларидан ҳам Ватан учун шундай жонкуярликни талаб қилиши таҳсинга лойиқдир. Профессор И.С.Тухлиев ўзининг касбига содиқлик билан ҳамда масъулият билан ёндашадиган олим сифатида бошқалардан ажралиб турди.

Ушбу муборак айём билан профессор И.С.Тухлиевни табриклар эканман, у кишига мустаҳкам соғлиқ, оилавий баҳт ҳамда илмий ҳаётида барака тилаб қоламан!

•••*•••

Ҳаёт бу баҳт, аммо баҳт бойлиқда эмас, зеро миллиард миллиард пули борлар эҳсон қилмасдан, ҳожга бормасдан, бирор марта бошини саждага қўймасдан ўтиб кетади. Аллоҳ буюрганини қилмаган одамларнинг ажри нима бўлиши факат Ўзгагина аён.

•••*•••

Ҳаёт бу қийинчилик, зеро қийинчилик кучлини кучли, заифни янада заиф қиласи.

•••*•••

Ҳаёт бу аёл гўзаллиги, агар тикувчиси зўр бўлса.

•••*•••

Ҳаёт бу вақтинча, лекин тан олгимиз келмайди.

•••*•••

Ҳаёт бу пойга, лекин аёл билан эмас.

•••*•••

Ҳаёт бу заифлик, бу аёлларгагина хос деб ўйламанг.

•••*•••

Ҳаёт бу гумон, бу қўпроқ аёлларда бўлади.

•••*•••

Ҳаёт бу уялиш, агар шундай бўлмаса, ҳеч ким сесканмас эди.

•••✿•••

Ҳаёт бу одобсизлик, чунки ҳамиша ҳам андозадагидай иш қилавермайсизда.

•••✿•••

Ҳаёт бу қувонч, зеро бу ўзингизга боғлиқ.

•••✿•••

Ҳаёт бу яшашдир, аммо сенинг билишинг керак бўлсаю, билмасанг сени азоблайверади. Бироқ, сенданда кўпроқ биладиган инсон билан яшаш янада қийинроқ.



Алиева Махбуба Тойчиевна
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Туризм ва сервис” кафедраси доценти
иқтисодиёт фанлари доктори*

Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институти “Туризм” кафедраси профессори Искандар Суюнович Тухлиев билан 2006 йилдан бери бугунги кунгача ҳамкорликда иш олиб борамиз. 2006 йилда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасига мудир этиб сайланди. 2007 йилда янги очилган йўналиш бўлганлиги сабабли, кафедрада ўқитиладиган фанларнинг бирортаси бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар йўқ эди. “Туризм (халқаро ва ички туризм)” ҳамда “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” мутахассисликлари бўйича ўқитиладиган барча фанлар бўйича ҳамкорликда ишлар олиб бордик.

Професор И.С.Тухлиев кафедрадаги мавжуд масалаларни ечишда ўз атрофига ёш изланувчан ва иқтидорли ходимларни тўплади ҳамда улар билан илмий тадқиқот ишларини олиб бориши туфайли, 2007 йилда туризм соҳасида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари бўйича Республика даражасида ўтказилган танловнинг ғолиби бўлди, 2007-2011 йиллар мобайнида ДИТД ОТ-7Ф-130 «Туризм хизматлар бозорининг ижтимоий-иқтисодий

механизмини модернизациялаш» мавзусидаги фундаментал грантга раҳбарлик қилди.

Мамлакатда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаол иштирок этиб келмоқда. Олий таълимдан кейинги таълим бўйича ҳам муносиб хизматлари бор. Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институти докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигида 1 нафар фан доктори, 8 нафар фан номзоди ҳамда PhDларга илмий раҳбарлик қилди ва улар муваффақият билан диссертацияларини ёқлаб, ЎзР ОАК дан тасдигини олдилар. Бугунги кунгача бир қанча фан докторлари ва фан номзодларига оппонентлик қилиб, уларнинг илмий ишларига холис баҳо бериб келмоқдалар.

Ҳозирги даврда профессор Искандар Тухлиев Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Туризм” кафедраси профессори, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари билан машғул бўлган етакчи олимлардан бири сифатида хизмат қилиб келмоқдалар.

Замонамизning йирик олимларидан бири меҳнаткаш, мард ва олижаноб, камтарин, хурматли устозимиз Искандар Тухлиевни 70 ёшга кирганлари билан чин кўнгилдан табриклаймиз ва ижодий баркамоллик, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оиласвий баҳт тилаймиз. Узоқ йиллар давомида илм йўлида хизмат ва маслаҳатларини аямай, етук мутахассислар ва шогирдлар тайёрлашда куч-қувват тилаймиз.

...*...

Ҳаёт бу баҳона, ўзига бефарқ бўлиб, дангаса бўлса, баҳона куршовида қолади, бундайлар ҳаётини баҳона билан ўтказади.

...*...

Ҳаёт бу шоҳона, ҳаётни қандай тасаввур қилишингизга боғлиқ, моддий бой бўлиб маънавий қашшоқ одамнинг кўзи оч бўлади. У қанча молу-мулки бўлмасин ҳамиша камдек туюлаверади. Маънавий бой киши борига шукур қилиб шаҳона яшайди.

...*...

Ҳаёт бу жиннихона, чунки ҳар бир инсон жинлар қуршовида. Уни ёнингиздан ҳайдасангиз паришталар эгаллаши мумкин. Бўлмаса ҳақиқий жиннихона.

•••✿•••

Ҳаёт бу қисмат, чунки тақдирда нима ёзилган бўлса, шуни кўрасиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу хизмат, яшашнинг ўзи умр бўйи хизматдан иборат. Кимдир хўжайиннинг айтганини қилса, кимдир, Парвардигорнинг айтганини қилиб хизмат қиласи. Саодатли одамлар иккаласини ҳам бажаришга улгуради.

•••✿•••

Ҳаёт бу баҳт, зеро, ҳамма асосан баҳтли бўлиш учун яшайди.

•••✿•••



Санъатбек Салаев
*Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор*

ИЛМ-ФАН ФИДОЙСИ, ЎТА МАСЪУЛИЯТЛИ ИНСОН

Илмий тадқиқот ва педагогик таълим-тарбия, ишлаб чиқариш ва амалиёт соҳалари ўзига хос мураккаб ва нисбатан мустақил иш турлари ҳисобланади. Бугунги кунда ўзининг амалиётда олган бой тажрибасини, илмий ва педагогик соҳадаги фаолиятини биргаликда уйғун олиб бораётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг турли бўғинларида нималар содир бўлаётганлигини чукур англайдиган, педагогик маҳорати юқори бўлган устоз-мураббийлар, етук олим, педагог ва амалиётчилар жуда ҳам кўп эмас. Дарҳақиқат, ушбу муҳим соҳа ва йўналишлар бўйича фаолият олиб борадиган инсон-лар ҳар бир йўналишнинг ўзигагина хос бўлган мураккаб ва нозик жиҳатларини билиши учун юксак даражада интеллектуал салоҳият, жуда ўткир зеҳн ва катта заковатга эга бўлишлари лозим.

Мана шундай инсонлар қаторига чукур амалий, илмий-назарий, ташкилий-услубий йўналишларда ўзига хос бой малака ва

тажрибага эга бўлган иқтисодчи олим, профессор Искандар Суюновични киритиш мумкин. Устознинг илм-фан йўлида ёшларга нисбатан талабчанлиги, ўз устида тинимсиз меҳнат қилиш каби ўзига хос олийжаноб жиҳатларга эга бўлган илмий ва педагогик фаолиятини мисол келтирса, ўринли бўлади, деб ҳисоблайман.

Республикамида иқтисодиёт фани йўналишлари бўйича салмоқли фаолият юритиб келаётган профессор И.С.Тухлиев илмий фаолиятида Россия ва ЎзРФА Иқтисодиёт институтида шаклланган илмий мактабдаги салоҳиятли иқтисодиёт илмий муҳитининг таъсирини бугунги кундаги миллий иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида илм-фан йўналишидаги самарали меҳнатида кузатиш мумкин, деб ўйлайман. Чунки, айнан ушбу илмий мактабда йирик иқтисодчи олимлар бевосита раҳбарлигидаги амалга оширилган илмий-амалий, услубий муаммоларни ҳал қилиш бўйича тажриба, тадқиқотларда тобланган, катта мактаб кўрган профессор И.С.Тухлиев илмий фаолиятида ва бугунги кунда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида шакллантирилган илмий мактабда қўриш мумкин деб ҳисоблайман.

Истиқлол йилларида профессор И.С.Тухлиевнинг мақсадли комплекс инновацион минтақавий дастурларни, фундаментал ва амалий илмий тадқиқот ишланмаларини ишлаб чиқиши, амалиётга жорий қилиш, ўнлаб тадқиқотчиларнинг номзодлик ва докторлик ишларига раҳбарлик қилиш, илмий котиб сифатида ёш тадқиқотчи, докторантларнинг номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя босқичларига олиб чиқишгача бўлган ўта масъулиятли босқичларда уларга ўз фарзандларидек ташкилий-услубий, меъёрий ёрдам кўрсатиш борасида олиб борган фаолияти ҳам юқорида келтириб ўтган фикр-мулоҳазаларимизни яна бир исботлайди.

Айниқса, профессор И.С.Тухлиевнинг Самарқанд вилоятида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилиш, вилоятга хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш мақсадида ташкиллаштирган симпозиумлари, қимматли қоғозлар биржасини шакллантириш ва ривожлантириш борасида олиб борган ишлари ҳам катта аҳамиятга эга.

Профессор И.С.Тухлиевнинг ташаббуси билан очилган бакалавриат ва магистратура таълим йўналишлари, ўқув жараёни

учун тегишли фанлар бўйича ўқув дастурлари ва ўқув режаларини тайёрланганлиги ҳамда таълим жараёнларига тадбиқ қилинганлиги устознинг олий таълим тизими ўқув-педагогик жараёнидаги катта тажриба ва малакага эгалигининг яна бир исботидир.

Устознинг бевосита илмий раҳбарлигига 20 га яқин ёш тадқиқотчи, докторантларнинг ўз илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилганлиги ва тадқиқотлар олиб бораётганлиги, 300 дан ортиқ илмий мақолалар, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмаларнинг нашр этилганлиги кўп йиллик илмий-педагогик фаолиятининг салмоқли ютуқларидан деб ҳисоблайман.

Хурматли Искандар Суюнович, Хоразм вилояти илм-фан аҳли ва ижтимоий соҳа вакиллари, шунингдек, ўзим ва оила аъзоларим номидан Сизни таваллуд айёмингизнинг 70 йиллиги билан самимий табриклайман! Сизга Самарқанд иқтисодиёт мактабининг ёрқин намояндадаридан бири сифатида мустаҳкам соғлик, узоқ йиллар илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда улкан муваффақиятлар, доимо эл-юрт ҳурматида бўлишингизни истаб қоламиз!



Бахтиёр Ҳўжаёров
*Самарқанд давлат университети
“Математик моделлаштириши” кафедраси
мудири, ф.-м.ф.д., профессор*

ОЛИМУ УСТОЗУ МУРАББИЙ

Етук олим, ёшларнинг меҳрибон мураббийси, устози, фан ва олий таълим ташкилотчиси, профессор И.С.Тухлиев ўзининг муборак 70 ёшини нишонлаяпти. Кўп йиллар мен у киши билан биргаликда ҳаммаслак бўлиб, ҳамжиҳатликда ишлаганман ва бу тўйи билан табриклаб турганимдан бениҳоя баҳтиёрман.

1992-1993 йилларда академик А.Қ.Отахўжаев, академиянинг мухбир аъзолари Э.Ҳ.Эргашев, Т.Ш.Ширинқулов (улар ҳам кейин академик бўлишди), Самарқанддаги бир қатор фидойи олимлар

Самарқандда Ўзбекистон Фанлар академиясининг минтақавий бўлимни ташкил этиш бўйича республика раҳбариятига асоснома тайёрлаш ишларини олиб боришиди. Шу пайтларда академиянинг Самарқанд Илмий маркази фаолият олиб борар ва унга И.С.Тухлиев раҳбарлик қилар эди. Ана шу жараёнга мени ҳам Т.Ш.Ширинқулов “буёққа кел”, деб жалб қилдилар. Бўлимни ташкил этиш осон кечган эмас. Эсимда бор, И.С.Тухлиев билан асоснома хатларни бир неча маротаба қайта ва қайта тузишга ва Тошкентга жўнаташибга тўғри келган. Нихоят, 1993 йил июнь ойида Самарқандда академиянинг минтақавий бўлими очилди, унинг таркибига Самарқандда фаолият олиб бораётган Археология институти киритилди ва яна бир – Минтақавий муаммолор комплекс илмий-тадқиқот институти (ММКИТИ) ташкил этилди.

Бўлим раиси этиб Т.Ш.Ширинқулов тайинланди, И.Тухлиев бўлимнинг Бош илмий котиби бўлди, мен ММКИТИ директори ўринbosари ва бўлим раиси ўринbosари бўлдим. Мана шу даврдан бошлаб И.Тухлиев билан қатор йиллар ёнма-ён ишлашдик. Эсимда бор, дастлабки даврда бўлимда И.Тухлиев Илмий марказдан олиб келган бир неча стол ва стуллардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Ҳаммаси кейин узлуксиз елиб югуришлар билан ташкил этилди. Мана шу оғир ташкилий жараёнда И.Тухлиев ўзини фидойи меҳнати билан намоён қилди. Раисимиз Т.Ш.Ширинқулов, жойларини жаннатдан ато қилган бўлсин, мард, танти, жасур, гапининг устидан чиқадиган инсон эдилар. Шунинг билан бир вақтда, агар иш яхши кетмаётган бўлса, гап учун чўнтак кавлаб ўтирмас эдилар, аччиқ, нордон ва ундан ҳам оғирроқ гапларни қаторлаштириб ташлар эдилар. Албатта, бу гаплар бизнинг ўзимизга қаратилмас эди, ҳаммаси ишни ўнглашга қаратилиб айтилар эди. Мана шундай вазиятларни ҳам Искандар Суюнович билан бирга ўтказганимиз. Ўша пайтда И.Тухлиев жуда қаттиқ меҳнат қилар эди, кун бўйи бўлимнинг ташкилий ишлари, кечқурун эса ишда қолиб ўзининг илмий иши билан машғул бўлар эди.

Ўйлайманки, И.Тухлиевнинг бўлимда самарали ишлашига унинг илмий йўналиши ва тадқиқотлари асосида олган илмий хulosалари ҳам катта аҳамият касб этган эди. Унинг докторлик диссертацияси мавзусига эътибор қаратинг: «Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Фарбий минтақасида илмий-техник салоҳиятдан фойдаланиш механизми». Айнан, минтақадаги илмий қучларни

бирлаштириш, уларга ишлаш учун тегишли шароит яратиб бериш, минтақа учун долзарб муаммоларни аниқлаш, уларнинг илмий ечимларини топишга қаратилган тадқиқотларни йўлга қўйиш, тадқиқотларни мувофиқлаштириш, иш боришини мониторинг қилиш каби бир қатор ишлар бўлимда олиб борилди. Бўлим қошидаги ММКИТИда бир неча йўналишларда аспирантура ва докторантура очилди, уларда кўплаб илмий кадрлар тайёрланди. Умуман, бўлимда 1993-2012 йилларда бажарилган ишлар тўғрисида маълумотлар жамланиб, бир сарҳисоб қилинган эмас. Шу ишларда бевосита иштирок этган киши сифатида шуни аниқ айта оламанки, жуда кўлами катта ишлар амалга оширилди. Фурсати етганда бу ҳақда бирор бир нарса ёзилар, деб умид қиласман. Мана шу ишларнинг барчасида И.Тухлиев Бош илмий котиб сифатида ишлаган йилларида иштирок этган. Умуман, шу Бош илмий котиблик лавозими жуда баракали лавозим экан шекилли, И.Тухлиевдан кейин шу лавозимни эгаллаган учта ходим фан доктори, профессор бўлди (Ш.С.Сирожиддинов, А.А.Абду-самадов, Д.Б.Ўринбоева).

И.Тухлиевнинг атрофида кўплаб шогирдлар тўпланишган, улар ҳам устозидан маслаҳатларни олиб, самарали тадқиқотларни олиб боришмоқда. Тайёрлаган илмий кадрларининг сони ҳам анчагина катта рақамни ташкил этади. Шогирдларининг тилидан И.Тухлиев тўғрисида меҳрибон устоз деган гапни эшитасиз. Мана шу гапнинг ўзи инсонга берилган катта баҳодир.

Бугун ўзининг муборак 70 ёшини қаршилаётган И.Тухлиевга барча эзгу истакларни изҳор этишни истайман. Соғ-саломат бўлиб, шундай етук олим, устоз, мураббий бўлиб қолишиларини тилайман. Республикализнинг фани, таълимини ривожлантириш йўлида сўнмас куч-қудрат тилайман.

•••✿•••

Ҳаёт бу ҳавас, яхши одамлар яхшилардай бўлиш истаги.

•••✿•••

Ҳаёт бу вақт, чунки бу ҳар бир инсонга Аллоҳдан ўлчаб берилган. Буни ҳеч ким тортиб ола олмайди. Чунки уни Худо берган. Аммо афсуски, унинг қадрига ўзимиз етмаймиз. Уни бесамар совурамиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу нақд, чунки борига эгасиз.

...*...

Ҳаёт бу меҳр, чунки уни кимгадир улашасиз, кимлардир Сизга улашади. Шу туфайли меҳр қуршовида бўлади. Бундайлар ҳаётни меҳр деб тушунади.

...*...

Ҳаёт бу сеҳр, ўйламаган кутмаган нарсалар содир бўлганда шундай ҳис қилади одам.

...*...

Ҳаёт бу қаҳр, чунки ноҳақликлар ҳам Сиздан узоқда эмас, буни кўрганда пайдо бўладиган туйғу.

...*...

Ҳаёт бу ҳижрон, чунки ҳаётда нималарнидир топамиз, нималарнидир йўқотиб борамиз, айнан шу ҳолат ҳижрон туйғусини уйғотади.

...*...

Ҳаёт бу армон, чуну бирор нарсага эришишни хоҳлаймиз, аммо ҳаракат қилмаймиз, армон билан яшаб юраверамиз.

...*...

Ҳаёт бу арzon, чунки биз уни қадрламаймиз.

...*...



Исройлов Боҳодир Ибрагимович
*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Юристлар малакасини ошириши Маркази
“Ижтимоий фанлар ва психология, юридик
этика” кафедраси мудири, и.ф.д, профессор.*

ҲАЁТ ТАСОДИФЛАРИ

Ёшлиқдан “Ҳаёт тасодифларга бой”, деган иборани кўп эшитиб улғайган авлод вакилларимиз. Менга Тухлиев фамилияси ёшлигимдан таниш ва фикри-шууримга ўrnashgan эди. Чунки Искандар Суюновични дадалари Суюн Тухлиевич (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) Сирдарё вилояти Ховост туманига

биринчи котиб бўлиб сайлангунча бизнинг Оқдарё тумани партия қўмитаси котиби бўлиб ишлаган. Ушбу даврда у киши билан бирга ишлаган менинг раҳмат-ли амакиларим оиласиз даврасида ибратли ва маданиятли раҳбар сифатида Суюн Тухлиевични кўп эслаб туришар эди. Шу боис бизнинг оиласизда Тухлиевларга нисбатан яхши фикр ёшлигимиздан шаклланган.

Ҳақиқатдан ҳам ҳаётни тасодифларими ёки олий бошқарувчининг ҳукми биланми мени ҳеч кутилмагандан Искандар Суюнович билан 2000 йиллардан сўнг устозим Мамаюнус Каршибаевич сабабли шахсан танишдим. Юқорида таъкидлаганимдек, бу тасодифми ёки олий бошқарувчининг ҳукмими, ёшлик хотира-ларим сабабми 20 йилдан буён Искандар Суюнович билан доимий ҳамкормиз. Ўтган йилларда давомида Искандар Суюнович билан қадрдонлик ва самимий муносабатларимиз давом этиб келмоқда.

Кўп йиллик Фанлар академияси соҳасидаги фаолияти натижа-сида ортирган илмий тажриба бугунги кунда Искандар Суюновични мамлакатимиз илм фанини ривожланиши йўлида самарали хизмат қилишига сабаб бўлмоқда. Шу боис Искандар Суюнович бугун мустақил Ўзбекистонда туризм иқтисодиёти бўйича шаклланган Самарқанд мактабининг йирик дарғаларидан бири ҳисобланади. Олимнинг меҳнати ва сайъи ҳаракатлари натижасида туризм иқтисодиёти ва маркетинги бўйича бугун юзлаб ёш олимлар Самарқанд мактабидан етишиб чиқди.

Илм ахлининг қалами ва ижоди йиллар ўтиб олим билан бирга ўткирлашиб, ўзига хос мазмунда ривожланиб боради. Искандар Суюновичнинг илмий ижоди маҳсуллари билан танишиб, ушбу ақиданинг мантиқли эканлигини ҳис қиласиз. Ҳозирда олим педагогик фаолият билан бирга Ўзбекистон туризмини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида бир қатор илмий лойиҳалар ва илмий тадқиқотларга раҳбарлик қилиб келмоқда. Искандар Суюновичнинг туризм соҳасидаги илмий тадқиқотлари Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида туризм хизматлари улушини ошириш учун хизмат қиласи.

Искандар Суюновичнинг Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти раҳбаријати ва профессор-ўқитучилари билан ҳамкорлик-лари сайъи ҳаракатлари туфайли бугун институт қошида хизмат кўрсатиш йўналиши иқтисодиёти бўйича доимий фаолият кўрсата-ётган Илмий Кенгаш кўплаб ёш олимларни етиштириб чиқаришга хизмат қиласиз.

Ушбу муборак кунларда Искандар Суюновични қутлаб, илмий ижоди ва умрига барака тилайман.

Ҳаёт бу бойлик, чунки, аксарият одамлар табиатида факат бойликтин тўплаш ташвиши устуворликни ташкил қиласди.

Ҳаёт бу ойлик, чунки у тизимли моддий таъминот.

Ҳаёт бу соғлик, чунки у ҳаётнинг мазмуни ва инсонларнинг мақсади.

Ҳаёт бу китоб, унинг саҳифасида қувонч ва изтироб, тарих ва бугун, зафар ва мағлубият, қўйингки, ҳама ҳаммаси ёзилган.

Ҳаёт бу изтироб, эришмаганингизга куйинаверсанги, изтиробдан бошқа нарса эмас.

Ҳаёт бу хитоб, яхши бўл деб даъват қилинади, аммо бу ҳаммага ҳам ёқавермайди.



Абдумалик Бектемиров
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти “Банк иши” кафедраси мудири,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент*

ИЛМГА ЙЎҒРИЛГАН ҲАЁТ

*Вақт сўндиради эҳтиросларни,
Ёшликни юлқилаб қочар омонсиз.
Чангдек учар, инсон из солмаса,
Инсон ном бермаса – ўтади номсиз*

(A.Мухтор)

Дастлабки танишув. Менинг Искандар Суюнович Тухлиев билан илк танишишим 1970 йилларнинг охирларига, аниқроғи 1978 йилнинг ёз ойларига тўғри келади. Мен Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг учинчи курсини битириб, Бахмал туманидаги қурилиш ташкилотларининг бирида ёзги амалиётни ўтаётган эдим. Ўша пайтда Тухлиевлар оиласи Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида яшар эди, биз эса Бахмал туманинг Ўсмат шахарчасида. Ўша ёзда Тухлиевларнинг бир гурӯҳ оила аъзолари - оила бекаси Каромат ая (раҳматлик), Искандар Суюнович, укаси Баҳриддин Суюнович (раҳматлик) сингиллари ва турмуш ўртоқлари билан бирга Бахмалга (Ўсматга) оиласизга меҳмонга келишган эди. Меҳмонлар билан бирга бўлиб, сұхбатлашиш мобайнида, уларнинг нималарга қизиқишиларини билиб олиш учкалик мураккаб бўлмади. Ўшанда Искандар Суюновичнинг табиатга бефарқ эмаслиги сезилиб туради. Баҳриддин ака (раҳматлик) эса ўзининг сўзга усталиги ҳамда пазандалиги билан ҳаммани лол қолдирган эди. Бугун ўша кунлар ҳаётимнинг тарих саҳифаларидан бирига айланиб қолди.

Тақдир йўллари. Искандар Суюнович билан кейинчалик унча кўп учраша олмасакда, 1997 йилда яна бир марта яқиндан учрашиш насиб этди. Бу сафарги учрашувда Искандар Суюнович Тухлиев Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг “Қурилишни ташкил этиш ва бошқариш” кафедрасида ўзининг Ўзбекистонда илмий-техника тараққиёти иқтисодиётини бошқариш, ташкил қилиш ва режалаштириш борасидаги кўп йиллик илмий изланишларининг мантиқий натижаси сифатида «Ўзбекистон Республикаси Жанубий Ғарбий минтақасида илмий-техник салоҳиятдан фойдаланиш механизми» мавзусидаги докторлик диссертациясининг дастлабки муҳокамадан ўтказган эди. Бу пайтда мен шу кафедрада доцент вазифасида ишлар эдим. Кафедра хулосасига кўра, Искандар Суюновичнинг докторлик диссертацияси келгуси босқич ҳимоясига тавсия этилди ва 1997 йилда уни муваффақиятли ҳимоя қилиб, иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди.

И.С.Тухлиев ҳаёт йўлига назар ташласангиз беихтиёр унинг жуда кўп лавозимларда муваффақиятли фаолият юритиб келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Олий маълумот олгандан кейинги катта ҳаёт йўли «Ўзгўштсурсаноати» вазирлиги қошидаги Марказий лойиҳалаштириш ва конструкторлик бюросида оддий

муҳандис (1974-1976 йй.), ЎзРФА иқтисодиёт институтининг аспиранти (1976-1980 йй.), шу институтнинг кичик, сўнгра катта илмий ходими (1980-1985 йй.), ЎзРФА Самарқанд Илмий маркази бўлим мудири, марказ бошлиги (1985-1993 йй.), ЎзРФАнинг Самарқанд вилоят бўлимининг бош илмий котиби (1993 й.), ЎзРФА Иқтисодиёт институтининг бўлим бошлиги (1994 й.), 1997 йилда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт Миллий суғурта компаниясининг Самарқанд шўъба корхонаси директори (1997 й.), Самарқанд вилоят ҳокимлигининг давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиги (вилоят ҳокимининг ўринбосари) (1998-2002 йй.), Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Кўмитаси бошқармаси бошлиги (2002-2003 йй.), Тошкент давлат техника университети “Иқтисодиётда ахборот тизимлари” кафедраси профессори, “Маркетинг” кафедраси мудири (2003-2005 йй.), Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси мудири (2006-2018 йй.), шу кафедра профессори (2018 йилдан ҳозиргача).

Ишонч ва масъулият. Искандар Суюновичнинг Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтидаги фаолияти даврида амалга оширган ишлари айниқса, таҳсинга сазовордир. Маълумки Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти 2004 йил Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 26 марта 144-сон қарорига асосан собиқ Кооператив институти базасида ташкил этилди. Институт ташкил этилган вақтда айрим янги очилган туризм менежменти, туризм маркетинги, аҳоли ва туристларни овқатлантиришни ташкил этиш каби бакалавриат таълим йўналишларининг факатгина тасдиқланган ўқув режаси бор эди холос. Институт жамоаси олдида жуда катта масъулиятли вазифа турар эди. Бу яна янги таълим йўналишларини очиш ва уларнинг ўқув жараёнини ташкил этиш учун ўқув меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлашдан иборат, анчайин мураккаб ва жиддий масала эди. Худди шунинг учун ҳам 2006 йил и.ф.д., профессор И.С.Тухлиев институтнинг “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси мудири этиб тайинланди. Бунинг учун сервис тизими билан боғлиқ бўлган соҳанинг Олий таълим бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари классификаторида йўқлиги анча мавҳумлик туғдирар эди. Тезда институт раҳбарияти ҳамда Искандар Суюновичнинг

таклифи билан классификаторга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ) томонидан маъқулланди ва тизимли ўзгартиришлар киритилди. Бунга асосан классификаторга киритилган хизматлар соҳаси таълим йўналишларининг комплекс меъёрий-хукукий хужжатлари (давлат таълим стандартлари (ДТС), ўқув режалар, фан дастурлари) унинг раҳбарлигига тайёрланди ва такомиллаштирилиб борилди. Ўша вактда таянч олий таълим муассаси сифатида янги таълим йўналишлари бўйича давлат таълим стандартлари (ДТС), ўқув режалар, фан дастурларини яратиш анчайин мушкул иш ҳисобланар эди. Сабаби бу вактда ахборот алмашинув жараёни замон талабларига тўлиқ жавоб бера олмас, ахборот коммуникацияси тизими (АКТ) унчалик ривожланмаган, АКТ ускуналарига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш имконияти етарли эмас эди. Ана шундай шароитда И.С.Тухлиев ва унинг бир гуруҳ шогирдлари бу вазифани муваффақиятли уddaladi.

Шу вазифаларни бажариш жараёни билан боғлиқ бир воқеа эсимда қолган. Ўқув жараёнини такомиллаштиришда хориж тажрибасини ўрганиш мақсадида 2006 йил декабрь ойида мен, тадбиркорлик ва молиявий ишлар проректори А.Х.Ходжаев ва кафедра мудири И.С.Тухлиев Москва шахрига хизмат сафарига борган эдик. Хизмат сафари давомида Туризм ва меҳмонхона-ресторан бизнеси Москва академияси, Туризм ва меҳмонхона менежменти халқаро институти, Москва давлат сервис университети ректорлари билан туризм таълим йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув жараёнининг дастур ва режалари билан ўзаро тажриба алмашиш бўйича ҳамкорлик шартномалари тузилди. Профессор И.С.Тухлиевнинг ушбу таълим даргоҳларининг прорек-торлари билан қўшма илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, аспирантлар тайёрлаш, уларнинг илмий журнал ва тўпламларида мақолалар чоп этиш ҳақидаги жўяли таклифлари мезбонларда катта таъсурот қолдирди ва келишиб олинди. Талabalарни ўқитиш учун университет кутубхоналардаги сервис ва туризмга доир адабиётлардан ва ўзлари нашр қилган дарслик, ўқув қўлланма ҳамда таълим йўналишларининг фанлар бўйича ўқув-методик мажмуаларнинг электрон версиялари олиб келинди. Асосий вазифалардан яна бири бу ўқув адабиётлардан

намуналар олиб келишдан иборат эди. Москва шаҳрининг барча китоб расталаридан, айниқса, Арбатдаги китоблар олами магазинидан СамИСИ кутубхонаси учун ўта зарур бўлган, ноёб хорижий ва рус тилидаги китобларни харид қилдик. Янги таълим йўналишлари учун зарур бўлган китобларнинг барчасини олгимиз келар эди. Айниқса Искандар Суюнович кўрган китобини олмасдан қўймасди. Олган китобларимизнинг сони 200 тадан ошди. Шу билан барча маблағларимиз тугаган эди. Аэропортдан Самолётга чиқишимизда бизнинг юкларимизнинг умумий оғирлиги меъёрдагидан қарийб икки ярим баробар оғир келди. Натижада диспетчер юкларимизни самолёт юкхонасига ўтказишга рухсат бермади. Кўшимча ҳақ тўлаш керак экан. Маблағ эса тугаган. Шунча китоб... Мен ҳам, Искандар Суюнович ҳам нима қилишимизни билмай қолдик. Лекин ҳар иккаламизда ҳам “ортиқча харид қилибмизда” деган фикр ҳаёлимизга келмаганини самолётга чиқ-қанимизда билиб олдим. Яхшиям бизни кузатаётган ўртоғимизнинг етарли даражада маблағи бор экан. Жонимизга аро кирди. Харид қилинган 200 дан ортиқ китоблар маҳсус багаж орқали Самарқанд шаҳрига етказилди. Берилган топшириқ бажарилди. Шундан сўнг институтга ахволни ўрганиш мақсадида Президент аппарати, Вазирлар Маҳкамаси ва Олий таълим вазирлигидан ташриф буорган раҳбарларда бу келтирилган ўкув адабиётлари катта ижобий таассурот қолдирди.

“Устоз” сўзининг салмоғи. Ўзига талабчанлиги туфайли И.С.Тухлиев мاشаққатли илм-фан йўлини танлади ва иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасига, профессор илмий унвонига эга бўлди (1997 й.). Унинг илмий ишлари Ўзбекистон илм фанига салмоқли ҳисса қўшди десак муболаға бўлмайди. Тўғри, у турли лавозимларда фаолият кўрсатса-да, илм олишда, етукликка эришиш йўлида астойдил шуғулланди. Шундан бўлса керак, у бошқарув амалиётида ишласа-да, ўқитувчилик фаолиятини тарк этмади.

Менинг назаримда, ўқитувчи нафақат ўз соҳасининг етук мутахассиси, балки маънавияти юксак, эътиқоди бутун, дунёқараши кенг, бугунги ўзгаришлардан доимий боҳабар бўлиб борадиган инсон бўлиши керак. Чунки миллат тақдирни ана шундай устоз-мураббийларга жуда-жуда боғлиқлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Искандар Суюнович ана шундай ҳислатларга эга бўлган инсон.

Инсоннинг етук мутахассис сифатида эътироф этилиши, унинг ўз соҳасида ўз фикрига, илмий тенденцияларига, қолаверса ўз мактабига эга бўлиши билан боғлиқ. И.С.Тухлиевнинг илмий ишлари мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак иқтисодиёт тармоқларини илмий асосда бошқариш билан биргаликда иқтисодиётнинг туризм ва меҳмонхона соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган. Шу соҳада ўнлаб дарслик ва ўқув қўлланмалар унинг муаллифлигида тайёрлангалиги этиборга лойиқ. Фикр ва ҳиссиёт ҳамиша бир-бирини тўлдиради. Ҳикоямнинг биринчи қисмида айтиб ўтганимдек, Искандар Суюнович Тухлиевнинг табиатга бўлган қизиқиши ва ҳиссиёти сабаб бўлган бўлса ажабмас, бугунги кунда у республикамизда туризм соҳасининг етакчи олимларидан бири ҳисобланади. Унинг асарларида узоқ ёшликтаги фикр ва туйғу синтези акс этиб турганини сезиш қийин эмас.

Устозлик - оғир карvon. Ҳа, устозлик ҳақиқтдан ҳам оғир карvon. Уни ҳамма ҳам етаклай олмайди. Унинг учун етарлича илм, уқув, илмий ҳам ҳаётий тажриба, маънавий етуклик керак бўлади. Ана шундай ҳислатларни бекаму-кўст Искандар Суюнович Тухлиев тимсолида кўришимиз мумкин.

У чинаккам устозлик даражасига етгунча мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Ўзига талабчан инсон, бошқалардан шуни ҳам талаб қиласи. Искандар Суюнович ўз шогирдаларига (ҳоҳ у талаба бўлсин, ҳоҳ докторант) талабчан устоз бўлиши билан бирга, ўз меҳрибонлигини ҳам аямайди. Бугун қаттиқ койиса, эртаси куни уни мақтаб, кўкларга кўтаради. Бундай қобилият ҳаммада ҳам бўлавермайди. Шу боис бўлса керак унинг бугунги кунда 8 нафар шогирди фан номзоди (ёки PhD), 1 нафари фан доктори (DSc) илмий даражага эришди, яна 5 нафар шогирди илмий ишларини ёқлаш арафасида турибди. Бунинг барчаси оғир карвоннинг профессор И.С.Тухлиев томонидан муваффақиятли етаклаётганигидан дарак беради.

Вақт инсонсиз ҳеч нарса (хотима ўрнида). Инсон ҳаёти давомида маълум бир даврда қилган ишлари, бажарган амалларини сарҳисоб қилиш ва бундан кейинги даврда бажарадиган ишлар режасини тузиш учун умр босқичларига бир назар ташлаб қўяди.

Инсон дунёда янгилик ва кашфиётлар яратмасдан, оддий меҳнат фаолияти билан ҳам яшаб ўтиши мумкин. Зоро ҳар қандай

мөхнат инсонни улуглайди. Албатта бирон бир нарсани яратиш, кашф этиш ҳаммага мажбурий эмас. Бусиз ҳам яхши яшаш мумкин. У ҳолда вақт тўғрисида *Инсон ном бермаса – ўтади номсиз* деганда, адаб Аскад Мухтор нақадар ҳақли эканлигини сезамиз, биламиз, тушунамиз.

Ҳар бир инсонда турли хилдаги ички маънавий эҳтиёж мавжуд бўлади. Бу адабий асар яратиш, илмий мақола ва монографиялар ёзиш, илмий диссертацияларни ёқлаш, шу соҳада шогирдлар тайёрлаш ва ҳ.к. Бу эҳтиёжни қондиришда инсон ҳеч қачон чарчаганини сезмайди. Бу инсоннинг ўз ҳаётини мазмунан бойитиши билан бирга, уни маънавий етуклик сари етаклайди, гуллар билан безайди. Бу гулларнинг анфори эса доим тарагиб туради.

Бугун ана шундай инсон, ўзининг ички маънавий эҳтиёжини қадрлаб, бутун умри давомида уни қондириш учун мөхнат қилиб келаётган азиз ва хурматли ҳамкасбимиз Искандар Суюнович Тухлиев 70 ёшда. Мана шу давр мобойнида у бир инсон бажара олиши мумкин бўлган илмий-ижодий ва бошқарув фаолиятини намунали тарзда амалга ошириб келмоқда. 70 ёш илмий-ижодий жиҳатдан энг кучга кирган ёш ҳисобланади. Биз ҳамкаслар Искандар Суюновичдан кўпдан-кўп илмий асарлар, замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишини кутиб қоламиз.

Ҳурматли Искандар Суюнович!

Барча дўстлар қатори мен ҳам Сизни таваллуд топган кунингизнинг муборак 70 йиллиги билан чин қалдан, самимий қутлайман. Яратгандан Сизга, оиласизга соғлик-саломатлик, умрбоқийлик, илмий-ижодий ишларингизда каттадан-катта зафарлар тилаб қоламан.

•••✿•••

Ҳаёт бу фойда, агар бундай бўлмаганда кўплар яшаб ҳам ўтирумас эди.

ЁШЛАР КАМОЛИГА БАХШИДА УМР

*Агар шогирд шайхулислом агар қозидур,
Агар устоз рози-Тангри розидур.*

A.Навоий

Жонкуяр педагогнинг умри – мангу, чунки у етиштирган шогирдлар умри унга уланади. Ўқитувчи - шундай мўтабар зотки, унинг номи ҳам, умри ҳам ҳамиша боқийдир. Ўқитувчи ва мураббий! Биз барчамиз ёшимиз, касбу коримииздан қатъи назар, бу сўзларни эшитганимизда кўнглимиздан фақат илиқ фикрлару ёрқин хотиралар ўтади. Ёшлар таълим-тарбияси, талабаларни етук мутахассис этиб камолга етказишида бир неча йиллардан бери алоҳида эътибор қаратиб келаётган “Туризм” кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюнович ана шундай йўлни босиб ўтаётган инсонлардан биридир.

Профессор И.С.Тухлиев юрак тафтини ўқитувчикдек машақ-қатли ва фидокорона касбга бағишлиган жонкуяр педагог. Аллоҳ томонидан берилган умрни қандай яшаш, қандай ўтказиш ҳар бир одамнинг ўзига, онгу-шуурига, ақлу-тафаккурига боғлиқ. Аслида, инсоннинг қанча яшагани унинг лавозими ёки қанча бойлик тўплаганлиги билан ўлчанмайди. Шунингдек, эл эътиборини қозон-иш учун фавқулодда жасорат кўрсатиш ҳам шарт эмас. Ҳалол меҳнат қилиш ва самимий шогирдлар тайёрлаш билан ўлчанади инсон умр мазмуни. Талаба ёшлар ва шогирдлар билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар ҳиссини сингдириш йўлида заҳмат чеккан профессор И.С.Тухлиевга нисбатан кўнгилларида ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшамоқдалар. Ҳақиқатдан ҳам, “устоз отангдек улуғ” деб, аждодларимиз бежиз айтишмаган. Чунки, ота фарзандини дунёга келтириб катта қилган бўлса, устоз унга одамийликдан сабоқ берган. Бир машҳур зотдан, нима учун устозингизни отангиздек кўрасиз деб сўрашганида: Отам мени жисмимни тарбиялаб ерга тушишимга сабаб бўлган, устозим эса руҳимни тарбиялаб кўкка етишимга сабаб бўлди, деган экан. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори Тухлиев Искандар

Суюнович ўзи етиштирган шогирдлари учун ана шундай шарафли йўлни босиб ўтишга самарали ҳаракат қилаётган инсонлардан биридир.

У ёшлигидан илм ўрганиш, олим бўлишни орзу қиларди. Шу боис ҳам унинг фаолияти ҳозирги кунга қадар ёшларга илм-маърифат бериш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди. Аввал илмий изланиш натижалари у кишини фан номзоди, кейин эса фан доктори, профессор даражасига олиб чиқди. И.Тухлиев ўз фаолияти давомида дарслик ва ўқув қўлланмалар ва юздан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир. У киши фан номзоди ва фан докторларини тайёрлашда ҳам астойдил фаолият кўрсатиб келмоқда.

У киши ишлаб чиқариш соҳаларида етакчи мутахассис, раҳбар ходим ҳамда институтда кафедра мудири лавозимларида мувваф-фақиятли меҳнат қилди. Айниқса, қатор йиллар давомида кафедра мудири лавозимида фаолият қилган пайтларида кафедранинг ўқув, маънавий-маърифий, илмий, ташкилий ишларини талаб даражасига кўтаришга эришди. Кези келганда айтиш жоизки, Искандар Суюнович раҳбарлигидаги тайёрланган фан номзодлари ва фан докторлари бўлса ҳам ҳозирги кунда бир қатор илмий тадқиқот институтларида шунингдек, жамиятимизнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигидаги бир қатор илмий тадқиқотчилар ҳам илмий изланиш ишларини якунлашга яқин туришибди.

Дарҳақиқат, ёшлар ва шогирдлар ташвишини ўз ташвишларидан устун қўйиб келаётган, халқ маърифати йўлида тунни тонгга улаб келаётган профессор Тухлиев Искандар Суюнович - қуттуғ 70 ёшингиз муборак бўлсин! Илоҳо, фарзандларингиз ва набираларингиз баҳт-саодатини ва камолотини қўриш доимо сизга насиб этсин.

**проф. Ж.Р.Зайналов, проф.Э.Н.Ходжаев, доц. Б.Ш.Хусанов,
таянч докторант М.Хамроев ва “Молия” кафедраси жамоаси**

...*...

Ҳаёт бу ҳаё, шунга амал қилайлик биродарлар.

...*...

Ҳаёт бу зиё, буни тушунганлардан илм нури тараб туради. Шунинг учун уларни зиёлилар дейишади.

...*...

Ҳаёт бу гашт, чунки тинчлик, хотиржамлиқда лаззатланиб, унинг гаштири суриш ҳам Яратганнинг бир иноми.

•••✿•••



Ганиев Карим Барович
*Самарқанд давлат архитектура-қурилиши
институти профессори, техника фанлари
доктори*

ИЛМ ЗИЁКОРИ

Профессор Тухлиев Искандар Суюнович ўз умрларини таълим-тарбия соҳасига бағишлаган олий жаноб инсондир. Биз Искандар Суюновични иқтисодчи олим сифатида биламиз.

Биз Тухлиев Искандар Суюнович билан ўзларининг докторлик диссертациясини бажариш вақтларида танишганмиз ва шунда илмий жабҳаларда ҳамкорлик қилиб қадрдонлашиб қолганмиз.

Илм-фанга бўлган қизиқиши Искандар Суюновични фундаментал ижод билан шуғулланишга унданган, натижада, у дастлаб фан номзоди ва фан доктори каби нуфузли илмий даражаларни олишга эришди, профессор илмий унвонига сазовор бўлди.

Искандар Суюнович, аввало, олижаноб инсон. Узоқ йиллик ҳамкорлик, самимий сұхбатларимдан келиб чиқиб таъкидламоқчиманки, Искандар Суюнович профессор-ўқитувчими, талабами, зарурат туфайли хузурига келган оддий фуқароми ҳаммага хушмуомала, ширин сўз, ҳозир-жавоб, оғирми-енгилми ҳаётий муаммоларни босиқлик билан ечимини топиб рози қилишга кўмаклашувчи инсон. Инсон қадрини эъзозлашда, инсон тақдири ҳақида ғамхўрлик қилишда Искандар Суюнович кўпчиликка намунали инсон.

Мен юқорида “Илм зиёкри” дегинлигим сабаби шуки, Искандар Суюнович умри давомида амалга ошириб келаётган меҳнатлари шундай баҳони беради, чунки Искандар Суюнович

яратган мактаб унинг раҳбарлигига чиқарган ва келажакда яна чиқараётган фан номзодлари ва фан докторлари шундан далолат беради.

Айтиб ўтиш керакки, изчил, илмий асосланган, намунали ташкил этилган ўқув-услубий ишларсиз таълим жараёнининг мукаммаллигини таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, бу соҳани танлаганлардан алоҳида билимдонлик, истеъдод, сабот ва ирода, ишchanлиқ, фидойилик талаб қилинади.

Искандар Суюновичга 70 ёшга кирганларига карамай, яна ҳам олдинга қараб боришда, илмий изланишлар қилишда, ёшларга тарбия беришда куч-қувват, соғлик-саломатлик ва улкан муваффақиятлар тилайман.

Ҳаёт бу азал, чунки шу тариқа давом этиб келмоқда.

Ҳаёт бу масал, тўғрида.

Ҳаёт бу хулоса, агар ҳаётга бефарқ бўлмасангиз.

Ҳаёт бу муроса, чунки унинг асосий тамойилларидан бири.

Ҳаёт бу чидаса, чидамаса ҳаёт эмасда. Яшаш учун ҳаммасига чидаш керак.

Ҳаёт бу кеча, албатта ҳаётнинг бугуни нуқтаи назаридан кечагиси кеча бўлади.

Ҳаёт бу кўча, ҳамма юради ва ҳамма ўтади.

Ҳаёт бу қанча, уни Худо билади.

Ҳаёт бу орзу, унинг интилиб яшашида асосий мазмунини ташкил қиласди.

Ҳаёт бу туйғу, чунки инсонда туйғу бўлмаса ҳаётни ҳис қилиб бўлмайди. Ҳаётни англаш воситаси туйғудир.

•••✿•••

Ҳаёт бу қайғу, чунки ҳаётимизда қайғули кунларнинг эсласак, фақат ҳаётимиз қайғудан иборат эканку деб хулоса қиласиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу инсон, чунки ҳаёт ҳақида гап кетганда инсон ҳаёти ҳақида айтилаётган бўлади.

•••✿•••



Каттаев Комилхон Салоҳиддинович
*Вилоят Махдуми Аъзам Даҳбедий
илмий-тадқиқот Фонди раиси,
тарихчи-манбашунос*

КАМТАРИН ВА КЎНГЛИ ТОЗА ЗАБАРДАСТ ОЛИМ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Туризм” кафедраси профессори Искандар Суюнович Тухлиев билан Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлими очилган 1993 йилдан (яъни, 27 йилдан бери) танишмиз.

Ўша йилларгача Самарқанд Давлат Музей-қўриқхонанинг Шарқ Қўлёзма китоблари бўлимида ишлар эдим ва айни вақтда вилоят ҳокимиятида қадимий алломаларнинг анжуманларини ташкил эттириш бўйича жамоавий маслаҳатчи сифатида Хожа Ахрор Вали ҳамда Махдуми Аъзам Даҳбедий анжуманларига тайёргарлик кўриш Штабларининг илмий котиби эдим. Ушбу Штабларнинг раҳ-бари, вилоят ҳокимининг ўринбосари Акрам Худойкулов ўша йили мени Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Самарқанд бўлимини очилишига бирга олиб бориб, академик Т.Ш.Ширинқуловга мени тарихчи-манбашунос сифатида тавсия этиб, ўша олий даргоҳнинг Тарих ва маънавият бўлимига катта илмий ходим лавозимига ишга жойлаштириб қўйган эди. Ўша куни Фанлар Академияси Самарқанд бўлимининг тантанали

очилиши тугагач, Академиянинг раҳбарлари Т.Ш.Ширинқулов, И.С.Тухлиев, Б.Х.Хўжаёровлар билан танишиб дўст бўлиб қолган эдик.

Кейинги йилларда Т.Ширинқулов, И.Тухлиев ва Б.Хўжаёровларнинг маслаҳатлари билан ЎзФА Президиумининг Кўллаб-куватловчи фондига лойиҳа юбориб грант соҳиби бўлган эдим. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг илмий ходимлари орасида орқама-кетин уч карра энг ёш грант соҳиби, сектор мудири эдим (грантларим ҳажми катта бўлганлигидан бир академик, бир фан доктори, ҳатто бир математик ва яна бир архитектор грантим аъзолари бўлишган).

Ўша вақтларда мендек ёш илмий ходимга Т.Ширинқулов, И.Тухлиев ва Б.Хўжаёровлар ҳар томонлама ёрдамларини аямасди-лар. Улар бошқа соҳа вакиллари бўлишларига қарамасдан менинг “*Самарқанд маданий обида ва қабристонларидағи қадимий мармар ва қайроқ қабртошларидағи ёзувларни ўқиши ва таҳлил этиши*” номли грантимга йўл очиб берар эдилар, муаммолар чиқиб қолса, тезда ҳал этишар эди. Айниқса, Искандар Тухлиев томонидан бизнинг сек-торимиз ходимларига катта ёрдамлар кўрсатилар эди. Натижада, грантимиз ишлари хулосаси сифатида Чокардизадаги Ином Мотуридий, Ином Марғиноний, Ином Абул Қосим ал-Ҳаким, Тайлөқдаги Ином дорамий, Даҳбеддаги Маҳдуми Аъзам ва Ином Али Суғдий, Иштихондаги Ином Раствуғфоний, Жомбойдаги Ином Ҳалвоий, Шайх Худойдоди Вали каби алломаларнинг қабржойлари аниқланди, қабртошлари ўрганилди ва ҳаёт фаолиятларига доир китоблар ёзилиб, анжуманлар ўтказилди. Бу ишларда менга мадад бўлишган ва ўз ёрдамларини аяшмаган устоз-олимлар Т.Ширинқулов, И.Тухлиев ва Б.Хўжаёровлардан жуда миннатдорман.

И.С.Тухлиев 1997 йилда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт Миллий суғурта компаниясининг Самарқанд шўъба корхонаси директори лавозимига ишлаган вақтларида, кейинчалик эса Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлаган вақтларида ҳам илмий алоқаларимиз узилмади. Домла менга буюк алломаларимиз қабржойларини аниқлаш ва туризм обьектига айлантириш соҳаларида маслаҳатлар бериб турагар эдилар. Шу билан бирга, китобимни чоп эттириш масалаларида қийинчилик туғилиб қолганда устоз сифатида моддий ёрдам бериб турдилар. Бу жиҳатлари билан домла бошқалардан ажralиб турагар эди.

Самарқанд вилоятининг бирламчи спе

цификаси туризм билан ўлчанар экан, бу соҳани тизимини тузиб бораётган олимларнинг аксарияти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида фаолият кўрсатишмоқда. Туризм, зиёратгоҳлар, қадамжолар соҳаси менинг тарихшунослик соҳамга жуда яқинлиги боис, устоз-домла Искандар Тухлиевни туризм соҳаси бўйича нафақат вилоятимизнинг, қолаверса, юртимизнинг энг пешқадам мутахассис олими деб биламан. Ҳозирги даврда профессор Искандар Тухлиев Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида “Туризм” кафедрасида шу соҳасида юртимизнинг етакчи олимларидан бири сифатида хизмат қилиб келмоқдалар.

Камтарин, камсухан устозимиз Искандар Тухлиевни 70 ёшга кирганлари билан чин кўнгилдан табриклайман ва домлага узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман. Ўнлаб йиллар давомида илм йўлида, шу долзарб соҳада хизмат ва маслаҳатларини аямай, мутахассис ва шогирдлар тайёрлашда куч-қувват тилайман.



Абдухамидов Абилкосим Яҳшибоевич
*СамДАҚИ “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни
бошқарии” кафедраси доценти, техника
фанлари номзоди*

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИГАН ЖОНКУЯР ОЛИМ ВА РАҲБАР

*Оққан дарё оқар, қуёш тўхтамас,
Губор боғламагай мерос заковат.
Бир дарё кўнглимдек тўлгин шу нафас,
Дарёки, лиммо-лим меҳру муҳаббат.*

(Иқбол Мирзо)

Севимли шоиримиз Иқбол Мирзо баён этган шеъридаги каби бугун мен Искандар Суюнович Тухлиев тўғрисида ўз фикрларимни баён қиласар эканман, ҳаммангизга маълумки, олимимиз ўзбекларнинг энг хурматли оиласи вакилидандир. Чунонан

Искандар ака эл-у халқига ўз соҳасида раҳматли оталари Суюн акадек беъминнат оқар дарё ва қүёш каби хизмат қилиб келмоқда.

Мен Искандар Суюнович Тухлиевни 1997 йилда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт Миллий суғурта компаниясининг Самарқанд шўъба корхонаси директори лавозимига тайинлагандан сўнг таниганман. Назаримда куз кунларидан бирида Искандар Суюнович менинг олдимга келди. Мен ўша вақтда Самарқанд вилоят ҳокимиятида чет-эл инвестициялари бўйича бош мутахассис лавозимда ишлаётган эдим ва вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига вилоят ҳокими томонидан бириктирилган куратор эдим. Бизлар танишиб олдик ва профессор И.С.Тухлиев билан раҳбарлик қилаётган суғурта корхонасини безарап ишлаб, молиявий аҳволини мустаҳкамлаш бўйича сұхбатлашдик. Бу борада у кишининг аниқ ва пухта ўйланган таклифлари бор эди. Биз иккаламиз келишиб олиб вилоятнинг аксарият туманларига бориб корхонанинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича иқтисодиёт тизимидағи раҳбарлар, хорижий инвесторлар, йирик қўшма корхоналар, банклар ва тадбиркорлар билан ишончли ҳамкорлик ва суғурта шартномалари тузиш бўйича ишларни ташкиллаштиридик. Натижада И.С.Тухлиевнинг ташаббуси ва раҳбарлигида корхона бир йилда республикада Миллий суғурта компаниясининг рентабелли ва етакчи корхоналаридан бирига айланди.

Назаримда И.С.Тухлиевнинг оқилона раҳбарлик қобилияти ва жонкуяр раҳбарлик хусусиятлари инобатга олиниб, 1998 йилда Самарқанд вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи (вилоят ҳокимининг ўрин-bosарига тенглаштирилган) этиб тайинланган. Бу давр мобайнида мамлакатимизда хусусийлаштириш ва мулкни давлат тассаруфидан чиқаришнинг иккинчи босиқичи муваффақиятли амалга ошир-илаётган даврда турли мулкчилик шаклларини ривожлантириш бўйича вилоятнинг кичик ва ўрта тадбиркорлари олдида турган қатор муаммоларни ҳал қилиш лозим эди.

Бунда ҳукуматимиз раҳбаријати томонидан вилоятимизда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасаруфидан чиқариш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилган холда амалга ошириш масаласи қўйил-ган эди. Мазкур масалани ечиш учун И.С.Тухлиевнинг

ташаббуси билан 2001 йилда Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва республика Давлат мулк қўмитаси билан биргаликда “Самарқанд – хорижий мамлакатларнинг қадимий ҳамкори” шиори остида халқаро симпозиум ташкиллаштирилди ва ўтказилди.

Симпозиумга тайёргарлик кўриш жараёнида И.С.Тухлиев-нинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигига хорижий инвесторлар эътиборини жалб қилиш мақсадида инглиз, рус ва ўзбек тилларида “Хорижий инвесторларни жалб қилишнинг минтақавий имкониятлари” номли рисола ва “Самарқанд-асрлар чоррахасида” номли тарихий-маданий китоби нашр қилинди.

Бу эса албатта ўша даврда вилоятимизда давлат тассаруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича катта амалий кўмак бўлди ва вилоятимиз иқтисодиётнинг юксалиши ва ахолисининг турмуш тарзининг фарованлашиши ва янги иш ўринларининг очилишида мухум рол ўйнади.

Кейинчалик профессор И.С.Тухлиев Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасига мудири этиб сайлангандан кейинги фаолиятида ҳам етук олим сифатида мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилишида ҳам улкан ҳисса қўшганини биламан. Кафедра янги очилган эди. Унга таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига тегишли ўқув-услубий таъминотни яратиш бўйича ҳам самарали хизмат қилди ва улкан ишларни амалга оширди.

**Мол-дунёни қанча термагин, у тугайди, олқинади,
Ёзилса-чи, сўз абадий қолади, оламни кезади.**

Юсуф Хос Ҳожиб ифодалаган битикларга монанд равища қисқа вақт ичида профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига профессор-ўқитувчилар ёрдамида янги очилган кафедрада бакалаврлар учун “Туризм маркетинги”, “Туризм менежменти”, “Туризм операторлик хизматларини ташкил этиш”, “Сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги)”, “Туризм (фаолият турлари бўйича)” ва “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналишлари бўйича Давлат Таълим Стандартлари ва ўқув режалари тайёрланди ва белгиланган тартибда тасдиқланди. Энг муҳими кафедрада барча фанлар бўйича замонавий ўқув адабиётларининг янги авлоди яратилди. Бу эса ўсиб келаётган авлод учун бебаҳо бойлиқдир.

**Хеч кимни баҳт ўз-ўзидан құчған әмас,
Қүш ҳам қўкка мاشаққатсиз учған әмас.
Ойдин тунлар, осойишта, тиник тонглар
Ойдан тушған әмас, кўқдан тушған әмас.**

Домла халқ орасидаги иззат-хурматини ўзининг мешекватли, тинимсиз илмий ва амалий меҳнати натижасида эришди.

Мен И.С.Тухлиевдек олим, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор билан танишлыгимдан, муаян муддатда биргаликда ишлаганлигимдан фахрланаман. У киши том монадаги олим ва раҳбарлигини биланман, ҳар бир сұхбатларда ўзим учун у кишидан кўп нарасаларни ўрганишга ҳаракат қиласман. Мана профессор И.С.Тухлиев билан қарийб чорак асрдан бўён танишмиз, ака ва укамиз, у кишини самимий, оққўнгил, доимо ўзгаларга ёрдамга тайёр, халқимиз учун жонкуяр инсон сифатида биламан.

Хурматли Искандар Суюнович! Мен Сизни ўзим ва оила аъзоларим номидан қутлуғ 70 ёшингиз билан самимий табриклайман. Аслида юбилей кунлари бу инсон ҳаётдаги бекатлари деб ўйлайман. Сиз ҳам мана шу бекатда бир умрингизни сарҳисоб қилиб, келгусида қилинадиган ишларинингизи режалаштириб, янада мамлакатимиз иқтисодиёти ва таълим-тарбия соҳасидаги ишларингизни янги куч ва қувват билан давом эттиришингизга ишонаман.



Алишер Эргашевич Эрназаров
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтининг “Ахборот
технологиялари” кафедраси мудири

ДОИМО УЛУҒДИР УСТОЗ ДЕГАН НОМ

Хурматли Искандар Суюнович! Сизни кафедрамиз аъзолари номидан 70 йиллик юбилейингиз муносабати билан табриклаш баҳтига мұяссар бўлганлигимдан бағоятда мамнунман.

Сизнинг сиймонгизда УСТОЗ деган сўзнинг нақадар залворли эканлигини бутун қудрати билан тўлиқ ва том маънода хис қилиш мумкин. Чунки Сиз бу номни бутун умр шараф билан ҳимоя қилиб келдингиз. Бунга сабаб, албатта ўзингиз ҳам жуда улуғ, салоҳиятли ва билимдон устозлар қўлларида таҳсил олиб, уларни дуоларини олиб, ўз устингизда тинимсиз қунт билан ишлаб келганлигинги сабабли деб биламиз. Сизнинг ҳаёт йўлингиз шогирдларингизга, илм йўлини тутган толиби илмларга ва ёшларга ўrnак бўлиб хизмат қиласди албатта.

Сизнинг илмий ишларингиз кафедрамиз фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Биргина “Туризм: назария ва амалиёти” фанидан ҳамкорликда яратилган электрон дарслик талабаларимиз учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳаёт довонини янги бир чўққисини ишғол қилган ушбу кунларингизда сизга кафедрамиз аъзолари номидан мустаҳкам соғлиқ, янгидан янги илмий-ижодий ишлар тилаган ҳолда оиласигиз ва шогирдларингиз баҳтига доимо соғ-омон бўлинг деб қоламиз.

**Илм дея билди ҳаёт мазмунин,
Сабоқлар аталди шогирдлар учун.
Касбим – фахрим дея тинмай туну-кун,
Аталди Устоз дея албатта бугун.
Нурли манзилларни зиёрат этинг,
Дард-ғусса қолмасин бу қалбингизда.
Армонлар сизга армон бўлсину,
Рози бўлинг бутун ҳаётингиздан.**



Турсунов Фарход Умирзоқович
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
Институти “Менежмент” кафедраси
мудири, иқтисодиёт фанлари номзоди*

ТАЛАБЧАНЛИК, МАСЪУЛИЯТЛИЛИК ВА МЕҲНАТКАШЛИК ХИСЛАТЛАРИ СОҲИБИ

Ўз меҳнат фаолиятини Республикализнинг тараққиёти ва илм-фанини ривожлантиришга бағишилаган иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович Тухлиевни 1993 йилдан буён биламан.

Профессор Искандар Тухлиев Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Самарқанд вилоятининг маҳаллий ҳокимияти ва йирик ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган даврларида иқтисодиётнинг таянч йўналишлари бўйича мамлакатимиз худудларининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқишида ва уларнинг ижро этилишида фаол иштирок этган ва ўзининг илмий қарашларидан келиб чиқиб салмоқли таклифлар киритган олим ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг йирик кутубхоналари ва интернет тармоғида туризм соҳасига оид адабиётларни қидирганингизда биринчи навбатда, албатта профессор Искандар Тухлиев номи билан боғлиқ адабиётларга тўқнашишингиз, сўнгги йилларда туризм соҳаси йўналишларида ҳимоя қилинган фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертацияларининг авторефератларини муаммонинг ўрганилганлик даражаси бўлимида, ўз илмий ишларини бағишилаган олимлар қаторида доимий равища профессор Искандар Тухлиевнинг номининг келтирилиши, у кишининг туризм соҳаси ривожланишига салмоқли қўшган хиссасидан ҳамда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтидаги самарали меҳнат фаолияти натижасидан далолат беради.

Профессор Искандар Тухлиевнинг 2006-2018 йилларда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Халқаро туризм ва

туризм сервиси” кафедрасининг мудири лавозимида фаолият олиб борган даврида, у киши талабчан, масъулиятли ва меҳнаткаш олим эканлигига гувоҳ бўлганман. Юқори малака ва катта тажрибага эга олим, профессор Искандар Тухлиев раҳбарлигида қисқа вақт ичида кафедранинг профессор-ўқитувчилари ёрдамида янги очилган 6 та бакалавр таълим йўналишлари бўйича Давлат Таълим Стандартлари ва ўқув режалари тайёрланди. Энг муҳими кафедрада барча фанлар бўйича замонавий ўқув адабиётларининг янги авлоди яратилди. Сермазмун меҳнат натижасида олим, 2010 ва 2011 йилларда бир қатор республикамизнинг нуфузли номинацияларининг ғолиблигини қўлга киритган.

Самимий, талабчан, масъулиятли ва меҳнаткаш олим, устоз профессор Искандар Тухлиевнинг 70 йиллик юбилейи билан чин юракдан табриклайман. Устозга узоқ умр, мустаҳкам соғлик ҳамда баҳт ва шодлик абадий ҳамроҳи бўлишини тилаб қоламан.

•••✿•••

Ҳаёт бу вокзал, келади кутиб олинади, кетади кузатиб қўйилади.

•••✿•••

Ҳаёт бу виждон, ҳаётда инсон ўзининг ҳақиқий ўрнини топиш учун албатта виждон устувор бўлиш керак.

•••✿•••

Ҳаёт бу ҳаёт, чунки ҳаётингни ҳаётдек ҳис қилмасанг, ҳаётлигини ҳам тушуниш қийин.

•••✿•••

Ҳаёт бу ижод, яшашнинг ўзи тафаккур маҳсули, тафаккурни ишлатиш бу ижоддир.

•••✿•••

Ҳаёт бу фарёд, чунки шундай дамлар бўладики, беихтиёр фарёд қилишга тўғри келади. Айни шу дамда одам ҳаётни фарёд деб тасаввур қиласди.

•••✿•••

Ҳаёт бу фарзанд, чунки инсоннинг баҳтли бўлиш орзуси фарзандлик бўлиш. Бунга эришган киши яшадим, деб ҳис қиласди.

•••✿•••

Ҳаёт бу ёр, чунки у ҳамиша ўзинг билан.

•••✿•••



Толибов Косимали Набиевич
*Самарқанд шаҳар “ФАРОФАТ” маҳалласи
кексалар билан ишилаш Комиссияси раиси*

“ФАРОФАТ” маҳалла фуқаролари номидан ТАШАККУРНОМА

Тухлиев Искандар Суюнович 1950 йилда Самарқанд шаҳрида таввалуд топган. Маълумоти олий. 1984 йилда маҳалламизга қўчиб келган. Маҳалла ўша вақтида Юнғичка ариқ номи билан юргизилиб келинган. Оилали, беш фарзандининг отаси. Фарзандларига меҳрибон, ғамхўр, невараларнинг жондан азиз бобожониси, суюкли турмуш ўртоғи ва ҳамкасларининг улуғ раҳнамо раҳбари - ажойиб инсон.

Фарзандларини вояга етказиб, Ватан учун фидокор инсонлар қилиб тарбиялади. Нафақат ўзининг мутахассислиги, балки маҳалла, жамоат ишларида фаол қатнашиб маҳалла ишларининг жонланиши, ёшлар тарбияси тўғри йўлга қўйилишида фаол иштирок этиб келмоқда. Маҳаллада ободонлаштириш, ташкилий ишларида жонбозлик кўрсатиб, маҳалладошларнинг бандлигини таъминлашда фаолият кўрсатиб, раҳнамолик қилиб келмоқда.

Отанг ҳам маҳалла, Онанг ҳам маҳалла деган сўз замирида жуда катта маъно бўлиб, маҳалланинг суюнган Отаси бўлиб хизматларини аямаган инсон. Маҳалла ободончилиги, ёшлар борасидаги хизматлари учун Маҳалла бошқаруви томонидан бир неча марта фахрий ёрлиқлар, эсадалик совғалари билан тақдирланганлар. 2014 йилга қадар маҳалладаги ташкилий ишларни бошқариб, Оқсоқоллар Раиси этиб сайланган. Бу инсоннинг меҳрибончилигининг чеки йук. Катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда. Ҳозирги кунда маҳалла "ФАРОФАТ" номи билан юритилиб келмоқ-да. Ўзининг серғайратлиги билан маҳалланинг шаклланиши ва ўз биносига эга бўлишида, қонуний ташкил топгунига кадар бўлиб ўтган машشاқатли муаммоларини хал этишда ва маҳалла марказини ташкиллаштиришда улкан ҳисса қўшган.

Искандар аканинг кўпгина хизматлари маҳалла ҳаётини ўзгартириб, ободонлаштириш ва жорий ишларни янгича йўлга қўйилишида барча фуқароларнинг қалбидан чуқур ўрнак олди. Фидойи инсон, элпарвар, халқчил Тухлиев Искандар ака бугунги кунда маҳалла виждони деган номга сазовор бўлдилар. Бундай кадрли ва азиз инсонлар билан нафақат маҳалла балки бутун Ўзбекистон фахрланишга арзигулик инсондир.

•••✿•••

Ҳаёт бу қадр, қадр топган киши ҳаётдан рози бўлиб яшайди. Шунинг учун бутун ҳаётини қадр топишга бағишлиайди.

•••✿•••

Ҳаёт бу муаллим, мактабдан билим олиш мумкин, одамий-ликни эса ҳаёт ўргатади.

•••✿•••

Ҳаёт бу меҳнат, яшашнинг асосий мазмуни қандай меҳант қилишинг билан белгиланади.

•••✿•••

Ҳаёт бу саодат, ҳаётни англаб, иймон ва виждон билан меҳнат қилган одам нафакат бу дунё, балки у дунё саодатини қўлга киритади.

•••✿•••

Ҳаёт бу бозор, чунки у яқин “дўстлари” тамонидан бир неча бор сотилган бўлади.

•••✿•••

Ҳаёт бу ташвиш, чунки одамлар турли хайрли ва изтиробли ташвишларни бошидан кечириб яшайди.

•••✿•••

Ҳаёт бу иш, яшаш учун ишлаш ҳам керак бўлади.

•••✿•••

Ҳаёт бу тажриба, хато камчиликлар ва мувоффакиятлар одамни мукаммаллаштириб, тажрибасини орттириб боради.

•••✿•••

Ҳаёт бу ётиш, ҳақиқатда ҳаёт ўтириш, туриш, юриш ва ётиш жараёнларидан таркиб топади.

•••✿•••

Ҳаёт бу юриш, чунки ҳаётда юрмасангиз бирор нарсага эришиб бўлмайсиз.



ОЛИМ ҲАҚИДА ШОГИРДЛАР ЭЪТИРОФИ





Нурали Эшниязович Ибадуллаев
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ишилар бошқармаси бошлиги,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент*

МЕҲНАТ ВА ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ЮҚСАЛТИРГАН ОЛИМ ҲАМДА УСТОЗ

“Аввало, олим бўл! Лоақал таълим оловчи ёки тингловчи, илму уламоларни севувчи бўлгин” дейилади ҳадисларнинг бирида. Бу ҳадиснинг мазмунини эса илм йўлидан юрганлар кўпроқ ҳис қиласди. Мамлакатимиз олимларининг ёрқин вакили, республикамиз илм-фанига жуда катта ҳисса қўшган, чукур илмий тадқиқотларга эга бўлган устоз иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюнович муборак 70 ёшда.

Устознинг биографияси, чоп этган илмий мақола, монография, дарсликлари, олган мукофотлари ҳақида маълумотларга эгасизлар. Устоз Тухлиев Искандар Суюнович зукко олимлик, устозлик даражасига етишида ота-она тарбияси, ёшлигидан илмга чанқоқлик билан бирга энг асосийси қаттиқ меҳнат, тартиб-интизом, тинимсиз билим олиб ўз устида ишлашидан деб биламан. Бу ҳусусиятни устозни таниган барча инсонлар яхши билади. Устознинг 2006 йил Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Халқаро туризм ва туризм сервиси, ҳозирги Туризм кафедрасига кафедра мудири бўлиб келиши натижасида нафақат кафедранинг юқсалишида, балки биз каби ёшларнинг илм, касб йўналишида ривожланишига катта туртки бўлди. Бу ҳолатни утган давр кўрсатиб турибди. Яъниким, кафедрадаги бир қанча туризмга оид таълим йўналишларининг барча асосларини яратилгани, бу ўз навбатида республикамизнинг турдош олий таълим муассасалари учун дастури амал бўлганлигини фаҳр билан айтсак бўлади. Бу муфаққиятларнинг замирида устознинг тинимсиз қилган меҳнатлари ётибди.

Яна бир устознинг ҳусусиятларидан бири шуки, иқтисодиётимизнинг кўп жабҳаларида, илмий мактабларда меҳнат фао-

лиятини олиб борганликлари учун илм-фанинг, иқтисодиётнинг кўп қирраларини биладиган олимдир. Бу ўз навбатида институт хузуридаги 08.00.05 – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” бўйича ихтисослашган кенгашнинг илмий котиблигини олиб бориши ва натижада кўплаб ёшларнинг илмий даражага эришишида кўришимиз мумкин.

Тухлиев Искандар Суюнович барча шогирдларини бирдай эъзозлаган, имкон қадар қўллаган. Уларни илм йўлидан кетишга тарғиб қилган. Шу йўлда кетганларини доимий қўллаб турадиган инсон. Устознинг нафақат илмий салоҳияти, балки намунали оила бошлиғи сифатида ҳам кўпчиликка, биринчи навбатда шогирдларга ўrnak бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу айтилганлар устозга кўрсатиладиган одоб ва хурматлар уммонидан айrim томчилар холос. Кўпчилик қатори, мен учун ҳам Искандар Суюнович олим ва намунали инсоннинг ёрқин намунаси бўлиб қолади. Ушбу муборак ёшда мутабар ва камтарин инсон ажойиб устоз, етук олим, иқтисодиёт ва туризм илмининг билимдони, ибратли оила бошлиғи устозга узоқ-умр, сиҳат-соламатлик, илмий ва педагогик фаолиятида улкан зафарлар тилаймиз. Доимо эл-юрт ва шогирдлари ардоғида юриш насиб этсин. Муборак 70 ёшингиз қутлуғ бўлсин қадрли устоз!

...*...

Ҳаёт бу югуриш, чунки ҳаёт тезлашиб кетган бир паллада ҳаётдан орқада қолиб кетмаслик учун югуришга ҳам тўғри келади.

...*...

Ҳаёт бу илм, чунки у дунёning борлигини ташкил қилади.

...*...

Ҳаёт бу билим, чунки одам ўзлаштирган қисмигина билим, деб айтилади.

...*...

Ҳаёт бу тарбиячи, чунки ибрат олиб яшаганлар учун бундан зўр тарбиячини топиб бўлмайди.

...*...

Ҳаёт бу офтоб, имкон топилса, қуёшдек порлайди.

...*...

Ҳаёт бу меҳроб, Яратган билан бирга бўлишга даъват этадиган сажда қиладиган жой.



Сафаров Баходирхон Шахриёрович
*Самарқанд Давлат университети
Иқтисодиёт ва бизнес факултети декани,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор*

ФИДОЙИ УСТОЗ, ЗАБАРДАСТ ОЛИМ!

Бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган замонда давр руҳи билан ҳамнафас яшаш, ёшларни илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиш, тадқиқот ишларида шогирдларига нисбатан талабчанлик билан ишлаш, ўз устида тинимсиз меҳнат қилиш каби ўзига хос олийжаноб ҳислатлар мамлакатимизнинг забардаст олимларидан бири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Устоз Искандар Суюновичда тўлиқ мужассам.

СамИСИ профессори, и.ф.д. Тухлиев Искандар Суюнович раҳбарлигидан номзодлик ва докторлик диссертациямни ҳимоя қилганман.

Устоз билан илк бора 2008 йилнинг куз ойларида Самарқандда учрашганман. Ўшанда Устоз Тухлиев Искандар Суюнович Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича К.067.12.01-ракамли Ихтисослашган Кенгашнинг илмий котиби вазифасида фаолият кўрсатар эди. Ўшанда Устознинг ҳар бир ишга қаттиқ тартиб-интизом ва масъулият билан ёндашуви, энг оддий инсонлар билан ҳам хушмуомила билан муносабатда бўлиши каби инсоний фазилатлари менда жуда катта таассурот қолдирган. Шунингдек, Устоз Искандар Суюновичнинг жуда аниқ, креатив ва аналитик фикрлаш ҳислатлари, ўз вақтида бўлишлик ҳамда пухталик каби ўзига хос принциплари жуда камдан-кам кишиларда учрайди.

Илмий иш ёки бошқа маслаҳат олиш учун Устоз билан учрашиб сухбатларини олишга ҳаракат қиласман. Устоз ҳар доим ўзининг юқорида тилга олиб ўтган принципларига содик равишда ўз шогирдлари билан қаттиқ ишлаётганлигига гувоҳ бўламан.

Профессор И.С.Тухлиевнинг туризм соҳасидаги кўп йиллик олиб борган фундаментал ва амалий илмий тадқиқот ишлари

натижасида “Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш иқтисодиёти” йўналиши бўйича Ўзбекистонда илмий мактаб яратилди. Илмий мактабнинг иштирокчилари авалломбор ҳимоя қилган Қозоғистондаги ва Тошкент шаҳридаги шогирдлари бўлса, кейинги галда Самарқанд, Хоразм, Нукус, Бухора, Наманган, Қарши давлат университетларининг туризм соҳасида ҳимоя қилган ва тадқиқотчи-изланувчилари ҳисобланади.

Професор И.С.Тухлиевнинг илмий мактабига шунингдек, магистрлар ва иқтидорли талабалар ҳам жалб қилинган. Улар билан биргаликда хорижий нуфузли журналларга, илмий анжуманларга мақолалар тайёрлашда ва фан олимпиадаларда муваффақиятли ўринларни эгаллашда ёрдам бериб келмоқда.

Бугун республикамизнинг турли вазирлик ва ташкилотларида ишлаётган давлат хизматчилари, иқтисодчи олимлар, Сиз билан ишлаётган профессор-ўқитувчилар, юқори салоҳиятли ва шу билан ўта камтарин ўзбек олими, интилувчан, тиришқоқ, меҳрибон ва тўғрисўз инсон, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович Тухлиевнинг шогирди деб ҳисоблашни ўзига катта фаҳр деб билади.

Професор И.С.Тухлиев 2007-2018 йилларда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 08.00.05 – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича Илмий кенгашнинг илмий котиби сифатида Кенгашга келиб тушган етти нафар иқтисодиёт фанлари доктори ва 24 нафар иқтисодиёт фанлари номзоди илмий ишларини ОАК талаблари асосида, ўрнатилган тартибда хужжатларини расмийлаштириб, ҳимоясини ташкил қилди.

Професор И.С.Тухлиев илмий мактабининг шаклланиши давомида илмий ва замонавий ўқув адабиётларни тайёрлашда жами 300 дан ортиқ илмий-амалий мақолаларини чоп қилган. Жумладан, Брюссель, Мадрид, Караганда, Москва, Польша, Ҳиндистон, АҚШ, Малайзия каби хорижий мамлакатларда 11 та мақола; нуфузли журналларда 27 та илмий мақола ва 7 та монография нашр этилган. Талабалар учун жами 48 та ўқув адабиёт, дарслик ва ўқув қўлланма - 8 та дарслик, 12 та ўқув қўлланма, 26 та услугбий қўлланма ва 2 та туризм соҳасининг замонавий атамаларига бағишлиланган изоҳли луғатлари нашр қилинган.

Професор И.С.Тухлиев кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида илм-фан соҳасида салмоқли ютуқларга эришган,

шунингдек, шогирдлар ва ҳамкаслари орасида чуқур ҳурматга сазовор бўлган.

Ҳурматли Искандар Суюнович, Самарқанд давлат университет Иқтисодиёт ва бизнес факультети профессор-ўқитувчилари, шунингдек, ўзим ва оила аъзоларим номидан Сизни қутлуғ 70 ёшингиз билан самимий муборак этаман.

Сиз каби замонамизнинг забардаст олимлари билан ҳақли равишда фахрланганлигимиз холда, Сизга изланишларингиз ва барча мақсадларингиз йўлида ютуқ ва муваффақиятлар, сихат-сало-матлик, оиласий фаровонлик, узоқ умр, биз шогирдларингиз баҳтига доимо омон бўлишингизни тилаймиз!

•••✿•••

Ҳаёт бу ҳаёжон, чунки кўп марта кутилмаган ҳодисаларга дуч келасиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу қуллик, чунки унинг мазмуни ўзингизга, оиланганзга, халқингизга, Яратганга хизмат қилишдан иборат.

•••✿•••

Ҳаёт бу эзгулик, ҳаёт давомида мақсадингизга эришиб роҳатланишдир.

•••✿•••

Ҳаёт бу нуқсон, инсонлигимиз учун бутун умримиз давомида учраб туради.

•••✿•••

Ҳаёт бу эҳсон, чунки у Аллоҳдан бизга берилган, биз эса унинг йўлига кимларгадир беришимиз керак.

•••✿•••

Ҳаёт бу кулги, ҳақиқатда шундай.

•••✿•••

Ҳаёт бу замон, макондаги инсонга қанча берилганлиги Худога аён.

•••✿•••

Ҳаёт бу қувонч, агар шундай бўлмаганда зулматдангина иборат бўлар эди.

•••✿•••

Ҳаёт бу таянч, аслида Яратганга таяниш керак. Аммо биз кимгадир, нимагадир таяниб яшаймиз.



Олим Мамаюнусович Пардаев
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
Институти Банк-молия хизматлари
факультети декани, и.ф.д.*

УСТОЗЛАР САРВАРИ

Элга хизмат қилишдек саодат ҳаммага ҳам насиб қиласкермас экан. Лекин бу хизматнинг машакатини хизмат қилган одам яхши тушунади. Мен Искандар Суюнович билан 1993 йил СамДУда талабалик давримда танишганман. Устоз бизнинг гурухга “Президент асарлари”дан дарс берганлар. Бизнинг гурух талабалари ҳам бошқа соғлом фикрлайдиган талабалар қатори домла тўғрисида “ички разведка” маълумотларини олганмиз. Олинган маълумотлар бизни хурсанд қилмади, қаттиққўл, талабчан кейин муросасиз... Бу ўз навбатида домланинг фанидан қаттиқ ўқишимизни талаб этарди. Лекин гуруҳимиз жуда ҳаракатчан, интизомли талабалардан ташкил топганлиги учунми, домлани меҳри тушдими, кўпчилигимизни аъло баҳолар билан сийлаган. Аълочилар қаторида мен ҳам бор эдим. Домланинг, бир жумласи эсимда қолган “Жаноб Пардаев жавоб беринг гердайиб”. Кейин домла ҳокимиятга ишга ўтиб кетдилар, хуллас ҳаёт чархпалаги айланиб, Искандар Суюнович билан доктор-лик диссертациямни ҳимоя қилиш жараёнида жуда кўп ва яқиндан мулоқот қилдим.

Очиғини айтишим керак, бу мулоқотлар бошланиши жуда ёқимли ва фойдали эди. “Эди” дейишимга сабаблар бор, бир тарафда ОАК иккинчи тарафда тадқиқотчилар. Ўртада кўприк вазифасини ўтаб турган Искандар Суюнович эди. Ҳар-бир учрашувда, ОАКнинг кўрсатган камчиликларини Искандар Суюнович билан бирга тўғирлаймиз, “энди бўлди” – дейди домла, мамнун қиёфада. “Хўп, эртага Тошкентга бориб албатта ҳимояга рухсат олиб келамиз” деб, диссертацияни кўтариб кетади. Аммо ...яна камчиликлар чиқиб қолди, зудлик билан тўғрилаш керак ва тезда Тошкентга етказиш керак, деб қайтариб келади. Хуллас, бу жараён бир неча бор такрорланарди. Бу битта менинг мисолимда.

Хар-бир тадқиқотчи билан худди шундай жараён, худди шундай талаб, худди шундай ҳаракат қилган домла. Очиғи, менинг диссертация ишимни ОАҚ ҳимояга рухсат берганини эшигтган пайтдаги устознинг эмоциясини сўз билан таърифлаб беролмайман. Устоз жуда мураккаб ва нозик иш билан шуғулланди. Энди тасаввур қилинг, бундай жараёнда одамга қандай асаб керак. Шундай, таъбир жоиз бўлса, жасорат билан курашган устоз.

Домланинг яна бир хизматларидан бири, институтимизга 2004 йилда Президентнинг қарори билан туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлашдек ўта масъулиятли вазифа юклатилди. Бу нафақат институтимиз, балки республикамиз учун ҳам янги таълим йўналиш эди. Ушбу таълимнинг стандартидан бошлаб, намунавий дастурларини тузиш, маъруза матнидан тортиб, дарслклар ёзишгача барча ташвишлар Искандар Суюнович раҳбарлик қилган кафедранинг зиммасига юклатилди. Чунки институтимиз ушбу мутахассислик бўйича етакчи олий ўқув юрти сифатида тан олинган ва шундай белгиланган эди. Домла бош бўлиб, ушбу мураккаб ва масъулиятли вазифанинг уддасидан муваффақият билан чиқди. Мана бугун мамлакатимизда ўнлаб олий ўқув юртларида туризм бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Унинг андозаси айнан бизнинг институтда “чизилган” эди. Бундай шараф ва масъулият мазкур ишда бош-қош бўлган устозимиз Искандар Суюнович номи билан боғлик.

Искандар Суюнович тўғрисида мақола ёзиб беришимни сўралганда, биринчи қилган ишим институтда мавжуд маълумот-номасини (объективка) сўрадим. Жуда ҳавас қиласи лавозимлар, ютуқлар, илоҳим бардавом бўлсин. Домланинг ҳаёти кўпчиликга ўрнак бўларли даражада салмоқли. Устознинг ҳаёти жуда кўп ютуқларга бой. Таъбир жоиз бўлса буларга эришишнинг ўзи ҳам жуда катта қаҳрамонлик. Ўзи домлани мукофотлашни бардавом қилсин!

Домла мамлакатимиз илм-фанига муносиб кадрлар (ўндан зиёд фан доктори ва номзодлари) тайёрлаш билан бирга туризм соҳасига оид асосий дарслик ва ўқув қўлланмаларни ҳам яратди. Ҳозирги кунда талабалар ва илмий-тадқиқот билан шуғулланувчилар китоб жавонида домланинг китоблари қатор туради. Домла жуда катта илмий мерос яратди.

Бугунги қувончли кунда, Искандар Суюновични юбилейлари билан чин дилдан табриклайман ва оила аъзоларига бахту-саодат, сихат-саломатлик тилайман. Етмиш ёшингиз қутлуғ бўлсин Искандар Суюнович!!!



Алимова Машхура Тоирхоновна
*"Ипак Йўли" туризм халқаро университети
Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва
тижоратлаштириши ишлари бўйича
проректор, иқтисодиёт фанлари бўйича
DSc, доцент*

ШОГИРДЛАРИ ЙЎЛИНИ ҚУЁШ КАБИ ЁРИТГАН УСТОЗ

Устозлар маънавият осмонида мусаффо зиё таратиб турган йўлчи юлдуздирлар, улар туфайли шогирдлар илм номли заҳматли кўчаларда ўз йўлини топиб, уларнинг шарофати билан зулматдан ёруғликка етишадилар.

Мен ана шундай инсонлардан бири бўлган, шогирдлари йўлини қуёш каби ёритган иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович Тухлиев тўғрисида тўхталиб, уларнинг 70 йил-лик юбилейлари шарафига бағшлаб оз бўлсада ўзимнинг самимий тилакларимни билдиromoқчиман.

Искандар Суюнович Тухлиев Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт фанининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган буюк фан арбоби ва олим, эл ардоқлаган педагог, ватанпарвар, фидой инсон, талабчан раҳбар, жонкуяр устоз, намунали ва ибратли оила бошлиғидир.

Мен, Алимова Машхура Тоирхоновна, бугунги кунда нимага эришган бўлсам устозлар ўгитлари туфайли деб биламан. Ўзимнинг илмий тадқиқотларимни бошлаган илк қадамларимданоқ устознинг шогирдлари қоронғу қўчаларини ёритувчи нуридан баҳраманд бўлган, “Туризмни режалаштириш”, “Халқаро туризм”, “Туризм асослари, “Туризм хизматлар бозори”, “Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий муам-молари” каби илмий ва ўқув адабиётларини шахсан ўзларидан тухфа сифатида олган баҳтли шогирдларидан бири бўламан.

Мен 2017 йилда устозлар раҳнамолигида тайёрланган докторлик диссертациямни муваффақиятли ҳимоя қилиб, иқтисодиёт

фанлари доктори (Doctor of Sciences in economics) илмий даражасига эришишга мұяссар бўлдим. Ушбу муваффақиятга эришишимда И.С.Тухлиевнинг Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги 08.00.05 – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш котиби сифатидаги кўмаги бекиёсdir.

Юзлаб қалбларга эзгулик ёғдусини сочадиган, ўз шогирдларига ҳаёт мактабини берадиган мўтабар зот – ҳурматли Искандар Суюнович, қутлуғ 70 ёшингиз муборак бўлсин! Кўз нури ва қалб қўрини, бутун онгли ҳаётини келажак авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлиган, бир сўз билан айтганда, Ватанимиз эртанги кунининг пойдеворини яратоётган бу инсонга, унинг олижаноб меҳнатига ҳар қанча таҳсин айтсан оз.

Сизга таъзим, сизга эҳтиром!

•••✿•••

Ҳаёт бу тақдир, Яратганинг иноми.

•••✿•••

Ҳаёт бу ҳасад, мувоффакиятга эришганларга бошқаларнинг куйиб-ёниб яшashi.

•••✿•••

Ҳаёт бу фурсад, уни қўлдан бой бермаслик керак.

•••✿•••

Ҳаёт бу жаннат, шунинг учун уни дўзахга айлантираслик керак.

•••✿•••

Ҳаёт бу инновация, чунки кечагига бугунингз ўхшамаслиги тайин, чунки бугунги кун янги кун.

•••✿•••

Ҳаёт бу революция, жонингизга текканда ўзингизга ғолоён қилиб, йўлингизни ҳам ўзгартириб юборасиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу синов, эҳтиёт бўлинг.

•••✿•••

Ҳаёт бу кураш, ҳақиқатда, фақат ғалаба тилайман, йиқилган пайтингизда ҳам унчалик куюнманг.

•••✿•••

Ҳаёт бу сўраш, жавобига тайёр бўлиб туришингиз керак.

••*••

Ҳаёт бу ҳурмат, ҳамма шунга сазовар бўллса кошки эди.

••*••

Ҳаёт бу тахт, чунки уйда падшоҳсиз.



Рахимов Зафар Одилович
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти “Туризм” кафедраси доценти,
иқтисодиёт фанлари номзоди*

АЗИЗ ФИДОЙИ УСТОЗИМ

Ҳаётда шундай одамлар бўладики, уларнинг босиб ўтган йўлига назар ташлаб ҳавас қиласиз. Бундай кишилар меҳнат-севарлиги, тиришқоқлиги, ижодкорлиги ва янгиликка ўчлиги, ўз касбига фидойилиги билан ажralиб туради. Шу боис улар кўпчиликнинг ҳурмат эътиборига сазовор бўлишади. Ҳаётдаги барча ютуқларини ўзининг ҳалол меҳнати, ўз касбига, вазифасига масъуллиги, содиқлиги билан қўлга киритади.

Устозим иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюнович ҳам худди шундай олижаноб инсон, қолаверса биз шогирдлари учун доимо меҳрибон фидойи устоздирлар.

Мен иқтисодиёт фанлари номзодлик ишимнинг мавзусини “Туризм соҳаси” бўйича амалга оширишим сабаб тақдир мени устозим Тухлиев Искандар Суюнович билан учраштириди ва бундай тақдиримдан хурсандман.

Дастлаб устозим Тухлиев Искандар Суюновични яхши танимаган бўлсамда, кейинчалик аспирантурада ўқиш давомида илмий ишим юзасидан кўп мулоқот қилишимга тўғри келган.

Устозим Тухлиев Искандар Суюнович етук олим, тажрибали-моҳир педагог ва ҳаётда, бутун институт жамоаси орасида оддий, камтарин, олийжаноб инсон ҳамда шу билан бирга ҳалол,

принципиал, адолатли, жонкуяр, талабчан ва меҳрибон фидойи устоз сифатида катта хурмат, эътиборга эгадирлар.

Устозим Тухлиев Искандар Суюнович ўз касбини ардоқловчи, вужуд-вужуди билан талабаларга билим ва илм маънавий озуқа беришдек машакқатли, олижаноб ишга сидқидилдан берилган фидойи устоз-мураббий. Ўз умрини илмга бағишилаган олим ҳисоб-ланади.

Устозим Тухлиев Искандар Суюнович Республикаизда биринчилардан бўлиб “Туризм соҳаси”да кадрларни тайёрлаш бўйича илмий ва амалий ишларни олиб борган ҳисобланади.

2006-2018 йилларда устозим профессор Тухлиев Искандар Суюнович Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида янги очилган “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасига танлов асосида кафедра мудири этиб сайланди. Ушбу кафедра янги бўлгани учун туризм йўналишлари бўйича ўқитиладиган фанларнинг бирортаси бўйича на дарсликлар ва на ўқув қўлланмалар бор эди. Умуман ишни нолдан бошлашга тўғри келган. Шу сабабдан профессор И.С.Тухлиев туризм таълим соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганиш ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш учун институт томонидан Москва шаҳрига хизмат сафарига жўнатилди.

Хизмат сафари давомида Туризм ва меҳмонхона-ресторан бизнеси Москва академияси, Туризм ва меҳмонхона менежменти халқаро институти, Москва давлат сервис университети ректорлари билан туризм таълим йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув жараёнининг дастур ва режалари билан ўзаро тажриба алмашиш бўйича ҳамкорлик шартномалари тузилди. Талабаларни ўқитиш учун университет кутубхоналардаги сервис ва туризмга доир адабиётлардан ва ўзлари нашр қилган дарслик, ўқув қўлланма ҳамда таълим йўналишларининг фанлар бўйича ўқув-методик мажмулларнинг электрон версиялари олиб келинган.

Шунингдек, Москвадан ўзларининг шахсий ҳисобидан шаҳар-нинг барча китоб расталаридан СамИСИ кутубхонаси учун ўта зарур бўлган, ноёб хорижий ва рус тилидаги китобларни сотиб олишди ва маҳсус багаж орқали 200 тадан ортиқ китоблар Самарқанд шаҳрига етказилган.

Қисқа вақт ичida профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига профессор-ўқитувчилар ёрдамида янги очилган кафедрада

бакалавр-лар учун олтита таълим йўналишлари бўйича Давлат Таълим Стандартлари ва ўқув режалари тайёрланди. Энг муҳими кафедрада барча фанлар бўйича замонавий ўқув адабиётларининг янги авлоди яратилди.

Республикамизда туризм соҳасидаги педагог ва илмий даражали кадрларнинг етишмаслигини хисобга олган ҳолда профессор И.С.Тухлиев ташаббуси билан магистратура таркибида 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб, республикада биринчи маротаба “Халқаро туризм операторлик хизматлари” ва “Хизмат кўрсатиш ва туристик хизматларни ташкил этиш” мутахассисликлари бўйича магистратуралар ташкил қилинди.

Ушбу ишларни амалга ошириш натижасида 2011 ўқув йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус таълим вазирлиги №308 қарори асосида бакалаврият босқичида “Туризм (фаолият турлари бўйича)” ва “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналишларига ҳамда магистратура босқичида “Туроператорлик хизматларини ташкил этиш” ва “Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)” мутахассисликларига Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч олий ўқув юрти сифатида эътироф этилди. 2014-2015 ўқув йилидан “Туризм (халқаро ва ички туризм)” ҳамда “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” мутахассисликлари бўйича магистратура ташкил қилинди ва профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига уларнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режалари тайёрланди ва ҳозирда ўқитилиш давом этмоқда.

Шу даврга қадар устоз профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига 8 нафар иқтисодиёт фанлари номзодлари (PhD) ва 1 нафар иқтисодиёт фанлари доктори (Dcs) ўз диссертацияларини мұваффақиятли ҳимоя қилиб тасдигини олишган. Шу қаторда яна 5 нафар иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) докторантларига раҳбарликларини давом этмоқдалар. Ҳозирга қадар шу соҳада юздан ошиқ бакалавр ва магистратура мутахассисликлари бўйича шогирдларни ҳам тайёрлаганлар.

Ҳар бир инсон ўз устози ҳақида қанча гапирса оз кўринаркан. Лекин Республикада бир олим инсон шу соҳани ривожлантириш учун чеккан мاشақкатлари, бажараётган ишлари албатта доимо эътироф этилиши керак.

Инсон улғайган сари ҳаёт жуда мураккаб эканлигини чуқур англаб етаркан. Унинг ўнқир-чўнқир сўқмоқларидан ўз йўлини топганлар бор, тополмай умидсизликка юз тутганлар ҳам бор. Устозим Тухлиев Искандар Суюнович ҳаётнинг аччиқ синовларига дош бериб, баркамолликка эришган инсондир.

АЗИЗ ФИДОЙИ УСТОЗИМ ТУХЛИЕВ ИСКАНДАР СУЮНОВИЧ!

Сизнинг қутлуғ 70 йиллик ёшингиз муборак бўлсин. Устоз илмий фаолиятингиз мобайнида янада Республикализнинг шоншарафи ва ўзбек ҳалқининг тарихий нуфузини оширишда ҳамда улар орқали замонавий юқори сифатли мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилиш ишларида ҳорманг-толманг деб янги уфқ ва зафарлар тилайман.

Оиласиз ва бизнинг баҳтимизга доимо соғ-саломат бўлиб юришингизни яратгандан сўраб қоламиз, умрингиз бунданда зиёда бўлсин.

•••✿•••

Ҳаёт бу дийдор, унинг мазмун-моҳаяти шундан иборат. Кошки эди Яратганинг дийдорига сазовар бўлсак.

•••✿•••

Ҳаёт бу ёлғончи, нимагадир шундай дейишади.

•••✿•••

Ҳаёт бу ошхона, еб қолинг.

•••✿•••

Ҳаёт бу чегара, ундан чиқманг.

•••✿•••

Ҳаёт бу шижаот, агар кўрсата олсангиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу борлиқ, гап борлигингиз ва ўзингизда борингиз ҳақида кетмоқда.

•••✿•••

Ҳаёт бу йўқлик, чунки охири шунга олиб келади.

•••✿•••

Ҳаёт бу бефарқлик, бу албатта дангасалар учун

•••✿•••

Ҳаёт бу зийраклик, донолар учун шундай.

Ҳаёт бу қасос, лекин Сиз уни олиб ўтирманг, Яратганинг ҳукмига солинг, ўзи билади.

Ҳаёт бу нафс, буни ҳалолик билан қондириш керак.

Ҳаёт бу зўрлик, бу жисмоний куч билан белгиланмайди.

Ҳаёт бу хорлик, агар ўзингизга бефарқ бўлсангиз.



Амриддинова Райхона Садриддиновна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Туризм” кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ ШОГИРД ЗИММАСИДАГИ БУРЧДИР!

Устоз ва мураббийлар жамият биносининг бинокорлари, маърифат боғининг боғбонлариидир. Улар ҳаёт бўстонидаги ниҳолнинг бакувват дарахтга айланиши учун беқиёс меҳнат қиласиди. Шунинг учун ҳам унинг шогирд устидаги ҳаққи бениҳоя катта ва улуғдир. Устоз шогирдини ўз фарзандидек кўради. Зими斯顿 дунёсини илм қуёшининг мўъжизакор зиёси билан мунааввар этади. Сабр ва меҳр билан парваришлайди. Дунёю охиратда улуғлик, манфаат ва нажот келтирадиган йўлга йўллаб қўяди. Бунга қўшимча равишда шогирдининг салоҳияти учун туну кун дуода бўлади. Натижада унинг қўлига ниҳол бўлиб келган шогирд совуқ урмасдан, зулматларда абгор бўлмасдан униб-ўсади ва вақти келиб бу ниҳол ҳаёт бўстонидаги сербарг ва муҳташам дарахтга айланади.

Мен дунёдаги энг баҳтли шогирдлардан бириман. Устозинг ким деб сўраганларга ғуур ва ифтихор билан Искандар Суюнович Тухлиев деб айтаман. Менинг Устозим маънавият осмонида мусаф-фо зиё таратиб турган йўлчи юлдуздирлар, улар туфайли мен илм фанда тўғри йўлни топдим, уларнинг шарофати билан, дуолари ва ўгитлари билан бугунги даражамга эришдим.

2007 йил. Ташкил этилганига эндиғина бир йил бўлган “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасида ишга қабул қилиндим. Қатъиятли, талабчан, ўз ишини биладиган кафедра мудири билан ишлаш мен учун катта масъулият эди. Қисқа вақт ичида Устозим профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигида янги очилган кафедрада бакалаврлар учун “Туризм маркетинги”, “Туризм менежменти”, “Туризм операторлик хизматларини ташкил этиш”, “Сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги)”, “Туризм (фаолият турлари бўйича)” ва “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналишлари бўйича Давлат Таълим Стандартлари ва ўқув режаларини тайёрлаш каби масъулиятли ишда жамоада ишлаш баҳтига муяссар бўлдим.

2008 йили аспирантурага ўқиш ниятим борлигини ва бу машаққатли йўлда менга йўл йўриқ кўрсатиб, илмий раҳбарликка розилик беришларини Искандар Суюновичдан сўрадим. У киши бу жараён мураккаб эканлиги, ярим йўлда ташлаб кетиб бўлмаслиги, узлуксиз изланиш кераклигини уқтириб, охири дуога қўл очдилар. Мана шу зайлда “устоз-шогирд” мактаби бошланди.

Устозимнинг тинимсиз панду ўгитлари, қаттиқ талаблари натижасида 2012 йил “Меҳнат ресурсларини бошқариш асосида туризм хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари (Самарқанд вилояти туризм корхоналари мисолида)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим.

Устозим билан ҳаммуалифликда “Туризм асослари”, “Органи-зация экскурсионного обслуживания”, “Экскурсия хизматини таш-кил қилиш” каби ўқув қўлланмаларни тайёрлаш ва чоп этиш баҳтига муяссар бўлганман.

2017 йилда Устозим раҳбарлигидаги “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси жамоасининг самарали меҳнати туфайли, кафедра Республика олий таълим муассасаларидағи 1582 та кафедралар фаолиятини баҳолаш натижаларига кўра, Самарқанд вилоятидаги олий таълим муассасалари кафедралари ичида фахрли

биринчи, 2018 йили эса институт миқёсида “Энг яхши кафедра” номинацияси бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллади. Бугунги кундаги “Туризм” кафедрасининг мавқеини, обрўйини сақлаб туришда Искандар Суюновичнинг хизматлари бекиёс ва салмоқлидир.

Ҳозирги пайтда Устозим билан биргаликда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Давлат илмий-техника дастурлари доирасида “Туризм геоахборот тизимида янги туристик маршрутлар яратиш” мавзусидаги амалий лойиха устида ишламоқдамиз.

Бугунги кунда докторлик диссертацияси мавзуси устида илмий изланишлар олиб бормоқдаман. Ва ҳеч иккиланмасдан илмий маслаҳатчиликка мен учун қадрдон, азиз ва юксак ҳурматга сазовор бўлган олим, қатъиятли ва шиҷоатли инсон **ИСКАНДАР СУЮНОВИЧ ТУХЛИЕВНИ** танладим! Демак Устозимдан ҳали изланиш, интилиш, ҳаёт сабоқларини ўрганиш жараёни давом этади...

Қадрдон Устозим **ИСКАНДАР СУЮНОВИЧ ТУХЛИЕВ!** Сизни муборак кун 70 ёшли юбилейингиз билан оиласан ва шахсан ўзим номимдан муборакбод этамиз, доимо соғ-саломат ва илм нурини таратиш йўлида доимо сабитқадам бўлиб боришингизни сўраб дуолар қиласиз. Биз Сизни яхши кўрамиз, эъзозлаймиз!

Устоз Сиз мисли ёниб турган шамга қиёс. Ўзи ёниб, атрофга нуру зиё сочади. Бошқалар ана шу нурдан баҳраманд бўлади. Шу сабаб, мен Сизнинг олдингизда мудом таъзимдаман. Сизга бир умр эҳтиром кўрсатишга, иззатингизни жойига қўйишга, хизматингизни адо этишга бурчлиман.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ушбу мисралари айнан сиз учун ёзилган азиз **УСТОЗИМ:**

Соҳибқирон ётар устоз пойида,
Жомийни пир тутган Навоий ҳазрат.
Устоз буюк деган буюк қоида
Бу қайтар дунёда азалий ҳикмат.

Афлотунга шогирд эди Арасту,
Ул шогирдга шогирд бўлди Искандар.
Бу олтин силсила давоми мангур,
Ўзи устоз бўлар устоз қўрганлар.

Борми мураббийдан баҳтлироқ инсон,
Шоғирдлари қилса юксакка парвоз.
Бошимизга тожсиз, бор бўлинг омон,
Табарруклар ичра табаррук УСТОЗ!

Устозларимизга итоатли бўлишдек азизликка, уларни улуғлашдек фахру-ифтихорга, ҳамда уларга тавозели бўлишдек обрӯ мартабага Парвардигори олам барчаларимизни муваффақ қилсин ва бу саодатдан ҳеч қачон бизларни айирмасин.

✿

Ҳаёт бу муносабат, чунки якка эмассизда.

✿

Ҳаёт бу ҳақлик, ҳамиша шундай деб ўйламанг.

✿



Аминов Зариф Юсупович
*СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва
статистика” кафедраси катта
ўқитувчиси, и.ф.н.*

УСТОЗЛАРИМИЗНИНГ ТАБАРРУК ҲАЁТ ЙУЛЛАРИ

**“Бирортаси билан ўз ишингни
маслаҳатлашмоқчи булсанг, энг аввало, у
ўз ишларини қандай йўлга қўйиб олганига
эътибор қил”**

(Исократ)

Ассалому алайкум! Улуғ аййём кунлари Рўзаи рамазон ойининг муборак З чи ўн кунлиги бошланган кунда устозим Искандар Суюнович Тухлиевнинг ҳавас қилса арзидиган муборак

70 ёшни қарши олаётганликлари муносабати билан юрагимнинг тўридан чиқариб, ушбу сатрларимни ёзаётганимдан баҳтиёрман. Аллоҳ бизни мусулмон ҳолатда, мусулмон бир ўлкада, мусулмон ота онадан улуғ бир неъмат ичида дунёга келтирган, иймонимизни мустаҳкам қилсин ва устозларимизни табаррук ҳаёт йулларининг энг аълоларини бизга ҳам насиб этсин.

Искандар Суюнович номини тилга олганимизда, кўз олдимида беихтиёр ўзининг босиқлиги, вазминлиги, масалани етти ўлчаб бир кесиши каби ҳислатлари шунингдек ўзаро фикр алмашишда, муаммоларни ечимини топишда босиқлиқ ва айни пайтда жонкуярлик ва мулоҳаза билан ёрдамини аямайдиган устозимиз гавдаланади.

Устозни 1998 йилдан бошлаб, у киши катта бир вилоят ташкилоти раҳбари сифатида Самарқанд вилояти ҳокимлигига бўладиган кўплаб мажлис ва тадбирларда шунингдек ҳар хил анжуманларда, олдинлари Самарқанд туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ва бошқарма бошлиғи ўринбосари сифатида қатнашиб юрадиган кезларимдан яхши таниб олганман. Ўша вақтлар ҳусусийлаштириш ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ҳаракатлари бошланиб, айни ура-урачилик вақтлари эди. Айникса мажлислар жараёнида юқорига чиройли рақам ва кўрсаткичларни тақдим этиш ҳамда кўплаб тадбиркорларлик субъектлари тузиш жараёнлари бўлса керак (ўша вақтлари устозни яқиндан билмаганим сабабли) устозга вилоят раҳбарлари ҳар хил кўрсаткич учун савол-жавоблар қилишар эди. Ушбу ҳолатларда Искандар Суюнович саволларга обдон, мулоҳаза билан жойи келганда имконияти йўқ масалалар бўйича ҳам тўғри муносабатларини билдирап эдилар. Табиийки раҳбарлар эътиroz билдирган ҳолатларга гувоҳ бўлганман. Мен ёш раҳбар бўлганлигим учун бўлса керак нима учун шу масалага хўп деб кўймадилар экан деб ўйлаб ҳам қолар эдим. Вақт олий ҳакам экан сал вақт ўтиб, кўрсаткич орқасидан қувиб, рақамларни сохталаштирган баъзи бир вилоятлар ва республика раҳбари хатолари очилиб уларга чоралар ҳам курилди. Ушбу ҳолат устознинг ишга бўлган фидоийлик ва принципиал ёндашиши, шунингдек ҳар қандай вазиятда фақатгина тўғри ва қонуний тарзда вазифани бажариш зарурлиги, ёш раҳбарларга тажриба мактаби намунасидир.

Номзодлик диссертациямнинг ёзилиши жараёнида устознинг кўплаб маслаҳат ва амалий ёрдамларини аямаганлар. Ҳимоя арафасида 2008 йилда диссертацияни ҳимояга таёrlаш жараёнида ҳужжатларни тайёрлаш, амалиётга ишлаб юрганлигим учун қийин-роқ туйилган. Лекин Искандар Суюнович жуда банд бўлишларига қарамасдан кечалари қолиб, ҳужжатларни тайёрлаш жараёнига катта ёрдам берганлар. Ўшанда и.ф.д., проф. И.С.Тухлиев 08.00.05-“Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича илмий котиб эдилар. Мани эътибор ва ҳурматимни янада ошишига сабаб бўлган масала у кишининг ишчи хонасидаги саранжомлик, ҳар бир ҳужжатнинг рисоладагидек тиқилгани ҳамда илмий ишим бўйича ОАКга топширадиган ва институтда сакланадиган ҳужжатларга катта эътибор ва юксак дид ва билим, масъулият билан яrim кеча бўлишига қарамасдан жой жойига тикиб, жойлаштириб ишни тугатиб институтдан чиқиб уйга қайтган лаҳзалари мен учун у киши шахсиға мужассам бўлган хислатлари кашфиёти бўлди. Шунинг учун мақоламнинг бошида қадимий грек публицисти *Исократ* ёзиг қолдирган “*Бирортаси билан ўз ишинги маслаҳатлашмоқчи булсанг, энг аввало, у ўз ишларини қандай йўлга қўйиб олганига эътибор қил*” деган ибораси айнан устознинг ишга муносабатини акс этади. Ушбу лаҳзалар таърихга айланганига ҳам 12 йил бўлибди.

Ўтган йилларни эслаш инсон қалбидаги энг буюк туйғу. Зеро, хотира қалбимизда яшаётган ҳайрат шуури. Хотира уйғоқлиги эса эзгуликнинг пойdevori. Шунинг учун шоир Чўлпон “Хотира уйғонса гўзалдир” деганида минг карра ҳақ. Ёшлигимизда ёши катта отахонлар ўтирган вақтда бир неча шўхроқ болалар билан яқинроқ бориб, салом бериб яна ўйинни давом эттиromoқчи бўлиб турганимизда улар бизларни чақириб етти ота боболарингни номини ким айтиб беради? – дердилар. Биронтамиз сал адашсак ёки билмай қолсак борми.....

Албатта, бугунги кунда ҳар биримизнинг қалбимизда шу каби теран туйғулар яшаб келаётган экан, буни ҳалқ фалсафаси ёки буюк қадриятлар ақлу шууримизга жой олганлигидан деб биламан. Ушбу фикрларим билан уйғун ҳолатда дунё таамаддунининг бошида турган, минг-минг йиллар давомида дунёни ҳайратга солиб келган ва ҳозирги кунда ҳам уни кўриш орзусида

юрган миллионлаб инсонларини тушларига кираётган севимли Самаркандинизни, Ўзбекистонимизни улуғлаш уни дунёга кўз-кўз қилишдек муқаддас соҳа, яъни туризмни ривожлантириш, ушбу мураккаб ва соат сайин дидлар ва талаблар ўзгараётган бир паллада ушбу соҳани бошқариш ва сифатли хизматларни йўлга кўйишдек серкирра айни пайтда жуда долзарб йўналишда кадрларни тайёрлаш жараёнидаги жонбозликлар кўрсатиб вилоят ва республика фан намояндалари ва раҳбарларга намуна бўлаётган Искандар Суюновичнинг меҳнатсеварлик ва фидоийликлари натижасидир. Ушбу ишлар фақатгина фидоийликнинг ўзи билан эмас, балким шу Ватанни севиш ва жуда катта юраги бор инсон уddyalай олади. Шу ўринда севимли шоиримиз Мухаммад Юсуфнинг ушбу шеъри ёдимга тушди;

*Ўпинг кузга суртинг тупроғин,
Ҳар сузинг муқаддас дуодек севинг.
Қаданг юракларга миллат байрогин,
Ватанни Нажмиддин Кубродай севинг.*

Хурматли Искандар Суюнович

Ушбу баҳтли, шукронга кунлар муборак бўлсин. Ҳаётингизни доимо файзли, завқли, эзгулик ва яхшилик ила фарзандлар, набира-абиралар, ёру дўстлар, шогирдлар, эзгу ниятли инсонлар ҳамроҳлигида ўтишини ва икки дунё саодати-ю, ободлигига мушарраф булишингизни тилайман. Таваллудингизнинг 70 йиллиги муборакбод бўлсин!



Усманова Зумрад Исламовна
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти “Маркетинг” кафедраси
доценти в.б.*

ФИДОЙИ УСТОЗИМ

Устозим, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович Тухлиевнинг илмий-тадқиқот ва ижодий фаолият ҳамда ҳаракатларини, “улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг: “Авлодларингизга фақат бугуннинг эмас, келгуси замоннинг илмини ўргатинг”, деган сўзлари билан таққосласа бўлади.

Қатор йиллар давомида кўп қиррали фаолиятларини сидқидилдан адо этиб, «игна билан қудук қазиши»дек мashaқкатли илм йулида юксак истеъдодларини намоён қилиб қелмоқдалар. Устоз “Ҳалқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасини мудир сифатида қатор йиллар давомида бошқариб келган. Устознинг “Туризмни режалаштириш”, “Туризмда стратегик маркетинг”, “Туризм асослари”, “Туризм: назария ва амалиёт”, “Производственный менеджмент”, “Илмий ижодиёт методологияси”, “Экскурсия хизматини ташкил қилиш”, “Туризм соҳасининг замонавий атама-лари изоҳли луғати” каби кўплаб илмий ва илмий-ишлари бугунги ва келгуси авлод учун беназир бойлик, десам адашмаган бўламан. Искандар Суюнович томонидан тайёрланган ва хорижий тилларда эълон килинган 300 дан зиёд илмий мақолалар, дарсликлар, қўллан-малар, ўзига хос илмий мактаб яратилганлигининг гувоҳномасидир. Кучли илмий салоҳият эгаси сифатида Устоз қатор йиллар давомида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари фан номзоди ва фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий Кенгашнинг илмий котиби ва Кенгаш аъзоси бўлганлар.

Давлатимиз иқтисодиёти учун кўплаб олимларни, жумладан, Утаров К.Т., Каримова Ф.Н., Синдаров Ш.Э., Сафаров Б.Ш.,

Рахимов З.О., Амридинова Р.С. ҳамда Абдухамидов С.А, Наврўззода З.Б., Хамитов М.Х., Абдувалиев А.А каби баркамол инсонлар-нинг илмий ишларига раҳбарлик қилиб, илм ўргатиб, ҳаёт сабогини бериб келмокдалар. Ҳозирга қадар туризм соҳасига юздан ошиқ бакалавр ва магистратура мутахассислари бўйича шогирдларни ҳам тайёрлаганлар.

Шахсан ўзимнинг илмий ишимга раҳбарлик қилиб, ўзларининг бебаҳо маслаҳатлари билан илм йўлимни ёруғлик каби ёритган. Илм йўлида бизга сабоқ берган, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга кўмак берган муҳтарам устозимизни доимо эъзозлаймиз.

ХУРМАТЛИ ФИДОЙИ УСТОЗИМ ИСКАНДАР СУЮНОВИЧ !

Сиз жуда баҳтли инсонсиз, сизнинг атрофингизда кадрдонларингиз, ёру дўстларингиз, шогирдларингиз, маҳалла-кўй, қариндош-уруғлар, қуда-андалар. Яна шунинг учун баҳтлисизки, кенг ва ажойиб, ўзининг маълум тажрибаларига эга бўлган Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти жамоаси ҳурматига сазоворсиз. Яна баҳтлисизки, Самарқанд вилоятининггина эмас, бутун Ўзбекистоннинг муҳтарам инсонисиз, забардаст олимисиз. Оилада меҳрибон ота, катор невараю чеварадалар учун тенги йўқ бобо, жамиятда эса фидойи устоз ва фаол фуқаро сифатида эъзозланаётганлигиниз бизда ҳавас ҳамда фахр-туйғу ҳисларини уйғотади. Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман, масъулиятли фаолиятингизда, ҳар кунингизда Аллоҳ файзу барака берсин!

Ҳаёт бу саҳоват, кошки эди ҳаммамиизда бўлса?

Ҳаёт бу сокинлик, шукроналик билан яшаганлар ҳаёти шундай.

Ҳаёт бу фурсат, уни бой бермаслик керак.

Ҳаёт бу имконият, бу ҳам ҳамиша бўлавермайдиган неъмат.

Ҳаёт бу фазилат, агар кўрсата олсангиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу роҳат, сезиб яшасангиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу азоб, мақсадига эриша олмаса, кўпинча шундай туюлади.



Абиев Жахонгир Нематович
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти таълим сифатини назорат
қилиши бўлими бошлиги, PhD*

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Инсон яшар экан, аввало, унга билим ва маърифат дунёси сари йўл очиб берган, унинг қалбига юксак инсоний фазилатлар ҳиссини сингдириш йўлида заҳмат чеккан устоз ва мураббийларига нисбатан ҳамиша миннатдорчилик туйғуси билан яшайди.

“Устоз, ўқитувчи, шогирд, устозларнинг устози”. Ушбу сўзлар нақадар буюк эҳтиромга, эъзозга лойиқ сўзлардир. Ҳар бир устоз шогирдларига илм йўлини ўргатаркан, аввало қандай заҳмат йўлини танламасин, шогирдини ҳам юксак эъзозга лойиқ ном олиш илинжида тарбиялаб боради. Гарчи “устоз, ўқитувчи, яхши шогирд” ушбу сўзлар бир-бирига яқин бўлса-да, мана шу шарафли номга лойиқ касб эгаси бўлиб етишишимда талабчан устозим И.С.Тухлиевнинг меҳнати, саъй-харакатлари чексиздир.

Сиздаги биз шогирдларга илм йўлидаги қатиққўллигинги, нохос илмимиздан миннатдор бўлсангиз, дилингиздагини сездирмай, қаттиқ оҳангда миннатдорчилик туйғусини билдиришингиз, биз шогирдларни ўз устимиизда тинмай ишлашимизга даъват этди. “Туризм” кафедрасининг салоҳияти, илм йўлидаги шиҷоати, бугун салобат билан қад кўтариб турган масъулиятли ва айни дамда шарафли касбимиз, эришган ютуқларимиз замирида сизнинг жонбозлигинги, меҳнатингиз акс этиб турибди десам

адашмайман. Сиз бизга шунчаки илм йўлини эмас, бу йўлда заҳмат чекиш, ардоқланиш кераклигини ўргатдингиз.

Сиз туфайли ҳаёт йўлимда энг юксак шиорни ўргандим. “Аудиторияда янгилик ҳамда ўз-ўзига ишонч масъулияти ўқитувчида албатта бўлиши керак”. Сиздек етук олимнинг илк қўлимга бакалавр дипломини олганда энди илм йўлини излаётган талабага билдириган ишончингиз масъулиятини бугун ҳис қилиб турибман.

Ҳазрати А.Навоий бобомиз айтганлариdek, “дунёning бор бойлик ва хазинаси билан ҳам устозларнинг олижаноб меҳнатингиз хақини адo этиб бўлмайди”. Дарҳақиқат, устоз зиммасига ҳаёт талабларига тўла жавоб берадиган ва ўз замонига муносиб мутахассисларни етиштиришдек масъулиятли вазифа юклатилган. Ўқитувчи-мураббий бор маҳоратини, илми билан шогирдлар қалбини, илм зиёси билан тўлдиришга аҳд қилган буюк касб эгасидир.

Устоз!!! Ушбу онда ёшларга тинмай илм даҳоларини етиштириб келаётган олий таълимда сиз билан ёнма-ён фаолият кўрсатиб келаётганимдан, қолаверса, сизни муборак навқирон 70 ёшингиз билан қутлаш баҳтига сазовор бўлиб турганимдан шогирд сифатида баҳтиёрман. Кўнглимда шогирд сифатидаги илиқ, самимий туйғулар сиздек талабчан, масъулиятли устозимга кўнгил битикларини битишга етаклади.

Сизни муборак 70 ёшингиз билан чин дилдан муборакбод этаман! Миллат келажагига билим-маърифатни ўргатаётган, минг турфа мاشаққатларни шогирдларининг камолини кўриш истагида жавлон ураётган сиздек жонкуяр устозимга, буюк эҳтиром изҳор этиб, машаққатли ва шарафли касбингизга улкан мувафаққиятлар, оиласизга сиҳат-саломатлик, юртимиз келажаги бўлган навқирон авлод вакилларига илм йўлини ўргатиш каби мешаққатли ва шарафли ишларингизда Яратгандан куч-қувват тилаб қоламан.

Сизнинг таълимингиз бизларга чексиз,
Илм йўлида устоз эмасман сизсиз,
Ҳаёт сабоғида сарбон ўзингиз,
Баҳтиёр онингиз муборак устоз!

Кўрсатган йўлингиз ҳар недан устун,
Ўгитингиз берди келажак дарсин,
Сиз-ла ҳаётимнинг йўллари бутун,
Қутлуғ ёшингиз муборак устоз!

Илм-маърифатнинг ўргатган йўлин,
Дуода бўлдингиз, билмайин тиним,
Сизни улуғламоқ ҳаётим қарзи,
Таваллуд кунингиз муборак, устоз!

•••✿•••

Ҳаёт бу ноҳақлик, бу ҳам бор, учраб турибди.

•••✿•••

Ҳаёт бу бурч, уни ҳалол адо қилиш керак.



Абдухамидов Сарвар Адхамович
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти Таълим сифатини назорат
қилиши бўлими боши мутахассиси, “Туризм”
кафедраси катта ўқитувчиси*

ШАРАФ СИЗГА, ОЛҚИШ СИЗГА, ТАЪЗИМ СИЗГА АЗИЗ УСТОЗИМ

*Борми мураббийдан баҳтлироқ инсон,
Шогирдолари қилса юксакка парвоз.
Бошимизга тожсиз, бор бўлинг омон,
Табарруклар ичра табаррук устоз!*

(Эркин Воҳидов)

Искандар Зулқарнайн ҳар бир ишғол қилган юртининг таҳтига биринчи бўлиб устозини ўтқазар экан. Бир куни ундан: “Нима учун бундай қиласиз?” деб сўрашганда: “Ота-онам туғилишинга, устозим эса юксалишинга сабабчи бўлганлар”, деган экан. Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг инсон бўлиб камол топишида, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустаҳкам ўрин олишида фидойи устозларининг хиссаси бекиёсdir.

Мана 10 йилдирки, Устозим мени илм оташларида тоблаб келмоқда. Мен 2010 йил иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюновичнинг тинимсиз меҳнатлари ва сайъ-харакатлари билан институтимизнинг “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси негизида очилган, Республикада ягона “Хизмат кўрсатиш ва туристик хизматларни ташкил қилиш” магистратура мутахассислигини тамомлаган, бугунги кунда устозимнинг илмий раҳбарлигига PhD диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида турган шогирдиман.

Илмий-педагогик фаолиятимни бошлаган дамларимнинг илк кунлари ҳали-ҳамон эсимда. Зоро, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасининг меҳнаткаш, тинимсиз илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи жамоасига қўшилганим, қолаверса ана шундай ажойиб профессор-ўқитувчилар жамоасига раҳбарлик қилиб келаётган ва ана шу кафедранинг республика даражасидаги нуфузини оширишга ўзининг бор куч-ғайратини сарфлаган, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюновични устоз сифатида қалбимга муҳрлаганим учун ҳам у дамлар мен учун жуда қадрли.

Кўплар учун ибратли, мақсадга етишдан толмайдиган инсон, устозимдан жуда қўп фазилатларни ўзлаштирудим. Жумладан, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиш, ҳар бир дарсга жуда қаттиқ тайёрланиш, илфор, инновацион педагогик технологиялар асосида амалий ва маъруза дарсларига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш.

Кечагидек эсимда 2011 йил магистратурада иккинчи босқичда ўқиб юрган кезларим, Устоз мени олдиларига чақирди. Кафедрада лаборант лавозимида ишлаш таклифини айтди. Мен бу таклифдан, менга билдирилаётган ишончдан жуда хурсанд бўлиб кетдим. У киши менга вазифаларини бажаришимга нисбаттан қаттиққўллигини, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашишим кераклигини, топширилган ҳар бир ишга илмий-ижодий ёндашишим кераклигини, кафедра иккинчи уйим бўлиши кераклигини айтдилар. Мен дадиллик билан ҳамма нарсани ўрганишимни айтдим ва ишга қабул қилиндим. Тўғриси озгина қийналдим. Аммо, Устозим эндиғина юришни ўрганаётган гўдакнинг қўлидан тутиб юришни ўргатаётган ота-оналардек ишларни қандай бажариш кераклигини, қайси ишга қандай ёндашиш кераклигини, хатлар ва уларга жавоблар қандай ёзилиши кераклиги, кафедрада қандай

меъёрий ҳужжатлар борлиги ва улар билан қандай ишлаш кераклигини сидқидилдан ўргатди.

Устоз дуоси. 2012 йил илк педагогик фаолиятимни бошлаш арафасидаман. Кафедрада асистент лавозимида иш бошламоқдаман. Биринчи иш куним, биринчи марта мустақил тарзда дарсга кирадиган куним. Ҳаёжон кучли. Магистратурада бирга ўқиган ва бир вақтда ишга кирган дўстим М.Х.Хамитов билан Устозимизнинг олдига келдик ва устозимиздан дуо сўрадик. Устоз бизни дуо қилдилар, педагогликдек масъулиятли ва машаққатли касбда бизга куч-кувват тилади. Ҳар бир дарс муқаддаслигини (дарснинг муқаддаслигини жуда кўп такрорлайдилар) унга бутун борлигимиз билан тайёрланиб кейин аудиторияга киришимиз кераклигини яна бир бор уқтиридилар. Бизга Аллоҳдан юзимизни ёруғ қилишини сўраб дуо қилдилар. Қарангки бутун вужудимиз енгиллашди, ҳаёжонлар бизни тарк этди ва муваффақиятли дарс ўтдик. Шуни айтсалар керакда “Олтин олма дуо ол” деб.

Устозим менга илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш жараёнлари бўйича мақолалар ёзиш, диссертация мавзуси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, адабиётлар билан ишлаш, давлат илмий-техник лойиҳалари доирасида фундаментал ва амалий лойиҳалар тайёрлашнинг сир-синоатларини ўргатдилар.

Устозим тинимсиз илмий-тадқиқот ишлари билан машғул инсон. Шу туфайли ҳам ҳар бир шогирдларига доимо илмий-тадқиқот жараёнига жуда масъулият билан ёндашиш, бошлаган ишини охиригача етказиш кераклигини уқтириб келади. У кишининг илмий-тадқиқот ишларининг натижалари асосида дунёнинг турли мамлакатларида 300 дан ортиқ илмий-амалий мақолалари, 8 та дарслик, 12 та ўқув қўлланма, 25 дан ортиқ услугбий қўлланмалари, туризм соҳасининг замонавий атамаларига бағишлиган рус, инглиз ва ўзбек тилларидаги изоҳли луғатлар тайёрланиб нашр қилинди. Энг эътиборлиси, туризм соҳасидаги кўп йиллик олиб борган илмий тадқиқот ишлари натижасида “Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш иқтисодиёти” йўналиши бўйича Ўзбекистонда илмий мактаб яратди.

Устозим олий таълим тизимида ишлаётган ҳар бир педагог фақатгина дарс ўтиш, мақола ёзиш билан чекланиши ярамайди дея меъёрий ва ўқув-услубий ҳужжатлар ишлаб чиқишини ҳамда улар билан ишлашни ўргатди. Институтимиз туризм таълим йўналишлари бўйича республикада таянч ОТМ ҳисобланади. Шу туфайли,

туризм таълим йўналишларининг давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режаларини ишлаб чиқиш мақсадида устозим раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ тузилди. Ушбу жараённи ўрганиш ва тажриба орттиришим учун ишчи гурухга аъзо сифатида мени ҳам киритди. Бу жараённи ўрганаар ва кузатар эканман устозимда ўзгача бир шиҷоатни сезардим. Ишлаб чиқилаётган ўқув режаларнинг халқаро илғор тажрибалар асосида ишлаб чиқилишига жуда катта эътибор берар эдилар. Киритилаётган ҳар бир фанни чукур илмий мушоҳада асосида таҳлил қиласар эдилар ва шу фан ҳақиқатдан туризм соҳаси учун етук мутахассис кадрларни тайёрлаш учун зуур бўлса, у фаннинг ҳатто мамлакатимизда хеч қандай ўқув адабиётлари бўлмаса ҳам хеч иккиланмасдан киритар ва албатта жуда катта машақкат билан бўлсада унинг ўқув адабиётларини яратар эди.

Бугунги кунда, У кишининг раҳбарлигига “Ўзбекистонинг туристик-рекреацион салоҳиятини ривожлантиришда минтақавий геоахборат тизимини шакллантириш” номли фундаментал ва “Туризм геоахборот тизимида янги туристик маршрутларни яратиш” номли амалий давлат грантлари устида иш олиб борилмоқда. “Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида туризм геоахборот тизимининг электрон платформасини шакллантириш” мавзусидаги 1 та амалий ва “Ўзбекистонда геотуризмни шакллантириш ва ривожлантиришнинг методологик асослари”, “Рақамлаштириш иқтисодиётининг методологик асослари ва уни Ўзбекистон туризми ҳамда меҳмондўстлик соҳасида ривожлантириш хусусиятлари”, “Ўзбекистон ички ва кирувчи туризмини барқарор ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари” ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб виртуал турларни ташкил қилишнинг назарий ва амалий асослари” мавзуларидағи 4 та фундаментал лойиҳалар Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил қилинадиган 2020 йилги танловга юборилган.

Умуман олганда Устозим ҳақида қанча илиқ гапларни гапирсам ҳам оз. У кишининг етук кардлар тайёрлаш, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссаси, илм-маърифат зиёсини таратишдек улуғ ишлари ҳақида достон ёзсанг арзиди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Устоз, Сизни муборак 70 ёшингиз билан ўзим ва оила аъзоларим номидан чин юракдан табриклайман! Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлик, оилавий тинчлик-хотиржамлик, баҳт-саодат, ишларингизга муваффақият, илм сирларини шогирд-

ларингизга ўргатишингизда куч-қувват тилайман! Илоҳим оиласиз, шогирдларингиз ва яқинларингиз баҳтига доим соғ-омон бўлинг! Доим фарзандаларингизнинг, невара, эвара, чевараларингизнинг, шогирдларингизнинг баҳту-камолини кўриб юринг! Устоз, биз шогирдларингиз бошимиз ерга теккунича таъзимдамиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу масъулият, агар сезсангиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу ишонч, нима бўлганда ҳам алданиб қолмасликда, чунки бу жуда нозик туйғу.

•••✿•••



Хамитов Мубин Хабибжонович
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти “Туризм” кафедраси
ўқитувчиси*

УСТОЗИМ – ҲАЁТИМ ЧИРОГИ

Инсон камолотида унга илк бор қалам тутқазган, ҳарф ўргатган, уни маърифат ва зиё сари етаклаган устоз ҳамда мураббийларнинг хизмати бекиёс. Борлиқни англаш, илм-фан сирларини эгаллашда барча бирдек бу шарафли ва масъулиятли касб эгалари кўмагига таянади. Шу боис устозларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром туйғуси киши қалбига умрбод мухрланади.

Ривоят қилинишича, имом Бухорий (раҳматуллоҳи алайх) хазратлари Маккаи Мукаррамада таълим бераётган чоғда бир зиёратчи Бухорои Шарифдаги устозлардан салом ва мактуб келтиради. Бу хабарни эшитган Имом Бухорий (р.а.) Бухорои Шариф томонга юзланиб, саломига алик олганларича ҳурмат бажо келтирадилар, сўнгра мактубни икки қўллаб олиб, табаррук қилиб, эҳтиром билан хатни ўқиган эканлар.

Ҳа, устоз мисли ёниб турган шамга қиёс. Ўзи ёниб, атрофга нуру зиё сочади. Бошқалар ана шу нурдан баҳраманд бўлади. Шу

сабаб, ҳар бир инсон ёшидан, мавқеидан, даражасидан қатъи назар, сабоқ берган устоз-мураббийи олдида мудом таъзимда. Ҳазрат Навоий айтганларидек, Ҳақ йўлида бизга минг ранжу қийинчилик билан сабоқ берган муаллимларнинг машаққатли меҳнатлари ҳақини ҳеч бир бойлик ёки ганжина билан ўлчаб бўлмайди. Уларнинг меҳнатлари бекиёс ва беназир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов устоз-мураббийларга таъриф бериб, “Агарки, дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касблар ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир. Чиндан ҳам ўқитувчи наинки, синф хонасиға файз ва зиё олиб кирадиган, балки, минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини бахш этадиган, ўз ўқувчилариға ҳақиқатдан ҳам ҳаёт мактабини берадиган мўътабар зотдир”, деган эди.

Чиндан ҳам, устозлар мурғаклигимизданоқ қалбимизга эзгулик уруғларини сочади, қўлимидан тутиб, маърифат сабоқларини беради, меҳр-муҳаббат улашади. Биз эришаётган улкан ютуқ-ларимиз, қўлга киритаётган ғалабалармизда уларнинг ҳиссаси катта. Шу сабаб, уларни мудом шарафлагимиз, ардоқлагимиз келади.

Инсон умрининг энг гўзал лаҳзаларини муҳрлаш, унинг қалбидан жой олган инсонларни ёдга олиш, абадийлаштириш асло ўчмас яхшилиkdir. Бундай эзгу ишни амалга ошириш ҳар бир инсоннинг хайрли ишларидандир. Устозни ёд этиш кимгадир армондир, кимгадир рўё.

Шундай буюк инсонлардан бири устозим иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюновичдир.

Мен 2006 йилда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти-нинг Сервис (Туризм ва меҳмонхона хўжалиги бўйича) таълим йўналишининг талабаси бўлиш баҳтига мұяссар бўлдим. Ўқишининг илк кунларидан бизга энг асосий мутахассислик фанларидан бири ҳисобланган “Туризм асослари” фани бўйича устозим И.С.Тухлиев бизга дарс машғулотларини бошладилар. Устознинг дарс машғулотлари даврида нафақат туризм соҳасининг етук олими, балки олийжаноб инсоний фазлатлари мени шу соҳага меҳр қўйишимга сабаб бўлди.

Устозим нафақат таълим жараёнида балким тарбия жараёнида ҳам бизнинг ҳаёт йўлимизни танлашда жуда ҳам катта сабоқ бердилар. Устознинг илмий сабоқлари ҳамда ҳаётий ўғитлари билан институтни муваффақиятли қизил диплом билан тугатдим. Институтни тугатганимдан сўнг, устоз олдилариға чақириб институт-да

туризм соҳаси бўйича магистратура мутахассислиги очилганлиги ва мени магистратурага ўқишга киришимни тавсия қилдилар. Хурсандчилигимдан бошим осмонга етди. Тўрт йил давомида қийинчиликлар билан олган сабоқларимнинг самараси ўлароқ, Устозимнинг менга билдирган юксак ишончи мени жуда хурсанд қилди.

2010 йилда институтда ташкил этилган янги мутахассислик “Хизмат кўрсатиш ва туристик хмзматларни ташкил этиш” магистратура мутахассислигига грант асосида ўқишга қабул қилиндим. Устозимнинг тавсиялари асосида гуруҳимизда сардор этиб тайинландим. Очифини айтишим керак, шундан сўнг кафедра иккинчи уйимга айланди десам муболага бўлмайди. Кун сайин кафедра билан алоқамни мустаҳкамлаб боравердим. Кафедрадаги иш жараёнларни тинимсиз ўрганиб бордим. Бу каби ишларни ўрганишимда Устозим мендан маслаҳатларини аямасди.

Магистратурада ўқиш чоғида менинг илмий-тадқиқот ва илмий педагогик фаолиятимни олиб боришда устозим менга илмий раҳбарлик қилишларини сўрадим. Устозим мени сўзсиз шогирдликка олишларини айтдилар. Шу вақтда хурсандчилигим ичимга сифмай кетди. Устозимнинг илмий раҳбарликларида “Меҳмонхона хизматлари самарадорлигини оширишнинг хусусиятлари (Самарқанд шаҳар меҳмонхоналари мисолида)” мавзусида магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиб магистр даражасига эга бўлдим. Магистратурада ўқиш давомида устозимдан илмий-тадқиқот ишларининг сир асрорларини ўргандим. Натижада Устозим билан ўндан ортиқ илмий мақолалар чоп қилдим.

Магистратурани тугатишим билан Устозим мени кафедрага ассистент лавозимига ишга қабул қилдилар. Ишга киришим биланоқ, Устозимга янада яқинроқ бўлиш, у кишидан янада кўпроқ илм сирларини ўрганишим учун У кишининг хоналарига жойлашдим ва устозимдан мashaққатли педагоглик маҳоратларидан сабоқ ола бошладим. Устозим қаттиққўллик билан менга сабоқ беришлари натижасида бугунги кунда ҳар доим аудиториядан ёруғ юз билан чиқиб келаман ва Аллоҳдан менга шундай Устозга дучқилганига шукrona айтаман.

Мен устозимнинг жуда кўп фазилатларидан ўrnak олдим. Жумладан, талабчан раҳбарлик, ҳар бир ишга сидқидилдан масъулият билан ёндашиш, дарсларга юқори даража ва савияда тайёргарлик кўриш, мақолалар ёзиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, ўқув-услубий материаллар тайёrlаш ва б.

Устозим гоҳида “Робот” бўлманглар дея койийдилар. Ўйлаб қарасам бу бежиз эмас экан. Бир ишни қилишда унга доим илмий-ижодий ёндашиш керак экан. Уни белгиланган талабдек эмас балки унданда зиёда қилиб бажариш лозим экан. Бу гапнинг исботларига мана 10 йилдирки амин бўлиб келмоқдаман.

Устозим тинимсиз илмий изланишдалар. У кишининг 300 дан ортиқ илмий-амалий мақолалари бугунги кунда дунёning турли мамлакатларида, юқори импакт-факторли журналларда нашр қилинмоқда. Устозим 10 га яқин дарсликлар, 30 га яқин ўқув қўлланмалар, 40 га яқин услубий қўлланмалар ва қўрсатмалар муаллифи ҳисобланади.

Умуман олганда, Устозимнинг илмий-ижодий фаолияти, у кишининг мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишига, кадрлар тайёрлаш тизимиға, институтимизнинг илмий салоҳиятини оширишга қўшган ҳиссаси ҳақида қанча гапирсак оз.

Хурматли Устозим - Искандар Суюнович! Сизни табаррук 70 ёшингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик, тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, оиласвий баҳт, тотув ҳаёт тилайман. Устоз! келажакда илм фаннинг янги чўққиларини забт этишда, бизга ўхшаган шогирдларга таълим-тарбия беришда, жонкуяр, фидокор устоз бўлиб, шогирдларни тайёрлашда сизга мустаҳкам ирова тилайман.

•••✿•••

Ҳаёт бу буюклиқ, бунга эришмоқ учун факат ва факат онгли меҳнат қилиш керак.

•••✿•••

Ҳаёт бу бўшлиқ, агар ўзингизга бефарқ бўсангиз худди шундай.

•••✿•••

Ҳаёт бу севги, иймони бутун одам ҳаёти севги қуршовида ва бунга қўшимча яна унинг ҳар бир босқичида севадиганлари бор.

•••✿•••

Ҳаёт бу масъулият, агар сезсангиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу ишонч, нима бўлганда ҳам алданиб қолмаслиқда, чунки бу жуда нозик туйғу.

•••✿•••

Ҳаёт бу буюклиқ, бунга эришмоқ учун фақат ва фақат онгли меҳнат қилиш керак.

•••*

Ҳаёт бу бўшлиқ, агар ўзингизга бефарқ бўсангиз худди шундай.

•••*

Ҳаёт бу севги, иймони бутун одам ҳаёти севги қуршовида ва бунга қўшимча яна унинг ҳар бир босқичида севадиганлари бор.

•••*

Ҳаёт бу bemanlik, agar yaxshi ustozga йўлиқтирmasa.

Ҳаёт бу қўрқоқлик, иймони бутун одам Яратгандан, иймони суст одам раҳбаридан қўрқиб яшайди.



**Алымов Атабек
Керимбергенович**
*Қорақалпоқ давлат университети
доценти, PhD*

ЧИН ИНСОНИЙ ХИСЛАТЛАР ЭГАСИ – МЕХРИБОН УСТОЗ

Умрини илм-фанга, ёшлар тарбиясига, ҳамда мамлакатимизнинг ривожи учун иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган фидокор олим, давлат арбобларидан бири профессор Искандар Суюнович ҳисобланади.

У кишининг илм-фанда эришган ютуқлари, давлатимиз ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида қанча гапирилса кам. Лекин, мен Искандар Суюновичнинг инсоний хислатларига тўхталиб ўтмоқчиман. У киши илм излаётган ёш тадқиқотчиларнинг чин маънода қўл-қаноти десам муболага бўлмайди.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошида Ўзбекистонда ягона бўлган Илмий кенгашда илмий котиб эди. Мамлакатимизнинг барча минтақаларидан тадқиқотчилар билим-

ларини ошириш, тажрибаларини бойитиш ва илмий тадқиқот ишларини якунлаш мақсадида Ер юзининг сайқали - Самарқанд шаҳрига ташриф буюришади.

Докторантурада ўқиган пайтимдаги ҳар бир онни эсласам, кўзимга соғинч ва севинч ёшлари келади. Бир инсонда, бир устозда, бир отада қандай ҳислат бўлиши керак бўлса, Искандар Суюновичда меҳрибонлик, ғамхўрлик, фидойилик, вафодорлик, масъулият каби жиҳатларнинг барчаси мавжуд. У кишининг эришган ютуқларини кўриб, қанчалик фидойилигини, устозларига муносиб шогирд, элимизга ва ота-онасига суюкли фарзанд ҳамда келажак авлод ўрнак оладиган Устоз эканлигини кўришимиз мумкин. Зотан, Ҳазрати Али (р.а.)дек мўминларнинг амири: “бир ҳарф ўргатган кишининг қирқ йил қули бўламан” – деган бўлса, биз шогирдлар Сиз устозлардан қарзимизни қандай узамиз, дея, ҳайрон қоламан.

Ҳурматли Искандар Суюнович, қорақалпоқ халқи, илм-фан аҳли ҳамда ўзим ва оила аъзоларим номидан Сизни таваллуд айё-мингизнинг 70 йиллиги билан самимий табриклайман! Сизга мустаҳкам соғлик, омонлик, оиласий тинчлик, шогирд тарбиялашдек буюк ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман!



Эргашев Ислом И smoилович
и.ф.ф.д (PhD),
Самарқанд давлат университети
“Иқтисодий назария” кафедраси мудири

АЗМУ ШИЖОАТЛИ ҚАЛБ СОҲИБИ

Мен Искандар Суюновични 2011 йили Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги Ихтисослашган илмий кенгашга номзодлик диссертациямни дастлабки ҳимояга ҳужжатларни тақдим этган даврда таниган эдим. У киши ихтисослашган кенгашнинг илмий котиби бўлиб, мен ва мен каби тадқиқотчиларнинг диссертациялари ва тегишли ҳужжатларни илмий кенгашга қабул

қилар эканлар, ҳар бир ҳужжатнинг мазмуни ва расмийлаштиришига жиддий эътибор қаратиб, синчковлик билан ўрганиб чиқар эдилар ва ушбу ҳолат у кишининг талабчан, зийрак ва серғайрат киши эканлигидан далолат берар эди. Бундай синчков, зийрак, серғайрат ва талабчан эканликларининг сабабини у киши узоқ йиллар давомида амалиётда, хусусан Республикализ ва виляятимизнинг қатор масъулиятли раҳбар лавозимларида фаолият юритганликлари, ҳам назарий, ҳам амалий соҳаларда катта тажрибага эга эканликларида деб тавсифлаш мумкин. Республикаизда илмий фаолият соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида илмий ишлар ҳимояси бир муддат тўхтаб қолди ва албатта бундай вазиятда “ҳимояга улгурмаган” мен каби бир қатор тадқиқотчилар тушкун кайфиятда эдик. Шундай вазиятда Искандар Суюновичнинг менга айтган гаплари ҳеч ёдимдан чиқмайди: - “Сиз кўнглингизни чўқтири-манг, илм йўли ҳамиша шундай мashaққатли ва синовларга бой бўлган. Мақсадингиз холис илм қилиш, диссертациянгизни ҳимоя қилишми? Ундей бўлса ниятингизни яхши қилинг. Албатта мақсадингизга эришасиз!”. Ушбу ишонч ва қатъият билан айтилган гапнинг залвори ҳалигача ёдимда.

Кейинчалик 2017 йилда илмий ишимни СамИСИ хузурида янгидан ташкил этилган Ихтисослашган кенгашга топширганимда И.С.Тухлиев очиқ чехра билан кутиб олган эдилар ва илмий семинар, ҳимоягача бўлган даврда илмий соҳада муайян даражада шахс сифатида шаклланишимда устозлик қилдилар, деб муболағасиз айта оламан. Чунки инсоннинг шахс сифатида шаклланишида унга тарбия берган, ҳаёт йўлларида дуч келган инсонларнинг у ёки бу даражада ўрни бўлади. Шу маънода, Искандар Суюнович мен ва мен каби илмий тадқиқотчилар учун илмий соҳада ўз йўлимизни топишимида ўзига хос устозлик қилганлар деб ҳисоблайман.

Устоз билан кўп маротаба ва давомли мулоқотда бўлган шогирд сифатида шуни айтишим мумкинки, у кишидаги қўплаб ижобий ҳислатларни ўз ортига беркитувчи бир ҳислат кўпчиликни сергак тортиради ва бу ҳислат домланинг чўрткесарлиги. Ўйлайманки, ушбу ҳислатнинг илм аҳлида бўлиши муҳимдир ҳамда ҳақиқат ва керакли сўзни ўз ўрнида айта билиш катта қатъият талаб этиши, азму шижаот соҳиби бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этмаслиги айни ҳақиқатдир.

Устознинг муборак 70 йиллик таваллуд айёмлари билан самимий табриклаган ҳолда, у кишига мустаҳкам соғлик-саломатлик, яна узоқ йиллар давомида илм йўлида ҳормай-толмай ижод қилишларига, оиласи ва шогирдлар ардоғида умргузаронлик қилишларига тилақдошман!



Ҳаёт бу золимлик, чунки Худонинг буюрганини қилмасдан ўзимизга золим бўлиб бораверамиз.



Ҳаёт бу масъулият, агар сезсангиз.



Ҳаёт бу ишонч, нима бўлганда ҳам алданиб қолмасликда, чунки бу жуда нозик туйғу.



Ҳаёт бу буюклиқ, бунга эришмоқ учун фақат ва фақат онгли меҳнат қилиш керак.



Ҳаёт бу бўшлиқ, агар ўзингизга бефарқ бўсангиз худди шундай.



Ҳаёт бу севги, иймони бутун одам ҳаёти севги қуршовида ва бунга қўшимча яна унинг ҳар бир босқичида севадиганлари бор.





Норкулова Дилфузә Захитовна
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти “Туризм” кафедраси
мудири, и.ф.ф.д.*

ТУХЛИЕВ ИСКАНДАР СУЮНОВИЧ
(70 ёшли юбилейига атаб)

Түғилган он ҳар бир инсонга
Умр йўли чизилар экан!
Хайирлидир ҳар бир дақиқа,
Лабиринтга ҳаёт ўхшаркан.

Инсон борки олға интилар,
Елдек учар ҳаёт йиллари
Вафосиз бу йиллар ва кунлар
Имкон қолдирмасдан излари.

абр ила олға интилмоқ,
Китоб ила мактаб яратмоқ.
Амал ила фанга жон бермоқ.
Не керакдир олимга яна?

Доим ўргатишга шай қалби
Асрга етгудек қуввати
Раҳбар бўлиб шогирдларига,
Суянчиқдир фарзандларига.

Унутилмас бу олийгоҳда
Ютуқларнинг машаққатлари.
Нашр этган китобларида
Олим топган ҳақиқатлари.

**Ва ниҳоят шеър оҳирида
Изхорларим УСТОЗга айтсам,
Чуқур таъзим, қўлим кўксимда,
70 ёшни табрик айласам!!!!!!!!!!!!**



Бердимуродов Азизжон Шукриллоевич
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти Кадрлар бўлими бошлиги,
“Туризм” кафедраси ассистенти*

ЙЎЛИ ИБРАТ, СЎЗИ ҲИКМАТ, ҚАЛБИ ДАРЁ УСТОЗИМ!

Туғилиб-ўсган Ватанимиз, ота-онамиз ва устозларимиз инсонийликнинг, инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини белгиловчи, занжир халқалари сингари бир-бирига чамбарчас боғланган бу тушунчалар макон ва замон, олам ва одам, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларни шакллантиришга, авлодлар давомийлигини, инсоният камолотини таъминлашга хизмат қиласди. Тарихдан устозни отага тенглашларининг сабаби ҳам аслида шунда. Ушбу силсолада устоз рутбаси ҳар доим юксак ва қадрли бўлиб келган. “Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон устозига нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди.

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, дунёning бор бойлиқ ва хазинаси билан ҳам устознинг меҳнатлари ҳақини адо этиб бўлмайди.

Мен 2007 йилда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига ўқишига кирганман, ўша пайтда устозим, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюнович “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатар эдилар.

Ҳали-ҳамон яхши эслайман, ўқишининг дастлабки кунларида ноқ Искандар Суюнович бизнинг аудиториямизга кириб, биз танлаган “Сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалигини бўйича)”

таълим йўналиши республикамиз учун нақадар долзарб йўналиш эканлиги, мамлакатнинг туризм тармоғи олдида кўплаб вазифалар турганлиги, биз талабалар яхши ўқиб, илмий изланишларни амалга оширган ҳолда, соҳа учун етук кадрлар бўлиб чиқишимиз лозимлиги ҳусусида ёниб гапириб, барчада илм олишга бўлган иштиёқни янада кучайтирган эдилар.

Ўша учрашувдан сўнг менда Искандар Суюновичнинг ўзини тутиши, талабалар билан муомаласи, соҳа бўйича билимдонлигига бўлган ҳавас уйғониб, албатта шу кишига яқин бўлиш, билими, панд-насиҳатларидан баҳра олишга бўлган иштиёқ юзага келди.

“Бирор ишни чин юракдан истасанг, у албатта амалга ошади” дейишганидек, 2013 йилда магистратуруни тамомлагач устоз билан битта кафедрада, у кишининг сабоқ ва ўгитларидан баҳра олган ҳолда фаолият кўрсатиш менга насиб қилди.

Қисқа муддатли фаолиятим давомида шу нарсани англаб етдимки, устозим Искандар Суюновичдан ўрганишим лозим бўлган жиҳатлар жуда кўп экан. Ҳусусан, у кишидан илм йўлидаги мashaққатлардан фақатгина илм олиш орқали ўтишни, ҳар бир ишни сабот ва синчковлик билан амалга оширишни, қанчалик оғир бўлмасин бошлаган хайрли ишларни охирига етказиши ўрганишга ҳаракат қилиб келмоқдаман.

Оллоҳга беҳисоб шукурлар айтаманки, мени илм йўлида шундай буюк зот билан рўбаро қилгани учун. Чунки, институтдаги 6 йиллик таълим олган йилларим давомида Тухлиев Искандар Суюнович доимо ўзининг маслаҳатларини аямай, тўғри йўлга бошлаб келдилар ва менинг шундай муқаддас илмий даргоҳда фаолият кўрсатишимида улкан ҳиссасини қўшдилар.

Устоз ҳақида сўз кетар экан, баъзан ўйланиб қоламан: “Шундай шиддат билан кечаётган хаётда устоз қандай қилиб шунча ишга улгурадилар?”, илмий ижод билан шуғулланиш, турли лойиҳа ва грандларда иштирок этиш, ўқув адабиётлари яратиш, оммавий ахборот воситаларида чиқиши қилиш, шогирдлар билан ишлаш, ўз оиласига вақт ажратиш ва х.к.

Ўрни келганда айтиб ўтиш лозимки, ўз шогирдлари билан ишлашда Искандар Суюновичдек “яхши устоз” бўлмаса керак, шахсан ўзим у кишининг ҳар бир шогирди билан бирор илмий янгилик бўладими, диссертация иши бўладими эринмасдан, керак

бўлса соатлаб бирга ишлаганларига, тегишли илмий тавсияларни берганликларига гувоҳман.

Мен ҳам устознинг илмий йўлига ҳавас қилиб, у кишининг тавсиясига кўра мустақил изланувчилар сафига қабул қилиниб, ҳозирда илмий иш билан ҳам шуғулланиб келмоқдаман. Мен оддий асистент сифатида устознинг қўл остида илмий мақола ва тезислар чоп этишга мұяссар бўлганимдан баҳтиёрман.

Устозим, Искандар Суюнович! Сизни муборак 70 ёшли юбилейингиз билан билан шахсан ўзим ва оила аъзоларим номидан чин қалбдан муборакбод этаман. Доимо илм-фаннынг даргаларидан бири бўлиб юриш, шогирдларга бош бўлиб, уларнинг ардоғида юриш насиб айласин.

Сизга яна бир бор сиҳат-саломатлиқ, баҳт ва омад, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман. Доимо соғ-омон бўлинг, йўли ибрат, сўзи ҳикмат, қалби дарё устозим!

•••✿•••

Ҳаёт бу учрашув, ҳақиқатда бир умр шундай ҳолат рўй бериб туради.

•••✿•••

Ҳаёт бу издошлиқ, сажарада намоён бўлади.

•••✿•••

Ҳаёт бу имтиҳон, умр бўйи халқ ва Аллоҳ олдида.

•••✿•••

Ҳаёт бу Ватан, чунки Сиз шу юртдагина эркин яшай оласиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу жону-тан, чунки шу ерда дунёга келгансиз, шу ерда қўним топгансиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу табиат, ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмас.

•••✿•••

Ҳаёт бу шариат, чунки қайсиdir бир динга эътиқод қилиб, унга амал қилиб яшайсизда.

•••✿•••

Ҳаёт бу фикр, чунки инсонга фикрлаш ато қилинган, шу туфайли беихтиёр фикрлаб яшайди.

•••✿•••

Ҳаёт бу ҳаракат, чунки тўхтаган онингиз ҳаёт ҳам тўхтайди

...*...

Ҳаёт бу қафас, чунки у худди қафасга ўхшаган муайян бир доира ичиди айланади...

...



Абдувалиев Асрор Абдусалиевич
*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари
университети Қарши филиали катта
ўқитувчиси, Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти мустақил изланувчиси*

АЗИЗ ВА МЎТАБАР УСТОЗ

“Устоз” сўзи ўзбек тилининг изоҳли луғатида йўл-йўриқ кўрсатувчи, тарбияловчи, мураббий, раҳнамо, ўқитувчи, муаллим деган маъноларни англатиши ёзилган. Демак, “Устоз” номи кенг маъноли сўз бўлиб, бу номга муяссар бўлган кишига ҳар томонлама юксак масъулият юклатилади. Шунинг учун ҳам ҳалқимизда “Устоз отангдек улуғ”, деган яхши ибора бор.

Дарҳақиқат, ота инсоннинг дунёга келишига сабабчи бўлса, устоз унга ҳаётда яшашни таълим беради. Устозлар маънавият осмонида мусаффо зиё таратиб турган йўлчи юлдузлирлар, улар туфайли одамлар тўғри йўлни топадилар, уларнинг шарофати билан жаҳолат зулматларидан ёруғликка етишадилар.

Мен Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюнович устоз билан 2018 йилнинг май ойида танишдим. Мен шундай бир шарафга муяссар бўлдимки у муҳтарам зот мени шогирдлари қаторида қабул қилди. Профессор Тухлиев Искандар Суюнович бутун жамоаси орасида оддий, камтарин, олий жаноб инсон ва шу билан бирга ҳалол, принципиал, адолатли, жонкуяр, талабчан ва меҳрибон устоз сифатида катта ҳурмат, эътиборга эгадирлар.

Чинакам шогирд бор нарсалар негизида мавҳум нарсалар ривожини ўрганади ва шу йўл билан устозига яқинлашиб боради.

Дунё тилсимини очадиган калитни менга ато қилганлиги учун Аллоҳга шукур, устозга ташаккур дейман. Одам ишлаганда оладиган маошининг миқдорини ўйлайди, устоз — шогирдининг камоли ва тақдирини.

**Устоз-муаллимсиз қолганда замон?
Нодонликдан қаро бўларди замон.**

Агар биз иқтисодий назардан олиб қарасак устоз ғояси – бу катта капитал. Унинг фойдасидан иқтидорли шогирдлар манфаатдор бўлади.

Устоз Тухлиев Искандар Суюнович мақсадга эришишда Нобель мукофоти совриндори А.Эйнштейннинг қуидаги муваффақият формуласига таянади:

$$A = X + V + Z$$

A – муваффақият;

X – меҳнат;

V – тилни тия билиш;

Z – ўйин.

Ушбу формуланинг сирини Устоз Тухлиев Искандар Суюнович қуидагича изоҳлайдилар.

Озми-кўпми эришган муваффақиятимга меҳнат деган мўъжиза асос бўлди. Меҳнат қилган инсон хор бўлмайди, ҳар қандай яхши мақсадларига эришади. Ҳаётда мўъжизалар яратади. Шоир айтганидек, “Киши тақдирини ўз меҳнати билан безайди”. Формуладаги тилни тия билишдек иккинчи омилга ҳам қатъий амал қилди. Муваффақият формуласидаги “Ўйин” омилига ҳам қатъий риоя қилдилар. Ҳаётда учраб турадиган ўйиндан ташқари ўйинларга қатнашишни ўзларидан дариф тутдилар.

Меҳрнинг қайтими меҳрдир. Албатта, устоз шогирдини бекордан-бекор койимайди. Шогирд бундай пайтда ўзини тафтиш қилсин, устозидан узр сўрасин. Шундай қилса, устоз ва шогирд узоклашмайди, қайтага яқинлашади.

Шогирд хато қилса, устоз уни йўлга солади. Шогирд ҳам фарзанд сингари устоз жигарининг бир парчасига айланади, юрагининг тўридан жой олади. Устоз айтганидек, яхшилик ва ёмонликни, диёнат ва хиёнатни, зиё ва зулматни ҳис қилиб яшашнинг ўзи ҳам баҳт. Биз шогирдлар, устозлар қаршисида ҳар доим ҳурмат ва таъзимдамиз!!!

Азиз ва муҳтарам устоз!

Устоз Тухлиев Искандар Суюновични 70 ёшга тўлиши муносабати билан биз шогирдлар самимий муборакбод этамиз. Сизга ва оилангизга осойишталик, тинчлик-хотиржамлик, кўп қиррали ижодий ишларингизда куч-ғайрат ҳамда мустаҳкам соғлик тилаб қоламиз.



Курбанова Рахима Жамшедовна
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчisi, PhD

ИЛМ МАЙДОНИДА ЭЪЗОЗ ТОПГАН УСТОЗ!

Хар бир инсоннинг бу ҳаётда илм олиши, ўз йўлини топиши, оёқда мустаҳкам туриши, мамлакат ривожига ўз ҳиссасини қўшиши учун унинг йўлини ёритгувчи бир ёрқин чироқ керак бўлади. Ана шундай чироқ – бу бизларнинг устозларимиз. Яъниким, мактабда ёзишни, ўқишини ўргатган илк муаллимимиз, хунар ўргатган мураббий, олий таълим муассасидаги устоз. Инсоннинг етук шахс, комил инсон бўлиб вояга етиши учун ҳар бирининг ўрни ва қадри бекиёсdir. Улар шундай бир камтар инсонларки, шогирдларининг ютуклари билан қувонадилар, яна бир малакали кадрнинг жамиятга қўшилганидан фахрланиб юрадилар.

Ана шундай пок, камсуқум, камтарин ва меҳри дарё устозлардан бири – Тухлиев Искандар Суюновичдир. Қўлидан келган ёрдамини аямайдиган бу фидокор устоз нафақат ўз шогирдлари, балки ёрдам сўраб келган барчага, ҳоҳ у талаба бўлсин, ҳоҳ ёш олим бирдек одамохунлик билан муомала қилиб ҳожатини чикаради. Бу инсоннинг ҳаёт йўли, илмий фаолиятига назар соладиган бўлсак, ўrnak олса арзийдиган, кўп нарса ўрганса бўладиган, тажриба орттирадиган катта ҳаётий мактаб эканлигига амин бўламиз.

И.С.Тухлиев изланишдан, янгилик яратишдан ҳеч ҳам чарчамайди. Институт кутубхона фондини бойитиш учун чет давлатдан олиб келинган китоблар, ўзлари томонидан нашр қилинган дарслик, ўқув қўлланма ва таълим йўналишларининг фан-лар бўйича ўқув-методик мажмуаларнинг электрон шакллари санаб ўтадиган бўлсак, ҳақиқий жонкуярлик, фидокорлик айнан шунаقا бўлиши кераклигини кўрамиз, ва бу нарса, албатта алоҳида таҳсинга сазовор.

И.С.Тухлиевнинг илмий раҳбарлиги остида ҳимоя қилган иқтисодиёт фанлари номзодлари (PhD) ва иқтисодиёт фанлари доктори (Dcs) ҳам ўз илмий фаолиятлари билан бу устознинг юзларини ёруғ қилиб келишоқда. Ундан ташқари, бакалавр ва магистратура мутахассислиги бўйича тайёрлаган шогирдлари ҳам бу устоздан миннатдордилар.

Ана шундай инсонлар бор экан, Республикаизда малакали кадрлар сони ортади, бунинг натижасида Ватанимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшилади. Ўз ўрнида И.С.Тухлиевнинг шогирдлари ҳам устознинг ишларини давом эттириб, атрофга эзгулик, илм, фидокорлик уруғларини сочишдан чарчамасликларига шубҳа қилмасак бўлади.

Ҳурматли устоз - Искандар Суюнович!

Сизни муборак табаррук 70 ёшингиз билан табриклаб, сизга мустаҳкам соғлик-саломатлик, тан-сиҳатлик, тотув ҳаёт тилаб, келажакда янгидан янги илм чўққиларини забт этишда, келаётган илмталаб ёшларга ғамхўр, меҳрибон устоз бўлиб, шогирдларни этиштириб чиқаришдан чарчамаслигинизни тилайман.

Ҳаёт бу пасткашлик, булар иймони суст ва виждони йўқлардир.



Ҳаёт бу оқибат, агар яхшиликка яхшилик қайтса, акси бўлса пасткашликнинг ўзи.



Ҳаёт бу иллат, бунга ҳам одамларнинг ўзлари сабабчи.

...*...

Ҳаёт бу зулмат, бунга ҳам одамлар сабабчи, чунки у осмондан тушмайди, ҳар ким ўзи келтириб чиқаради.

...*...

Ҳаёт бу уммон, ҳақиқатда унинг туби ва чегараси йўқ,

...*...

Ҳаёт бу гулистон, бу ҳам ҳар бир инсоннинг ўз қўлида.

...*...

Ҳаёт бу бўстон, агар шундай қила олсангиз, чунки Сиз учун бирор яшамайди, ҳаёт Сизники.

...*...

Ҳаёт бу ҳавас, зеро, бу ҳиссиёт мавжудлиги инсонни ҳамиша олға бошлайди.

...*...



Халилов Юсуф Хамарович
“Samarqand Diller Rieltor Servis” МЧЖ
директори

УСТОЗГА ҲУРМАТ

*Агар шогирд шайхулислом, агар козидур,
Агар устоз рози-Тангри розидур.
(Алишер Навоий)*

Устозлар ҳақида сўз юритилар экан доимо Искандар Зулкарнайн тўғрисидаги ҳикоя ёдимга тушади. У ишғол қилган юртнинг тахтига биринчи бўлиб устозини ўтқазар экан. Бир куни ундан: “Нима учун бундай киласиз?” деб сўрашганда: “Ота-онам туғилишимга, устозим эса юксалишимга сабабчи бўлганлар”, деган экан.

Дарҳақиқат, биз эришган ҳар бир ютуқда устозларимизнинг катта ҳиссалари мавжуд. Илм олиш ва уни тарқатиш юксак

савобли иш экани тўғрисида Қуръони Каримда, ҳадиси шарифда кўплаб оят ва ҳадислар келгандир. Шулардан бирида Пайғамбаримиз (с.а.в.) илм тарқатувчиларга яъни устозларга шундай таъриф бериб, улар эришадиган савобларни жуда катта экани ҳақида қуидагича баён қилганлар.

Имом Бойхазий ва Абу Яълолар Анас ибн Молик (р.а.) ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Сизларга саҳийлар саҳийсининг хабарини берайми? Саҳийларнинг саҳийси Аллоҳдир. Мен одам боласининг энг саҳийсиман. Мендан кейин Сиздан энг саҳийингиз, илм ўрганиб, илмни тарқатган одамдир. У қиёмат куни ёлғиз ўзи бир уммат бўлган ҳолида тирилтирилади”, деганлар.

Устозлар ҳақида гап кетганда менда чукур хурмат хиссини уйғотадиган иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович Тухлиев гавдаланади.

Искандар Тухлиев нафақат илм олиш ва илм бериш, балки ўзининг билимларини халқ хўжалигининг турли соҳаларини ривож-лантиришга қўшган олим сифатида ўзини намоён этган. У узоқ йиллардан бери тинимсиз меҳнат қилиб келаётган фидойи инсон деб биламан.

Мен Искандар акани 1985 йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд илмий маркази раҳбарлигидан бошлаб биламан. Кейинчалик биргаликдаги меҳнат фаолиятида янада яқиндан танишганмиз. Мамнуният билан айтишим мумкинки бу танишчилигимиз то шу бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Мен, доимо бу киши сиймосида камтар, ўз соҳаси бўйича чукур билимга эга, ёрдам сўраб мурожаат қилган ҳар бир инсонга “лаббай” деб жавоб берадиган маданиятли, ўз вазифасини ситқи дилдан бажарувчи инсонни кўраман.

Бугун Устоз ўзининг 70 йиллик улуғ ёшини куч қувватга тўлиқ ҳолда қаршилаш арафасида турибти. Менга берилган фурсат ва имкониятдан фойдаланиб, ҳамкасбим ва Устоз Искандар Суюновичга мустаҳкам соғлик, оиласиб баҳт, фаолиятида улкан ижодий ютуқлар тилаб қоламан. Доимо соғ бўлинг.

...*...

Ҳаёт бу баҳор, чунки ёз ва кузда яхши ҳосил олиш илинжида яхшилик уруғини сочади.

...*...

Ҳаёт бу қабр, чунки унинг интиқоси шу.

•••✿•••

Ҳаёт бу армон, чунки кўп вақтимиз ўтгандан кейин, яхши амаллар қилмаганлигимизни англаймиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу иймон, чунки шу бутун бўлмаган жойда, ҳаётда мазмун бўлмайди.

•••✿•••

Ҳаёт бу сабр, турли мувоффақиятлар ва тушкунликлар бўлиши табиий, ҳаммасида инсондан талаб қилинадиган нарса айнан шу сабр.

•••✿•••

Ҳаёт бу bemanlik, agar яхши устозга йўлиқтирмаса.

Ҳаёт бу ибрат, agar яхши ва самарали, ҳалол-покиза умрни яшасангиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу бебошлиқ, agar унининг нималигини тушунмасангиз, ўзингизнинг йўлингиз бўлмаса, йўл кўрсатадиган учрамаган бўлса.



Матякубов Умиджон Рахимович
*Урганч Давлат университети
“Туризм” кафедарси доценти*

ЗАМОНАМИZNИНГ ЗАБАРДАСТ ОЛИМИ

Бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган замонда давр руҳи билан ҳамнафас яшаш, ёшларни илм-фанинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиш, тадқиқот ишларида шогирдларига нисбатан талабчанлик билан ишлаш, ўз устида тинимсиз меҳнат қилиш каби ўзига хос олийжаноб ҳислатлар мамлактамизнинг забардаст олимларидан бири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Устоз Искандар Суюновичда тўлиқ мужассам.

СамИСИ профессори, и.ф.д. Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич раҳбарлигига номзодлик диссертациямни ёзиб тугатиб, кафедрага муҳокама қўйиш мақсадида Устоз билан илк бора 2011 йилнинг куз ойларида Самарқандда учрашганман. Ўшанда Устоз проф. Тухлиев Искандар Суюнович Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича К.067.12.01 рақамли Ихтисослашган Кенгашнинг илмий котиби вазифасида фаолият кўрсатар эди. Ҳалигача аниқ эсимда, илк бора Устоз билан диссертация ишимни икки ярим соатгача муҳокама қилганмиз. Ўшанда Устознинг ҳар бир ишга қаттиқ тартиб-интизом ва масъулият билан ёндашуви, энг оддий инсонлар билан ҳам хушмуомилалик билан муносабатда бўлиши каби инсоний фазилатлари менда жуда катта таассурот қолдирган. Шунингдек, Устоз Искандар Суюновичнинг жуда аниқ, креатив ва аналитик фикрлаш ҳислатлари, ўз вақтида бўлишлик ҳамда пухталик каби ўзига хос принциплари жуда камдан-кам кишиларда учрайди. Илмий иш ёки хизмат билан ҳар сафар Самарқандга келганимда Устоз билан учрашиб сұхбатларини олишга ҳаракат қиласман. Устоз ҳар доим ўзининг юқорида тилга олиб ўтган принципларига содик равишда ўз шогирдлари билан қаттиқ ишлаётганлигига гувоҳ бўламан.

Бугун республикамизнинг турли вазирлик ва ташкилотларида ишлаётган давлат хизматчилари, иқтисодчи олимлар, Сиз билан ишлаётган профессор-ўқитувчилар, юқори салоҳиятли ва шу билан ўта камтарин ўзбек олими, интилевчан, тиришқоқ, меҳрибон ва тўғрисўз инсон, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович Тухлиевнинг шогирди деб ҳисоблашни ўзига катта фахр деб билади.

Профессор И.С.Тухлиев 2007-2018 йилларда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 08.00.05 – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича Илмий кенгашнинг илмий котиби сифатида Кенгашга келиб тушган етти нафар иқтисодиёт фанлари доктори ва 24 нафар иқтисодиёт фанлари номзоди илмий ишларини ОАК талаблари асосида, ўрнатилган тартибда хужжатларини расмийлаштириб, ҳимоясини ташкил қилди.

Профессор И.С.Тухлиев илмий мактабининг шакланиши давомида илмий ва замонавий ўқув адабиётларни тайёрлашда жами 300 дан ортиқ илмий-амалий мақолаларини чоп қиласман. Жумладан,

Брюссель, Мадрид, Караганда, Москва, Польша, Хиндистон, АҚШ, Малайзия каби хорижий мамлакатларда 11 та мақола; нуфузли журналларда 27 та илмий мақола ва 7 та монография нашр этилган. Талабалар учун жами 48 та ўқув адабиёт, дарслик ва ўқув қўлланма - 8 та дарслик, 12 та ўқув қўлланма, 26 та услубий қўлланма ва 2 та туризм соҳасининг замонавий атамаларига бағишиланган изоҳли лугатлари нашр қилинган.

Профессор И.С.Тухлиев кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида илм-фан соҳасида салмоқли ютуқларга эришган, шунингдек, шогирдлар ва ҳамкаслари орасида чукур хурматга сазовор бўлган.

Хурматли Искандар Суюнович, Урганч давлат университет “Туризм” кафедраси профессор-ўқитувчилари, шунингдек, ўзим ва оила аъзоларим номидан Сизни қутлуғ 70 ёшингиз билан самимий муборак этаман.

Сиз каби замонамизнинг забардаст олимлари билан ҳақли равишда фахрланганлигимиз ҳолда, Сизга изланишларингиз ва барча мақсадларингиз йўлида ютуқ ва муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, оиласий фаровонлик, узоқ умр, биз шогирдларингиз баҳтига доимо омон бўлишингизни тилаймиз!



Хайрулла Қаршибоев
*“Олий математика” кафедраси номидан
кафедра мудири, ф-м.ф.н.*

ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ ВА ФИДОЙИ ИНСОН

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюновичнинг ҳаёт йўлига назар солсангиз, Ўзбекистонда Халқаро туризм ва туризм сервиси соҳаси фанининг етакчи мутахассисларидан бири ҳисобланиб, бу соҳа фанларини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган заҳматкаш олим, ёшларнинг меҳрибон устози, моҳир ташкилотчи ва фидойи инсон сифатида биламиз.

Биз профессор И.С.Тухлиевни 2006-2018 йилларда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасига танлов асосида кафедра мудири этиб сайлангандан кейин 2007 йилда очилган янги кафедрада ўқитиладиган фанларнинг бирортаси бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар йўқ бўлишига қарамай кафедрадаги “Туризм маркетинги”, “Туризм менежменти”, “Туризм операторлик хизматларини ташкил этиш” ва “Сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги)” таълим йўналишлари бўйича ўқув жараёнини ташкил қилиш учун тегишли ўқув режалар, дастурлар ва Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш лозимлиги туфайли дастлаб ишни профессор И.С.Тухлиев туризм таълим соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганиш ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш учун Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори и.ф.д., профессор Ф.Х.Қудратовнинг топширифи асосида ўқув ишлари бўйича проректор А.Бектемиров, тадбиркорлик ва молиявий ишлар проректори А.Х.Ходжаевлар билан 2006 йилда Москва шахрига хизмат сафарига жўнатилди. Хизмат сафари давомида Туризм ва меҳмонхона-ресторан бизнеси Москва академияси, Туризм ва меҳмонхона менежменти халқаро институти, Москва давлат сервис университети ректорлари билан туризм таълим йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув жараёнининг дастур ва режалари билан ўзаро тажриба алмашиш бўйича ҳамкорлик шартномалари тузилди.

Ушбу таълим даргоҳларининг проректорлари билан қўшма илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, аспирантлар тайёрлаш, уларнинг илмий журнал ва тўпламларида мақолалар чоп этиш хақида келишиб олинди. Талabalарни ўқитиш учун университет кутубхоналардаги сервис ва туризмга доир адабиётлардан ва ўзлари нашр қилган дарслик, ўқув қўлланма ҳамда таълим йўналиш-ларининг фанлар бўйича ўқув-методик мажмуулларнинг электрон версиялари олиб келинди. Қисқа вақт ичida профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига профессор-ўқитувчилар ёрдамида янги очилган кафедрада бакалаврлар учун “Туризм маркетинги”, “Туризм менежменти”, “Туризм операторлик хизматларини ташкил этиш”, “Сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги)”, “Туризм (фаолият турлари бўйича)” ва “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналишлари бўйича Давлат

Таълим Стандарт-лари ва ўқув режалари тайёрланди. Энг муҳими кафедрада барча фанлар бўйича замонавий ўқув адабиётларининг янги авлоди яратилди.

Бугунги кунда Искандар Суюнович Республикализ ва қўшни давлатларнинг қатор олий ўқув юртларида ижод қилаётган илмий тадқиқотчиларга ўзнинг beminnat ёрдами ва маслаҳатини бериб келмоқда. Устознинг раҳбарлигидаги кўплаб шогирдлари нафақат республикамизда, балки МДҲ ва бошқа хорижий мамлакатларда ички ва ташқи туризимнинг метадологик муаммоларини изчил таҳлил қилиш юзасидан сезиларли илмий-изланишлар олиб бормоқда.

Бутун ҳаётини, бор вужудини илмга, инсонийлик, фидойилик ва самимийлик фазилатларига бағишилаб келаётган, Ватанимиз таракқиётининг жадал ривожланишида ўзининг илмий изланишлари билан ҳисса қўшган олим Тухлиев Искандар Суюновични муборак 70 ёшли юбилей тўйи билан самимий табриклаймиз. Сизга узок-умр, сиҳат-саломатлик, ижодий баркамоллик ва омадлар тилаймиз!

...*...

Ҳаёт бу шариат, чунки қайсиdir бир динга эътиқод қилиб, унга амал қилиб яшайсизда.

...*...

Ҳаёт бу фикр, чунки инсонга фикрлаш ато қилинган, шу туфайли беихтиёр фикрлаб яшайди.



**Олланазаров Бекмурод
Давлатмуратович**
*Урганч давлат университети
“Туризм” кафедарси катта
ўқитувчиси, PhD*

ЖОНКУЯР ВА ТАЛАБЧАН УСТОЗ

“Меҳнатсевар, жонкуяр ва талабчан устоз” номига эга бўлиш ҳар бир устоз-мураббий учун ҳам шараф, ҳам баҳтдир. Ана шу сифатларга эга бўлган инсонлар доимо эътиборга сазовор,

таҳсинга лойиқ. Ўзига юкланган вазифани шараф билан адо этиш ҳам фидойиликни талаб этади. Ўз касбига, яқинларига, касбдошларига, шогирдларига муҳаббатли ва муруватли бўлиш унинг элюрти, меҳнат жамоаси, оиласи олдида катта нуфузга эга бўлишига сабаб бўлиши сир эмас.

Ёшларни илм-фан ютуқларига эришишга, замон билан ҳамнафас бўлиб яшашга, тинимсиз меҳнат қилишга ундиндиган, шогирдларига нисбатан ўта талабчанлик билан иш олиб бориш Устоз, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович фаолиятига хос бўлган олийжаноб ҳислатлардан ҳисобланади.

Илмий раҳбарим Урганч давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси профессори, Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари, Салаев Санъатбек Комиловичдан устоз ҳақида кўп илиқ фикрларни эшигданман. Илмий раҳбарим устознинг кўп йиллик тажрибага, қаттиқ тартиб-интизомга эга, масъулиятли, талабчан, илм-фан соҳасида жуда катта ютуқларга эришган салоҳиятли олим эканлиги тўғрисида гапириб бергандилар. Устоз билан илк маротаба 2018 йил куз ойларида учрашиб илмий раҳбаримнинг устоз ҳақидаги фикрларига амин бўлдим.

Устоз билан илмий ишимни бир неча бора муҳокама қилиб, устознинг илмий ишнинг ҳар бир жиҳатига жиддий эътибор қилишлари, масъулият билан ёндашишлари, ишнинг ҳар бир жиҳатини аниқ ва лўнда таҳлил қилишлари, устознинг узоқ йиллик тажрибага эга олим эканлигидан далолат беради.

Устоз илмий ишим ҳимоясида биринчи расмий оппонентим сифатида иштирок қилдилар. Ҳимоя жараёнида устознинг илмий ишим борасида айтиб ўтган фикрлари мен учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Устознинг тажрибаси, берган ўгитлари, талабчанларни, муомала маданияти менда катта таассурот қолдирган.

Профессор И.С.Тухлиевнинг меҳнат фаолиятига эътибор қиладиган бўлсак, устознинг ўқув-педагогик ҳамда илмий соҳадаги фаолиятлари алоҳида эътиборга моликдир. Устоз бакалавриатнинг хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётига хос бўлган таълим йўналишлари бўйича намунавий ўқув режаларни тайёрлашга бош бўлганликлари, ушбу таълим йўналишлари талabalари учун тайёрлаган дарслик ва ўқув қўлланмалари республикамиздаги олий таълим муассасаларида асосий дарслик сифатида таълим тизимида қўлланилиб келинаётганлиги билан ҳам ажralиб туради.

Профессор И.С.Тухлиев бугунги кунда ўз илмий мактабига эга бўлган салоҳиятли олим ҳисобланади. У 300 дан ортиқ илмий мақолалар, 10 га яқин монография, 20 га яқин дарслик, ўқув, услугбий кўлланмалар муаллифиdir.

Профессор И.С.Тухлиев олийжаноб ҳислатларга эга, юксак интеллектуал салоҳиятли, зеҳни ўткир олим сифатида шогирдлари ва ҳамкаслари орасида чуқур ҳурмат ва эътиборга.

Хурматли Искандар Суюнович, Урганч давлат университети “Туризм ва иқтисодиёт” факультети жамоаси, шунингдек, ўзим ва оила аъзоларим номидан Сизни қутлуғ 70 ёшингиз билан самимий табриклайман.

Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлик, оилавий баҳт саодат, фарзандлар, набиралар, шогирдларингиз камолини кўриб юришингизни, олиб бораётган илмий-педагогик ва жамоатчилик ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!

...*...

Ҳаёт бу интилиш, чунки инсоннинг табиати шундай. Лекин айрим ўзига бефарқларда бундай фазилат бўлмайди.

...*...

Ҳаёт бу имконият, қани эди бундан тўғри фойдаланиб, ҳар бир инсон дунёдан ўтгандан кейин ҳам “яшайдиган” бўлиб қолса.

...*...

Ҳаёт бу тежамкорлик, агар исроф қилмасангиз.

...*...

Ҳаёт бу вақт, чунки у ўлчовли, шу боис унумли фойдаланишга ҳаракат қилиш керак...



Абдулхакимов Зухрали Турсуналевич
Наманган муҳандислик-технология
институти “Саноат ишлаб чиқаршишини
ташикил этиши ва иқтисоди” кафедраси
катта ўқитувчиси

АЗИЗ УСТОЗ!

Инсон ҳаётда яшар экан ўзининг барча учун ўрнак бўладиган меҳнат фаолияти ажralиб туриши керак. Ана шундай барча ёшларга ўрнак ва намуна бўла оладиган, қийинчиликлардан чўчимайдиган, ўз ишига талабчан, доим кимгадир фойдаси тегиши ўйлайдиган устозим иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюнович шундай олийжаноб, меҳнаткаш, ўз касбига ва вазифасига масъул, содик, ўз касбининг энг моҳир усталаридан биридир.

Мен иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун олиб борган илмий тадқиқотимни амалга ошириш даврида устоз менга расмий оппонент сифатида ўзларининг маслаҳатларини бериб ўтдилар ва бу менга жуда катта ҳаёт мактабини ўтади десам муболага бўлмайди.

Устозим Тухлиев Искандар Суюнович етук олим, тажрибали-моҳир педагог ва ҳаётда, бутун институт жамоаси орасида оддий, камтарин, олийжаноб инсон ҳамда шу билан бирга ҳалол, принципиал, адолатли, жонкуяр, талабчан ва меҳрибон фидойи устоз сифатида катта ҳурмат, эътиборга эгадирлар.

Устозим Тухлиев Искандар Суюнович ўз касбини ардоқловчи, вужуд-вужуди билан талабаларга билим ва илм маънавий озуқа беришдек мashaqatli, олийжаноб ишга сидқидилдан берилган фидойи устоз-мураббий. Ўз умрини илмга бағишилаган олим ҳисобланади.

Устозим Тухлиев Искандар Суюнович Республикаизда биринчилардан бўлиб туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш бўйича илмий ва амалий ишларни олиб борган ҳисобланади.

2006-2018 йилларда устозим профессор Тухлиев Искандар Суюнович Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида янги очилган “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасига танлов асосида кафедра мудири этиб сайланди. Ушбу кафедра янги бўлгани учун туризм йўналишлари бўйича ўқитиладиган фанларнинг бирортаси бўйича на дарсликлар ва на ўқув қўлланмалар бор эди. Умуман ишни нолдан бошлашга тўғри келган. Шу сабабдан профессор И.С.Тухлиев туризм таълим соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганиш ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш учун институт томонидан Москва шаҳрига хизмат сафарига жўнатилди.

Хизмат сафари давомида Туризм ва меҳмонхона-ресторан бизнеси Москва академияси, Туризм ва меҳмонхона менежменти халқаро институти, Москва давлат сервис университети ректорлари билан туризм таълим йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартлари ва ўқув жараёнининг дастур ва режалари билан ўзаро тажриба алмашиш бўйича ҳамкорлик шартномалари тузилди. Талабаларни ўқитиш учун университет кутубхоналардаги сервис ва туризмга доир адабиётлардан ва ўзлари нашр қилган дарслик, ўқув қўлланма ҳамда таълим йўналишларининг фанлар бўйича ўқув-методик мажмулларнинг электрон версиялари олиб келинган.

Шунингдек, Москвадан ўзларининг шахсий ҳисобидан шаҳарнинг барча китоб расталаридан СамИСИ кутубхонаси учун ўта зарур бўлган, ноёб хорижий ва рус тилидаги китобларни сотиб олишди ва маҳсус багаж орқали 200 тадан ортиқ китоблар Самарқанд шаҳрига етказилган.

Қисқа вақт ичида профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигида профессор-ўқитувчилар ёрдамида янги очилган кафедрада бакалаврлар учун олтига таълим йўналишлари бўйича Давлат Таълим Стандартлари ва ўқув режалари тайёрланди. Энг муҳими кафедрада барча фанлар бўйича замонавий ўқув адабиётларининг янги авлоди яратилди.

Республикамизда туризм соҳасидаги педагог ва илмий даражали кадрларнинг етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда профессор И.С.Тухлиев ташаббуси билан магистратура таркибида 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб, республикада биринчи маротаба “Халқаро туризм операторлик хизматлари” ва “Хизмат кўрсатиш ва туристик хизматларни ташкил этиш” мутахассисликлари бўйича магистра-туралар ташкил қилинди.

Ушбу ишларни амалга ошириш натижасида 2011 ўқув йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 308-сон қарори асосида бакалаврият босқичида “Туризм (фаолият турлари бўйича)” ва “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналишларига ҳамда магистратура босқичида “Туроператорлик хизматларини ташкил этиш” ва “Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)” мутахассисликларига Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч олий ўқув юрти сифатида эътироф этилди. 2014-2015 ўқув йилидан “Туризм (халқаро ва ички туризм)” ҳамда “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” мутахассисликлари бўйича магистратура ташкил қилинди ва профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига уларнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режалари тайёрланди ва ҳозирда ўқитилиш давом этмоқда.

Шу дварга қадар устоз профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигига 8 нафар иқтисодиёт фанлари номзодлари (PhD) ва 1 нафар иқтисодиёт фанлари доктори (Dcs) ўз диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилиб тасдигини олишган. Шу қаторда яна 5 нафар иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) докторантларига раҳбарликларини давом этмоқдалар. Ҳозирга қадар шу соҳада юздан ошиқ бакалавр ва магистратура мутахассисликлари бўйича шогирдларни ҳам тайёрлаганлар.

Инсон улғайган сари ҳаёт жуда мураккаб эканлигини чуқур англаб етаркан. Унинг ўнқир-чўнқир сўқмоқларидан ўз йўлини топганлар бор, тополмай умидсизликка юз тутганлар ҳам бор. Устозим Тухлиев Искандар Суюнович ҳаётнинг аччиқ синовларига дош бериб, баркамолликка эришган инсондир.

УСТОЗ ТУХЛИЕВ ИСКАНДАР СУЮНОВИЧ!

Сизнинг қутлуғ 70 йиллик ёшингиз муборак бўлсин. Устоз илмий фаолиятингизга катта ривож тилаб қоламан ва доим соғ-саломат бўлинг, бундан ҳам кўпроқ шогирдларни тайёрлаш сизга насиб қилсин.

Оилангиз ва бизнинг баҳтимизга доимо соғ-саломат бўлиб юришингизни яратгандан сўраб қоламиз, умрингиз бунданда зиёда бўлсин.

...*...

Ҳаёт бу иш ва яна иш, вақтида қилиб улгурмаган киши бундан қутила олмайди.

...*...

Ҳаёт бу ош ва яна ош, ошхўрга ошда.

...*...

Ҳаёт бу курашиш, бу табиатни ўзининг яшашига мослаштириш деган.



С.А.Ташназаров

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Сервис” кафедраси ўқитувчилари*

Ж.А.Қаххоров

70 ЙИЛЛИК АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Хурматли, Искандар Суюнович, Сизни, 70 ёшли юбилейингиз муносабати билан қизғин ва самимий табриклаймиз!

Фаолиятингиз даврида минглаб ёшларни замонавий билим ва ўгитларга ўқитиб, ўргатиб, истиқлол ғояси, миллий ғурур, урфодатимиз асносида тарбиялаб, уларнинг ҳаёт йўлини тўғри танлашдаги маслаҳатларингиз асосида жамиятимизнинг етук мутахассислари бўлиб етишларида сизнинг меҳнатингизнинг аҳамияти жуда катта!

Фаолиятингизнинг турли даврларида замон талаби бўйича талабаларни ўқитиш, тарбиялаш ва халқ хўжалигининг етук кадрларини тайёрлашдаги олиб бораётган ишларингиз мақтовга сазовор. Ўзбекистонимизнинг мустақиллик давридаги «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги қонунининг

ҳаётга тадбиқ этилишидаги жонбозлигингиз, илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашдаги улкан хизматларингиз туфайли, нафақат Самарқанд вилоятида, балким бутун Ўзбекистонда улкан обрў-эътиборга эга ҳисобланасиз!

Сизнинг шогирдларингиз ҳозирги вақтда турли жабҳаларда, юртимида ва юртимидан ташқари давлатларда меҳнат фаолиятини муваффақиятли олиб бораяптилар. Шулар қатори, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида замонавий кадрларни тайёрлашда самарали фаолият олиб бормоқдалар. Шунинг учун ҳам, кафедрамиз профессор-ўқитувчилари номидан сизга чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

Ўйлаймизки, келгусида ҳам ёшларни ўқитиш, тарбиялаш, республикамиз таракқиётида заруур бўлган замонавий билимли мутахассисларни тайёрлашда, ёш олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий фаолиятларини қўллаб-қувватлашда сизнинг ҳиссангиз бекиёс аҳамият касб этиб боради.

Сизни 70 йиллик айёмингиз билан яна бир бор табриклаб, “Сервис” кафедраси жамоаси номидан сизга оиласвий тинчлик, эсон-омонлик, узоқ умр, олий таълим тизимининг равнақи йўлидаги олиб бораётган ишларингизга каттадан-катта муваффақиятлар ва куч ғайрат тилаймиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу мазмун, чунки унда содир бўладиган ҳамма нарсанинг моҳияти бор.

•••✿•••

Ҳаёт бу вақтни ўтказиш, хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам. Муҳими қандай ўтказишга боғлиқ.

•••✿•••

Ҳаёт бу қувонч-у шодлик, шундай бўлса Яратганнинг иноми.

•••✿•••

Ҳаёт бу ғам ва алам, агар моил бўлсангиз. Кўп ноҳақликлар алам қилмасин, унга ғам чекиб ўтируманг.

•••✿•••

Ҳаёт бу борлиқ, бўлмаганингизда Сиз учун ҳаётнинг ўзи бўлмас эди.

•••✿•••

Ҳаёт бу тубсизлик, чунки худди шундай туюлади. Аслида бошланиши ва интиқоси бор.

...*...

Ҳаёт бу нолиш, факат нолийдиганларга худди шундай.

...*...

Ҳаёт бу шукроналик, энг яхши фазилат.

...*...

Ҳаёт бу фарзанд, чунки Худо шундай яратган, албатта фарзанд кўришим керак, деган мажбурият икки жинс вакилларида ҳам беихтиёр шаклланган.

...*...

Ҳаёт бу худбинлик, чунки шундайларнинг борлиги учун уни шундай иллатга айлантириб юборишади.

ФАНГА ФИДОЙИ ВА ЭЛ АРДОҒИДАГИ ОЛИМ

*Фаромуш қилмагил сен хақи устоз
Ки онингдин дирур илминга бунёд
Кишиким қилди устозга хизмат
Замони ўтмади-топди ул иззат..*

Воиз Кошифий

Устоз!!! Шу биргина сўз замирида қанчадан-қанча пурмаъно сўзлар битилган. Ҳақиқатдан ҳам, кўз нури ва қалб қурини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишилаган инсон устоздир. Доноларнинг айтишича, элни маърифат асрайди. У элни тараққий эттириб, эзгу нияти, орзу-умидига етказади. Истиқлолимизнинг, эртанги кунимизнинг равнақи устоз меҳнати биландир.

Жамиятимизда, устозларимиз орасида “устоз”, “устозларнинг устози” каби буюк ном ва шарафга эга бўлган олимларимиздан Искандар Суюнович ҳақли равища бугунги кунда хурмат-иззатда. У кишининг шогирдлари нафақат Республикаизда, қолаверса, дунёning турли давлатларида туризм шунингдек, давлатимизнинг барча соҳаларида фаолият юритиб келмоқдалар. Айни пайтда Искандар Суюнович илмий ва ҳаётий фаолиятининг қизғин палласида ижод қилмоқда. У киши Республикаизда ҳамда

бошқа МДХ мамлакатлари олимларининг ҳам эътиборига тушган таниқли, фидойи инсондир.

Биз И.С.Тухлиевни илмий-техника тараққиёти иқтисодиётни бошқариш, ташкил қилиш ва ривожланиши учун жуда катта ўз ҳиссасини қўшган, ўз ижодий илмини сарфлаган заҳматкаш олимлардан бири деб эътироф этамиз. Бунинг яққол мисоли сифатида Искандар Суюновичнинг 1997 йилда ЎзРФА Иқтисодиёт институтида **“Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Гарбий минтақасида илмий-техник салоҳиятидан фойдаланиш механизми”** мавзусидаги докторлик илмий-тадқиқоти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шунингдек, у киши томонидан соҳага доир чоп эттирган кўплаб ўқув қўлланмалари, дарсликлари, монография, илмий мақолалари устознинг ҳаёт йўлиниң қанчалик сермазмун эканлигини кўрсатиб турибди. Бугунги кунда Искандар Суюнович Республикамиз ва қўшни давлатларнинг қатор олий ўқув юртларида ижод қилаётган илмий тадқиқотчиларга ўзининг beminnat ёрдами ва маслаҳатини бериб келмоқда. Айни пайтда устознинг кўплаб шогирдлари туризм, хизматлар ва сервис соҳалари бўйича ўз илмий-тадқиқотларини олиб бориб катта муваффақиятларга эришиб келмоқдалар.

Тадқиқотчилар устоз раҳбарлигига ички ва ташқи туризмнинг методологик муаммоларини изчил таҳлил қилиш юзасидан сезиларли илмий-изланишларни олиб бормоқда. Жумладан, СамИСИ “Туризм” кафедраси катта ўқитувчиси С.А.Абдухамидовнинг “Минтақавий туризмнинг ташкилий-иктисодий механизмини тақомиллаштириш” мавзусидаги илмий изланиши якунланиш босқи-чида эканлиги бизни, қолаверса, бутун жамоани қувонтиради. Шунингдек, туризм ва меҳмонхона хўжалиги соҳасида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш каби масалаларни илмий жиҳатдан чукур асослаш устида тадқиқот олиб бораётган қўйидаги А.А.Аблакулов, З.Б.Наврўз-зода, М.Х.Хамитов ва А.А.Абдувалиевлар каби тадқиқотчиларнинг ютуқлари ва изланишларида бевосита устознинг заҳматкаш меҳнати ифода этилганини кўришимиз мумкин.

Айтиш ўринлики, Искандар Суюнович кўплаб нуфузли масканларда ўз иш ва илмий фаолиятини ўтказиб, кўплаб ютуқларга эришган. Жумладан, 1980-1985 йилларда ЎзРФА Иқтисодиёт институтида катта илмий ходим, 1985-1993 йилларда ЎзРФА Самарқанд Илмий маркази бўлим мудири, сўнгра унинг

раҳбари лавозимида, 1997 йил докторлик диссертациясини ҳимоя қилгандан сўнг “Ўзбекинвест” экспорт-импорт Миллий суғурта компаниясининг Самарқанд шўъба корхонаси директори лавозимида ўз фаолиятини олиб борди. И.Ф.д. И.С.Тухлиев 1998 йилда эса Самарқанд вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи лавозимида, 2002-2003 йилларда эса Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Кўмитаси кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатиш билан биргаликда ушбу давр мабойнида кўплаб йирик халқаро анжуманларда ўз маъruzалари билан иштирок этган.

Искандар Суюнович 2003 - йилдан бугунги кунга қадар Ўзбекистоннинг қатор нуфузли олий ўқув юртларида раҳбар лавозимларида ишлаб, ёшларга ўз билим ва малакаларини чин дилдан улашиб келаётган йирик олим сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Албатта, илм-маърифат нурини тарқатувчи устозга буюк эҳтиром ва эъзозимизни изҳор этамиз. Устоз шу кунга қадар ҳам тўлиб-тошиб, ғайрат билан ижод қилиб келмоқда. Бундай жўшқинлик албатта ёшларга ўрнакдир. Устоз ўзининг шогирдларидан меҳнатини аямай, сидқидилдан ёрдам қўлини чўзмоқда.

Биз шу фурсатдан фойдаланиб, юртимиз илм-фанининг истиқболи йўлидаги хайрли ишларингизга муваффақият, ўзингизга узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз!

Сизни муборак 70 ёшли тўйингиз билан самимий қутлаймиз!

**Ҳурмат ва эҳтиром ила “Тилларни ўқитиши”
кафедраси жамоаси номидан катта ўқитувчилар (*PhD*)
Т.К.Мардиев ва Р.Д.Самандаров**

Ҳаёт бу оила, асосий мазмуни.

...*...

Ҳаёт бу ёлғизлик, бу ҳам Худонинг тақдири.

...*...

Ҳаёт бу ширин хаёл, кошки эди, инсонларнинг шу хаёли амалга ошиб яшаса.

•••✿•••

Ҳаёт бу аччиқ ҳақиқат, хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам шундай.

•••✿•••

Ҳаёт бу тежамкорлик, ҳақиқатда исроф қилиш мусулмон кишига хос фазилат эмаслиги туфайли.

•••✿•••

Ҳаёт бу исрофгарчилик, молу-дунёси бўла туриб, ўзининг одамлигини унугланлар учун шундай.

•••✿•••

Ҳаёт бу шаҳдам қадам, мақсад сари юриш дегани.

•••✿•••

Ҳаёт бу ишончсизлик, чунки шубҳа билан қаралса шундай бўлади.

•••✿•••

Исломов Шухрат Маруфжонович

СамИСИ Иқтисодиёт факультети декани, и.ф.н.

ЯХШИ УСТОЗ – МЕВАЛИ ДАРАХТ

Мен Тухлиев Искандар Суюновични институтга илк бора ишга келган вақтларимдан биламан. У киши билан институтда ўтказилган туризмни ривожлантиришга йўналтирилган илмий-амалий конференцияда учрашганман. Ўша даврда ёқ ҳақиқий жонкуяр ва фидой инсон эканлиги ҳақида менга ўзгача фикр уйғотган.

Искандар Суюнович олим сифатида нафакат Ўзбекистон балки, бир қатор ривожланган давлатларда ва шу билан бирга МДХ давлатларида ҳам яхши обрў-эътиборга эга. Бетакрор олим сифати номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиб Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда айниқса, ҳозирги даврда Туризмни ривожлантиришда катта ҳисса қўшиб келмоқда. У кишининг муаллифлигига 300 дан ортиқ илмий ишлар нашр қилинган: шу жумладан 11 та ҳалқаро илмий мақолалар хорижий

мамлакатларда, 27 та илмий мақола нуфузли журналларда ва 7 та монография нашр этилган. Талабалар учун 48 та дарслик, ўқув қўлланма ва услубий ишлар ўқув адабиётлар нашр этилган. Шундан: 8 та дарслик, 12 та ўқув қўлланма, 26 та услубий қўлланма ва 2 та туризм соҳасининг замонавий атамаларига бағишлиланган изоҳли луғат шулар жумласидандир.

Бу илмий ишларнинг меваси сифатида Искандар Суюнович шахсан раҳбарлигида бир неча докторлик ва номзодлик ишлари тайёрланиб ҳимоя қилинган. Докторлик ва номзодлик ишларида олға сурилган илмий янгиликлар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга айниқса туризм соҳасига ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда.

И.С.Тухлиевни янгиликка интилевчан, тиниб-тинчимайдиган, мавжуд муаммоларни ечишда ва ўз ғояларини амалга оширишда жамоани ўз орқасидан эргаштира оладиган, уларни эътиборини қозонадиган меҳрибон ва шу билан бирга талабчан, замонавий лидерлик қобилиятига эга бўлган ажойиб инсон деб айтсак тўғри бўлади. У киши кафедра мудирлиги давомида кафедра салоҳиятини ошириш бўйича таҳсинга лойиқ ишларни амалга оширган.

И.С.Тухлиев ҳозирда ҳам юқори илмий салоҳиятга таянган ҳолда талабаларга дарс бериб, ёш олимларнинг илмий ишлари ва диссертацияларига чин дилдан раҳбарлик қилиб келмоқда.

И.С.Тухлиевга соғлиқ-саломатлик, оилавий баҳт, узоқ умр, завқли ҳаёт ва ишларига муваффақият тилайман.

...*...

Ҳаёт бу манманлик, ҳақиқатда ўзидан кетиб, фақат менман деган эгоистлар ҳаёти бу.

...*...

Ҳаёт бу бироннинг фикри, ўзиники бўлмаса, нима қилсин бечора.

...*...

Ҳаёт бу кўзи тўқлик, инсофли, борига шукур қилувчиларнинг фазилати.

...*...

Ҳаёт бу кўзи очлик, шунаقا инсофсизлари ҳам бор.

...*...

Ҳаёт бу ҳасадгўйлик, ҳақиқатда кўролмайдиган баҳл одамнинг ҳаётий шиори.

••*••

Хаёт бу вазифани бажариш, чунки яшаш керакда.

••*••

Хаёт бу зебу зар, ҳашам, деб яшайдиганлар ҳам кўп.

••*••

Хаёт бу борига қаноатлилик, ақлли ва инсофли инсоннинг фазилати.

••*••

Хаёт бу пулни ишлатиш, чунки яшаш керак.

••*••

Хаёт бу пулни топиш, мақсад шу бўлса, нима ҳам қиласиз бошқа.

••*••

Хаёт бу саховатлилик, агар инсонда шундай фазилат шаклланган бўлса.

••*••

Хаёт бу баҳиллик, агар шеригингиз ҳасадгўй бўлса.

••*••

Хаёт бу лафз, амал қилиш лозим бўлган фазилат.

••*••

Хаёт бу хиёнат, агар қилган бўлсангиз.



Холикұлов Анвар Нематович
*СамИСИ иқтисодий таҳлил ва статистика
кафедраси мудири, и.ф.н., доцент*

ТАЛАБЧАН УСТОЗ

Бир ривоятда айтишларича, қадимда бир ота уч ўғлини чақириб уларга бойлик тўплаб келиш учун маълум вақт бериб сафарга юборибди. Маълум вақтдан кейин учала ўғил ўзларининг

назидаги бойликларини тўплаб қайтиб келибди. Биринчи ўғил жуда катта карвонда юк ортилган бойликлар билан кириб келибди. Иккинчи ўғил бўлса, бир қанча дўстлари билан бирга қайтиб келибди. Учинчи ўғил бўлса бир ўзи қўлида ва ёнида ҳеч нарсасиз кириб келибди. Кунлардан бирида ота қаттиқ касал бўлиб қолибди. Биринчи ўғил бор дунёсини сарфлабди ота тузук бўлмабди. Иккинчи ўғил дўстлари билан маслаҳатлашиб бир илмили кишини топиш керак деган хulosага келибди. Учинчи ўғил илмли бўлиб келган экан. Бемор отасини ўз илмини ишга солиб даъволаб юборган экан. Хулоса ҳар кимнинг ўзида, ким қандай кўпроқ олиб келгани тўғрисида.

Мен юқоридаги ривоятдаги айнан учинчи ўғилни Устозимиз Искандар Суюнович Тухлиевга ўхшатаман. У киши қаерда бўлмасин ўзига билим ортирган устоз деб биламан. Мен Искандар Суюновични 2005 йилларда таниган бўлсамда, 2009 йилдан яқиндан танишганман. 2009 йилда номзодлик диссертациямни охирига етказиш атрофида Искандар Суюнович Илмий Кенгаш котиби бўлиб ҳисобланарди. Шунга қарамасдан Искандар Суюнович менинг номзодлик диссертациямни тўлиқ ўқиб чиқиб, ўзининг хулосаларини берган ва бир сўз билан айтганда диссертациямнинг шаклланишига ўз ҳиссасини қўшган устозимдир.

Искандар aka ҳамиша соғлом фикрловчи илмий ва маънавий етук, зиёли инсон, шунинг учун ҳамки ҳурматли ва меҳрли устоз ҳамда олим, қадрдон ҳамкасб ва ҳақиқий мутахассис сифатида қадрлайман. Мен шу кунларда ўзининг 70 ёшлик юбилей тўйларини қаршилаётган устозимизга узоқ умр, соғлик-саломатлик, ижодий баркамоллик, шогирдлар тайёрлашда ҳеч ҳам тўхтаб қолмаслигинизни тилаб қоламан. Аллоҳдан 80-100 ёшлик юбилей тўйларингизда ҳам мана шундай яхши тилаклар билдириш насиб қилишини сўраб қоламан.

Ҳаёт бу одамларнинг гапи, унга эътибор бериб вақtingизни ўтказманг ва асабингизни асранг.

••✿••

Ҳаёт бу ўзининг фикри, агар у арзийдиган бўлса.

••✿••

Хаёт бу беғуборлик, иймон-эътиқодли ва виждонли одамнинг умри шундай.

•••✿•••

Хаёт бу тубанлик, агар инсон пискашликдан қатмаса шундай.

•••✿•••

Хаёт бу вақтнинг ўтиши, хоҳлайсизми, йўқми, фойдала-насизми ёки бесамар ўтказасизми барибир.

•••✿•••

Хаёт бу фақат бугун, аслида шундай яшаш керак. Кечаги ғамдан, эртанги ташвишдан холи бўлинг, деб кўп насиҳат қилишган мутафаккирларимиз.

•••✿•••

Хаёт бу келажак, умидсиз бўлманг.

•••✿•••

Хаёт бу ўтмишдаги хато, булар тажрибани шакллантириб, одамни ўнглаб боради.

•••✿•••

Хаёт бу келажакка умид билан яшаш, инсон орзуси.

•••✿•••

Хаёт бу шон-шуҳрат, фақат унга берилиб кетмаслик лозим.

•••✿•••

Хаёт бу тубсиз жарлик, айrim ҳолларда шундай ҳам туюлади. Лекин одам ўзини ўнглаб олса, сокинликка эришади.

•••✿•••

Хаёт бу осойишталик, кошки эди ҳамма нарса ҳамиша кўнгилдагидан бўлиб турса.



Мухамадиев Абдинаби Нуралиевич
*Тошкент ахборот технологиялари
университети Самарқанд филиали
“Ахборот хавфсизлиги” кафедраси
ўқитувчиси*

ИБРАТЛИ ВА САБОҚ ОЛИШГА АРЗИЙДИГАН ҲАЁТ ЙЎЛИГА ЭГА УСТОЗИМ 70 ЁШДА

Ривоят қилиларича, имом Бухорий хазратлари Маккаи Мукаррамада таълим берётган чоғда бир зиёратчи Бухорои Шарифдаги устозларидан салом ва мактуб келтиради. Бу хабарни эшигтан Имом Бухорий Бухорои Шариф томонга юзланиб, саломга алик олганларича ҳурмат бажо келтирадилар. Сўнгра мактубни икки қўллаб олиб, табаррук қилиб, эҳтиром билан хатни ўқиган эканлар. Ҳа, устоз мисли ёниб турган шамга қиёс. Ўзи ёниб, атрофга нуру зиё сочади. Бошқалар ана шу нурдан баҳраманд бўлади. Шу сабаб, ҳар бир инсон ёшидан, мавқеидан, даражасидан қатъи назар, сабоқ берган устоз-мураббийи олдида мудом таъзимда.

Ҳазрат Навоий айтганларидек, Ҳақ йўлида бизга минг ранжу қийинчилик билан сабоқ берган устозларнинг машаққатли меҳнатлари ҳақини ҳеч бир бойлик ёки ганжина билан ўлчаб бўлмайди. Уларнинг меҳнатлари бекиёс ва беназир.

Анашундай инсонлардан бири, устоз, мураббий, кўп йиллик ҳаёт тажрибасига эга инсон, тинимсиз илмий-тадқиқот ишлари билан машғул инсон устозим, иқтисодиёт фанлари доктори, профес-сор Тухлиев Искандар Суюновичdir.

Устозим, профессор И.С.Тухлиев билан танишганимга кўп бўлмаган бўлсада, У кишида жуда кўп нарсаларни ўргандим. Муқаммал илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий-услубий ишларни тайёрлаш, давлат илмий-техник лойиҳалари устида ишлаш кабилар бўйича ўзимда кўниқмалар ҳосил қилдим. Кисқа вақт ичи у киши билан биргаликда, “Туризм: назария ва амалиёт” фанидан электрон дарслик яратиш бўйича услубий қўлланма, “Туризм:

назария ва амалиёт” фани бўйича электрон дарслик яратдик ва бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк қўмитасининг гувоҳномасини қўлга киритдик. Шунингдек, устозим, профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигида бир қанча тезислар, илмий мақолалар тайёрладик ва улар халқаро ҳамда республика доирасида ўтказилган илмий-амалий анжуман материалларида чоп этилди. Бир неча мақолаларимиз дунёning турли мамлакатларида импакт фактори юқори бўлган журналларда чоп этилди.

Хозирги вактда у кишининг раҳбарлигида туризм соҳасида геоахборот тизимларидан фойдаланишнинг илмий-амалий масалалари ҳамда туризм соҳасини ракамлаштириш принциплари, геоахборот тизимида янги йўналишларидан бири туристик маршрут-лар ишлаб чиқиш каби масалалар бўйича илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқдамиз.

Устозим, Искандар Суюнович ҳақида қанча гапирсак барибир оз. У кишининг илмий салоҳияти, тажрибалари, ватанимиз равнақи йўлида қилаётган хизматлари биз ёшларга ҳар тарафлама ибрат ва сабоқ бўлади.

Ҳурматли устозим, Мен Сизни ўзим ва оила аъзоларимномидан муборак 70 ёшли юбилейингиз билан чин қалдан табриклийман. Сизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман! Биз каби ёшларни фанга меҳр қўйишимиз, илмга чанқоқ бўлишимиз борасидаги сай ҳаракатларингизда Сизга Аллоҳдан куч-кувват тилайман.

Ҳаёт бу қуллик, ҳомила пайтида онангга қулсан, ёшлигингда ота-онангга, кейинроқ болангга қулсан. Шу тахлит аслида Аллоҳга қул эканлигингни эсдан чиқариб қўйишинг мумкин...

...*...

Ҳаёт бу эзгулик, агар эътиқодли инсон бўлсанг, албатта! Баҳтга қарши, атрофимиизда эътиқодсиз, эзгу ҳаракат қила олмайдиган инсонлар ҳали ҳам бор...

...*...

Ҳаёт бу эҳсон, лекин эҳсон тушунчасини фақат бирорга моддий жисмни бегараз бера олиш сифатидагина тушуниб қолсак, жуда кўп нарсани йўқотган бўламиз!

...*...

Ҳаёт бу замон, яъни ўзбек тили луғатида баён этилгандек давомлилик, такрорланмаслик, қайтарилмаслик каби умумий хоссаларга эга бўлган вақт...



Қўзибоев Бехзод Ҳамидович
*Урганч Давлат университети
“Иқтисодиёт” кафедраси таянч
докторанти*

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ДАРГАЛАРИДАН БИРИ

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович Ўзбекистон иқтисодчи олимлари орасида юксак мартаба ва ҳурматга эга бўлган инсондир. Жумладан, устознинг хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларидағи тинимсиз изланишлар олиб бориш ва шогирдлар тарбиялашдек буюк хизматлари эътирофга лойикдир. Устоз ўзининг билими, тинимсиз машақкатли меҳнати ва юқори одамийлик фазилати билан республиканинг илм-фан соҳасида катта обрў қозонган.

Устоз билан сухбат қурган одам унинг ҳар бир ишга масъулият билан ёндашишига, катта ва кичикка бир хил ҳурмат-эҳтиром кўрсатишига ва замон билан ҳамнафас фикрлайдиган инсон эканлигига гувоҳ бўлиши мумкин.

Устоз билан учрашишдан олдин Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби бўлиб фаолият юритган даврларида ўз номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилган ҳамкасларимдан ҳам устоз ҳақида илиқ фикрлар эшитганман.

Илмий раҳбарим Урганч давлат университети, Туризм ва иқтисодиёт факультети декани, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Илёс Абдуллаев ҳам илмий ишим доирасида профессор Искандар Суюновичдан маслаҳат олишни тавсия қилди. Устоз

билан илк бор ҳамсұхбат бўлганимда унинг юқори салоҳиятли, юксак маънавиятли буюк шахс эканига амин бўлдим.

Устознинг шу кунгача чоп қилган дарслик, ўкув қўлланма, монография ва илмий мақолалари хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларининг долзарб масалаларини ёритган бўлиб, талабалар ва тадқиқотчилар учун ноёб билим манбаи ҳисобланади. Мен ҳам ўз тадқиқотим доирасида устознинг илмий асарларидан фойдаланган ҳолда билим ва кўникмаларимни муентазам равища ошириб боряпман.

Устоз узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида нафақат олий таълим балки иқтисодиётнинг турли соҳаларига етук ва малакали кадрлар етиштиришга улкан ҳисса қўшган забардаст олимдир. Шунингдек, устознинг туризм соҳасидаги лойиҳалари ва шогирдларининг диссертацияларидағи устознинг кўрсатмалари асосида шаклланган илмий янгиликлари амалиётга тадбиқ этилиб, мамлакатимиз иқтисодиёти учун хорижий валюта манбаи ҳисобланган туризм соҳасини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда.

Устознинг шу табаррук ёшида ҳам чарчаш нималигини билмасдан бир томонда шогирдлар билан илмий изланишлар олиб бориши шу билан бир қаторда мамлакатимиз равнақи йўлида инновацион лойиҳаларга раҳбарлик қилиши ва янги дарслик, ўкув қўлланмалар тайёрлашини кўриб, биз шогирдларнинг ҳавасимиз ортади.

Хурматли Искандар Суюнович, Сизни 70 йиллик юбилейингиз муносабати билан чин қалбимдан табриклайман. Юртимиз илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшишдек мashaқатли изланишлар йўлида қилаётган фидокорона хизматларингиз бекиёсdir. Республикашимиз илмий салоҳиятини янада юксалтириш йўлида шогирдлар тарбиялашда Сизга куч-қувват, узоқ умр ва мустаҳкам соғлик тилайман. Биз шогирдлар Сиздек азиз устозимиздан фахрланамиз.

Дунёга олимлар тарқатар устоз
Ҳақига мол-давлат қилмас ҳеч талаб.
Мерос қолар билим, қалам ва қофоз
Уларнинг барчаси устозлар сабаб.



Ҳаёт бу ҳаловатсизлик, жizzаки асабий одамлар табиати.

•••*

Ҳаёт бу саломатлик, ҳамманинг баҳти. Кошки эди бутун инсоният шунга мұяссар бўлиб яшаса.

•••*

Ҳаёт бу касаллик, ҳақиқатда Худонинг синови. Баъзилар соғ бўлсада ўзини шундай ҳис қиласади.



Усманова Нигина Маруповна
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти “Менежмент” кафедраси
ассистенти*

МЕНИНГ УСТОЗИМ

Инсоният илм билан ҳақиқий саодатни қўлга киритади, унинг шарофати билан юксалади. Илм устознинг саъй-ҳаракати билан эгалланади. Устозлар бежизга пайғамбарларнинг меросхўрлари деб эъзозланмаган. Қуръони каримда ўзи эгаллаган илмни бошқаларга ўргатган устозларнинг шаъни-шарафи нақадар улуғлиги ҳақида бундай марҳамат қилинади: "...Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни баланд даража (мартаба) ларга кўтарур" (Мужодала сураси, 11-оят).

Илму маърифат зиёсини тарқатиш савобли амал. Бу вазифага мутасадди бўлган кишининг даражаси ҳам мислсиз. Шунинг учун ҳам борлиқдаги ҳамма нарса устознинг ҳаққига дуо қилиб туради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда шундай марҳамат қилганлар: "Албатта, Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари, осмонлару ер аҳли, ҳатто ковагидаги чумоли ва ҳаттоки балиқгача одамларга яхшиликни таълим берувчига салавот айтадилар" (Имом Термизий ривояти). Ҳаётда шундай одамлар бўладики, уларнинг босиб ўтган йўлига назар ташлаб ҳавас қиласиз.

Устозим иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюнович ҳам худди шундай меҳнатсеварлиги, тиришқоғлиги, ижодкорлиги ва янгиликка ўчлиги, ўз касбига фидойилиги билан ажралиб турадилар. Шу боис устозим кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлганлар. Ҳаётдаги барча ютуқларини ўзининг ҳалол меҳнати, ўз касбига, вазифасига масъуллиги, содиқлиги билан қўлга киритганлар.

Мени магистр диссертация ишимнинг мавзусини “Меҳмонхона бошқаруви” бўйича амалга оширишимда илмий раҳбарим, яъни устозим Тухлиев Искандар Суюнович ҳисобланадилар.

Дастлаб устозим Тухлиев Искандар Суюновични яхши танимаган бўлсамда, кейинчалик магистратурада ўқиш давомида илмий ишим юзасидан кўп мулоқот қилишимга тўғри келган.

Устозим Тухлиев Искандар Суюнович бекиёс олим, қаттиққўл бўлишлари билан биргаликда ўта раҳмдил меҳрибон, бутун институт жамоаси орасида олийжаноб инсон ҳамда шу билан бирга мард, ўз услублари ва принципиалликлари билан адолатли устоз сифатида ажралиб турадилар.

МЕНИНГ УСТОЗИМ ТУХЛИЕВ ИСКАНДАР СУЮНОВИЧ!

Устозим! Сизнинг муборак 70 йиллик ёшингиз қутлуғ бўлсин. Устозим сизга соғлик-саломатлик, илмий фаолиятингиз мобайнида янада кўп шогирд ва мутахассислар чиқаришда давом этишингизни тилайман. Доимо биз ёшларга бош бўлиб, олдинга қадам босишда янги улкан зафарларга эришишимизда мотиватор бўлинг.

Яхши устозга шогирд бўлишлик ҳам Аллоҳнинг иноятидир. Сиз билан биз фахрланамиз! Бахтимизга ва оиласиз бошига соғсаломат бўлишингизни Аллоҳдан сўраб қоламиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу ҳаю-ҳавас, унга берилганинг аёғи ердан узилади.

•••✿•••

Ҳаёт бу муҳтоҷлик, бу ҳам Яратганинг синови.

...*...

Ҳаёт бу тўқликка шўхлик, Худо берган давлатга мағоурлик, одамларга беписадлик.

...*...

Ҳаёт бу борига қаноат, агар кимда шукроналик ва сабирдек фазилат бўлса.

...*...

Ҳаёт бу подшоҳлик, ҳар ким ўзига ўзи шундай бўлсагина бошқа мувоффақиятларга ҳам эришади, чунки у ўзига ўзининг айтганини қилдира олади.

...*...

Ҳаёт бу гадолик, бу бойликка боғлиқ эмас экан, айримларнинг табиати шундай.

...*...

Ҳаёт бу ор-номус, чунки оиласининг шаъни шу билан белгиланадида.



Махмудов Жонибек Адхам ўғли
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтининг
2-босқич магистранти*

ЖОНКУЯР УСТОЗ

Мустақил Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун аввало, халқимиз, ёшларимизнинг дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг билим ва маънавиятини юксалтириш зарур. Эркин фикр юритувчи, тадбиркор, ташабускор ва миллий ғууруга эга бўлган шахсларни тарбиялаш учун беминнат меҳнат қилаётган олимлар ва профессор-ўқитувчилар бизнинг институтимизда ҳам ўз иш фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Улар қаторида иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюнович устозимизни ҳам эътироф этиш

керак. Илмий ва педагогик фаолиятининг бошиданоқ Искандар Суюнович ўзини ўқув жараёнининг моҳир ташкилотчиси, ўз ишига садоқатли шахс сифатида намоён этдилар. Устоз таълим соҳасида узоқ йиллик фаолиятлари давомида юзлаб илмий-амалий лойиҳалар, изланишлар, илмий мақолалар муаллифи ҳисобланади. Устоз нафақат илм-фан тараққиётини юксалтиришда катта ҳисса қўшганлар, балки мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, етук кадрлар етишиб чиқишига умрларини баҳшида этганлар.

Искандар Суюнович қаерда ишламасин, қайси соҳада фаолият юритишларидан қатъи назар, ҳамма жойда меҳнатга сидқидилдан ёндашиб доим юқори ютуқларга эришганлар. Шу жумладан, Профессор И.С.Тухлиев Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида янги “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасининг пайдо бўлиши ва муваффақиятли фаолият олиб боришида бош-қош бўлганлар. Ҳозирги кунда профессор И.С.Тухлиев мазкур кафедранинг фахрий профессори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги тадқиқотлар дастурлари бўйича эксперtlар аъзоси, Тест маркази томонидан ташкил қилинадиган олий ўқув юртларини аттестация ва аккредитациядан ўtkазиш бўйича эксперт аъзоси, “Сервис” журналининг ҳайъат аъзоси бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, профессор И.С.Тухлиев бир қанча вазирлик ва идораларда илмий эксперти сифатида ҳамда Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш ва Давлат таълим стандартларини тайёрлаш бўйича фаолият олиб бормоқда.

Кўп йиллик самарали ва ҳалол меҳнати ҳамда ўз хизмат вазифасига бўлган садоқати учун профессор И.С.Тухлиев вазирликлар ва ҳукуматимиз томонидан кўп маротаба мукофотланганлар.

Устоз бугунги кунда ҳам соҳанинг ривожланишига катта ҳисса қўшиб, юзлаб шогирдлар етиштирган ҳолда жонкуярлик билан фаолиятини давом эттириб келмоқдалар. Эл-юрт хурматига, фарзандларининг баҳту-саодатига эришган устоз ҳамон ҳар ишда ташаббускор, ўқувчилар ва институт жамоасига доимо меҳрибон ва ғамхўр. Устозни таваллудининг 70 йиллиги билан қизғин табриклаб, уларга мустаҳкам соғлиқ, эзгу ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

...*...

Ҳаёт бу нафс, агар бунинг қўли бўлиб қолинса, молу-дунё тўпланади, обрў тўкилади.

...*...

Ҳаёт бу мувозанат, ақилли одамнинг ҳаёт тарзи.

...*...

Ҳаёт бу ёрдам, қўлингиздан келса, буни аяманг.

...*...

Ҳаёт бу сафар, бешиқдан қабргача шундай. Фақат шуни ўқиб турганларга тиласим Сизники бехатар бўлсин.

...*...

Ҳаёт бу зиёрат, албатта, кимларнидир ва нималарнидир бориб кўриш, умринг бир бўлаги.

...*...

Ҳаёт бу ибодат, Байтуллоҳни тавоб қилиш, Худога сажда қилишдир.

...*...

Ҳаёт бу зафар, мақсадингиз аниқ бўлиб, унга эришган ошингиз.

...*...

Ҳаёт бу ўқинч, оилада нотинчлик бўлса шундай бўлади.



Хушвақтов Дилмурод Абдувалиевич

Ўзбекистон Ёшлиар иттифоқи

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институт
бошлангич ташкилоти етакчиси, институт
иккинчи босқич магистранти*

ФАН ВА ШОГИРДЛАР КАМОЛИ УЧУН ЭНГ ФИДОИЙ ИНСОН

Дунёда яхши инсонлар кўп лекин буюк инсонлар кам. Буюклиқ куч-қудрат ёки бойлик билан белгиланмайди, аксинча, энг катта куч бу юксак билим ва бу билимни авлодларга етказиб

бера олишдадир. Агар мендан фан учун, шогирдлар камоли учун энг фидоий инсон ким деб сўрашса кўз олдимга биринчи навбатда бир инсон келади. Бу инсон Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Туризм” кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори **Тухлиев Искандар Суюнович**дир.

Ҳа, устоз мисли ёниб турган шамга қиёс. Ўзи ёниб, атрофга нуру зиё сочади. Бошқалар ана шу нурдан баҳраманд бўлади. Шу сабаб, ҳар бир инсон ёшидан, мавқеидан, даражасидан қатъи назар, сабоқ берган устоз-мураббийи олдида мудом таъзимда. Ҳазрат Навоий айтганларидек, Ҳақ йўлида бизга минг ранжу қийинчилик билан сабоқ берган муаллимларнинг машаққатли меҳнатлари ҳақини ҳеч бир бойлик ёки ганжина билан ўлчаб бўлмайди. Уларнинг меҳнатлари бекиёс ва беназирдир.

Устозимнинг ўтган фаолиятини ўрганишнинг ўзиданоқ умрга тенг бўлгулик хаёт таълимини олиш мумкин. Профессор И.С.Тухлиев илмий мактабининг шаклланиши давомида илмий ва замонавий ўқув адабиётларини тайёрлашда жами 300 дан ортиқ илмий-амалий мақолалар нашр қилинди, ўнлаб меъёрий ва ўқув-услубий ҳужжатлар ишлаб чиқишида иштирок этди, кўплаб илмий конференциялар ташаббукори ва ташкилотчиси сифатида таълим тизимини такомиллаштиришда ўзининг юксак ҳиссасини қўшди. Ўнлаб шогирдларининг ютуқлари, юксак натижалари самараси ўлароқ бугунги кунда минглаб ёшлар сифатли таълим олиб келмоқда.

Шундай буюк инсоннинг таълимини олиш, шогирди сифатида фаолиятим учун олtinga тенг маслаҳатларидан фойдаланиш насиб этганидан фахрланаман. Иш фаолиятим асосан талаба-ёшлар билан ишлаш бўлгани учун кўплаб минбарларда, ёшларга ўрнак бўлиши мумкин бўлган устозим ҳақида алоҳида тўхталиб ўтаман.

Ёшларга ўрнак бўла оладиган устозларимиз жуда қўпчилик бўлиши мумкин, бироқ уларнинг ҳаётида тубдан бурулиш ясалишига сабабчи бўладиган жонкуяр устозларимиз саноқли. Устозим, профессор Тухлиев Искандар Суюновични шундай инсонлар қаторига ишонч билан қўша оламан ва шундай инсоннинг шогирди эканимдан фахрланаман.

Ҳаёт бу муддат, лекин қанчалиги факат Аллоҳгагина аён.

••*••

Ҳаёт бу сұхбат, айрим ҳолда мароқли, айрим пайтлар заһарли.

•••✿•••

Ҳаёт бу самимийлик, чунки асл моҳияти шундай, лекин уни бузувчилар инсонларнинг ўзлари.

•••✿•••

Ҳаёт бу шараф, буни түғри тушунгандар ва шунга мос бўлганлар учун.

•••✿•••

Ҳаёт бу тун, ҳаётнинг ярми шундан иборат, аммо қалбида губор ва ҳасад бўлса, унда ёруғ куннинг ўзи бўлмайди.

•••✿•••

Ҳаёт бу ёруғлик, чунки шундай бўлиши керак, лекин ўзимиз уни баъзан зулматга айлантирамиз.

•••✿•••

Ҳаёт бу тўхмат, бу ҳам Сизни кўролмайдиган баҳл ва ҳасадгўйларнинг фитнаси асосида ташкил қилинади.

•••✿•••

Ҳаёт бу садоқат, ўзига, оиласига, миллатига, Ватанига бўлган муносабатида намоён бўлади.

•••✿•••



Суяров Абдулазиз Шокиржон ўғли
*“Ипак йўли” туризм халқаро
университети магистранти (2015-2019
йилларда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти талабаси)*

ОРЗУЛАРГА МАЁҚ БЎЛГУВЧИ УСТОЗ

Ҳар бир ёш олий таълим муассасасига қадам қўяр экан, албатта қалбида янги муҳитдан ҳадиксираш, ҳаяжон ва қизиқиш ҳислари пайдо бўлиши мумкин. Олий таълим муассасидаги илк босқич, илк қадамлар бўлажак мутахассиснинг кейинги муваффа-

қият йўлини кафолатлаши мумкин. Бунда шубҳасиз устозларнинг ҳиссаси катта. Олий таълим муассасида устознинг вазифаси нафақат билим бериш, балки талабага тўғри йўл кўрсатишдан иборат ҳисобланади. Ушбу вазифани тўлақонли бажариш эса ҳар бир ўқитувчининг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун ҳар бир устоз чинакам мутахассис, моҳир педагог, улкан тажриба эгаси ва психолог бўлмоғи зарур. Талабага ўз билими, муваффақиятлари ҳамда ҳусни-хулқи билан намуна бўла олиши шарт. Талаба таълим муассасидаги устозларига қараб ўз келажаги ҳақида ишонч билан илдам қадам ташлай олиши жуда муҳим ҳисонланади. Ишониб айта оламанки, мен каби кўплаб шогирдларга раҳбарлик қилган ўз касбининг маҳоратли эгаси Искандар Суюнович Тухлиев ҳам мана шундай кўп киррали ўқитувчилардан ҳисобланади.

Мен 2015-йилда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти-нинг “Сервис ва туризм” факультети “Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” йўналишига ўқишига қабул қилиндим. Юқорида айтиб ўтганимдек, талабаликнинг илк даврлари ҳаяжонга бой, шунингдек, анчайин қийин кечган. Сабаби, олий таълим муассаси ҳақида умуман фикрга эга бўлмаган, тўғри Академик лицейдан сўнг институт муҳити бир мунча эриш туюлганди ўшанда. Лекин, барча талабалар каби ўз олдимга улкан мақсадлар қўйган эдим. Энг асосийси, ўзим севган касбнинг маҳоратли эгаси бўлиш орзузи эди. Кафедрамиз ўқитувчилари томонидан ўтиладиган дарслар айниқса, менда катта қизиқиш уйғотганди.

Туризм ва меҳмондўстлик саноатидаги янгиликларни, назарий ва амалий жиҳатларини устозларимиз ажойиб тарзда, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда тушунтириб берардилар. Айнан ўша йиллари (2015-2018) бизнинг кафедрамизнинг, яъни “Халқаро туризм ва туризм сервиси” кафедрасининг мудири, профессор И.С.Тухлиев педагогик жамоага раҳбарлик қилар эдилар. Илмий изланишга бўлган қизиқиш ҳамда кафедрамиздаги илиқ муҳит мени Устознинг олдига бориш ва мақсадларим тўғрисида сўзлаб беришга туртки берган. Илк марта Устознинг қабулларига кирганимда қандайдир қўркув бўлган, сабаби мен профессор И.С.Тухлиевни ўта жиддий, қаттиқўл инсон деб тасаввур қилганман. Аммо, қайсиdir маънода менинг шахсий карьерамга катта таъсири бўлган ўша кунда Устоз мени

қабул қилғанлар ва талаба сифатидаги мақсадларим, соҳа ривожи учун жорий қилмоқчи бўлган таклифларимни диққат билан тинглаганлар, бундан ташқари соатлаб ўз фикрларини билдиригандар. Ҳақиқатдан ҳам ўша сухбат ҳозиргача ёдимда. Чунки, Устоз ўша куни менга ишонч билдириш билан биргаликда, келажагим йўлида катта масъулият ҳам юклагандилар. Бу эса айнан ўша даврда мен учун жуда муҳим эди.

2015-2019 йиллар оралиғида профессор И.С.Тухлиев раҳбарлигида кўплаб илмий ва амалий лойиҳалар, рисола-ю мақолаларни чоп қилишга муваффақ бўлдик. Хусусан, 19 та республика, 4 та халқаро миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда, 5 та ОАК эътироф этган журналларда ҳамда 12 та хорижий нашрларда мақолалар. “Мехмонхоналар рақобатбардошлигини таъминлашда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш” номли рисола ҳам чоп этилди. Бундан ташқари, Устоз раҳбарлигида бир қанча танловларда, давлат лойиҳаларида ҳамда илмий дастурларда иштирок этиб келмоқдамиз. 2017-2018 ўқув йилида эса Ўзбекистон Республикаси бакалавр талабалари учун таъсис этилган “Навоий” давлат стипендияси соҳиби бўлишга муваффақ бўлдим. Устоз раҳбарлигида 2019 йилда “Энг яхши туристик маҳсулот” танловининг Республика босқичи ғолиби бўлиш ҳам насиб қилган.

Умуман олганда, айтишим мумкинки, юқоридаги ютуқларим Устоз билан бошланган йўлнинг дебочаси холос. Мамлакатимизда ривожланиш бўсағасида турган сайёҳлик индустряси учун етук мутахассислар тайёрлашда Устознинг ўринлари беқиёс бўлиб, Профессор И.С.Тухлиев бошлаб берган мактаб чинакам маънода соҳа ривожини таъминлашда юксак ўринга эга ҳисобланади ва бу жараён муваффақиятли давом этади.



ЭЪЗОЗЛАГАН ЯҚИНЛАРИ ВА КАРИНДОШЛАРИ ЭЪЗОЗИДА





Ирисбек Иватов
*Иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор*

ЎЗ ЭЛИГА САДОҚАТЛИ ИНСОН ВА ИЛМДАН БАХТ ИЗЛАГАН ОЛИМ

*Ҳақ йўлида сиз илмнинг умматлари,
Халқ йўлида ҳидояти, ҳимматлари
Мадад бўлсин Яссавийнинг ҳикматлари,
Бобо Машраб баётлари, илм истанг,
Илм истанг, изингиздан ибрат ёғсин,
Ихлосингиз, шахдингиздан шиддат ёғсин.
Ортингиздан мағур-мағур миллат ёғсин
Мулки, Турон нажотлари илм истанг.*

Муҳаммад Юсуф

“Ҳар қандай узоқ йўл ҳам биринчи қадамдан бошланади” деган олий ҳикмат бор. Яхши замин бўлсаю, унга сара уруғ қадалса, керакли ишлов берилса, мўлжалдаги ҳосил мўл бўлиши муқаррар. Шу сабабли ҳар бир забардаст олимнинг ҳаёт йўли охироқибат ўша замин натижасида, объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклланади ва ривож топади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Тухлиев Искандар Суюновичнинг ҳаёт ва ижод йўли ниҳоятда ибратлидир. Чунки унинг ҳаёт ва ижод йўли “Оталар сўзи”да қайд этилганидек: “Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан илгаригилардан ибрат ол” ҳикматига амал қилиб келинди.

Иқтисодчи олимлармизнинг илм-фан ривожи ва юрт тараққиётига қўшиб келаётган ҳиссаларини эътироф этмасликнинг иложи йўқ, деб ўйлайман. Ўзининг табаррук 70 ёшини нишонлаётган Искандар Тухлиев илмий жамоатчилик, шунингдек, жўшқин меҳнат фаолиятини давом эттириб келаётган Самарқанд

иқтисодиёт ва сервис институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари ардоғида эканлиги барчани қувонтиради. Институтдаги иқлимнинг мўътадиллиги, барқарорлиги шу жамоа орасида ўз салоҳияти, тажрибаси, шахсий таровати билан кўп йиллардан буён алоҳида ўринга эга, ҳаммага ибрат бўлса арзирли ишлари билан фозил даражасига эришган, менга ҳам биргаликда ишлаш баҳти насиб этган инсон, олим, раҳбар, мураббий, ҳаммамиз учун азиз бўлган Тухлиев Искандар Суюновичнинг ҳаётда ўз ўрни бор. Уни том маънода Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг мустаҳкам устунларидан бири дейиш жоиздир.

Таникли олим, устоз ва мураббий, профессор Искандар Тухлиевнинг илмий-педагогик ва жамоат фаолияти хақида бошқа манбаларда узок тўхталиб ўтилган ва буни унга бағишлиланган кўплаб табрикларда етарли даражада ёритилганлигидан қўриш мумкин десам муболага бўлмайди, албатта. Шу боис бу масалага ургу бермай, кўпчиликка номаълум айrim маълумотларни ёзишни лозим топдим.

Искандар Суюновичнинг етмиш йиллик ҳаёт йўли, қарийб 50 йиллик меҳнат фаолияти улкан самараларга бой, ҳавас қилса арзигулик ибрат мактаби эканлиги шубҳасиздир. Буни Искандар Суюновичнинг иқтисодчи олимлар қаторида меҳнати қадр топгани, институтда баркамол авлодни тарбиялаётган ходимлар сафида унинг ҳам ўнлаб шогирдлари борлиги, улар ўз устозлари билан ҳақли равишда фахрланишларидан ҳам сезиш қийин эмас.

Алоҳида қайд этиш жоизки, олим Искандар Суюнович ўта меҳридарё, табиатан атрофдагиларга эътиборлидир. Олимларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширишга кенг жамоатчиликнинг эътиборини жалб этган ҳолда, тарғибот-ташвиқотни кучайтиришга тинмай ҳаракат қилиб келаётгани унинг фидойилигидан далолатдир.

Искандар Суюновичнинг ўзига хос инсоний фазилатлари ҳам кўпчиликка ибратдир. Бу мўътабар инсон билан сұхбатлашган киши, аввало, ундаги халқимизга хос саҳоват ва самимиilikни ҳис этади. Ҳар бир кишининг руҳияти, дунёқараши ва тафаккурига эътиборни қаратишга интилиши, ўзига нисбатан ҳатто хусуматли одамни ҳам кечириш, ҳаётда орттирган тажрибасининг ижобий жиҳатларини шогирдларига беминнат ўргатиш, яхшига эргашиш, ёмонликлардан ҳазар қилиш каби беназир ҳислатлар Искандар Суюнович сиймосида мужассамдир.

Тухлиев Искандар Суюнович исми-жисмига монанд муруватли, мард, очиқкўнгил сұхбатдош, дилкаш дўст, илмда кенг қамровли, доно ва билимдон олимдир. Мазкур зоти шарифнинг маърифий сұхбатини тингловчилар руҳий озуқа олиб, илҳомланиб ва қайта-қайта сұхбатлашгиси келади.

Мен Искандар ака билан танишганимга 40 йил тўлиб, у киши билан кўп йиллар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқтисод институтида ёнма-ён меҳнат қилдик, илмнинг мураккаб қирраларини ўрганишда, ҳал қилишда хормай-толмай меҳнат қилдик. Искандар Тухлиев ЎзР ФА Иқтисод институтида 1980-1985 йилларда кичик, сўнгра катта илмий ходим бўлиб ишлади. Шу даврда, жуда кўп маротаба учрашдик, сұхбатлашдик ва улфатчилик қилдик. У билан биргаликда, ўша даврларда мажбурий бўлган, пахта йиғим-теримида, ипак куртини парвариш қилиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинганимизда ва бошқа тадбирларда иштирок этдик ва ҳар доим Искандар Суюновичда ғайратни, буюрилган ҳар қандай хизматни беғараз сидқидилдан бржараётганини гувоҳи бўлганман. У ўз зотизурриёти бўйича ўз ҳалқи ва ватанига беғараз хизмат қилган авлод-аждодларининг, ота-боболарининг кўзга кўринган ақли, доно фарзандидир. Падари бузруквори Суюн ота бутун умри бўйи эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилиб, меҳнаткаш аҳолини турмуш шароитини яхшилашга, ёш авлодга таълим-тарбия беришга муносиб ҳисса қўшган инсонлардан бири эди.

Тарихга озгина назар ташлайдиган бўлсак Искандар Суюновичнинг камолоти исму-жисмига монанд фазилатда тарбия топиб, етук шахс сифатида шаклланиши, аввало, ота-оналарининг беназир зеҳнли зиёли экани, қолаверса, эзгу ният билан берилган номнинг ҳислатига боғлиқ экани ажаб эмас. Уни айнан, хизматчилар оиласида таваллуд топиши, мазкур муҳитнинг унинг олим сифатида шаклланишига бўлган таъсири уни мактаб ва олий таълим муассасаларини муваффақиятли тугатишга, йирик олим ва инсон сифатида етишишига ўз ижобий таъсирини кўрсатиб ўтган десам муболаға бўлмайди.

Бундай одамлар истиқомат қилаётган гўшаларда яхшилик, эзгулик ҳукмрон, уларнинг инсоний муруватларидан ён-веридагилар баҳраманд бўлмоқда. Улар меҳру оқибат қалити бўлмиш ширин сўз ва яхши муомалалари билан танилган, иродалари ва

метин бардошлари билан қийинчиликларни енган, умрларини Она Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат ила бахшида этган инсонлардир.

Мавлоно Жалолиддин Румий буюрганлариdek:

Яхшиларнинг сұхбатин күнглингга сол,
Ҳеч ёмоннинг сұхбатин қилма хаёл!
Кўр, қизил гул боғ ичин хандон қилур,
Мард киши номардни ҳам инсон қилур.
Гарчи сен бўлсанг агар мармар каби,
Яхши бирла бўлғайсен гавҳар каби.

Ибратли ижод йўлида яшаш ҳар кимни ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун инсонда темир матонат, Ватанига бўлган чексиз муҳаббат, жамият учун фойда келтириш ҳиссиёти мовий осмон сингари беғубор инсонларга нисбатан самимилик булоқ сувидек шаффоф бўлиши каби хислатлар мужассам бўлиши даркордир. Қалби меҳр-муҳаббатга, саҳоват ва шафоатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларини, ўтиб-кетган ота-оналари, амаки-тоғалари, амма-холалари, устозлари ва дўсту биродарларини доимо хотирлайдилар, фидоий юртдошлари, порлоқ келажак йўлида меҳнат қилаётган устозлар, касбдошларини қадрлайдилар ва уларнинг ҳурматини жойига қўядилар.

Профессор Тухлиев Искандар Суюновичда эса бундай хислатлар бепоёндир. Айниқса, ўз фаолиятига бўлган муносабати, илм-фан йўналишида тинмай янгиликларга интилиши, бутун умри давомида факат илмий изланишлар олиб бориши, бу борада тинмай меҳнат қилиши, ёшларга ўрнак бўлиши, уларни тарбиялаш ҳамда уларга бутун билим ва тажрибаларини ўргатиши алоҳида эътиборни жалб этади.

И.С.Тухлиев ўз илмий ишини давом эттирган ҳолда 1998 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасига эга бўлган. Искандар Суюнович кўплаб монография, дарслик, рисола ва илмий мақолалар муаллифи сифатида олимлар орасида юксак нуфузга эга бўлиб келмоқда. У киши томонидан яратилган илмий асарлар ҳамда илмий ғоялардан нафақат мамлакат иқтисодиётини кўтариш, балки бошқа мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда кенг фойдаланиб келинмоқда. У мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш бўйича кўплаб ғояларни илгари

сурган ва бу ғояларни амалда кўллашга интилган. У киши томонидан илгари сурилган ғоялар бугунги кунда ҳам ўз исботини йўқотгани йўқ. Айниқса, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида бу ғоялар амалий кўмакдош вазифасини ўтамоқда.

Искандар Тухлиев илмий-ижодий фаолияти бошлангандан буён саноат ва туризм мажмуи учун етук мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўйича ибратли жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Олимнинг фундаментал илмий ишлари 200 дан ортиқ мақола ва китобларда таҳлил қилинган. Жумладан кўплаб монография, дарслик, ўқув қўлланмалар ижодий, илмий ва машаққатли меҳнат самарасидир. У ўзининг ибратли ва сермаҳсул фаолият олиб бориши билан ўз ҳаётий ва илмий-ижодий йўлини ҳозирги кунгача ёруғ юз билан ёритиб келмоқда. Профессор Искандар Суюновичга назар ташлаган инсон уни ҳеч қачон 70 ёшга тўлган деб ўйламайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқори малака ва салоҳиятга эга, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира оладиган, шунингдек, қалбида Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги каби тушунчаларни туйган, миллий истиқлол туйғуси, халқига садоқат туйғуси жўш урган, шу билан бирга куйунчаклик, фикрий изланувчанлик, янгилик яратишда иштиёқманд, иймон-эътиқодли, метин иродали ва қобилиятли, тадбиркор ва ҳушёр, маънавий ва сиёсий етук, илмга чанқоқ ҳамда мамлакат ва миллат манфаатини ўз манфаатидан устун қўя оладиган юксак истеъдод соҳиби бўлган шогирдларни тайёрлашда унинг хизматлари, кўшган ҳиссалари бекиёсdir.

Мен Тухлиев Искандар Суюновични қанчалик танийдиган бўлсан доимо унинг ички ғайратининг қудратлилигига, битмас-туганмас ҳаракатчанлигига ва ниҳоят фан, илмга бўлган иштиёқи, муҳаббати, ҳиссиётининг юқорилигига ҳайратда қолиб келганман.

Комил инсонлар келажак авлодларни ўйлаб, мендан кейин инсонлар хорлик, ташналик, очлик кўрмасин, деб даштларга сув чиқаради, боғ яратади, иншоотлар қуради. Инсониятга қолдирилган ҳикматлар ҳам ўша чашма, ўша боғлар сингари инсонларга доимо маънавий озука бериб туради. Бу ҳам ўша тафаккур боғи, фикр чашмаси, қалб иншоотига ўхшайди. Биздан, бизнинг авлоддан келгуси авлод учун жуда катта моддий бойликлар билан

бирга маънавий бойликларнинг бири бўлган меҳр-оқибат, ёшларга аталган пурмано фикрлар ва ақл-заковат қолиши лозим. Мана шундай маънавияти юқори инсонлардан бири, Ўзбекистон диёрида яшаб, ижод қилаётган профессор Искандар Тухлиевдир.

Камтаринлик, жонкуярлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик бу инсон учун ажралмас бир фазилат десам муболаға бўлмаса керак. Сабаби бу инсонни яқиндан билган ҳамкаслари, ундан таълим олган шогирдлари, улар хақида фикр юритишганда нафақат уларни иқтисод илмида профессор, таникли олим деб билишади, балки ҳар қандай инсон билан унинг мавқеидан қатъи назар, хоҳ у ўқитувчи бўлсин, хоҳ у оддий ходим ёки талаба бўлсин, у билан тиллашиб кетаверадиган, унда яхши таассурот қолдирадиган очик кўнгил, камтар, ҳалол, бағрикенг, сахий, кўпнинг кўнглидан жой олган инсон деб таъриф беришади. Ҳақиқатдан ҳам, Искандар Суюнович қайси ишга қўл урмасинлар, ҳаммасини хавас қиласа арзийдиган этиб уддалашлари фақат уларга хосдир.

Ўзбекистон давлатининг ижтимоий-иктисодий ривожланишини инновацион омиллар асосида амалга ошириш мақсади асосан ҳалқ фаровонлигини ошириш, баркамол инсонни шакллантиришга қаратилмоқда. Зоро, ҳозирги ёш авлод мамлакат келажагининг қандай бўлишини белгиловчи ижтимоий қатламдир.

Фурсатдан фойдаланиб, олий таълим салоҳиятини оширишга, талаба-ёшларнинг малакали, қасбий салоҳияти бой кадрлар сифатида камол топишига муносиб ҳисса қўшаётган устози олимни табаррук 70 ёши билан самимий қутлайман. Ёшлар тарбияси, уларнинг комил инсон бўлиб вояга етиши, баркамол шахс сифатида шакланиши, маънавий пок, юрга садоқат туйғулари билан улғайишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Искандар Суюновичнинг меҳнатларини қадрлаймиз. Олимга доимий соғлик, яқинлар даврасидаги яхши кайфият, фарзандлар, шогирдлар муваффақиятини кўриб юриш завқи доимо йўлдош бўлсин!

Ўзбекона маънавиятимиз билан миллий ғуур ва ифтихор туйғуси ҳеч қачон устозлару шогирдларни тарқ этмасин. Бир-биримизга ёруғ юз билан, меҳру-муҳаббату илиқ табассум билан боқиши насиб этсин.

*** * ***

Ҳаёт бу зийнат, буни нг учунчексиз имкониятлар мавжуд.

*** * ***

Хаёт бу тарих, ўтгани, ҳозири ва келажаги билан қизиқ. Ҳаёт тарихи сахифасини вараклаган киши жуда қизиқ жойларини топади.

•••✿•••



Рахматилла Хидирович Эргашев
*Қарши мұхандислик иқтисодиёт
институты профессори, иқтисодиёт
фәнлари доктори*

ЗАБАРДАСТ ОЛИМ ВА САДОҚАТЛИ ДҮСТ

Илм ва дүстлик йўли – энг маشاққатли йўл. Шу боис бу йўлдан ҳамиша ўзимизни қийнаган саволларимизга жавоб топгандек бўламиз.

Мен таъкидламоқчи бўлган инсон билан 2011 йил июль ойида танишганман. У киши ўша даврда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг олимлари орасида ўзининг серқирра фазилити, ақл-заковати, иқтидори, юқори ва олий малакали кадрлар тайёрлашда сермашаққат меҳнати ҳамда беминнат хизматлари билан тан олинган, мамлакатимиз илм-фани тараққиётига тинимсиз хизмат қилиб келаётган жонкуяр, фидойи олим, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович Тухлиевдир.

Профессор Тухлиев Искандар Суюнович барчага илмда – сабоқ, амалий фаолиятда – ибрат бўлиб келаётган самимий инсон. У ўз умрини илм-маърифатга бағишлиб, келажак авлодга илм-фан сирларини ўргатиб, уларга таълим-тарбия бериб, заҳматкаш устоз ва олим мартабасига сазовор бўлган кишилардандир.

Устоз! Бу сўз замирида бекиёс илму ирфон мужассам бўлиб, унинг заковат нури ҳаёт деб аталмиш умр йўлларимизни ёритиб, буюклиқ сари юксалтиради. Шоҳ Искандардан нега устозинг Суқротга муҳаббатинг отангга бўлган меҳринг каби бу қадар чексиз, деб сўраганларида, у “отам мени осмондан ерга туширган

бўлса, устозим ердан осмонга қадар юксалтириди” деган экан. Шу ўринда шоирнинг қуидаги сатрлари эсимга тушди:

*Отадай улуғдир устоз деган ном,
Унинг ҳар бир сўзи – олтин қоида.
Пири комилларга чексиз эҳтиром,
Темур ётар мангу устоз пойида.*

Дарҳақиқат, устоз меҳнати – келажак пойдеворидир. Устозлар-нинг мартабасини Аллоҳ таоло бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам кўтариб қўйган. Дунё ҳаю-ҳавасларига берилмай, ёшлигини, гуллаган даврини илм олиш билан ўтказиб, бугун ёшларимизга илм тарқатаётган устозлар баҳтимизга соғ-омон бўлишсин. Ўзидаги бор билимини шогирдларга не машаққатлар билан ўргатаётган устозлар ҳақида Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир ҳадиси муборакларида: “Албатта, Аллоҳ таоло, унинг фаришталари, саҳовот аҳли ва ер аҳли, ҳаттоки, ковақдаги чумоли ва денгиздаги балиққача яхшиликни ўргатувчи кишига саловат айтиб туради” (имом ат-Термизий ривояти), деб марҳамат қилганлар. Ана шу ҳадиснинг ўзи устозлик даражасининг қанчалик улуғ эканини билдириб турибди. Ер юзидаги чумолиларнинг сонини ким билади, сувдаги балиқларнинг сонини-чи? Сон-саноқсиз чумолилар устозга саловат айтиб турса, биз устоз ҳақида бирон бир ноўрин гап айтишга ҳақлимизми? Албатта йўқ.

Устоз Тухлиев Искандар Суюнович ёшларга таълим-тарбия бериш, малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда уларга ўз ҳаёт йўлини топишларида маслаҳатлари ва тавсиялари билан доимо амалий ёрдам бериш вазифаларини ўзининг бурчи деб қараб келмоқда. Устоз Искандар Суюнович йўлчи юлдуз каби “билим оламан”, “истиқбол йўлимни илмий йўналишга бағишлийман” деб бел боғлаган ёшларнинг, у хоҳ талаба бўлсин, хоҳ тадқиқотчи бўлсин, уларнинг йўлини доимо ёритиб келмоқда.

Бу мунааввар оламда 70 ёш – улуғ ёш! Наздимиизда у инсон камолотининг чўққисидек туюлади. Ортга назар ташласанг, бир лаҳзалик. Лекин бу умр қандай ўтди, ҳаётга келиб нималар қилдинг, жамиятга, эл-юртга нима фойда келтирдинг ёки оддий бир шахсга нима нафинг тегди, қандай натижаларга эришдинг деган савол-жавобларни тошу-тарозига қўйиб кўрадиган, салмоғини чамалайдиган ёш. Яратганинг хоҳиши-иродаси билан

ҳар бир нарсанинг сарҳисоби бўлганидек, инсон умри ҳам ҳисобкитобли.

Устоз Тухлиев Искандар Суюнович атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг кечиши жараёнини атрофидагиларнинг характерлари билан изоҳлашга ҳаракат қиласди. Суҳбатларидан маълум бўлганки, бу масалада кўп ҳам адашмайди. Тўғри хулосалар чиқаради. Мана, нима учун инсондан ҳаётда уйғоқлик талаб этилади. Нима учун таҳлил керак. Бу ҳаётга муносабатни шакллантириш учун бўлса керак. Фикр алмашишда хушчақчақлик кайфияти уфуриб туриши эса мени сидқидилликка йўйишга ундейди.

Устознинг ҳаёт йўли билан танишиб туриб, юрган дарё деганларига иймон келтирасан киши. Қаранг, босиб ўтган йўлини. Мехнатини. Бунинг учун ҳаракат ва яна ҳаракат, муҳими самарали ҳаракат, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракат керак. Аниқ, мақсадли ҳаракат.

Мен Искандар Суюновични қандай инсон бўлсалар, шундай бўлиб қолишларини истардим. У киши ҳақида ўйлаганимда кўнглимда ҳузурбахшидалик тужман, балким бироз ҳавас ҳам қиласман. Бу туйғу. Ёруғ туйғу. Оқибатли туйғу.

Қадрдонимиз, сафдошимиз, жамиятимиз фидоийси, устоз Тухлиев Искандар Суюновични табаррук ёш билан табриклар эканман, менга ҳам табриқлаш имконияти туғилганидан шукроналикни ҳис қиласман. Шундай инсонлар бор бўлишсин, омон бўлишсин!

Хурматли устоз Искандар Суюнович! Сизга умр йўлдингиз билан бирга барча эзгу ишларингизга, хусусан, фарзанду невараларнинг камолини кўришдек саодат ҳам насиб қилишини Яратгандан сўраб қоламан. Мен янгамизни, Сизнинг юриштуришингизга, фарзандларингизга қараб, ўта меҳрибон она, садоқатли ёр, кези келганда тадбиркор уй бекаси сифатида тасаввур қиласман. У кишининг қўли билан тайёрланган ҳалол луқмани, мазали таомларни истеъмол қилиб улғайган фарзанду набиралар албатта камолга етади. Илоҳим сизга сулолангизнинг келажак авлодлари иқболини, уларнинг баҳти, камоли ва ҳузурини кўриб юриш, шогирдларнинг билим салоҳиятини, маънавий-ахлоқий ва интеллектуал савиясини қўтариш, дўстларингиз ва миллатнинг корига ҳамиша яраб юриш саодати ҳам насиб қилсин.

Бугун Сизга шунчалик эътибор қилиб, Сизнинг 70 йиллик юбилейингизни тантанали ўтишини ташкил қилишда бош-қош бўлган ва унинг ҳар бир жабҳасида хизмат қилиб турган ташкилий гуруҳ аъзолариға шахсан ўзим номимдан миннатдорчилигимни изҳор қиласман. Аллоҳ суйган бандасига хизмат қилиш Аллоҳга хизмат қилиш билан баробар. Албатта унинг қайтими, ажир-савобини Аллоҳнинг ўзи беради.

Қадрли ва садоқатли устоз Искандар Суюнович! Ҳамиша соғомон бўлинг, кўзингиз ҳар доим ҳозиргидек порлаб турсин ва юзингиз ёруғ бўлсин. Енгил-елпи иш хайрли бўлмаслиги айни ҳақиқат. Зоро, хайрли иш ҳамиша машаққатли ва шарафли бўлади. Сиз машаққатли юмушни танлагансиз. Сизнинг шарафли ва шу билан бирга машаққатли ишларингизда Аллоҳнинг ўзи ҳамиша мададкор бўлсин.

Сизни ўз соҳасининг дарғаси, ўз сўзига, ўз ўрнига эга бўлган шахс, элнинг ва Аллоҳнинг назари тушган, икки дунё саодатига сазовор бўладиган устоз, бағри кенг, иймони бутун инсон сифатида биламиз ва қадрлаймиз. Зафарли 70 ёшлик юбилейингиз муборак бўлсин!

Ҳаёт бу хўрлик, одам зўрлик қила олмаса, хўрлиги келади. Аммо бунга ачиниб ўрганмагани маъқул

Ҳаёт бу тизим, бу ҳаётнинг ҳамма йўналишига мос нарса, агар тизим бўлмаганда ҳаётнинг ўзи шундай бўлмас эди.

Ҳаёт бу кўниши, бир нарса уч марта такрорланса кўнишиб қолинади, аммо ҳаётда яхши ёмон нарсалар жуда кўп марта такрорланади.

Ҳаёт бу меъёр, ҳамма нарсага, жумладан ҳаётга ҳам хос нарса.

Ҳаёт бу камбағаллик, агар ақл билан меҳнат қилинмаса, ўзига бефарқ бўлса худди шундай бўлади.

Ҳаёт бу қарамлик, ҳақиқатда ўзингизга ўзингиз қарамсиз.

...*...

Ҳаёт бу қолоқлик, факат аёқ-қўлни ишлатиб, бошни ишлатмаган одамларга хос.

...*...

Ҳаёт бу касод, агар бунга учраб қолсангиз.

...*...

Ҳаёт бу қитмирлик, ақиллиман деб ўйлаб, ақлини шу нарсга йўнатирилган одамлар ҳаёти.

...*...

Ҳаёт бу шашқалоқлик, бу ҳолат кўп нарсага улгурман деб ўйлаган кишида бўлади.

...*...

Ҳаёт бу бўхтон, бу кўролмаслик оқибати.



Абитов Толибжон Юсупович
*ЎзР.ФА Археология институти
собиқ директори ўринбосари*

ДЎСТИМ ҲАҚИДА СЎЗ

Инсон бу дунёда яккаю ёлғиз яшай олмайди. Ёлғизлик факат Аллоҳга хосдир. Одам боласи тўлақонли баҳтли фароғатли яшами учун авваламбор, унинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ахли-оиласи, фарзандлари, қариндош уруғлари ҳамда энг кераклиси дўстлари бўлиши керак. Буларсиз унинг ҳаёти ҳаёт эмас, шунчаки тирикчилик кун кечиришдир. Яъни шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсоннинг чин ҳақиқий дўсти унчалик кўп бўлмайди. Шу кунларда ўзининг табаррук 70 йиллигини нишонлаётган Искандар Суюнович Тухлиев мен учун ана шундай чинакам ва қиёматли дўстдир. Мен дўстимнинг табаррук 70 йиллигига бағишлаб ўз хотираларимни ёзмоқчи бўлганимда, бир қараашда дастлаб бу мен учун жуда енгилдек туюлди.

Искандар дўстимни 60 йилдан буён яхши билганлигим учун, унинг ҳаёти менинг қўз ўнгимдан ўтди. Ҳамма нарса аёндек. Ушбу хотираларимни ёза бошлаганимда бу юмуш унчалик осон эмаслигини англаб қолдим. Дўстимнинг бир хислатини ёзсан бошқа хислати қолиб кетаётгандек, барча ҳислатларини ёзаман десам бир неча китоб бўлиб кетади. Шу сабабли мен дўстим ҳақида қисқа ва лўнда аммо энг самимий гапларни ёзишга қарор қилдим. Мен Искандар дўстим билан илк бор Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги Ф.Э.Дзержинский номли 1-сон саккиз йиллик мактабнинг биринчи синфига борган вақтда яъни 1957 йилда танишганман.

Ушбу мактабда 1965 йилга қадар бир партада ўтириб ёнма-ён ўқиганмиз. Дўстим ўзининг тиришқоқлиги, зукколиги, ҳозиржавоблиги ва аҳлоқ-одоби билан синфдошларимиз орасида алоҳида ажралиб турар эди. Искандар дўстим математика, физика ва адабиёт дарсларини бошқалардан кўра яхши ўзлаштиради. Барчамиз унга хавас қилардик. Айниқса, у шеърларни қойилмақом қилиб ёдлар ва қироат билан ширали қилиб ўқиб берар эди. Ҳамон ёдимда рус шоири В.Маяковскийнинг “Совет паспорти” ҳақидаги поэмасини ўқиганида, бутун мактаб синфдош дўстлар гулдурос қарсаклар ва олқишлиар билан тинглаб завқланардик.



XX асрнинг 50 йиллар охири ва 60 йилларнинг бошларида ўқиганлар яхши билишади. Бу даврларда адабиёт ва санъат деган улуғ нарсаларни тўлиқ англамай туриб пахта номи ўзи момиқдек юмшоқ аммо меҳнати азоб бўлган нарсани яхши биладилар. Биринчи синф ўқувчилари ҳам пахта теримига олиб чиқилар эди.

Биз барча синфдошлар бир бўлиб пахта теримиға чиқар эдик. Дўстим Искандарнинг раҳматли оталари ўша пайтларда катта-қўрғон туман партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлашларига қарамай, дўстим ҳамма қатори пахта даласига чиқиб ҳамма синфдошлар билан бир қаторда пахта терар эди. Искандар дўстимнинг оталари Тухлиев Суюн Тухлиевич ҳалол, пок, принципиал раҳбар бўлганликларини ҳали-хануз Каттақўрғонликлар яхши хотиралар билан эслашади.

Биз ҳар биримиз кунига 70-80 кг. пахта терар эдик ҳамда ўзаро мусобақалар ўйнар эдик. Кечалари дала шийпонида деворий газеталар чиқариб, ғолибларни қутлаб, қолоқларни танқид қилиб борар эдик. Қандай унутилмас даврлар эди. Қадрдон синфдошларимиз Асад Неъматуллаев, Ўлмас Шарипов, Ҳикмат Норқулов, Абдураим Козимов (Пахан), Мамарасул (Мамай), қизларимиз Диёрова Тўхтатош, Халима Муродова, Мавжуда Кувонова кабилар билан кечган ўсмирик даврларимиз бир умрга ёдимизда қолган. Искандар дўстимнинг олдида катта имкониятлар бор эди. У раҳбарлик лавозимларига катта-катта ташкилотларни ҳам бошқариши мумкин эди. Аммо у Тошкент политехника институтига ўқишига кириб илм-фанинг оғир ва машақатли йўлини танлади.

Талабалик йилларимиз турли шаҳарларда кечди. Аммо бу даврларда ҳам бир-биримиздан ҳамиша хабардор бўлиб турдик. 1981 йилда тақдир бизни Самарқанддек муқаддас ва қадими шаҳарда ёнма-ён яшашга шароит яратди. Шундан буён биз бир шаҳарнинг сувидан ичиб, ҳавосидан нафас олиб яшаб қелмоқдамиз. 1981 йилларда мен тақдир тақазоси билан Самарқанд шаҳар Археология институти директор ўринbosари лавозимиға тайинландим. Шу йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси илмий маркази ташкил этилди. Шундан сўнг Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд бўлими ташкил этилгач унга дўстим Искандар бош илмий котиб лавозимиға тайинланди.

Бу ташкилот Самарқанд шаҳрида жойлашган Археология институти биносида жойлашганлиги сабабли деярли ҳар куни кўришиб турагар эдик. Дўстим Искандар Республикаиздаги таникли олимлар, академиклар А.А.Аскаров, Ю.Ф.Буряков, Т.Ш.Ширинов ва бошқалар билан илмий ҳамкорликлар қилиб мақолалар ва тўпламлар чоп эттириди. У янги илмий бўлимни оёққа

қўйишда катта жонбозлик кўрсатиб, бўлимни ёш иқтидорли олимларни жалб қилган ҳолда Республика илм-фанни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир давлатнинг пойдеворини иқтисодиёт ташкил этади. Шу сабали ҳар бир жамиятда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилган. Дўстим Искандар ҳам иқтисодиёт соҳасини бежизга танламаган. Искандар дўстим 1981 йилда ЎзФа академиги О.Х.Ҳикматов раҳбарлигига “Ўзбекистон Гўшт саноатида техник тараққиётнинг иқтисодий самарадорлиги” мавзусида номзодлик дессертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ушбу диссертация асосида чоп этилган илмий монографияси учун Москва шаҳридаги Бутуниттифоқ комсомол марказий қўмитасининг лауриати бўлди.

Искандар дўстимнинг илм-фан соҳасидаги тинимсиз олиб борган тадқиқотлари ўз самарасин берди. У 1992 йили “Ўзбекистон Республикаси жанубий ғарбий минтақасида илмий техник салоҳиятидан фойдаланиш механизми” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Искандар дўстимнинг 15 тага яқин шогирдлари иқтисод соҳасининг турли тармоқларида муваффақият билан илмий тадқиқотлар олиб боришиб ўз устозларини юзини ёруғ қилиб келишмоқда. Шу сабабли қадрдон дўстим профессор Искандар Суюновичнинг Республика иқтисодчи олимлар ўртасида ўз муносаби ўрни ва обрўэътибори бор. Дўстим Искандар Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти раҳбарияти томонидан бир неча маротаба тақдирланган. Шунингдек, ҳукуматимиз раҳбари томонидан 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги ва 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Халқимизда одатда 70 ёшга кираётган зиёли ижодкорлар ҳақида сўз кетганида “у киши энди балоғат донишмандлик ёшига етибди” дея гапиришади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Биз ҳам Искандар дўстимиздан янги-янги мақолалар, китоблар ва қашфиётлар кутиб қоламиз. Дўстимни пиру бадавлат бўлиб, фарзандлари, набиралари ва шогирдларининг ҳузур ҳаловатини кўриб юришларини чин дилдан тилаб қоламан.

Шу ўринда ўрта асрлар тарихчиси Абдураззоқ Самарқандийнинг бир тарихий маълумотини келтириб ўтаман. Тарихчининг

ёзиича XII асрда бир машхур турк султони яшаб ўтган экан. Кунлардан бир куни ўша султон бедаъво бир дардга чалинибди. Муолажалардан ҳеч қандай наф бўлмаётганилигини англаған султон ўз вазирига хазинадаги барча бойликларини сарой пойига тўплашни буюрибди. Сарой аёнлари султоннинг барча бойлигини сарой олдига тўплаб, сўнgra султоннинг икки қўлтиғидан суяшиб саройнинг иккинчи қаватига чиқаришибди. Султон пастга қараса унинг пойи узра олтинлар, дуру-жавоҳирлар кўзни ялтиратиб ётган эмиш. Хуллас султоннинг барча молу-мулклари то уфққа қадар чўзилиб кетибди. Султон бу бойликларга аста-секин назар солбди. Унинг дарддан чарчаган кўзлари толиқибди. Шунда султон бош вазирга қараб секин-аста сўз бошлабди, “сарой пойидаги барча бойликлар меникими?”- деб сўрабди. Ҳа, олампаноҳ “барчаси сизники”-деб жавоб берибди бош вазир. Шунда султон “аттанг” дея пешонасига оҳиста шапатлапдида ва “мени сон саноқсиз хазинам бор экан мен уни кўрдим, аммо бундан танамдаги дард заррача бўлсада камаймади, ўнг томонга қара у ерда маликаларим ўз фарзандлари билан бирга турибдилар, уларнинг хаёллари менда эмас, улар факат бир нарсани ўйлашмокда, уларни агар султон ўлса кимнинг ўғли тахтни эгаллар экан деган савол қийнамоқда, чап томонга қара у ерда лашкарбошиларим, амирлар ва сарой аёнлари туришибди, уларнинг хаёлларида ҳам бир ўй бор, улар агарда султон ўлса қайси шахзодани қўлласам экан деган хаёл билан туришибди, хов анаву пастки қаторда тик турган, боши қуий солинган, юзида ачиниш ғамгин кишини кўряпсанми, **у мени ёшлиқда бирга ўсган дўстим**, мен унга султон бўлиб бирон бир яхшилик қила олганим йўқ, аммо у менга чин дилдан ачинмоқда, унинг юзини кўриб дардим сал аригандай бўлди” деган экан. Ҳа, дўстнинг дийдори дардкашлиги ҳар қандай бойликдан устун туради. Искандар мен учун шундай дўстдир.

Дўстим Искандар бугун пиру бадавлат инсон. У ҳамиша дўстлари ва улфатлари даврасида ардоқли инсон. Дўстларим ва улфатларим тўғрисида қанча сўзласам ҳам шунча оз. Искандар ва яна 12 нафар улфат дўстлар ойида бир маротаба йиғилишиб ҳол аҳволимиздан хабардор бўламиз. Дўстларимиз оиласида қувончли кунлар бир биримизсиз ўтмайди. Агар бирортамизнинг бошимизга ташвишли кун тушса, биринчилар қаторида ёрдамга шошамиз. Фарзандлар ва набираларимиз тарбиясида ҳам қадрдон дўстлар

бир-биризига беъминнат маслаҳатчи ва маслақдош бўлиб келамиз. Мен ва дўстимнинг Сирожиддин Убайдуллоев, Рахимов Собир Самадович, Холиков Абдурафиқ Холиқович (Полковник), Хамроқул Шодиев ҳамда Каримжон Рашидовлар каби қадрдон улфатларимиз бор. Бу табрик уларнинг ҳам номларидан эканлигини эслатиб ўтмоқчиман. Дўстим профессор Искандар Суюновичга узоқ умр, баҳт саодат тилаб қадрдон дўсти Абитов Толибжон Юсупович.

•••✿•••

Ҳаёт бу ҳикмат, ҳар дақиқаси, ҳар лаҳзаси шундай. Шу китоб ҳам ҳаётнинг ҳикматлигидан далолатdir.

•••✿•••

Ҳаёт бу – мактаб. Биз унда бир умр ўқувчи, баъзида ўқитувчимиз. Ўқиганимизга баҳони, ўқитганимиз учун ҳақни умр йўлларимиздан, изимииздан келаётган фарзандларимиздан оламиз. (Ғолиб Ҳасанов).



Эркаев Уктам Абдиевич
Иқтисодиёт фанлари номзоди

СЕРҚҚИРА ИЖОД СОҲИБИ

Халқимиз орасида ҳар қандай даврда ҳам кўпчиликка ўзининг шахсий хислатлари, серҳаракатлилиги, маърифатлилиги, билим доираси, фидойилиги ва бошқа ижобий хусусиятлари билан ажralиб чиқкан, кўзга ташланган, ҳурмат-эхтиром қозонган ва ҳалқ эъзозлаган инсонлар бўлади. Улар ўзидан бебаҳо мерос қолдиради. Бу эса халқнинг буюклигидан ва унинг абадийлигидан далолат беради. Қайси соҳа, қайси касбда бўлмасин, ҳар бир юртнинг фақат эл-юрт фаровонлиги, ташвиши билан яшайдиган фидойилари, олиму фузолари бўлади.

Улар орасида эзгу мақсад йўлида ҳар қандай қийинчиликларни ақл-идрок билан енгадилар, ҳар қандай муаммонинг ечимини топа оладилар. Илм фанимизда ишлаб чиқариш амалиётида шундай шахслар қаторига кўп иқтисодчи кадрлар тайёрлаган ва республика иқтисоди, халқ хўжалигини ривожлантириш йўлида барча билим ва маҳоратини, ҳунарини бегараз сарф этган иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Искандар Суюнович Тухлиев ҳам киради.

Сиз “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи”, узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларда фаолият кўрсатиб, катта ҳурматга сазовор бўлган табаррук инсоннинг фарзандисиз. Ота касбини улуғлаб, катта муваффакиятларга эришганингиз заминида оила мухитида олган тарбия ва ота ўгитига амал қилганингиз бўлди. Бундай олийжаноб, саҳоватпеша, бағри кенг, меҳри дарё, меҳнаткаш инсоннинг уғли бўлиш масъулиятлидир.

Искандар Суюнович Самарқанд вилоятида бир қанча масъул вазифаларда ишлади. “Ўзбекинвест экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг Самарқанд филиали раҳбарлиги лавозимида ўз билим ва салоҳиятига таянган холда суғурта бозорида салмоқли ишларни амалга оширеди. Натижада соҳада кенг ҳудудий тармоқларнинг яратилиши, инвестициялар ва экспорт кафолатланиши, ўрта ва кичик бизнес субъектларига ва аҳолига тақдим этилаётган хизматлар сифатини доимий ошириб бориши, суғуртада инновацион технологияларни жорий этиш туфайли вилоят филиали суғурта бозорида муносиб ўринни эгаллай олди.

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи - вилоят ҳокими ўринбосари лавозимида ишлаганида зиммасидаги катта вазифа давлат мулкини хусусийлаштириш, янги мулқдорлар синфини яратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодиётдаги улушкини оширишдек масъулиятли вазифа юклатилган. Бу вазифани амалга оширишда Искандар Суюнович барча билим ва тажрибасини ишга солиб, жонбозлик билан фаолият олиб борди.

Кийинги йилларда Сиз Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти туризм кафедраси профессори лавозимида самарали иш юритиш даврида ҳақиқий олимга хос ва инсонийлик фазилатларингиз намоён бўлди.

Ўз илмий ижодий ва ижтимоий фаолиятингиз, чоп этаётган ишларингиз, амалиёт билан боғлиқ эканлигингиз, институтнинг

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби сифатида фаол қатнашганингиз билан самарави ҳисса қўшаяпсиз.

Сизнинг мамлакатимиздаги иқтисодиёт фани муаммоларини, айниқса бугунги кунда долзарб бўлган туризм индустриясини ривожлантириш масалалари борасидаги ишларингиз алоҳида аҳамиятга сазовордир.

Сиз ўзингизни маданиятлигингиз, ҳушфеъллигингиз босиқлигию, ўйчанлиги, дўстига яқинларига, ёшларга ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, одамгарчилиги, ҳамма вақт ёрдам беришга тайёрлиги, камтаринлиги, доимо янгиликка интилувчанинлиги, катта-кичикнинг ҳурматини ўрнига қўювчи, меҳнатсеварлиги билан ажралиб, бошқаларга ўрнак бўлгувчи моҳир устоз педагогсиз.

Ҳурматли Искандар Суюнович кексаликнинг навқирон ёшида-сиз шу муносабат билан Сизни чин қўнглдан ўз номимдан ва оиласам номидан табриклайман.

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман, илм ва ижоддаги мартабангиз, бундан-да зиёда бўлсин, доимо омон бўлинг!

•••✿•••

Ҳаёт бу кўргулик, нима бўлса ҳаммасини қўрасиз, хулоса чиқарасиз ва шу тариқа тажрибангиз ошади.

•••✿•••



Рахимов Собир Саматович
нафақада

ТУХЛИЕВ ИСКАНДАР СУЮНОВИЧНИНГ 70 ЁШГА ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УНГА ИСТАКЛАР.

Мен ҳам қарайиб 70 йил яшаб қўйдим, лекин эсда қоладиган лаҳзалар қўп эмас, кимдир эслатса, эсга олиб ҳар хил қабул қиласман. Болалик йилларимда худо раҳматли дадам айтган гаплар ҳеч эсдан

чиқмайди. Дадам Самат Рахимов ўқитувчи бўлиб ишлар эдилар. Шу вақтдаги тартибларга биноан район партия қўмитасида ҳар замонда навбатчиликка боришар эди. Мен шу вақтларда партия нима, район партия қўмитаси нима тушунчам йўқ эди. Мен бошланғич синфда ўқиб юрган йилларим эди. Навбатдаги навбатчиликдан келиб дадам жуда катта ҳурмат билан партияниң райондаги котиблари билан суҳбатлашганлари ҳақида гапирав эдилар.

Булардан Бектош Рахимов ва Суюн Тухлиевлар билан бўлган суҳбатларга алоҳида урғу бериб уларнинг, шу жумладан, Суюн Тухлиевнинг дунёқарашлари қанчалик кенглиги, у кишининг оддийлиги, чегарасиз билим эгаси эканлиги ҳақида гапирав эдилар. У кишининг ҳар бир гапида чуқур маъно борлиги, узоқни кўра билиш қобилиятлари борлиги, кўпчиликни бирлаштира билиши ҳақида айтиб, мен учун ҳам бу суҳбатлар ҳаёт мактаби бўляйпди деган эдилар.

Дадам айтиб берган гапларнинг ҳаммасига шу вақтда тушунмаган бўлсам ҳам, тинмай ўқишига, меҳнатни севишга далда бераётганлари аниқ эди. Шундан кейин ҳаётим давомида Тухлиев фамилияси учраб қолса дадам эсга тушиб, Суюн Тухлиевга алоқаси бормикан деб ўзимга савол берадигам бўлдим.

Иш фаолиятим битта соҳада “Нефт маҳсулот” соҳасида ўтди. Унинг асосий қисми вилоят бошқармасида ўтганлиги сабабли вилоятда бўлаётган ишлардан хабардор бўлиш зарур эди. Вилоят ҳаётидаги ишлар, муаммолар ва ютуқлар ичида бўлдим.

1998 йилда Искандар Суюнович Тухлиев вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи – вилоят ҳокимининг ўринбосари қилиб тайинланганини эшитдим ва хурсанд бўлдим. Чунки республиканизминг равнақи учун кўп хизмат қилган Суюн Тухлиевлар сулоласи вакили энг жавобгарли тармоқнинг раҳбари қилиб тайинланди. Бу бошқарма анча ёш бўлса ҳам, раҳбарларнинг бекарорлиги, тез-тез алмашиб турганлиги билан кўпларнинг тилида эди. Тайинлашнинг яна аъло томони шунда эдики, бу вазифага олим инсон - иқтисодиёт фанлари доктори тайинланди.

Шундан кейин соҳада анча ўзгаришлар бўлди; осойишталик, тинчлик ўрнатилди ва соҳанинг ҳақиқий моҳияти халқга етиб келди. Тадбиркорликни кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди. Корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тассаруфидан

чиқариш жараёнлари тартибга солиниб назоратга олинди. Чет эл инвесторлари жалб қилина бошланди.

Асосий ишлардан яна биттаси объектларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш бўйича юқоридан қўйилган вазифаларни бажариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида ҳар хил биноларда тарқоқ ҳолда иш олиб бораётган ташкилотларни якинлаштириш ва энг муҳими тадбиркорларни овора қилмасдан бир жойда муаммоларини оператив равишда ҳал қилиш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан бошқармага ажратилган етти қаватли бинога улар кўчирилиб келинди. Ушбу бинонинг биринчи қаватида минтақада биринчи марта очик савдоларни ўтқазиш учун товар-хом ашё биржасининг электрон таблоси ўрнатилди.

Искандар Суюнович Тухлиевнинг қилган меҳнатлари натижалари вилоят йиғилишларида ижобий баҳолана бошланди, бошқарма шаънига бўладиган танқидлар орқада қолди. Республика миқиёсида юқори кўрсатгичларга эришилди.

Шу вақтларда мен шахсан таниш бўлмасам ҳам Искандар Тухлиевга нисбатан ҳурматим ошиб, у киши билан яқиндан танишиш истаги юқори бўлган эди. Толиб Юсупович Абидовга катта миннатдорчилик билдиromoқчиман. У Искандар Тухлиевнинг синфдоши бўлиб синфдошлиқ ришталарини маҳкам боғлаб, унинг ҳаётида бўлаётган ҳамма нарсалардан хабардор бўлиб юрар экан.

Толиб Абидов орқали Искандар Тухлиев билан танишдим, у кишидаги кўнгилчалик, беғуборлик, очиқлик, ҳаётга тўғри қараш хусусиятлари бизни якинлаштириди.

Каттақўрғонлик бўлганим сабабли кўпчилик билан алоқада бўламан, шуларнинг ичida Искандар Тухлиев билан бир синфда ўқиганлар ҳам бор. Шулардан бири Юзбоев Исмоил ака. У кишининг мутахассислиги йўлчи, яъни ҳалқ учун энг керакли бўлмиш йўл қурилиши ва ундан фойдаланиш соҳасида кўп йил ишлаб келган, ҳозирги кунда нафақада бўлишига қарамасдан даштни ўзлаштиришга, обод қилишга қўл урган. У яратган боғ мева етқазиб бермоқда. Исмоил ака Искандар Тухлиев ҳақида гап кетганда бутунлай бардамлашиб, бирга ўқиганини, шу даврларда дўсти ўқишида, спортда, ахлоқда биринчилар каторида бўлгани ҳақида мағурланиб гапирад эди. Ҳаммамиз ундан ўrnak олар эдик, яхши ўқишига ҳаракат қилар эдик дейди. Искандарнинг ҳаётда эришган ютуқларидан қувонамиз унга соғлик ва катта ютуқлар тилаймиз дейди.

Нафақага чиққанимиздан кейин Аюпов Мираббос “тоғо” (худо раҳматли), Сирож Насруллаевич Убайдуллаев, Рафиқ Валиевич Халиков, Толиб Абидовлар ва мен таркибда ташкил этилган, кейин Шодиев Хамроқул, Нурзиқулов Садилло, Рашидов Карим, Исаев Жафар оға-инилар билан мустаҳкамланган дўстлар гуруҳи тузилди. Дўстлар учрашувларида ҳамма ҳаётий мавзуларда сұхбатлар олиб борилади, шеърхонлик қинади, қўшиқ куйлаш қобилиятига эгалар қўшиқлар айтиб хурсанчилик қилинади.

Бу дўстлар учрашувларидаги самимийлик, бир-бирига бўлган ҳурмат эътиборлик, жонкуярлик менимча Искандар Тухлиевга маъқул бўлди ва у доимий аъзо бўлди. Шундан кейин у киши белгиланган куни ишлари туфайли кела олмаса гуруҳимиз учун нимадир етишмайдигандек бўлиб сезилар эди. У кишидаги соғдиллик, покизалик, масъулиятлик, бир сўзлик ҳаммани ўзига ром қилиб қуиган эди.

Искандар Тухлиев фанда эришган катта ютуқлари билан бирга адабиётнинг, тарихнинг ҳам чуқур билимдони эканлигини кўрсатди. Унинг Навоий, Бобур, Умар Ҳаём, Эркин Вохидов, Абдулло Орипов, Муҳаммад Юсуф шеърларини жуда зўр талаффуз билан ўқишлиарини ҳар сафар соғиниб, қачон келгуси учрашув бўлар экан деб кутамиз.

Гуруҳимиз аъзолари ҳамиша ҳар биттамизнинг оиласиздан, ҳабардормиз, яхши, ёмон кунларда биргамиз, хурсандчиликда қувониб, оғир кунларда ҳамдардмиз. Етакчимиз, Рафиқ aka Халиковнинг хатти-ҳаракатлари туфайли бирлигимиз яна мустаҳкамлашмоқда. Ёш катталаша бошлаганда бу нарсалар инсонга жуда керак бўлиб қолар экан.

Ўзбекистонимизда туризмни ривожлантиришда хорижий туристларни кенг жалб қилишда юртимизни, шу жумладан Самарқандни дунёга таниширишда Искандар Тухлиевнинг хизматлари борлиги ҳаммамизга аён. Қаерда ва кайси вазифада бўлмасин у илм-фанни ривожлантиришда тинмасдан иш олиб борди ва бормоқда. Унинг илмий ишлари, ёзган китоблари кўпчилик ўқув юртларида қўлланма ва дарслик сифатида фойдаланилмоқда.

У кўпдан-кўп шогирдлар етиштириб чиқарди. Шогирдларнинг ҳар бири бугунги кунда бир дунё...

Оиласини севадиган, бутун борлиғини рафиқаси, болалари, набиралари учун берадиган инсон, иқтисодиёт фанлари доктори,

профессор Искандар Тухлиев бугун 70 ёшга кирибди. Унга сиҳат-саломатлик, тинчлик, яна бу 10 таликларнинг камидаги 3-4 тасини кўриш насиб қилишини Аллоҳдан тилаб қоламан.

Кучга тўлиқ, ғайратли инсон Искандар ака Тухлиевга келгусида ҳам ютуқлар ёр бўлсин!

...*...

Ҳаёт бу хатолик, умр давомида уларни тузатиб борилади, аммо ҳар даврнинг яна янги-янги хатолари пайдо бўлиб тураверар экан.

...*...

Ҳаёт бу йўл, бир иш билан шуғуллансангиз ҳам турли йўллардан юришга тўғри келар экан.

...*...

Ҳаёт бу далил, аммо уни узоқдан қидиришга ҳожат йўқ. Ҳар бир вақтнинг ўзига хос далиллари бор.

...*...

Ҳаёт бу муносиблик, ҳақиқатда яшашга, ишлашга, ҳурматга муносиб бўлсагина ҳаёти чиройлик бўлади.

...*...

Ҳаёт бу англаш, ким нимани тушунса худди шундай англайди.

...*...

Ҳаёт бу улуғлик, бунга ҳалоллик ва тинимсиз меҳнат билан эришилади.

...*...

Ҳаёт бу қувонч, зоро, ҳамма инсон ҳаёти қувончли бўлиши учун ҳаракат қиласи.



**Тагаев Рустам Батирович,
нафакахур.**

ПРОФЕССОР И.С.ТУХЛИЕВНИНГ ХАЁТИ ВА МЕХНАТ ФАОЛИЯТИ ТУГРИСИДА ДУСТОНА МУЛОХАЗАЛАР ВА ИСТАК, НИЯТЛАР

Искандар Суюнович серқирра ижодий фаолиятини баҳолашда хар биримиз унинг ижодий хаёти йўлига бир назар ташласак. Унда биз ёш изланувчан кичик илмий ходимдан бошлаб етук олим, фан доктори унвонига эришгунга қадар қилинган ижодий ишлар сарҳисоб қилинганини шоҳиди бўламиз.

Мен бугун дустимнинг ҳаёт йўлига баҳо берилаётган бир вақтда уни мана шу даражага етишишда ҳамкор бўлган яқин кишилар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтмоқчи эдим.

Мархум дадалари Суюн Тухлиев ажойиб ташкилотчи, етук сиёсий раҳбар бўлишлари билан бир қаторда таниқли олим ва ижодкор инсон бўлганлар. У киши фарзандларига яхши тарбия бериш билан бир қаторда илмли киши бўлиб барча шароитларни яратибгина қолмасдан бевосита ўзлари ўrnak бўлишган.

Оналари Каромат ая эса оналик меҳри ва юксак туйгулар билан тарбия қилишган. Укаси мархум Баҳриддин Суюнович билан қарийиб бир вақт ичида номзодлик диссертациясини ёқлашиб Тухлиевлар оиласини илм соҳасида традицияларини давомчиси бўлишган. Ака-ука Тухлиевлар ёш олимлар қаторида илм-фан ривожига ўз ҳиссаларини қўшишган.

Искандар Суюнович Тошкент шаҳридага ижодий изланиш вақтида кўплаб ҳамشاҳар Нарпайлик зиёлилар, олимлар билан ҳамфир бўлиб, уларнинг илмий йўналишларини ўрганиб, кузатиб келган. Мархум академик Остон Жалилов, мархум профессор Ўқтам Назаров, мархум профессор Азамат Хўжаев, профессор Асат Абдуллаев, профессор Искандар Хайитов сингари ажойиб

олимлар билан биргаликда ижод қилғанлар. Шулар билан бир қаторда профессор Хусан Мухиддинович Эшонхужаев, Уктам Абдиевич Эркаев, Нуриддин Суюнович Тухлиев каби яқин қариндошлари билан ҳам ҳамфикр бўлғанлар.

Олим бўлиб юрганинг танишилиш осон иш эмас. Искандар Суюновични мана шундай юксак унворларига сазовор бўлишларида авваломбор, уларнинг рафиқалари Манзурахон Тухлиева бўлсалар керак. Ўша биринчи ёзилган монографиядан тортиб, кандидатлик, докторлик диссертацияларни энг сўнгги ёзилган адабиётларини ҳам ўқиган, эшитган ва қувонган, мағурурланган киши ҳисобланадилар. Ана шу аёлининг меҳри, беминнат хизматлари Искандар Суюновичга куч-куват, ижод илхомини келтирган деб ҳисоблайман. Беш нафар фарзандини онаси таникли шифокор, кўплаб набираларнинг бувиси дўстим билан биргаликда барча фарзандларини, кейинги пайтда набираларини олий маълумотли кишилар бўлиб етишиларига эришмоқда.

Искандар Суюнович жуда сертакаллуф инсон, шунинг учун у кишининг дўстлари жуда кўп.

Биз Нарпайлик дўстлари марҳум Файзулло Нарзуллаев, марҳум Иброҳим Хайдаров, марҳум Абдуҳаким Ханжаров, Нормамат Тошматов, Мухаммади Примов, Тошпулат Тошмуродов, Неъмат Обидов, Холмурад Рazzоков, Усмон Шарипов, Бобомурод Улфатов каби ўнлаб дўстларимиз Искандар Суюновичдек инсон билан дўст тутилганимиз билан мағурурланамиз ва фахрланамиз.

Дўстимиз илмий-назарий ишлар қилиш билан биргаликда хаёт йўналишларида хўжалик ишлари билан ҳам шуғулланиб келғанлар, бу ҳақда ижодий йўллари ҳақида берилган ахборотда аниқ маълумотга эга бўлдингизлар. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Самарқанд филиалида, Ўзбекинвест Самарқанд вилоят бўлимидаги суғурта компаниясида, Самарқанд вилоят мулк қўмитасида ишлаб келган вақтида ўзининг ташкилотчилик қобилияти, маданияти, раҳбарга хос инсонийлик фазилатлари билан меҳнат жамоаларида катта обрў ва эътиборга эришган. Қайси соҳада ишлашида қатъий назар ўз атрофдагиларга талабчан қадрларни тўплаган ва уларни тарбиялаш, қайта тарбиялаш ишларига эътибор қилғанлар.

Мен домлани ўз шогирдларига бўлган муносабатлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтмокчи эдим.

Юзлаб талабалар, магистрлар, ундан ортиқ фан номзодлари ва бир нечта фан докторлари илмий ишларига раҳбарлик қилиб уларни фан номзоди, фан доктори унвонларига эришишларида катта хисса кўшганлар.

Яратилаётган барча илмий ишларга объектив баҳолар берилиши олиб борилган илмий ишлар реал ва замонамизга мос эканлигига далолат беради.

Юртимизда туризм соҳасида қилинаётган ишлар ва шу жумладан илмий тадқиқотлар Президентимиз томонидан бу соҳани ривожлантиришга қаратилган қарорини бажариш учун олиб берилаётган конкрет ишлар дебхисоблайман.

Азиз меҳмонлар! «Сен менга дўстинг ким эканлигини айт – мен сенинг ким эканлигини айтаман!» деган рус халқининг ажойиб мақоли бор. Ҳа, менинг дўстим Искандар Тухлиев ва мен бу инсон билан фаҳрланаман.

Дўстим! Сизнинг барча ижодий ишларингизга мувоффакият тилайман. Аллоҳим Сизга битмас-тугалланмас соғлик-саломатлик, куч-куват ато қилсин, барча қилган яхши ишларингиз маҳсулини кўриш Сизга ва барча оила аъзоларингизга насибу рўзи айласин Яратган Эгам.

Умрингиз болалар, набиралар, чевараплар, ёру-дустлар меҳру – мухаббати билан суғорилган холда ўтсин!

Дустим муборак 70 йиллик юбилейингиз билан чин қалбимдан табриклайман!

Ҳаёт бу баҳона, лекин бу фикр турли баҳоналар билан ҳаётда ўз олдига каттароқ мақсад қўймаган одамларга тегишли...

•••✿•••

Ҳаёт бу шоҳона, бу яшашдан мақсад фақат шоҳона яшаш керак, деб ўйлайдиган одамларнинг фикри.....

•••✿•••

Ҳаёт бу жиннихона, баҳтга қарши, атрофимиздаги айrim жиннисифат одамлар баъзан ҳаётимизни жиннихонага айлантириб юборади.

•••✿•••

Ҳаёт бу қисмат, ундан қочиб қутула олмайсан, қисматингда борини кўраверасан...

•••✿•••

Ҳаёт бу хизмат, негаки, инсон умрининг катта қисми бошқаларга (ота - онага, давлатга, ва ҳ.к.) хизмат билан ўтади.



Тухлиева (Нарзуллаева) Матлюба Суюновна
*1954 йилда туғилган, ТащДУ
филология факультетини 1967 йилда
билириб, 35 йил юртимиз фарзандларига
“Она тили ва адабиёт” фанидан дарс
берган устоз, катта ўқитувчи, ҳозирда
фаҳрий нафақада.*

ЧИНОРИМ АКАМ

*Ўғиллар ичида ўрним тутган сен,
Номин улуғлаган содиқ зурриёт
Кексайганда сендан эъзоз кўрдим мен
Кўксимни тоз қилдинг ва айладинг шод.*

Ҳа, акажоним ота-онасининг дуосини олган чин инсон. Дадажоним, онажоним кексайганда уларниг соғлигига, кайфиятларига эътибор, ака-укалар орасидаги меҳр-оқибат акажонимнинг саъй-ҳаракатлари, жонкуярликлари асос бўлди. Аввало, ҳеч қачон уларнинг сўзларидан чиқмадилар, орзу-ҳавасларига яраша кўнгилларига қарадилар, касал бўлганларида, бор имкониятлари билан уларни соғлом юришларини таъминладилар, умрларини узайтиридилар. Ҳатто дадажоним – улуғ ватан уруши ва меҳнат фаҳрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи Суюн Тухлиев номини ва хотирасини абадийлаштириш, дадам яшаган (Нарпай туманидаги) кўчага дадамнинг номини бериб, биз фарзанд-лар, қариндош-уруғлар олқишига ва миннатдорчилигига сазовор бўлдилар. Биз бундан жуда мамнунмиз.

Ҳа, акам ҳуш фазилатли, ҳушсұхбат, қариндош уруғ, ёру дўстларига меҳрибон инсон. Ака-сингилларининг тўй-у маракалари борми, иморат солиш дейсизми, ҳатто фарзадларимизнинг ўқиши, юриш туришидан акам – оиласиз Сардори сифатида бош-қош,

маслаҳатгүй. Вақтларини аямай, ҳам моддий, ҳам маънавий маслакдошимиз. Мехрли, хушмуомалали бўлгани сабабли, уйининг эшиги доимо очик, дастурхони тузалган.

Ҳамма: биз қариндошлар, қуда-анде, кўни-кўшни ўз дардаларимизни тўkkани бемалол бу хонадонга кириб борамиз, чунки акам бизни тинглаб кейин ҳар биримизнинг коримизнинг ечимини топиб берадилар. Бунга ишончимиз комил. Шу ўринда акажонимнинг турмуш ўртоғи Манзурахонга катта раҳмат, уйдаги тартиб интизомни жойига куйиб, беш фарзандни биргалиқда тарбиялаб, вояга етказиб, элга қўшишнинг, қариндошлар орасида “Катта янгажон” номини олишликнинг ўзи бўлмайди. Акажоним билан қариб 50 йил ҳаёт сўқмоқларидан қадам ташлаб, мазмунли, намунали ҳаёт кечириб келмоқдалр. Яна кўп йиллар қўша қариб юришлик насиб этсин.

*Вужудингда бордир сени юз ҳунар
Ҳунар, яъни фазли фазоил асар
Ҳамма донии аҳлига сен муҳтарам
Тутарлар дил жсон билан муҳтарам (улуг)
Сени илгингга кирмаган илм йўқ.
Виқоринг каби тоғда ҳилм йўқ (қоя)*

Акажон сизни олим, фозил, қадри баланд, илмли, заковатли, камтарин инсонсиз. Лекин бу даражага эришишингиз осон бўлмаган. Эсланг, 1965 йил сиз Тошкентга электромеханика техникумига ўқишигга отландингиз. Бу техникумни бекорга танлаганиз йўқ. Чунки техникага жуда қизиқсан эдингиз. Ёшлигизда уйда нима бузилса сиз тузатардингиз. Дазмол, телевизор, соат, музлатгичгача қўрқмай қўл уриб, тузатиб онам олқишига сазовор бўлар эдингиз. Яна бизни қизиқтириш учун дадамга айттириб “Свема” фотоаппаратини олдириб, бизни расмларга тушириб, кечаси коронғуда уларни ишлаб (Проявка), эрталаб бизга совға қиласр эдингиз. Бундан бизнинг хурсандчилигимизнинг чеки йўқ эди. Ҳозиргача ёшлигимизни муҳрлаб берган расмларингиз альбомларнинг варакларини безаб турибди. Боя 100 ҳунар эгаси деганимда мана шуларни назарда тутган эдим.

Шундай қилиб, сизни Тошкентга ўқишига кетишингиз мунозараға сабаб бўлди, онам норози эдилар. Дадаси, наҳотки ёшгина боламни Тошкентга, яна техникумга бир ўзини жўнатамиз. Ахир сиз кимсиз, ҳоким бобосиз, ўғлингизни 10-синфни битириб, катта ўқишларга, институтларда ўқитишини иложи йўқми? – Бор

онаси, бор, лекин мен ўғлимни ниятини қадрлайман, биринчидан бир ўзи кетаётгани йўқ, дўстлари - И smoил, Шопўлат, Зайниддин билан кетаябди (Акам уларнинг ота-оналарини кўндиригунча ўзи билади нималар қилганини). Қолаверса ўзи мустақил бўлмоқчи, ҳаётини бировларнинг ёрдамисиз яшамоқчи. Бунинг нимаси ёмон? Ахир мен ҳам болалар уйида (дедомда) катта бўлдим, ўсдим, ўқидим, ишладим ва шу даражага эришдим. Менинг ҳам ўғлим улғайиб мендан зўр даражага эришади. Мен ўғлимга ишонаман.

Шу билан оиладан акам жуда ёш чиқиб кетдилар. Талабалар уйида яшар эдилар, Стипендияга кун кўрар, шароитлари яхши эмас, баъзан оч, баъзан тўқ, лекин хеч қачон уйдан пул сўрамаганлар. Фақат таътил кунлари уйга келар, шунда ҳам биз ука-сингилларга совға-саломсиз келмас эдилар.

Мехри дарё акажоним. Акам шу кетганларича Тошкентда яшадилар, ўқидилар, уйландилар, Фарзандлар ўстирдилар.... ва фақат илм орқасидан қувдилар. Техникумни 1969 йилда аъло диплом билан тугатиб, Тошкент политехника институтининг механика факультетига математика фанидан имтиҳон топшириб яна талаба бўлдилар. Уни муваффақият билан тамомладилар, ишладилар. 1981 йилда номзодлик диссертациясини, 1997 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилдилар. Ўқидилар, ишладилар, изландилар, тинмай меҳнат қилдилар. Ҳаёт пиллапояларидан қадам-бақадам кўтарилиб боравердилар.

Тошкентда институтда ўқиб юрганларида Дадажоним иқтисод фанлари номзодлик диссертациясини ёқладилар. Акам Тошкентда бўлганликлари сабали дадам билан ҳамнафас ва кунутун бирга бўлдилар. Бевосита иқтисод фанига меҳр қўйдилар ва иқтисодчи бўлишни ният қилдилар. Дадам, бу соҳани нега танладинг деб сўраганларида - Иқтисод инсон фаолиятининг пойдевори ҳисобланади, Сизнинг эл-юрт олдидаги меҳнатингизни кўриб ва одамларнинг сизга бўлган катта ҳурматини кўриб ҳавас қилдим. Сиздек бўлишни ният қилдим дедилар акам.

- Баракалла, ўғлим, келажакда иқтисод фанлари бўйича фан доктори, профессор бўлишинг керак, деган эдилар шунда дадам. Ҳа, акажоним дадамнинг орзуларини руёбга чиқардилар.

Илм – барча ҳунарнинг тожи – бебаҳо

Илм – ҳамма қулфнинг калити – аъло

(А.Жомий)

Акам ҳаёт давомида илмни биринчи ўринга қўйдилар. Йиллар бўйи изландилар. “Илмни қиммати – амали билан” деганларигидек, ҳар жойда, ҳар ишда ва ҳар қанақа шароитда ўзлигини кўрсатдилар.

*Заковат қаерда булса, улуғлик бўлади
Билим кимда бўлса, буюклик бўлади.*

(Юсуф Хос Хожиб)

Акамнинг ҳаёт йулига назар ташлар эканман, акамдаги тиниб – тинчимаслик, меҳнатсеварлик, мақсад сари интилиш, ҳар бир ғояларининг ғалаба натижасига эришиш, шогирдларига билим бериш билан бирга, уларни олимлик мартабасига кўтариш, дарс бериш, кафедра бошқариш, оиласдаги бекаму-кўстлигини вақтида тўлдириш, ука-синглиллар, қариндош-уруглар ҳолидан хабар олиш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш, яхши ва ёмон кунларида елкадош булиш... Санасам бу сифатларнинг адoғи йўқ. Қандай ва қачон улгурадилар...?

Шогирдларининг илмий ишларини кузатиш, институтдаги ишларга бош-қош бўлиш. Буларга қанча меҳнат, захмат, билим, донолик, тажриба сарф бўлган. Аллоҳ умрингизни узун қилсин, асло чарчашиб нималигини билманг!

Шоир айтганидек, заковатингиз билан улуғликка эришдингиз, билимингиз билан буюк бўлдингиз. Буни сиз кўз нурингизни тўкиб, кечаю кундуз меҳнат қилиб ёзган китобларингиз, дарсликларингиз мисол бўла олади. Китоб жавонингиздаги китобларнинг ярмидан кўпроғини сиз ёзган китоблар ташкил қиласди. Буларнинг ҳаммаси ўз соҳангиздаги тажрибалар умумлашмаси сифатида ёзилган дарсликлар, дастурлар ва ўқув режаларингиз. Улар ҳозирда энг керакли ва ўз вақтида ёзилган деб саналса, шогирдларингиз, талабалар фойдаланаётган булсалар, ўйлайманки бу китобларингиз кўп йиллар яна қанча ёш олим, шогирдлар, талабалар илмини бойитишга омил бўлади. Улар бу китобларни энг сара ва ноёб қўлланма сифатида ҳаётлари давомида фойдаланиб, сиздан мамнун бўладилар. Аллоҳ ўзи севган бандасини эзгу бир амалга машғул қиласди экану ва бу амалнинг ҳайрини, ҳидоятини ва барокатини берар экан. Сиз ана шундай азиз инсонсиз. Акажон бугун 70 ёшни қаршилаётган экансиз, сизга узоқ умр, мashaққатли ва шарафли касбингизга ривож, шогирдлар, фарзандлар, набиралар эҳтироми, оилавий хотиржамлик ва соғлик

тилайман. Биз ука ва сингиллар учун эса илдизи бақувват чинор бўлиб, кўп йиллар унинг соясидан баҳраманд бўлишликни Аллоҳдан сўрайман.

*Сиз бугун 70 ёш сарҳадларидан,
Ёруғ олам сари боқасиз мағур.
Биласизми, йўқдир бу давра аро,
Сизданда баҳтлироқ, сизданда масур.
Оқил халқимизда оқибат бордир
Кўксингиз безайди шараф ва шони,
Билинг сиз олимсиз, доно Ўзбекнинг,
Оллоҳ назар соган азиз ўғлони,
Улуғ ёшингиз Муборак бўлсин!*



Тухлиева (Эркаева) Махбуба Суюновна

*1958 йилда тугилган, СамДУ
филология факультетини 1980 йилда
битирган. Она тили ва адабиёт фанидан
дарс берган устоз, ҳозирда фахрий нафақада*

ФИДОИЙ ИНСОН

Сизнинг 70 ёшга тўлган кунингизда гувоҳ бўлиб турганимиз учун тангри таолога беҳисоб шукроналар бўлсин.

Сизнинг ёру-дўстларингиз ва яқинларингиз фараҳли оқшомида сизга самимий тилакларимизни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Искандар акам ҳақида ёзиш бир томондан жуда масъулиятли ва иккинчи томондан мароқли. Мароқлиси шундаки, у киши серфазилат, камтарин инсон, серқира олим. Масъулиятли томони эса кўпчилик у кишининг қандай инсон эканлигини яхши билади ва мен ёзган таърифларим тўлиқ бўлмагандай бўлиб қолади хаёлимда.

Акажоним улуғ инсон, моҳир раҳбар “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи” унвони соҳиби бўлган Суюн Тухлиевнинг ўғли деган шарафли номини тўлақонли оқлади. У киши қаерда,

қайси лавозимда ишламасин отасининг ўгитларига амал қилди. Фидойилик билан қилган меҳнатлари натижа бериб, ўз соҳасининг билимдони, серқирра олим, профессорлик даражасигача кўтарилиди, шогирдлар етиштириди. Эндиликда шу муборак ёшда ҳам олим тиниб-тинчимайди. Янги-янги дарсликлар, рисолалар ёзиб, ёш авлодга илм бериши билан машғул.

Искандар акамни нафақат Самарқанд вилояти, балки бутун республикамиз, қолаверса, чет эл олимлари ҳам яхши танишади ва тан олишади.

Олимлик иши игна билан қудук қазиш каби мاشаққатли меҳнат дегани. Бу соҳада тўхтаб қолиш, ўз устида ишламаслик мумкин эмас. Шундай экан, сиз ҳормай, толмай меҳнат қилиб, ҳузурини кўринг, доимо дўстларингиз, шогирдларингиз ардоғида бўлинг.

Қадрли ота ўрнида отам Акажоним! Сиз оиласизни каттаси сифатида ҳаммамизга ўрнаксиз. Меҳнаткаш, оқил, маслаҳатгуй ва меҳрибонлигингиз - булар ҳаммаси сизнинг сифатларингиз. Оилада беш фарзандни улғайтириш, тўғри йўл кўрсатиш, ўқитиш - булар катта вазифа ва масъулиятдир. Янгам билан биргаликда жуда кўп синовлардан ўтдингизлар, ғалабаларга эришдингиз, падари бузрук-воримизнинг орзуларини руёбга чиқардингиз.

Умуман оиласиздаги бешала фарзанд ҳам ота ва онамизни ўгитларига амал қилиб, сулоламизни давом эттиридик.

Оллоҳим сизни бизга бош қилган экан, доимо шундай шижаатли, қаттиққўл, адолатли бўлиб қолинг. Дилингиздаги барча эзгу ният, истакларингиз амалга ошсин ва биз сизга бунда елкадош бўлайлик. Сизнинг намунали ва ибратли ҳаёт йўлингиз бугунги ёш авлод ўз фаолияти ва самарали меҳнат қилишлари учун асосий мезонлардан бири деб қарасалар асло адашмайдилар.

Мен акажонимга ва ахли оиласига ҳамда барча яқинларига яратгандан мустаҳкам соғлик, шоду-хуррамлик, эзгуликлар тилайман. Бир умр халқ хизматида бўлиб, юрт фидойиси сифатида меҳнат қилган инсон ҳамиша ҳурматда ва эъзозу-икромда, шогирдлар ардоғида бўлиб қолаверади.

Мен сиз билан фахрланаман.

Ҳаёт бу нақд, чунки Аллоҳнинг насиясидан бошқа насияларга ишониб бўлмайди!

...*...

Ҳаёт бу меҳр, зеро, бирорга меҳр бермасдан меҳр кутиб бўлмайди.

...*...

Ҳаёт бу сехр, у инсонни ўзига шунчалик қаттиқ сехрлаб кўядики, уни ташлаб кетишга ҳеч кўзинг қиймайди...

...*...

Ҳаёт бу қаҳр, балки инсон унинг қадрига етиши учун у сенга вақти-вақти билан ўз қаҳрини кўрсатиб туради...

...*...

Ҳаёт бу ҳижрон, ҳаётда ҳижрон азобини кўрмаган одам кам бўлади...

...*...

Ҳаёт бу армон, шундай, чунки энг бой ва нуфузли одамларнинг ҳам армони бўлади.

...*...

Ҳаёт бу арzon... ха, агар унинг қадрига етмасанг, у жуда арzon!

...*...

Ҳаёт бу бойлик, факат моддийгина эмас, кенг қамровли бойлик...

Тухлиева Наргиза Искандаровна

Олий тоифали банк ходими, бухгалтер-иктисодчи

Инсон ҳуқуқлари ичида энг мухими отанинг ўз фарзадлари зиммасидаги ҳақлари, фарзанднинг ўз ота – онаси олдидаги бурчидир.

*Дунёда улуг инсон ота-онадир,
Улардан меҳрибон дилкаши йўқдир.
Фарзанди қувонса уларга баҳтдир
Ичига сизмасдан беҳад қувонар.
Меҳрин чексизлигин доим билайлик
Қалбига қувончлар тез-тез улайлик.
Улар кутган фарзандлик бурчин,
Чинаккам, дилимиздан оқлаб қўяйлик.*

Ота – она ҳар бир инсон учун жуда мўтабар ва эъзозли кишилардир. Ҳар бир фарзанд зиммасида ҳам ақлан, ҳам шаръян ўз ота –

оналарига яхши муюмалада бўлиш, уларга яхшилик қилиш, уларнинг розиликларида эришиш учун ҳаракат қилишлик ётади.

Дунёда ҳеч қандай чегарани тан олмайдиган ва қуёш каби муттасил нур сочиб турадиган сехрли куч бор. Бу – Ота Мехри! Дадажоним жуда меҳри дарё, ўткир илмли, катта олим. Бизни ҳам худди шундай билимли, илмли, меҳрли, тўғри сўз, адолатли ва садоқатли қилиб тарбиялаганлар. Ҳаммамиз олий маълумотли, олий тоифали мутахассислармиз. Ҳаётда дадамдан жуда кўп нарсаларни ўрганамиз. У киши олампарвар, меҳнаткаш, ўз устида кўп ишлайдилар, тинмай изланадилар. Мен ҳам қаерда ишламай, дадамдан олган билимим ва таълимим менга ас қотади. Дадамдан иқтисодчи сифатида, жуда кўп амалий ёрдам оламан, ёзган китобларидан фойдаланаман. Мен доим дадам кўмагига муҳтожман. Борингизга шукур!

Дадажонимни ҳамма ҳурмат қиласи. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. У киши кўп жойларда раҳбарлик лавозимларида ишладилар. Ҳамма жойда инсон манфаатини бош ўринда кўрдилар. Жонкуярлиги, халқпарварлиги учун халқ ҳурматига сазовор бўлдилар. Айни вақтда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ишлаб, талабаларига илм бериб, шогирдларига йўлбошли бўлмоқдалар. Шогирдларидан қанчалари илмий даражаларга эга бўлишиб, ҳозирда дадам билан бир сафда институтда дарс бермоқдалар. Буларнинг бари дадам туфайли, уларга берилган тўғри маслаҳатлари туфайлидир.

Ўзим ҳам талаба бўлганман, устоз ва талаба муносабатларини тўғри тушунаман. Улар дадамни яхши кўрадилар, чунки дадам ёзган дарсликлар ва қўлланмалар уларнинг қундалик ҳамрохи.

Вакт – бу умр, елдек учади
Сония, дақиқа, соатлар сари.
Умр ҳам ўтади, ҳаёт давомли,
Ўтаетган ҳар бир кунимиз каби.

Ўтса ўтаверсин, қувонинг ҳар дам
Гўзал яшайбсиз яшнатиб кўзни.
Ҳавас қилса арзир, ҳар бир онизга
Шукур қилинг муруватли дақиқаларга.

Саҳий дақиқалар берган қувончни
Гўзаллик, садоқат, баҳтли ҳаётни
Асройлик бир умр қилиб шукронга
Дадажоним, сизга бўлиб парвона.

Бугунги кунда дадам 70 ёшни каршилашибилар. Истардимки, дадам 100 ёшга киргандарида ҳам, шундай ёш ҳаракатчан шижоатли бўлиб, бизга бош бўлиб юришларини Аллоҳдан сўрайман. Фарзандларингиз, куёвларингиз набираларингиз, чевараларингиз қуршовида соғ-саломат юринг.

...*...

Ҳаёт бу ойлик, жуда кўпчилик учун айнан шундай, яъни ойликдан ойликкача яшашга ўрганиб қолишган...

...*...

Ҳаёт бу соғлик, лекин, баҳтга қарши, жуда кўпчилик соғлиғини йўқотгандан кейингина шундай эканлигини тушунади...

...*...

Ҳаёт бу китоб, агар ундан тўғри сабоқ олсанг, албатта.

...*...

Ҳаёт бу изтироб, чунки унинг инсонни изтиробга соладиган синовлари кўп.

...*...

Ҳаёт бу хитоб, кўпчиликни олға бошлайдиган хитоб!

...*...

Ҳаёт бу фойда, агар уни оқилона ва самарали яшасанг...

Тухлиева Нилуфар Исқандаровна
*Самарқанд давлат тиббиёт институтини битирган,
Олий тоифали шифокор-гинеколог*

“Ёзилган нарсалар авлодлар хотирасида қилинган ишидан ҳам узокроқ яшайди” (Амир Темур).

Амир Темур бобомизнинг бу муқаддас сўзларини бекорга келтирмаябман. Дадажон сиз ёзган китобларингиз, тузган қўлланмаларингиз, яратган дарсликларингиз, ҳали жуда кўп авлодларни тарбиялади, ҳаёт деб аталмиш заминда ақлларни чархлайди.

Дада... Бу сўз қанча илиқ ва ёрқин туйғуларни уйғотади. Чақалоқ эндиғина туғилганида, қўлларини биринчи бўлиб унинг ота-онаси тутади. Дада, сиз тутган кучли ва ишончли қўллари-нигзни ҳозиргача ҳис этаман. Айнан ҳис қиласман, қувонаман, чунки сиз суюнчиғимсиз.

Дадам Тухлиев Искандар Суюнович, билими кучли, заковат даражаси улуғ, зехни ўткир олим. Инсофли,adolatli, маънавий етуқ, меҳрибон, фидоий, вафодор, мақсади сари қатъий, чидамли инсон. У киши шундай тарифларга лойик. Ёшлигимизда оиламиз даврасида йиғилишсак ҳар доим ўзлариниг ҳаётида дуч келган воқеалари ҳақида сўзлаб берардилар. Бу зерикарли эмас, бу отамнинг ҳаётидан жуда қизиқарли воқеалар. Уни тинглар эканман, мен нимагадир ўзимни нафакат оиламнинг, балки, ўзимни миллатим ва тарихимнинг бир қисми каби ҳис этардим. Менда фахр уйғонади.

Отажон, сен борсан ҳаётимнинг мазмуни тугал,
Эзгулик, меҳр, қадр-қиммат ҳаммаси сенда.
Сен қуёшсан, зиёсан, кўқдаги ойсан,
Суюкли, меҳрибон азизим Отам.
Умринг узоқ бўлсин, саломат бўлгин,
Кўксимни тоғ қилсин шону-шавкатинг.
Шоду хуррамлик, омад ёр бўлсин
70 ёшга тўлган кунинг муборак бўлсин!

Дадажон, сиз мен учун жуда азизсиз, мен сизни жуда яхши кўраман. Ёшим нечада бўлишидан қатъи назар, мен ҳар доим сизнинг қизингиз бўламан. Сиз доимо дунёдаги энг ажойиб инсон бўлгансиз ва шундай бўлиб қоласиз. Борлигингиз учун Рахмат!

Тухлиева Раънохон Искандаровна
Иқтисодчи

“Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яшироқдир”

(Мухаммад С.А.В. ҳадисларидан)

Дадажон сиз ўрганган илм, йиллар заҳмати, на кун ва на ойларга, балким асрларга татигулиkdir. Сиз ўзингизга Илм тоғида улкан қоя яратдингиз. Бунинг соясидан биз фарзандлар, талабалар, шогирдлар жуда кўп йиллар баҳраманд бўламиз. Дадажон сизга бош эгиб таъзим қиласман. Бу улуғ етмиш ёшингиз билан сизни чин юракдан табриклиман. Шуни ҳам билишингизни хоҳлардимки, Сиз ҳар доим ақлимда, қалбимда ва дуоларимдасиз. Сиздек фахрли, ақлли ва улуғ инсонинг қизи бўлганимдан мағурланаман ва ғуурланавераман. Аллоҳим сизни ва аяжонимни ўзи асрасин. Мени бугунги кунларга етишимнинг сабабчиси сиз ва аяжонимдир. Рухим ва юрагим сизлар билан Аллоҳимдан сизга узоқ умр тилайман. Борингизга минг шукур дадажон.

Отец, сегодня праздник твой!
Сегодня -юбилей!
Мы собрались тебе сказать
Лишь о любви своей.

Ты холил каждого из нас,
Растил, учил как жить:
Не лгать, не мстить, не воровать,
Как надо жизнь любить!

Нотаций нам ты не читал,
Не попрекал ничем.
А лишь, как мог, так помогал,
Не досыпал ночей!

Воспитывал примером нас
Своим во всех делах!
И никого не обделял
Ни в чувствах, ни в словах!

Для каждого из нас готов
Всегда бывал совет,
Чтоб уберечь от дел лихих,
Соблазнов и от бед.

И прихотям не потакал,
А твёрдо говорил:
"Трудись, сынок! Работай, дочь!
Ведь всё в руках твоих!"

Трудитесь и воздастся вам!
По мере ваших сил.
Стояли чтобы на ногах
Об этом лишь просил.

Здоровы были чтоб, умны
И выросли людьми!
И в горе, радости, нужде
Друг другу помогли.

"Кто, кроме близких и родных
Ещё поможет вам?
Когда я буду далеко,
Вы будьте, как титан!
И чтобы крепче никого
За сотни миль от вас,
Вы этим сплавом стать должны
За каждого из нас!"

Да что там, папа, говорить!
Сбылись твои мечты.
Мы, твои дети, внуки, все
Сейчас к тебе пришли.

А кто далёко и не смог
Приехать в этот раз:
Ведь пандемия и запрет!
Та рядом, среди нас:
И весточку благую шлёт,
Жива, всё хорошо.
И просит папе передать
Вот это вот письмо.
А мы его читаем вслух
Огромным нашим скопом:
Живи, родной наш, сотню лет
И будь хранимый Богом!

...*...

Хаёт бу қоида, акс ҳолда, ҳаётда ҳеч қанақа тартиб бўлмас эди.

...*...

Хаёт бу хаё, агар шундай бўлмаганда эди, инсоннинг хайвондан фарқи қолмасди...

...*...

Хаёт бу зиё, чунки ҳаётда зиёга интилиб яшайдиганлар кўп...

...*...

Хаёт бу рўё, чунки, мақсадни нотўғри қўйсанг, умидларинг рўёга айланаверади...

...*...

Хаёт бу вокзал, айнан шундай, атрофингда ҳамиша тумонат одам, лекин ҳаммасининг борадиган жойи ва шошиладиган манзили бор.

...*...

Хаёт бу азал, чунки ҳаётинг сценарийсини Яратганнинг амри ила азалнинг котиблари битишади...

...*...

Хаёт бу масал, агар ундан хулосаларни тўғри чиқарсанг...

...*...

Хаёт бу нафас, чунки бу фоний дунёда инсон ҳаёти нафас олиш билан бошланиб, нафас тўхташи билан тугайди...

...*...

Тухлиева Малика Искандаровна
техник таржимон ва Менежер асистенти

Мен Тухлиева Малика Искандаровна. Дадамнинг энг кичик қизиман. Самарқанд давлат чет тиллар институтини битириб, чет элда ишлаб тажриба ортирган инглиз тили мутахассиси. Ҳозирда ПУ "SADE CGTH JSC" Инженерлик компаниясида, техник таржимон ва Менежер асистентиман.

Мен учун дадамнинг ақллари чексиздир. Болалигимдан дадамни ҳар доим сұхбатдошига сўзларини тўғри тушунтириб бериш ва етказиш қобилиятига ҳавас қиласдим.

Инсон муомаласи билан баҳоланади. Комил инсонда яхши сўз, яхши иш, яхши ҳулқ ва яхши маърифат бўлади. Ҳа, дадам комил инсон...

“Иложи бўлса инсон ҳар куни истаган бир ҳикматли сўзни ўзлаштириб олмоғи даркор” (И. Гёте).

Дадажон, сизнинг дунёингиз биз учун ҳикматли дунё. Ёшим нечада бўлишидан қатъи назар, сиз билан бирга эканман, шоир айтганидек, кунда бир сиздан бир ҳикматни ўзлаштиришни истайман. Ҳикмати чексиз дадажоним. Овқатланиш пайтида дастурхон атрофида география дарслари, йўлда машинада кетаётганда математик масалалар ва ечимлар, мамлакатимизнинг шаҳар ва вилоятлари янгиликлари, ўзгаришлари, шунингдек, дунёнинг бошқа мамлакатларининг маданияти ва урф-одатлари билан танишиш, мамлакатимизнинг тарихий, диққатга сазовор жойларига саёҳат ва ҳикоялари орқали тарихимизни ўрганиш. Ва ҳатто қийин вазиятларда яшайдиган бошқа одамларнинг имкониятларини ҳис қилишни сингдирганлар. Буларинг барчаси ўз самарасини берди ва отамдан менга берган тарбиялари учун жуда миннатдорман. Дадамнинг тарбияси менга фарзадларим учун ҳар томонлама етук она, ўз касбини ноёб мутахассиси (ҳатто чет элларда хам), жамиятда фойдали инсон бўлишимга ёрдам берди. Шу кунгача дадам ҳар доим изланишдалар, барча соҳаларнинг ривожланишини кузатадилар, жуда кўп ғояларга эгалар, уларни амалга ошириш стратегик режаларига бойдирлар. Дадамнинг келажакда бўладиган янгиликларнинг олдиндан кўра билиши мени бефарқ қолдирмайди.

Ҳа, дадам чин маънодаги устоз. Устоз – билим берувчи, илм ўргатувчи, мураббий раҳнамо. Мен Дадамни чин дилдан севаман ва шундай отам борлигидан Аллоҳимга шукроналар айтаман.

Дадажонимга узок умр ва сиҳат-саломатлик тилайман. Ишларида ва илмий ишларига фаровонлик, ойим билан баҳтли ҳаёт, биз фарзандлар ва набиралар ардоғида давру-даврон суришиларини ҳохлайман.

...*...

Ҳаёт бу хулоса, чунки ҳар бир ҳолатдан ва ҳар он хулосалар чиқаришинг керак...

...*...

Ҳаёт бу муроса, агар Аллоҳ бандасига шу сифатни бермаганида улар бир-бирларини жуда қийнаб қўйишган бўлар эди...

...*...

Ҳаёт бу чидаса, чидамаса, яшаш жуда қийин бўлади...

...*...

Ҳаёт бу кечса, чунки унинг қора жиҳатлари ҳам кўп...

...*...

Ҳаёт бу кўча, кимдир у ёққа юради, кимдир бу ёққа...

...*...

Ҳаёт бу қанча, ҳа, ҳаёт кимгадир қанча, кимгадир анча...

...*...

Ҳаёт бу орзу, чунки орзу тугагани ҳаётнинг мазмуни йўқолгани демак...

...*...

Ҳаёт бу туйғу, лекин фақат туйғуга ишониб яшаш тўғри бўлармикин?!

...*...

Ҳаёт бу қайғу, зеро, ҳаётимизнинг анчагина қисми қайғулардан иборат.

...*...

Ҳаёт бу инсон, чунки ер юзидағи мавжудотларнинг саиди инсон...

...*...

Ҳаёт бу виждон, зеро, агар дунёни виждонсизлар бошқарганида яшашнинг унчалик қизиғи қолмаган бўларди!

...*...

Хабибуллаева Шахзода Қахрамоновна
ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, набираси

“Инсоннинг энг яхии ҳислатлари ва гўзал фикрларини жамлаш, беқиёс хазина яратиш бўлур эди”
(Ж. Демель)

Ҳа, бугун бир хабарни эшитиб, бошим осмонга етди. Бобожон, 70 ёшга тўлганингиз муносабати билан, сиз ҳақингизда қилган ишларингиз, ёзган китобларингиз, ҳаётий фаолиятингиз хақида китоб яратилаётган экан. Мен ҳам ўз фикрларим билан қатнашишни, тилакистакларимни билдиришни ҳохладим. Биламан, сизнинг илмингиз, ёзган китобларингиз илм учун, биз ёшлар учун беқиёс хазина. Уни ўрганаверамиз, ўрганаверамиз асло тугамайди. Чунки сиз яратган хазина ҳар қандай олтину, дуру гавҳарлардан ҳам қиммат, бебаҳо. Унда сизнинг ҳаётингиз, меҳнатингиз тажрибаю натижаларингиз жамланган. Шу меҳнатларингиз туфайли мана шундай улуғликки эришдингиз, сиз ўқитувчи мураббий, кафедра мудири, жамоат аълочиси ва катта ҳарфлар билан ёзиладиган Профессор – Улуғ Устозсиз. Сизга ҳавас қиласман.

Сўрадилар, дунёда асли ким азиз,
Айтдилар, устоздир, устоз бегумон.
Тағин айтдиларки, азиз шубҳасиз
Устозни кадрига етолган инсон.

Азиз халқимизнинг бир нақлида, “Сен одамларга бир йил яхшилик қилмоқчи булсанг, буғдой эк, ўн йил яхшилик қилмоқчи булсанг, дараҳт эк, юз йил яхшилик қилмоқчи булсанг, таълим тарбия бер” дейилган. Бобом Тухлиев Искандар Суюнович ҳам худди шундай буюк эҳтиром эгаси, устоздирлар.

Бобомнинг ўз севган касби билан шуғулланиши ўзгача завқ, хурсандчилик, шижаот, рағбат ҳамда маънавий озуқа беради. Худди шу ҳислатларини кузатиб, менда устозлик касбига меҳр уйғонган. Бобом менинг ўқитувчилик касбини танлаш қарорини қабул қилишда илҳомлантирувчи шахсга айланди. Бу касбнинг эгаси бўлиб, бобомнинг изидан борищ, менинг асосий мақсадларимдан бири бўлиб қолди. Бобожонимдан нафақат касбий тарбияни, балки танлаган касбни севиш, ўз устида тинмай изланиш, янгиликлар яратиш кабиларни қолверса ҳаётни борлигича севишни ўргандим.

Бобом билан биз ёшлигимизда набиралар кўп вақт ўтказардик, мактаб боғида сайр қилганларимизда, бобом бизга кўп қизиқарли воқеаларни гапириб берардилар. Биз шу воқеаларни эшитиб хулоса чиқариб кўп нарсаларни ўргандик. Бобом менга

шахмат ўйнашни ўргатганлар. Бу билан бобом оддийгина ўйин эмас, балки, ҳаётда дуч келадиган қийинчиликларни енгиб ўтишни, сабр матонатли бўлишни, ҳар қандай вазиятда ҳам ақл билан иш юритишни ўргатганлар деб ўйлайман.

Бобом энг улуғ, ва мен учун энг азиз инсон. Раҳмат Бобожон. Менга ўргатган меҳрибонлик, донолик, садоқат, ҳалоллик, ростгўйлик, қатъиятлилик, адолатнинг барча сабоқлари учун, менга бўлган ишончингиз учун ташаккур. Азиз бобожоним сизга соғлик ва узоқ умр тилайман. 70 ёшингиз муборак бўлсин.

...*...

Ҳаёт бу ҳаёт, тўғри, ҳаёт бу ҳаёт...

...*...

Ҳаёт бу ижод, агар ҳаётга сал чуқурроқ назар солсак, озгина тафаккур қилсак, маълум бўладики, инсоннинг ҳар бир гапи, ҳар битта хатти-ҳаракати аслида ижоддан иборат!

...*...

Ҳаёт бу фарёд, зеро, ҳаётинг мобайнида ноҳақликлар, адолатсизликлардан фарёд қилгинг келадиган ҳолатлар жуда кўп марта юз беради!

...*...

Ҳаёт бу фарзанд, бу гап жамики жонли мавжудотга тегишли, негаки, фарзанд бўлмаса, ҳаётинг кемтик бўлади. Лекин фарзандни кимга беради, кимга бермайди – бу Аллоҳнинг ихтиёрида. Агар Яратган кимгадир фарзанд ато этмаса, бу ҳам ўша банда учун Аллоҳнинг синови...

...*...

Ҳаёт бу ёр, кимгадир инсон – ёр, кимгадир Аллоҳ – ёр...

...*...

Ҳаёт бу баҳор, чунки худди баҳорда барча ўсимлигу-тирик жон уйғонгани каби инсон ҳам ҳаётнинг зарбаларидан кейин ўрнидан туриб, гўё уйғониб, яна яшашда давом этади...

...*...

Ҳаёт бу қабр, афсуски, ҳаётда шундай ўйлайдиган вақтлар ҳам бўлади...

...*...

Олимнинг ёшлиги ва ҳаёт йўлидаги фото лавҳалар электрон шаклда илова қилинади.

**И.ф.д., профессор Тухлиев Искандар Суюнович рахбарлигига
номзодлик ва докторлик диссертацияларини химоя қилган ва химоя кишин арафасида
бўлган шогирдлари (2005-2020 йй)**

№	Ф.И.Ш.	Диссертация химоя қилган йили	Диссергация мавзуси	Гадиклан- ган йили
1	Утаров К.Т.	29.11.2005	Жанубий Қозоғистон машинасозлик корхоналарида товар номенклатураси менежментини такомиллаштириш. 08.00.05 – «Менеджмент»	18.03.2006
2	Каримова Ф.Н.	29.03.2006	Ўзбекистон Республикасининг минерал-хомашё салоҳиятини ривожлантиришда хорижий инвес тицияларни жалб килиш. 08.00.04 – «Микроэкономика»	20.07.2006
3	Синдаров Ш.Э.	06.10.2010	Тадбиркорлик фаолиятида инновацион жараён ларни кўллашнинг иктисадий механизмлари (Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мисолида) 08.00.03 – «Индустрiali тармоклар иктисадиёти»	07.02.2011
4	Сафаров Б.Ш.	09.07.2011	Минтакавий туризм хизмат бозорининг иктисадий механизмини такомиллаштириш 08.00.05. – “Хизмат кўрсатиш тармоклари иктисадиёти”,	28.12.2011
5	Амиридинова Р.С.	26.05.2012	Мехнат ресурсларини бошқариш асосида туризм соҳаси корхоналари ракобатбардошлигини ошириш. 08.00.05. – “Хизмат кўрсатиш тармоклари иктисадиёти”	29.11.2012
6	Рахимов З.О.	09.06.2012	Туризм дестинацияларида стратегик режалаштиришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш (Самарқанд шахри мисолида) 08.00.05. – “Хизмат кўрсатиш тармоклари иктисадиёти”	29.11.2012
7	Сафаров Б.Ш.	09.07.2016	Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асосларини тако миллаштириш, 08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармок лари иктисадиёти.	28.09.2016

8	Усманова З.И.	08.06.2018	Ўзбекистонда турристик – рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятари ва тенденциялари, 08.00.05 – 14.10.2018
9	Абдухамидов С.А.		Минтакавий туризмнинг ташкилий-иктисодий механизмини тақомиллаштириш, 08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иктисодиёти.
10	Аблакулов А.А.		Туризм хизматлари ракобатбардошлигини опиришда маркетинг карорларидан самарали фойдаланиш механизми, 08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иктисодиёти.
11	З.Б. Наврӯз-зода		Туристик худудлар негизида зиёрат кластерларини шакллантиришнинг ташкилий-иктисодий механизми змлари, 08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иктисодиёти.
12	М.Х.Хамитов		Меҳмонхона хўжалигида сервис фаолиятини риво жлантириш механизмини тақомиллаштириш, 08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иктисодиёти.
13	А.А.Абдувалиев		Туризм соҳасида геоахборот тизимидан фойдала ниш механизмларини тақомиллаштириш, 08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иктисодиёти.

**И.Ф.д., проф. И.С.Тухлиев 08.00.05-“Хизмат кўрсатиш тармоклари иқтисодиёти” ихтисослиги
бўйича илмий котиб бўлган даврида химоя қилинлар**

№	Ф.И.Ш.	Мавзуу	Химоя килган йили, даражаси ва ихтисослик	Илмий раҳбар
1	Н.С.Ибрагимов	Ўзбекистонда ҳалкаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини кўллаш	2008 йил, и.ф.н. 08.00.05	и.ф.д., проф. Б.Н.Наврӯззода
2	Г.М.Шодиева	Оила хўжалиги фаровонлигини оширишда ташкилий-иктисодий омилларни ва сервисни ривожлантириши муммомлари	2008 йил, и.ф.д. 08.00.05	и.ф.д., проф. М.К.Пардаев
3	З.Ю.Аминов	Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ўйлари	2009 йил, и.ф.н. 08.00.05	и.ф.д., проф. М.К.Пардаев
4	Д.К.Усманова	Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития	2009 йил, и.ф.н. 08.00.05	и.ф.д., проф. М.К.Пардаев
5	Н.Э.Ибадуллаев	Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарканд вилояти мисолида)	2010 йил, и.ф.н. 08.00.05	и.ф.д., проф. М.К.Пардаев
6	Б.С.Бердиёров	Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмати бозоридаги ўрни	2010 йил, и.ф.н. 08.00.05	и.ф.д., проф. Н.Тухлиев
7	А.Н.Холиқуллов	Мехмонхоналарда сервис сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарканд меҳмонхоналари мисолида)	2010 йил, и.ф.н. 08.00.05	и.ф.д., проф. М.К.Пардаев
8	И.С.Очилов	Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш ўйлари	2010 йил, и.ф.н. 08.00.05	и.ф.д., проф. М.К.Пардаев
9	Б.С.Бердиёров	Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмати бозоридаги ўрни	2010 йил, и.ф.н. 08.00.05	и.ф.д., проф. Н.Тухлиев
10	А.М.Сайдов	Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил килишни такомиллаштириш ўйлари (Самарканд вилояти мисолида)	2011 йил, и.ф.н. 08.00.05	и.ф.д., проф. М.К.Пардаев

11	Б.Ш.Сафаров	Минтакавий туризм хизмат бозорининг иктисодий механизмини тажомиллаштириш	2011 йил, и.ф.н. 08.00.05	и.ф.д., проф. И.С.Тухлиев
12	У.Р.Матъякубов	Экологик вазиятни инобатга олиб туризм самараадорлигини ошириш йўналишлари ва истиқболлари (Хоразм вилояти мисолида)	2011 йил, и.ф.н. 08.00.05	и.ф.д., проф. М.К.Пардаев
13	Р.С.Амридинова	Мехнат ресурсларини бошқариш асосида туризм хизматларининг ракобатбардошлигини ошириш йўллари (Самарқанд вилояти туризм корхоналари мисолида)	2012 йил, и.ф.н. 08.00.05	и.ф.д., проф. И.С.Тухлиев
14	З.О.Рахимов	Туризм дестинацияларидаги стратегик режалаштиришнинг ташкилий механизмини тажомиллаштириш (Самарқанд шаҳри мисолида)	2012 йил, и.ф.н. 08.00.05	и.ф.д., проф. И.С.Тухлиев
15	К.Д.Мирзаев	Агросервис хизматлари самараадорлигини оширишнинг методологик асослари	2012 йил, и.ф.д. 08.00.05 / 08.00.04	и.ф.д., проф. Ф.Х.Кудратов
16	Ж.Р.Ураков	Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самардорлигини оширишининг ташкилий – иктисодий механизмини тажомиллантириш (Самарқанд вилояти мисолида)	2012 йил, и.ф.н. 08.00.05	и.ф.д., доц. Б.Х.Тураев
17	Б.Ш.Сафаров	Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришининг методологик – услубий асосларини тажомиллаштириш	2016 йил, и.ф.д. 08.00.05	и.ф.д., проф. И.С.Тухлиев
18	Б.Ш.Махкамов	Глобаллашув ва иктисодиётни модернизациялаш шартнида уяли алока хизматларини самараали ривожлантириш	2016 йил, и.ф.д. 08.00.05	–
19	О.М.Пардаев	Махсулотларни саклаш ва сотиш хизматлари самарадорлигини оширишининг ташкилий – иктисодий механизмларини тажомиллаштириш	2017 йил, и.ф.д. 08.00.05	и.ф.д., доц. А.Ж.Туйчиев
20	О.Х.Хамидов	Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш бошқариш механизмини тажомиллаштириш	2017 йил, и.ф.д. 08.00.05 / 08.00.13	и.ф.д., проф. Б.Ю.Ходиев
21	М.Т.Алимова	Худудий туризм бозорининг ривожланишинг хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида)	2017 йил, и.ф.д. 08.00.05	и.ф.д. Б.Х.Тўраев

22	И.И.Эргашев	Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион – инвес-тицион жараёнларни ривожлантириш ва самара-дорлигини ошириш	2018 йил, PhD 08.00.05	и.ф.д., проф. Б.Б.Беркинов
23	Ю.П.Урунбаева	Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида ахоли турмуш даражасини ошириш истиқболлари	2018 йил, PhD 08.00.05	и.ф.д., проф. М.Мухаммедов
24	А.К.Альмов	Коракалпоғистон республикасида экологик туризмни ривожлантиришинг асосий йўналишлари ва истик-боллари	2018 йил, PhD 08.00.05	и.ф.д., проф. С.К.Салаев
25	Г.А.Салиева	Ўзбекистонда китоб савдосининг ривожланниши ва унинг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини оши-риш омиллари	2018 йил, PhD 08.00.05	и.ф.д., проф. М.К.Нардаев
26	Б.Б.Марданов	Хизмат кўрсатиш соҳасида ахоли банддигини ошириш	2018 йил, PhD 08.00.05	и.ф.д., проф. М.Мухаммедов
27	Д.И.Усманова	Повышение эффективности оказания торговых услуг сельскому населению	2018 йил, PhD 08.00.05	и.ф.д., проф. К.Ж.Мирзаев
28	З.И.Усманова	Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириши хусусиятлари ва тенденциялари	2018 йил, PhD 08.00.05	и.ф.д., проф. И.С.Тухлиев
29	Д.З.Норкулова	Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривож-лантиришининг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш	2018 йил, PhD 08.00.05	и.ф.н.доц. Д.Х.Асланова
30	Х.А.Рахимов	Мехмонхона хўжаликлиарида самарадорликни баҳолаш ва таҳлил килишини такомиллаштириш	2018 йил, PhD 08.00.05	и.ф.д., проф. М.К.Нардаев
31	Ф.А.Сафаров	Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини оширишда бизнес-жараёнлар реинжинирингининг услубий йўналишларини такомиллаштириш	2018 йил, PhD 08.00.05	и.ф.д., доц. М.Э.Пўлатов
32	Ж.Н.Абиеv	Миллий иктисодидётда туризм тармоғини ривож-лантиришининг ташкилий-иктисодий низмларини такомиллаштириш	2019 йил, PhD 08.00.05	и.ф.д., доц. М.Э.Пўлатов

И.С.Тухлиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгани
ијмий котиби, и.ф.д., профессор




Олимнинг студентлар олтин даври





Олим отаси ва укалари билан



Олимнинг онаси



Олим хорижий инвесторлар билан



Олим АҚШдан келган инвесторлар билан Ал-Бухорий зиёратгоҳида



Олим рафиқаси ва ўғли билан



Олим Халқаро туризм ярмаркасида



**Олим Халқаро ярмаркада кафедра профессор-ўқитувчиларининг
дарслик ва ўқув қўлланмаларини кўрсатмоқда**



Олимни Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимов тақдирламоқда



Олим “Ипак йўлида туризм” Тошкент халқаро туризм ярмаркасидаги фаол иштироки учун Туризм бўйича энг яхши ОТМ номинацияси ғолиби



Олим Хоразм вилояти, Хива шаҳрида илмий-экспедицияда, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор С.К.Салаев билан



**Олимга Миср Араб Республикасида малака сертификати
төширилмоқда**





Олим Миср Араб Республикасида малака оширишда



Олим дўстлари ва шогирдлари билан инновацион ярмаркада



“SAIDBEK TRAVEL” фирмасининг раҳбари Отабек Тухлиев Тошкент халқаро туристик ярмаркада хорижий турфирмалар билан келишув шартномаларини тузмоқда



Олим пахта даласида М.Хошимов ва шогирдлари билан



Олим Р.Хайитбоев ва магистрант шогирдлари билан



**Олим Самарқанд вилояти делегацияси билан Тошкент шаҳридаги
Наврӯз тантаналари иштирокчиси**



**Олим Устози Ўзбекистон қаҳрамони Ҳасан Нормуродовни
табрикламоқда**



Олим республиканинг етакчи олимлари даврасида



**Олим СамИСИ қошидаги илмий даражалар берувчи Кенгаш аъзолари
билин**



Олим институт ректори, олимлар ва шогирдлари даврасида



Олим шогирдлари даврасида



**Олим “Фароғат” маҳалласида. Маҳалла раиси ва унинг
ўринбосарларига маҳаллани ижтимоий-иқтисодий жихатдан
ривожлантириш бўйича маслаҳатлар бермоқда**



Олим Республика даражасида ташкил қилинган, давлат илмий-техник лойиҳалари доирасидаги “Энг яхши туристик маҳсулот” инновацион лойиҳа кўрик-танлови ташкилотчиси



“Сервис” факультетининг иқтидорли талабалари, магистрантлар ва мустақил тадқиқотчиларга Президент мурожаатномаси бўйича олимнинг маъruzасидан сўнг




**Олим шогирди, Зулфия мукофоти саврундори, Навоий давлат
стипендияси сохибаси Д.Бутаева билан**



Олим шогирдлари билан Қашқадарё вилоятида илмий экспедицияда



Олим дўсти полковник Фарход
Ҳамроев билан
**шогирдлари шилларини кўриб
чинмокда**





Олим “Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда табиий ва этнографик ресурслардан самарали фойдаланиш муаммолари” мазусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда нутқ сўзламоқда



Олим Япониядан келган делегация азолари билан



Олим рафиқаси билан



Олим шахсий кутубхонасида



Олим оиласи ва суюкли набиралари даврасида



Олим оиласи ва суюкли набиралари даврасида



Олимнинг Раъно қизи оиласи билан




Олимнинг Самарқанд вилояти Каттакүрғон шаҳридаги Ф.Э.Дзержинский номли №-1 сон саккиз йиллик мактабда ўқиб орган кезлари





Олимминг техникумда ўқиб юрган вактлари, дўстлари билан

Профессор И.С.Тухлиевга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган




Професор И.С.Тухлиевнинг малака ошириш, хорижий стажировкалар, халқаро форум ва симпозиумлардаги иштироки





Професор И.С.Тухлиевга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган диплом ва мактоб





Професор И.С.Тухлиев томонидан тайёрланган дарсликлар, ўкув кўлланмалар, монография ва лутгатлар

И. ТУХЛИЕВ, Е.Х. КУДРАТОВ,
М.К. ПАРДАЕВ

ТУРИЗМНИ РЕЖАЛАШТИРИШ



I. TUXLIYEV, E.X. QUDRATOV,
M.Q. PARDAYEV

ТУРИЗМНИ РЕЖАЛАШТИРИШ




I.S. TUHLIEV, R. HAYITBOYEV,
B.SH. SAFAROV, G.R. TURSUNOVA


TURIZM ASOSLARI



TOSHKENT









TURIZM: NAZARIYA VA AMALIYOT







М. А. Турсунова, Ш. Н. Замурадинов,
Н. С. Тухлиев

ПРОИЗВОДСТВЕННЫЙ МЕНЕДЖМЕНТ







МУНДАРИЖА

Муҳиддин Пўлатов Туризм илмий мактабини яратган олим (Сўзбоши ўрнида)	3
КИРИШ	6
<u>1-бўлим. ҲАЁТ ЙЎЛИНИНГ ЎЧМАС ЛАҲЗАЛАРИ</u>	12
Отамнинг ҳаёти – ибрат мактаби.....	13
Ёшлик – ҳаёт йўлини танлаш палласи.....	20
Раҳбарлик ҳам оғир юқ, илми бўлмаса кўтариш қийин.....	26
Ҳақиқий олимда илмга иштиёқ сўнмагай.....	29
Саҳоватли олим сершогирд бўлар, шогирдлари бор одам устоздир.	
Устоз отангдан улуғ.....	32
<u>2-бўлим. ОЛИМ УСТОЗЛАРИ ВА САФДОШЛАРИ НАЗАРИДА...</u> 49	49
Хасан Нормуродов Мехнатдан келган баҳт.....	50
Алишер Мардиев Илм-фанга садоқатини сақлаб қолган олим.....	53
Ёрқин Абдуллаев Ўз исмини оқлаб келаётган забардаст олим.....	55
Азамат Шамсиев Илмий мактаб яратган олим.....	60
Яхшинор Аллаёров Залворли умр зийнати.....	63
Нозир Ибрагимов Моҳир раҳбар, заҳматкаш олим.....	68
Мурат Иқрамов Устоз-брэнд.....	70
Бахтиёр Навruz-зода Иқтисодий комилликка эришган Тухлиев.....	72
Бахтияр Рўзметов Суюкли устоз, фидоий олим, юксак ташкилотчилик қобилиятли раҳбар.....	77
Мурод Мухаммедов Ибратга лойик ҳаёт йўли.....	79
Носир Махмудов Иқтисодчи олим, моҳир педагог — 70 ёшда.....	81
Рахматулла Ҳайитбоев Меросдаги асллилик.....	84
Тангриберган Дўстжонов Нуфузли илмий марказдан етишиб чиққан, ўз мактабини яратган салоҳиятли олим.....	89
Комил Ўразов Иқтисодиёт соҳасининг забардаст мутахассиси ва етук олими.....	93
Гулбахор Эркаева Илм-фанга бахшида умр.....	95
<u>3-бўлим. ОЛИМНИ ЗАМОНДОШЛАРИ ШУНДАЙ ИДРОК ҚИЛАДИ</u>	97
Кулмамат Мирзаев Ҳақиқий инсон, малакали раҳбар, иқтидорли олим И.С.Тухлиев 70 ёшда.....	98
Дилбар Аслanova Сермаҳсул олим ва иқтидорли раҳбар	101
Нодира Муродова Қалби зиёга маскан	104
Мамлакат Махкамова Устоз ҳақида ўйлар.....	107
Гулнора Шадиева Олим бўлсанг – олам сеники	110
Фотима Назарова Илмда тобланган олим	112
Маҳбуба Алиева	114
Санъатбек Салаев Илм-фан фидоийси, ўта масъулиятли инсон	116
Бахтиёр Хўжаёров Олиму устозу мураббий.....	118

Боҳодир Исроилов Ҳаёт тасодифлари	121
Абдумалик Бектемиров Илмга йўғрилган ҳаёт	123
Жахонгир Зайналов, Эркин Ходжаев, Баҳодир Ҳусанов, таянч докторант Мехрӯж Ҳамроев ва “Молия” кафедраси жамоаси Ёшлар камолига бахшида умр	130
Карим Ганиев Илм зиёкори.....	132
Комилхон Каттаев Камтарин ва кўнгли тоза забардаст олим.....	134
Абилкосим Абдуҳамидов Ибрат олса арзийдиган жонқуяр олим ва раҳбар.....	136
Алишер Эрназаров Доимо улуғидир устоз деган ном.....	139
Фарход Турсунов Талабчанлик, масъулиятлилик ва меҳнаткашлик ҳислатлари соҳиби.....	141
Косимали Толибов “Фароғат” маҳалла фуқаролари номидан ТАШАҚКУРНОМА.....	143
<u>4-бўлим. Олим Ҳақида Шогирдлар Эътирофи</u>	145
Нурали Ибадуллаев Меҳнат ва тартиб-интизом юксалтирган олим ҳамда устоз	146
Баҳодирхон Сафаров Фидойи устоз, забардаст олим.....	148
Олим Пардаев Устозлар сарвари.....	151
Машҳура Алимова Шогирдлари йўлини қуёш каби ёритган устоз....	153
Зафар Рахимов Азиз, фидойи устозим	155
Райхона Амриддинова Устозга эҳтиром шогирд зиммасидаги бурчдир.....	159
Зариф Аминов Устозларимизнинг табаррук ҳаёт йўллари.....	162
Зумрад Усманова Фидойи устозим.....	166
Жахонгир Абиев Устозга эҳтиром.....	168
Сарвар Абдуҳамидов Шараф сизга, олқиши сизга, таъзим сизга азиз устозим.....	170
Мубин Ҳамитов Устозим – ҳаётим чироғи.....	174
Атабек Алымов Чин инсоний ҳислатлар эгаси – меҳрибон устоз.....	178
Ислом Эргашев Азму шиҷоатли қалб соҳиби.....	179
Дилғуз Норкулова Тухлиев Искандар Суюнович.....	182
Азиз Бердимуродов Йўли ибрат, сўзи ҳикмат, қалби дарё устозим!...	183
Асрор Абдувалиев Азиз ва мўътабар устоз.....	186
Рахима Курбанова Илм майдонида эъзоз топган устоз.....	188
Юсуф Халилов Устозга ҳурмат.....	190
Умиджон Матякубов Замонамизнинг забардаст олими.....	192
Хайрулла Қаршибоев Заҳматкаш олим ва фидойи инсон.....	194
Бекмурод Олланазаров Жонқуяр ва талабчан устоз.....	196
Зухрали Абдулҳакимов Азиз устоз.....	199
Суръат Ташназаров, Жасур Қаххоров 70 йиллик айёмингиз муборак бўлсин.....	202
Тўлқин Мардиев ва Рустам Самандаров ва СамИСИ “Тилларни ўқитиш” кафедраси жамоаси Фанга фидойи ва эл ардоғидаги олим..	204

Шухрат Исломов Яхши устоз - мевали дарахт.....	207
Анвар Холиқулов Талабчан устоз.....	209
Абдинаби Мухамадиев Ибратли ва сабоқ олишга арзийдиган ҳаёт йўлига эга устозим 70 ёшда	212
Беҳзод Кўзибоев Хизмат кўрсатиш соҳаси дарғаларидан бири.....	214
Нигина Усманова Менинг устозим.....	216
Жонибек Махмудов Жонкуяр устоз.....	218
Дилмурод Хушвақтов Фан ва шогирдлар камоли учун энг фидой инсон.....	220
Абдулазиз Суяров Орзуларга маёқ бўлгувчи устоз.....	222
<u>5-бўлим. ЭЪЗОЗЛАГАН ЯҚИНЛАРИ ВА ҚАРИНДОШЛАРИ</u>	
ЭЪЗОЗИДА	225
Ирисбек Иватов Ўз элига садоқатли инсон ва илмдан баҳт излаган олим.....	226
Рахматилла Эргашев Забардаст олим ва садоқатли дўст	232
Толибджон Абитов Дўстим ҳақида сўз.....	236
Укташ Эркаев Серқирра ижод соҳиби.....	241
Собир Рахимов Тухлиев Искандар Суюновичнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан унга истаклар.....	243
Рустам Тогаев профессор и.с.тухлиевнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти тугрисида дустона мулоҳазалар ва истак, ниятлар.....	248
Матлюба Тухлиева (Нарзуллаева) Чинорим акам.....	251
Махбуба Тухлиева (Эркаева) Фидой инсон.....	255
Наргиза Тухлиева	257
Нилуфар Тухлиева	259
Раънохон Тухлиева	260
Малика Тухлиева	264
Шахзода Хабибуллаева	266
И.ф.д., профессор Тухлиев Искандар Суюнович раҳбарлигида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган ва ҳимоя қилиш арафасида бўлган шогирдлари.....	268
И.ф.д., проф. И.С.Тухлиев 08.00.05-“Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича илмий котиб бўлган даврида ҳимоя қилганлар.....	270

МАМАЮНУС ПАРДАЕВ, САРВАР АБДУХАМИДОВ

ИБРАТ ВА САБОҚ

**Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 16,75. Нашр босма табоғи 17,25.
Тиражи 150. Буюртма № 58.**

**«Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи»
босмахонасида чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**